



Ёш гвардия

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

Бош редактор:
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,
Эркин АЪЗАМОВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Фёдор КАМОЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Омон МАТЖОН,
Хайриддин СУЛТОНОВ,
Худойберди ТУХТАБОЕВ,
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,
Урие ЭДЕМОВА,
Ўткир ҲОШИМОВ.

(39)
1985
ЙИЛ,
МАРТ



ТОШКЕНТ
«Ёш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

ХАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Гоявийлик — адабиётимизнинг бош мезони	3
Бўри АЛЛАМУРОДОВ. Сафарбар сўз	13

КУТЛАЙМИЗ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ЗУЛФИЯ 70 ёшда Абдулла ОРИПОВ. Олий белги	6
Ойдин ҲОЖИЕВА. Масъуд онлар	10

НАСР

Нурилло ОТАХОНОВ. Шу ерлик киши. Қ и с с а	19
Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Тоҳир УСМОНОВ. Қаҳрамон- нинг сўнгги кунлари. Қ и с с а нинг охири	53

НАЗМ

ЗУЛФИЯ. Офтоб ерга тушди шодлик тергали	8
Қутлибека РАҲИМБОЕВА	17
Абдумажид АЗИМОВ	52

ПУБЛИЦИСТИКА

Еш депутатларимиз. Эл қизи.	16
Хуршид ДУСТМУҲАМЕДОВ. Темиртан даҳолар башо- рати	63
Муҳтарама УЛУҒОВА. Қиз боланинг шаъни	73

КЎПЧИЛИКҚА ҲАВОЛА

Қудрат ДУСТМУҲАМЕДОВ. Студент устозини имти- хон қилади	70
--	----

МУТОЛАА

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ. Ешлар билан суҳбат	66
--	----

СПОРТ

Музаффар юриш. Биринчи ўзбек гроссмейстери Георг- ий Аъзамов билан суҳбат	75
--	----

ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ. Ер айланади. Ҳ и к о я	78
---	----

МУҚОВАДА:

Биринчи ва тўртинчи саҳифаларни рассом
Т. ЖАМОЛИДДИНОВ ишлаган.



Ғоявийлик — адабиётимизнинг бош мезони



Зувчи — инсон калбиянинг куйчиси. У инсонни шарафлайди, миллионларнинг юрагидаги миннатдорликни, меҳнаткаш инсон нигоҳидаги ёлқинни, хазрати ишчи кўксидаги ҳароратни, журъатни, орзу-умидларни, қайнок далалар заҳматкашларининг устоз ва шоғирдлари дилида аланга олган ғайратни, гашаббусларни асарларига кўчиради. У меҳнат кишининг ёрқин образини чизади. Чизадигина эмас, уни қахрамон даражасига кўтариб, поэтик образлар талқинида халққа тақдим этади. Партия етук социализм даврида адабиёт ва санъат, айниқса турмуш тарзининг манбаларини, халқ турмушини ёрқин образларда ифода этишни ижодкорнинг энг муҳим вазифасидир, деб уқтирди.

Кўпмиллатли совет адабиётимизнинг куч-қудрати шундаки, у коммунистик ғоявийлик руҳи билан йўғрилган бўлиб, жонажон партиямизнинг буюк иродаси халқимизнинг тарихий ишларида рўёбга чиқмоқда. Бизнинг адабиётимиз коммунизм бунёдкори бўлмиш қахрамон совет халқи билан кондош ва жондошдир. У одамлар қалби ва онгига, хис-туйғулари ва фикр-ўйларига барақали таъсир ўтказиб, янги инсон дунёқарашини, унинг маънавий эстетик идеалларини шакллантиришда кўмаклашади, жамиятнинг маънавий хазинасини бойитади, ҳаётни идрок этишдагина эмас, балки уни қайта қуришда ҳам қудратли восита бўлиб хизмат қилади.

В. И. Ленин ўзининг машҳур «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида шундай деган эди: «Адабиёт иши — умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши керак, бутун ишчилар синфининг бутун онгли авангарди юргизиб турган ягона-яхлит катта бир социал-демократик механизмнинг «паррак ва винтчаси» бўлмоғи керак. Адабиёт иши уюшган, планли, бирлашган, социал-демократик партия ишининг таркибий қисми бўлиши керак».

Кўпмиллатли совет адабиёти буюк реалист Максим Горький, оташин революционер шоир Владимир Маяковскийнинг маҳорат мактабида камол топди, йўғрилди, тобланди. Социалистик реализм методини ижод байроғи деб билган сўз санъаткорлари мана ярим асрдан буён бирдай фаол ишлаб, ижод қилиб, партия ва ҳукуратимиз кун тартибига қўйган улғувор вазифаларни бажаришда ажойиб ютуқларга эришдилар. Адабиётимизнинг бугунги равнақи, ютуқлари, юксалиши биринчи навбатда партиямизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайлдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко СССР Ёзувчилар союзининг 50 йиллигига бағишланган юбилей пленумида сўзлаган нутқида ғоявий курулларимиз арсеналида энг муҳим ўрин тутган адабиёт ва санъатга юксак баҳо берди. «Бу адабиёт — халқ билан, партия, мамлакат билан ҳамнафас бўлиб яшаётган адабиётдир. Унинг саҳифаларида Ленин ва сафдошларининг, граждандар уруши ва биринчи беш йилликлар қахрамонларининг, Улуғ Ватан уруши ўлмас жангчиларининг улғувор сиймолари бутун борлигича намоён бўлади. Бу — марказида меҳнат аҳли ва меҳнат қўйнидаги инсон, синчков, изланувчи, фаол, актив социализм курувчиси турган адабиётдир. Бу — ўз замондошини, унинг бутун мураккаб ички дунёси ва маънавий изланишларини, унинг қувончлари ва ташвишларини, ҳақиқат ва адолатга интилишларини тушуниб, тасвирлай оладиган адабиётдир».

Совет адабиётининг жанговар отрядларидан бири бўлган ўзбек совет адабиёти ўзининг илк қадамлариданок олижаноб мақсадлар учун курашда Горький ва Маяковский, Фадеев ва Шолохов ажойиб тарзда бошлаб берган ишни муваффақият билан давом эттирмоқда. Буюк адабиёт арбобларининг маҳорати, изланишлари ўзбек ёзувчилари учун ўзига хос мактаб ролини ўтади. «Яша Шўро» ва «Байналмилал марши» билан улғу инқилоб ғояларини тараннум этган Ҳамза ва Садриддин Айнийнинг ватанпарварлиги, фидоийлиги ёзувчиларимизни илҳомлантирди. Абдулла Кодирӣ, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Уйғун, Сергей Бородин, Максуд Шайхзода, Ғайратӣ, Ойдин, Миртемир, Михаил Швердин, Собир Абдулла, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожон, Александр Удалов каби ёзувчилар ўзбек совет адабиётининг ажойиб намуналарини яратдилар. Уларнинг изланишлари энг аввало мамлакатимиз ва халқ ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга қаратилди. Ёзувчиларимиз замонавий мавзуларда романлар, кинелар, шеърӣ ва драматик асарлар билан бир қаторда тарихий мавзуда оригинал асарлар яратдилар.

Ягона, монолит кўпмиллатли совет адабиётининг таркибий қисми бўлган ўзбек совет адабиёти умумиттифок адабиёти хазинасига бошқа қардош халқлар адабиёти қатори барақали хисса қўшди. Ёзувчиларнинг I Бутуниттифок съезди вужудга

келтирган муҳитнинг мантикий оқибати сифатида ўзбек адабиётининг ўзи ҳам ҳозир интернационал адабиётга айланди. Бу адабиётни ўзбек ва рус, қорақалпоқ ва татар, корейс ва уйғур ҳамда бошқа миллат ва элатларнинг вакиллари иратмоқдалар.

Ўзбек ёзувчиларининг бир қатор асарлари Бутуниттифок китобхонларининг маънавий мулкига айланди. Бунда шубҳасиз рус ёзувчилари, танқидчилари, адабиётшуносларининг ҳам хизмати қатта. Н. Тихонов, К. Симонов, Г. Марков, В. Кожевников, Н. Грибачев, В. Озеров, А. Софронов, З. Кедрина, Ю. Суровцев каби етук рус ёзувчиларининг бегараз ёрдамни эътироф этмоғимиз даркор.

Республикамиз ўтган 60 йил ичида қўлга киритган ютуқларда сўз санъаткорларининг муносиб ҳиссаси бор. Қалам аҳллари халқ билан ҳамниша ҳамнафас бўлиб, халқ меҳнатини гаранум этдилар, янги ташаббуслар туғилган жойларга бориб, омма ҳаракатининг моҳиятини ўз вақтида таҳлил этдилар. Аини пайтда даврнинг долзарб проблемалари хусусида ўз вақтида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бундай актив ижодий фаолият, ҳамнафаслик ўзининг ажойиб самараларини бермоқда.

Аини пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ижодкорлар тараққиётимизга тўғанок бўлаётган иллатларга, турмуш тарзиниға зид бўлган барча носоғлом нарсаларга қарши муросасиз кураш олиб боришлари зарурлигини уқтирди. Адабиёт ва санъатимизнинг шу соҳадаги долзарб вазифалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига шу йил март ойида ижодкор зиёлилар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам аниқ-равшан белгилаб берилди.

Баъзан чуқур мазмунга эга бўлмаган ва ҳаёт юзаки тасвирланган сийқа, саёз асарлар ҳамон пайдо бўлаётганлиги билан муроса қилиб бўлмайди. Замонавийлик мавзуи адабиётимизда тобора етакчи мавзу бўлиб бораётганлиги яхши, аммо кўпинча у ҳозирги меҳнаткаш руҳиятига сингиб бормасдан, унинг ташвишлари ва орзу-умидларини, бой ички дунёсини чуқур билмасдан, юзаки хал этилмоқда.

Маълумки, воқеаларни, ҳарактерларни жозибали, хусусан ишонарли қилиб, тўла далилланган шаклда ифодалаш бадийликнинг энг муҳим талабларидан биридир. Бу ўринда Лев Толстойнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир. Бадий асардаги воқеаларни китобхон худди шу асардагидек бўлиши керак, бошқача бўлиши мумкин эмас деб тушунсагина, асар бадий қимматга эга бўлади, деган эди улуг ёзувчи.

Шундай экан, ҳозирги пайтда ҳақиқий ватанпарвар, ўз ишининг билимдони бўлган чин инсонгина санъатда бутун улугворлиги, маънавий бойлиги билан кенг қўламда акс этишга муносибдир. Бутун вужуди билан меҳнат аҳли орасидан чиққан бизнинг санъаткорларимиз учун бундан ҳам олижаноброқ, бундан ҳам илҳомбахшроқ вазифа йўқ. Давримиз ажойиб қаҳрамонларга бой, ана шу замондошларимизнинг яхлит, тўлақонли образини бадий бўёқларда ёритиш санъаткорнинг энг муҳим бурчи ҳисобланади. Ёзувчининг граждонлик позицияси ҳам худди шундан келиб чиқади. Дарвоқе, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, граждонлик позицияси ёзувчиларимиз ижодида асосий позиция бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Партиявий ёндашувгина замонамизнинг етакчи тенденцияларини ҳаққоний ёритишга ёрдам беради. Чинакам истеъдод эгаси ўзини ҳаётдан ажратиб қўймайди, воқелик безаб кўрсатилишига ҳам, салбий ҳодисалар сунъий равишда бўрттириб юборилишига ҳам йўл қўймайди.

Баъзан бадий асарларда замондошларимизнинг тўлақонли образини яратиш ўрнига омадсиз қисматлар, оилавий келишмовчиликлар, локайдлик сингари ҳоллар олдинги ўринга чиқарилмоқда. Ҳаётимиз ғоявий-сиёсий ва маънавий қиёфаси намуна бўла оладиган қаҳрамонларга бой. Улар биз билан ёнма-ён яшайди, меҳнат қилади. Кашфиётлар яратади, қўриқлар очади, мураккаб дастгоҳларни бошқаради.

Айрим ёзувчиларимиз замонавийликни бошқача талқин қилишади. Улар ўртамайна асарларни китобхонга тақдим этишга журъат этишади. Бундай қараганда улар ёзиб ташлаган асарлар беш йилликнинг улкан қурилишларида жасорат кўрсатаётган бунёдкорлар ҳақида ҳикоя қилади. Уларни ўқиб чиққанингда наҳотки, замондошларимизнинг маънавий дунёси шунчалик қашшоқ бўлса деб ажабланасан.

Асар қаҳрамонлари иш ўрнига нуқул баҳс юритишади, мажлисларда бир-бирларини аямасдан танқид қилишади. Амалий ишга келганда уларда намуна бўларлик бирор фазилатни, меҳнатсеварликни учратиш маҳол.

Ғоявий ва бадий жиҳатдан заиф асарлар мазмуннинг актуаллиги билан никобланмаслиги ва оқланмаслиги керак. Аини пайтда энг муҳим ва актуал мавзулар бадий жиҳатдан энг юксак маҳоратни талаб қилишини унутмаслигимиз лозим. Айрим ёш ёзувчилар нуқтаи назаридаги бир ғалати қараш жамоатчиликни ниҳоятда ташвишга солади. Уларнинг фикрича, замондошларимизнинг энг яхши фазилатлари аллақандай жисмоний заиф, рухий думбул қишларда мужассамланган эмиш. Буни Шароф Бошбековнинг «Тушов узган тулпорлар» драматик асарида кўриш мумкин. Асарнинг бош қаҳрамони ландовур бир йигит. Ҳамма уни тентакка чиқариб қўйган. Ўзи бундан ҳатто ғурурланади. Синфдошига томдан тараша тушгандай бўса сўраб мурожаат қилади. Қизининг ўз рақиб билан сўзлашиб турганини кўрганда «чаёни кўриб қолгандай» донг қотиб қолади. Совхоз директори, бўлим бошқарувчиси, агроном жамоат мулкни талон-торож қилиши билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Фақат ўша талба йигиту район газетасидан келган мухбир йигит бутун бир жиноятчилар гуруҳини фош қилади.

Бизда газета ва журналлар, нашриётлар, сахналар кўп. Уларда энг сара асарлар танлаб олиниб, эълон қилинади. Ёзувчиларимизнинг айримлари буни бошқача тушуниб, бир газета ё журналда, нашриётда ёки театр сахнасида «ўтмаган» ўз асарини кўтариб иккинчи нашрга ёки сахнага олиб боради. Лекин ҳеч бир матбуот, ҳеч бир театр сахнаси идеаларимиздан узок бўлган ғоясиз асарларга ўрин бермаслиги керак.

Баъзи ёшларимиз бўлса ҳаёлига келган ҳодисаларни ёзишдан тап тортмаяптилар. Ёш ёзувчи Салоҳиддин Сирожидиновнинг «Маржон» ҳикосини олиб кўрайлик. Онасининг нопоклигини фош қилган фарзандларини муаллиф меҳр билан тасвирлайди. Ҳаётда балки шундай ҳодиса учрар. Аммо уни типиклаштириш шартмикин?! Ўз фарзандларининг истиқболини ўйлаб ҳаётнинг ҳамма лаззатларидан воз кечган фидойи оналаримиз озми?! Ёш ёзувчи нима учун фидойи оналарни улуглаши мумкин эмас? Нима учун ҳаётда ондасонда учраб турадиган воқеани ҳикоя учун танлаб олди?

Айрим ёшларнинг асарларини ўқиганимизда, улар гарчи талантили бўлсалар-да, ҳали ҳаётни яхши билмасликлари яққол кўзга ташланиб қолади.

Мана бир мисол: Станислав Кулиш бошловчи ижодкор эмас. Унинг қаламига мансуб бўлган «Кўнгилхуш сайил» («Увеселительная прогулка») кинесасига ёшлар ҳаёти асос қилиб олинган. Молпарастилик, маънавий тубанлик, ахлокий масъулиятсизлик — ёзувчи ўз диққат-эътибори марказига шу масалаларни қўймоқчи бўлган. Ёзувчи маънавий колокликини қаттиқ қораламоғи, шундай одамлар устидан ўз ҳукмини чиқармоғи керак эди. Асарда биз бундай ҳукмини учратмаймиз. Айтилмоқчи бўлган фикрнинг ноаниқлиги қиссининг бадий жиҳатдан нотўғри тузилишига олиб келган. Жиддий муаммолар билан шуғулланувчи жиддий адабиёт ўз қонуни билан яшайди. Юзакилик, масалага ўйламай-нетмай ёндашиб воқеликни бузиб кўрсатувчи асар бизга ётдир.

Адабиётимиз учун энг хавфлиси ғоясизликдир. Умумхалқ ардоғи билан қуршаб олинган бадий адабиётимизда ғоясиз асарларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мамадали Маҳмудовнинг «Ўлмас қоялар» романида йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида газетамизда ўринли танқид қилинган эди. Унда тарихий кечмиш шарт-шароитлари реалистик тасвирланмаганлиги, ўтмиш ҳодисаларига ёндашишда айрим чалқалиқларга йўл қўйилганлиги, асар қаҳрамонлари қайси табақа, қайси ижтимоий гуруҳ вакиллари эканини билиб олиш қийин эканлиги айтиб ўтилган эди. Аммо роман ҳалига қадар қайта ишлангани йўқ.

Адабиётимизда бадий прозанинг тематикаси бой ва рангбарангдир. Ўзбек адабиётида атеистик мавзу азалдан ижодкорларнинг эътиборида бўлган. Ўзбек демократ шоири Муқимийнинг ажойиб сатирик асарлари шарнат пешволарининг ҳақиқий башарасини фош қилиб, улар никобини шафқатсиз юлиб ташлаган эди. Революционер шоир Ҳамаз ижодида бу мавзу янада ривожлантирилди. Илмий-атеистик тематика атоқли адибларимиз Гафур Ғулум ва Абдулла Каҳхор ижодидан кенг ўрин олган эди. Лекин нима учундир

hozirgi ёзувчилар ижодида бу мавзу сусайиб кетди. Нега энди hozir ёзувчиларимиз бу мавзунинг ёритишдан чўчийдиган бўлиб қолишди? Ахир, идеологик кураш тобора кескинлашиб бораётган hozirги пайтда шу мавзуда кенг қўламли, дадил ва теран асарлар яратиш ёзувчиларимизнинг мукаддас бурчи эмасми? Тўғри, адабиётимизда бу мавзу йўқолиб кетди деёлмаймиз. Чунончи Тоғай Мурод «Ойдинда юрган одамлар» кассасини яратди. Адабий жамоатчилик бу асар ҳақида ўз вақтида тегишли фикрини билдирди. Ёзувчи сўздагина эмас, амалда ҳам виждон амри билан иш қўриши, ўзининг барча интилишларида совет турмуш тарзининг энг яхши анъаналари учун кураш олиб бориши зарурлигини яхши билиб олиши керак. Эски урф-одатларга муккасида берилиб кетган, янгиликларни тан олмайдиган, янгилик руҳи билан яшамайдиган, бидъатга берилган кишилар ҳали ҳам йўқ эмас. Маълумки диний ақидалар жаҳолатни, колокликни тарғиб қилади.

Шеърятимизда жиддий сифат ўзгаришлари рўй бераётганини эътироф этмок қувончлидир. Шеърятимиз ёшлар ҳисобига янги қудрат, шиддат касб этди. Гражданлик оҳанглари баланд пардаларда қуйланмоқда. Шоирларимиз Бутуниттифок минбаридан шеър ўқимокда. Афсуски, юксак ғоявий мазмунга эга бўлган шеърлар каторида баъзан майда, мазмунан хира, мавжум шеърлар ҳам учраб туради. Мана, ёш шоир Рауф Парфининг қаламига мансуб бўлган «Мен ёлғизман, гулув, хаяжон» шеърдан олинган сатрлар:

«Ҳасрат кўксимга қуюлар,
Кўз ўнгимда бу ёруғ жаҳон
Мунгли кўшиқ каби туюлар...
Атиргулнинг қўллари синган.
Емғир ёғар, оғрир чуқур из.
Ҳаяжоннинг тили кесилган
Мен ёлғизман. Овозим ёлғиз».

Бу ниманинг оқибати? Нега истеъдодли шоир умидсизликка тушиб қолди экан? Ҳаққоний таҳлилдан узоқлашиб, зўр бериб бир-бирини макташлар, ҳаддан ташқари юқори баҳо беришлар оқибати эмасмикан?

Бундай мактовлар ҳатто истеъдодли санъаткорлар ижодига ҳам зарар келтиради. Шеърятимизнинг етук намояндаларидан бири Шукрулло «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган «Аср баҳси» поэмасида фан-техника революциясининг буюк ютуқларига лоқайд қарайди, ўтмишни, «арикка нонини оқизок қилиб еган» даврларни қўмсайди. Социал тараққиёт тез ривожланаётган, фан-техника революцияси бутун экономикамиз юксалишининг асосий омилли эканлигини нахотки муаллиф билмасми?

Кези келганда адабий танқидчилигимиз ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. «Танқидчиликнинг бурчи, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқидчилик ҳақида»ги қарорида, — hozirги замон бадий жараёнидаги ҳодисаларни, тенденцияларни ва қонуниятларни чуқур таҳлил этиб беришдан, ленинча партиявийлик ва халқчиллик принципларининг мустаҳкамланишига ҳар тарафлама қўмақлашдан, совет санъатининг юксак ғоявий-эстетик савияси учун курашишдан, буржуа мафқурасига қарши изчил кураш олиб боришдан иборат».

Масалага шу позициядан туриб ёндашганда адабиётимиз жонқуярлари бўлмиш танқидчилар шаънига жиддий эътирозлар билдиришга тўғри келади. Бизда баъзи танқидчилар фақат ўзлари танлаб олган ёзувчилар ҳақида фикр юритадилар. Айрим танқидчилар эса жиддий ижодий изланиш, чуқур тадқиқот ишлари олиб бориш ўрнига вақтли матбуотда илгари эълон қилинган адабий-танқидий мақолаларни тўплаб уларни қайчилайдилар-да, ўзларининг оригинал, ижод маҳсули сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Баъзан эса танқидчилигимиз адабий жамоатчилик, минг-минглаб ўқувчилар томонидан аллақачон эътироф этилган асарлар ҳақида, улардаги образлар халқ оммасининг сеvimли қаҳрамонларига, аниқроғи, идеалларига айланиб қолган персонажлари ҳақида ўринсиз фикрлар айтиб, ўқувчиларнинг эътиқолига салбий таъсир кўрсатмоқдалар.

Ривожланган социализмнинг мукамаллашиши жараёнида фаол иштирок этиш ҳар бир ёзувчининг бош вазифаси бўлиши керак. Филология фанлари кандидати Аҳмад Алиевнинг «Адабий мерос ва замонавийлик» китоби асосан 20-йиллар адабиётига бағишланган. Маданий меросни танқидий ўрганиш ва ўзлаштиришда ленинча кўрсатмага амал қилиш керак. Муаллиф эса ўша давр ёзувчиларининг (Фитрат ва Чўлпон) ижодига бир ёқлама баҳо берган. Автор ўз китобида кўпроқ уларнинг ижодий томонларини очишга, хизматларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу ерда гап жанрда, мавзуда эмас. Бу ерда гап ёзувчининг ғоявий замини ва дунёқарашидадир.

Адабий танқид партиянинг адабиёт ва санъат масалаларидаги йўлини изчил ўтказиб, талабчанликни чуқур одоб билан, талантга нисбатан эҳтиёткорона муносабат билан қўшиб олиб боришга даъват этилган. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, «Танқиднинг бурчи — жамиятимизга, идеологиямизга ёт фикрлар баён этилган, тарихий ҳақиқатдан чекинишга йўл қўйилган ишларга аниқ, партиявий баҳо беришдан иборат. Танқид бадий жиҳатдан заиф, туссиз асарларга нисбатан ҳам юзхотирчилик қилолмайди».

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми сафларимиздаги соғлом танқид ва ўз-ўзини танқид муҳитини кучайтирди. Мазкур пленум партия турмушининг ҳаётий ленинча ақидаларидан келиб чиқиб, мавжуд ҳатоларни тезда тузатиш, экономикамиз тараққиётига ғов бўлаётган кийинчиликларни, партия, совет, ҳўжалик ва жамоатчилик, ижодий органлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни журъат билан бартараф этишнинг аниқ ва тўғри йўлларини кўрсатиб берди. Бу эса ўз навбатида адабиёт ва санъатнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади, бадий баркамол, гражданлик эҳтироси билан йўғрилган янги асарларнинг вужудга келишига имкон яратади, албатта.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифок илмий-амалий конференциясида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда кўпмиллатли совет адабиётининг роли ва конкрет вазифалари кенг таҳлил этиб берилди. Марксча-ленинча дунёқараши, юксак гражданликни, социалистик Ватан учун фахрланиш туйғусини шакллантиришда, халқ турмушини янги маънавий дурдоналар билан бойитишда ижодкор зиёлиларнинг хизмати жуда катта эканлиги таъкидланди.

Ёзувчи ҳақиқат учун курашувчи, эзгулик жарчисидир. Адабиёт эса ҳаёт кўзгуси. Партия ва ҳукуматимизнинг шiori мана шундай. Ёзувчиларимиз КПСС XXVI съездининг, партия Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини актив амалга ошираётган бунёдкор халқимизга маънавий ёрдам беришга даъват этилгандир. «Халқ қаҳрамонлигини, жасоратини, меҳнатини тараннум этиш ёзувчилар учун ҳам фарз, ҳам қарз», деган эди буюк ёзувчи Михаил Шолохов. Ишончимиз комилки, коммунистик идеаллар тантанаси учун курашаётган адабиётимиз намояндалари давримизга муносиб асарлар яратадилар, замондошларимизнинг қаҳрамонона образларини тўлақонли ёритишда қўлларидан келган ҳамма ишни қиладилар.

(«Совет Ўзбекистони» газетасининг
1984 йил 23 декабрь сонидан)

Абдулла Орипов

Олий белги



Энг аввало, мухтарама Зулфия опамизни каттаю кичик адиблар катори мен ҳам чин дилдан муборакбод этаман. Зулфия опа деганда, дафъатан кўз олдимизда турфа чечаклар билан зийнатланган бир чаманзор намоён бўлади. Бу гулзор гўзал шеърятнинг муаттар бўйлари билан оролангандир.

Зулфия опа — Қахрамон; Зулфия опа — улкан жамоат арбоби, депутатимиз; Зулфия опа — мураббий; Зулфия опа — муҳаррир... Бу мўътабар рўйхатни тагин давом эттиравериш мумкин. Лекин, бу фазилатлар сарчашмасида Зулфия опанинг шоирлик иқтидори турар экан, бу иқтидор шоирамизнинг номини жаҳонга танитган олий белгидир. Зулфия опа суҳбатларида, мақолаларида ўзларини гоёда камтар тутиб, кам ижод қилганликларини чиройли бир надомат билан айтиб турадилар. Бу гаплар чиндан ҳам камтарлик ва самимият туфайли айтилган. Лекин гап миқдорда эмаслиги барчамизга аён-ку. Зулфия шеърятининг салмоғи унинг анча мураккаб йилларда ҳам чинакам поэзия сифатларига содиқ қола олганлиги билан белгиланади. Масалан, адабиётда схематизмга ўхшаш сохта оҳанглар авж олган йилларда Зулфиянинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган, чуқур инсонийлик билан сугорилган дардчил шеърлари яратилди. Бу шеърларга ўз вақтида бир оз ҳадиксираб қараган танқидчилар ҳам учраган. Балки ўша йилларда шундоқ ҳоллар бўлиши табиийдир. Лекин давр ва адабиёт тараққиёти шеърятимизни бугунги шонли йўлга — Зулфия ижодини безаб турган шеърини туркумлар йўлига олиб чиқди. Зулфия опанинг кейинги йилларда яратган шеърларида эса фалсафийлик гоёда теранлашиб бораётир. Бу каби фазилатлар поэзиянинг ўлмаслигини таъминлайдиган ноёб унсурлардир.

Ижодий сафарларда юрган пайтларимиз, қардош мамлакатлардаги адабий суҳбатлар чоғида жаҳоннинг энг атоқли шоирлари биздан Зулфия опамиз ҳақида сўраганларида, у кишига самимий саломларини етказишни илтимос қилганларида, Зулфия опадек ажойиб шоира, ажойиб инсон билан ҳамюрт эканлигиндан фахрланиб кетасан киши. Мамлакатимизнинг энг номдор адиблари Зулфия опага ҳурмат билан шеър бағишлаганлар ёки асарларида опанинг номларини кўп бора эҳтиром ила зикр этганлар. Бундай улкан сўз санъаткорлари қаторида Николай Тихонов, Мирзо Турсунзода, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Мустай Карим, Давид Кугултинов каби мумтоз сиймоларнинг номларини келтириш мумкин. Адабий давраларда Зулфия опага жуда катта меҳр билан боқиб, у кишини «шеърятимиз маликаси» деб атаб келадилар. Опанинг ҳаёт жасорати эса қанчадан-қанча қаламқашлар учун гўзал ва афсонавий ижодий мавзу бўлиб келаётир. Бу мавзуда кўплаб шеърлар, дostonлар, ҳатто сахна асарлари ҳам яратилган. Адабиёт вакилларига халқнинг бу қадар эъзоз-эътибори бежиз эмас. Мунис, меҳнатқаш, мушфиқ халқимиз ўзининг истеъдодли шоира қизини, ҳаёти садоқат ва вафо билан йўғрилган фарзандини албатта ардоқлайди-да.

Зулфия опамиз мана шу ҳурмат-эъзозларга тамомила муносибдилар.

Суҳбатларимиздан бирида мен опанинг кейинги шеърлари ҳақида қувониб сўзлаганимда, у киши: «Ҳа энди, ёшлардан орқада қолмай дейман-да», деб лутф қилдилар. Мен эса: «Йўқ, Зулфия опа, сиз шеърятимизнинг ҳамиша олдинги сафида эдингиз, бундан кейин ҳам шу олдинги сафида бораверасиз», дедим. Бу ўринда опанинг гаплари ҳаммамизга ўрнатилган камтарлик бўлса, менинг жавобим айни ҳақиқат эди.

Социалистик Меҳнат Қахрамони,
СССР Давлат мукофоти
лауреати, Ўзбекистон ССР
халқ шоираси ЗУЛФИЯ
70 ёшга

Ёрлик! Сен менинг
ҳалимнинг ёшларим ва
ушларим урғуси экан.
Менинг ушларим рў-
ёби сенинг зуммангда.
Биламан, сен олов қалб
ли, сенинг эътибори қаҳра
ҳалимнинг қаҳра қилгани
эгаси экан.

Ўзек асрларга оқийди
Ниллашдан бахрийман
сенга, Ёрлик!

Зулфия





Зулфия

**ОФТОБ ЕРГА
ТУШДИ ШОДЛИК
ТЕРГАЛИ**

**На гўзал
дамлар бу!**

Баҳор келяпти, уйғонмоқда дил,
Гуллардан ҳам тез!
Қанот топ, нигоҳ топ, кўпчимакда ер,
Елдан илдам кез!

Ана бош кўтарди мунис гунафша
Сўлу соғингда.
Борлиқни тўлдирган баҳорги нашъа
Сою тоғингда.

Шамолнинг бир қўли тортар далага.
«Мен саховат» дер,
Осмон гавҳарларин ортмиш жалага
Ховуч-ховуч тер!

Тупроқ бағрини туй, ол нур рўмолни,
Уч булут томон.
Сенинг ҳароратинг кессин шамолни,
Гулласин бодом.

Паға булутларнинг момиқ қўйнидан
Симиргин ёшлик.
Кўёшнинг ҳар нурын қучиб бўйнидан
Жон олсин тошлик.

Чигитлар очилган тупроқ қатига
Ҳар йилгидан мўл,
Тошлар ҳам жўр бу йил инсон аҳдига,
Гул очмоқчи чўл.

Тошдан ҳам, ердан ҳам, уруғлардан ҳам
Баҳорга чанқоқ,
Инсон бор! У, борки, сен ҳам бой, кўркам,
Кела қол тезроқ!

Эй, дил!

Эй, дил! Севинчингни шоҳ байтларга сол,
Бундай онлар ёниб куйламай бўлмас.
Дўстлар меҳмон бўлиб келди!

Бу висол
Гуллари сўлару, нурлари сўнмас.

Ҳамманинг кўзида юлдуздаги нур,
Диллардай чашмада сув ҳам жилвали.
Меҳмону мезбонда бир ёрқин сурур,
Офтоб ерга тушди шодлик тергали.
Бутун республика бўлиб бир оғуш
Азиз кишиларга қалбин очибди.
Кексаларда ғурур,

ёшлар кўнгли хуш,
Оҳулар кўзидан уйқу қочибди.
Қардошлик қўшиғин, висол шодлигин
Борми эзгулигин билмаган одам!
Бу — бағри бутунлик, дил ободлиги,
Дил ободлиги бу — беқиёс олам.

Азал-азаллардан умид қўр ташиб,
Дилларни ёритди битта шамчироқ,
Ушанда ҳам йўллар, тақдир туташиб,
Бир-биримиздан зарра кетмадик йироқ.

Беқиёс олам бу-тақдир бирлиги,
Тарих қатларида ётган ғазаллар.
Эллар заковатин бу — тириклиги,
Бу — ёндош из солиб кетган азаллар.

Сўнгра Россиядан балқиди қуёш,
Халқлар, луғатига кирди бахт сўзи.
Майсадай шу нурга эл кўтарди бош,
Ковуштирди барин рус халқи ўзи.

Бу янги оламда юрт ҳам, дил ҳам кенг,
Тақдир бир, меҳнат бир, орзулар янги.
Қай ер, қай тил, қай дил, очса бир оҳанг,
Ҳаммамиз шод этар унинг жаранги...

Шу буюк Ватаннинг ҳамма уйида
Қадим қардошликнинг байрам висоли.
Сизни халқ кутмоқда:

Чашма бўйида
Баҳра кутган ташна жайрон мисоли.

Ҳар чоқ қулф билмаган дарбозамиздай,
Ҳар шаҳар, ҳар қишлоқ қучоғи очиқ.
Меҳрлар дилларнинг дурдонасидай
Сиз кирар қалбларга беўлчов сочиқ.

Сиз юрган йўлларга тўшалар гуллар,
Гуллар узра юринг,
Сўлсалар сўлсин.
Дўстлик қуйилмаси бўлсин туйғулар,
Меҳру садоқатнинг ўти сўнмасин.

Тунни севмай қўйдим...

Тунни севмай қўйдим,
Бир сирни туйдим.
Ҳар тун узиб кетар умримдан бир кун.
Томчи тома-тома кўл бўлгандек лим,
Олиб кетиши рост умримни бутун.

Севмай қўйдим тунни,
Севмайман тунни.
Бутун вужуд бўлиб кунни кутаман.
Нафис шафтолининг гулидай нурли,
Шаффоф нафасига юзим тутаман.

Бу нафас — гўдакдай уйғонган майса,
Бу — кузда маст-аласт чайқалган буғдой,
Бу — қуёш уфқда хиёл жилмайса,
Олтин замзамада жилваланган сой.

Бу — орзу сингари чексиз водийга
Ҳокими мутлақдай чиққан ҳар деҳқон.
Ҳосил фалсафасин етиб домига
Тупроқни олтинга айлантиргич жон.

Мен тонгни севаман,
Тонгдаги ўйлар
Мени одамларга кетади бөшлаб.
Яратишга тўла, мен тушар ўйлар,
Дала-қирни қучсам қулочим ташлаб.

Кўксим яйраб кетар кўлнинг сатҳидай
Ундан қўшиқ учар оқ кабутардай.
Тонгги ер нафасин тўймай ичаман,
Ўттиз ёшли жувон шайдо дилидай
Хаёл етган ерини кезиб чиқаман.

Тонг отмоқда, шошил,
Ахтарма, кавшинг.
Дафтаринг топмасанг,
Дилинг очиб бор,

Тонг — сенинг шодликка тикмачоқ кашфинг —
Яна бир набира — иссиқ кафтга ол!

Ўн саккиз ёшли...

Боғлари бўларди мевали, гулли,
Бодом бор, анор бор, олма, шафтоли.
Нозик таъб, шеърга ўч Она гул қўлли
Яшнатган гулзор бор эрам рухсорли.

Паранг этақларин илиб тиканлар,
Ўсарди танҳо қиз капалаксимон.
Қўшни қизлар аро бўйи етганлар
Қизда қўзғатарди гоҳ рашик, гоҳ гумон.

Ўйларди:

Тўлмайди ўн саккиз ёшга,
Шоирлар шеърида ўтар куйланмай.
Юзин ўхшатмайди ҳеч ким қуёшга,
Севги оловида куймайин, ёнмай...

Бирдан юрагида очилди беҳишт,
Ундан пинҳон ёниб,

ошкор яшнади.
Илк севги қалбида портлаб, уриб ниш,
Жаннату дўзахга бирдан ташлади.

Иккисин талошин ёнди ўтидан,
Жизгиниб, ўртанди, музида қотди,
Ўн саккиз ёшини алам кучидан
Билмас: қачон топиб, қачон йўқотди?..

Ўйламасди!

Бир жуфт сайёрасимон
Тун юлдуз эдилар,
кундузи қуёш...
Уруш ямлаб ютди
бирин нақ тўфон,
Икки жон-чун яшар
Бир ўн саккиз ёш...





Ойдин Ҳожиева

МАСЪУД ОНЛАР



Мен уни юрагимда шеър куртаклаган кезлари топгандайман. Кенг пешонали, жайрон кўзли, сочлари чиройли турмакланган мулоим нигоҳли сиймо — Зулфия «Салом сизга, эркпарвар эллар!» деган хитоби билан мени сеҳрлаб олган эди. Барча қизиқувчан, содда, беғубор ўсмирларга ўхшаб унга ҳавас қилганман, хаёлан хатлар битганман. Уни бирор марта кўриш насиб этармикан, деб орзулаганман. Мен ўша тилакларимни бугун ёш йигит-қизларда кўраман. «Саодат» журнаliga келаётган даста-даста мактубларда, машқ сатрларида шу истак балқиб туради.

Балки бу толенинг тансиқ бир тўхфасидир: шоиранинг адабиёт ва ҳаёт ҳақидаги ўгитларини тингладим, у билан бирга журнал редакциясида ёнма-ён ишламоқдаман.

Зулфиянинг шеърляти, шахсияти, унинг шўҳрат ва халқ меҳрига чулганган умри нега бу қадар мафтункор? Шу ҳақда кўп ўйлайман.

Ноёб чашмаларнинг сувидан бир ҳовуч ичсангиз, таъми оғзингизда қолади, қайта-қайта унинг зилолидан баҳраманд бўлсам, дейсиз. Зулфия поэзияси шундай чашмага ўхшайди. Ундаги бахтнинг олий замзамаси сизни юксакларга олиб учади. Инсон дардини ларзали, портловчи лаҳзалари қалбингизни остин-устун қилиб юборади. Бахтини ўзингизники каби қабул

қиласиз, бошингиз қувончдан айланиб кетади. Дардидан маҳзун хаёлларга ботасиз-у, лекин аста-аста жонингиз исий бошлайди, унинг кечинмаларида «яшай бошлайсиз». Юрагингизнинг аллақерларида ёнмаган чироқлар ногоҳ порлаб кетади. Жаҳонингиз ёришади. У куйлаган дардда некинлик, ҳаётга, одамларга муҳаббат бор. У — сизнинг ҳам қачондир кечирган ғалаёнли дамларингиз ифодаси. Ҳижрон кечаларида унинг сувратига топиниб, шеърларидан таскин топган, матонат дарсини олганлар бу шоирани «Саодат куйчиси», деб эъзозлайдилар. Зулфия лирикасидаги тоза самимият, ростгўйлик, ўқувчини беҳад ҳурмат қилиш туйғуси бениҳоя кучли, шу боис муҳаббат ҳақида у не деса, ҳаммаси ярашиқли. Унинг қалами сўйлаганларга ўқувчи ишонади, ўзиники каби ўзлаштиради.

Бир пайтлар «Меҳру ишқинг» номли туркум лирик шеърларимни тинимсиз эълон қила бошладим. Улар орасида майда, ўткинчи, маҳдуд ҳис-туйғулар ифодаси бўлганлари кўп эди. Бир нечасини «Саодат»га ҳам олиб келдим.

— Биласизми, Ойдинжон, шеърдаги туйғу бир лаҳзаллик, оний бўлса ҳам, у узоқ йиллар башорати бўлиши зарур. Катта, ёрқин гапларни қоғозга туширмақ даркор. Шеър зинҳор бир киши учун ёзилмайди. У фақат ўз «ҳасратнома»ннгиз бўлиб қолса, бу энди поэзия эмас-да! Нўноқлик бу... Хафа бўлманг, сизга тўғриси мени айтмасам, ким айтади? Сильва Капутянни ўқинг. Кимларнингдир изтиробни, ўйлари, ўртанишини хаёлингизга пайванд қилиб юбормасангиз, у кўпчиликнинг дардига айланолмайди. Инсон келажак учун яшайди. Меҳнат қилади. Шеър эса олдинда юриши керак. Яшашга, меҳнат қилишга, йўлда учраган машаққат ва тўсиқларни енгиб ўтишга ўргатиши лозим!

Бу гапдан кўнглим оғримади, аксинча, жуда зарур масъалатни устоздан ўз пайтида эшитганим мени атрофлича фикрлашга ўргатди. «Етти ўлчаб, бир кесадиган» бўлишга ҳаракат қила бошладим.

Шеърлят инсондан кучли маънавиятни, бардошу чидамни талаб қилар экан. Шошмашошарлик, ёзилган нарсанинг сиёҳи қуримасдан туриб, нашрма-нашр югуриш аввало ижодкорнинг ўзи учун зарар келтираркан. Шоиранинг шеър дафтарида кўзим тушганда шу маънода катта бир ибрат кўраман. Мажлисларнинг президиумлари, ишхона, шифохоналар, саёҳатларда битилган шеърлар. Оддийгина идора дафтарида қайта ёзилган, ўчирилган, тузатилган, устидан чизик тортилиб, саҳифа орқасида қайта тикланган, дафтар ҳошияларига тизилган бандлар... У шеърлар бошланган кундан нуқта қўйилган вақт орасида баъзан йиллаб масофа ётади. Ниҳоят, шеър оққа кўчирилади. Шунда шоиранинг чарақлаб кетган кўзларида ҳали илҳомнинг олови, файзи мафтункор бир жозиба бағишлаб турганини кўп кўрганман. Бундай кунлар у: «Юринглар, шеър ўқиймиз», дейди. Барчамизни хонасига таклиф этади... Шеър! Сен бунча моҳир элчисан! Бунча дилкаш суҳбатдошсан! Бунча қадрдон дўстсан! Зулфия опа янги шеърини ўқиган кезлари оҳанрабо хушҳаво кайфият кезади ишхонамизда. У шеър ўқиб бўлгач, имтиҳон олдидаги ўқувчидай ҳаммамизни беҳад камтаринлик билан кузатади, фикримизни сўрайди...

Қулоғимда унинг «Рашк» шеърисидаги мардона, самимий саволи жаранглайди:

Халқ қалбидай бир гўзал шеърга
Етармикан ҳеч қачон кўчим!

Қанийди, бу савол ҳаммамизнинг ҳам дилимизда бот-бот такрорланиб турса! Шунда биз эълон қилаётган шеърлар орасида хом-хатала, икки қатра сувдек бир-бирига ўхшашлари камроқ бўлармиди...

Ҳар бир ўқувчи қалбида бир шоир яшайди. Ҳар бир инсон ўзича шоирона оламга эга. У қўлга қалам олиб, бирор сатр шеър ёзмаган эса-да, адабиётни, сўзни нозик тушунади. Шунинг учун ҳам бундай мухлисларга ҳар қандай пала-партиш тизмаларни тақдим этиш одобдан эмас. Бу масъулиятсизлик ва ўзини иззат қилмасликдир. Масъулият, талабчанлик — санъ-

аткор учун бош мезон. Зулфиянинг матбуот юзини кўраётган асарлари мана шу ақидага биноангина нашрга тавсия этилади.

Хизмат юзасидан, ҳам бурч эътиборан кўпинча ёш шоирларнинг асарларини устоз билан биргаликда ўқиймиз. Биринки сўз билан шеърнинг руҳи, йўналиши ўзгариб, қақнаб кетади. Кўтлибека, Мухтарома, Дилбар Ҳамзахўжаеванинг туркум шеърларини тайёрлашда шундай қақнаб кетган мисраларга гувоҳ бўлганман.

— Мана бу шеърни мен шоира сифатида қабул қиламан. Лекин, редактор сифатида — йўқ. Образлари жуда чиroyли. Аммо жуда маҳзун, ғамгин. Уқувчига, халққа тақдим қилинажак шеърларни зийрак кўз билан таҳрир этиш зарур. Шоир аввало ўз Ватанининг бир фарзанди. Курашчан граждани. Унга сўз айтиш ҳуқуқи берилгани — мислсиз шараф. Катта жавобгарлик ҳам. Сен билан сукунатда яккама-якка қоладиган китобхоннинг синчков кўзларини унутмаслик керак! Албатта, китобхон энг яқин сирдош, дилдош, лекин унинг олдида майдалашиб кетмаслик керак, — дейдилар Зулфия опа ҳар галги суҳбатларида. — Гинаю аразлар, ишқий можароларни элга дoston қилверишдан тийилиш даркор. Ёшлардан граждонлики талаб қилверинг. Ҳар бир босилган шеър ижод йўлини танлашда сабоқ бўлсин. Менинг шундай шеърларим борки, уларни ўқисам, ўзимга ачиниб кетаман. Уларни ҳеч кимга кўрсатганим ҳам йўқ... Ишларман... Кейин зълон қиларман... — Унинг кўзларида хаёл титрайди. Боқишларидан шеърини олов тафти живирлагандай...

Шундай дақиқаларда унинг Ҳамид Олимжон билан бирга тушган суврати кўз ўнгимда жонланади. Палак. Палакнинг кашталари чодир-чаман. Ҳамид Олимжон оппоқ кителда. Бир кўлини тиззага тираган. Мағрур, хиёл жилмайган. Ижоди, ҳаёти барк уриб гуллаган, камолот ёшида. Гўё ҳозир гумбурлатиб шеър ўқий бошлайди. У билан елкама-елка атласдай сочлари силлиқ таралган, навнихолдай Зулфия турибди. Хаёлчан. Масъум. У сўзининг инжа хаёлларига фарқ. Рафиқининг овозини тинглаётгандай.. Шу нозик елкаларга қулаган ҳижрон тоғи қанчалар залварли эди! Даҳшатли эди! Бу баҳайбат, қора ҳижрон тоғи юк кўрмаган елкаларни эзиб ташлай олмади! Бу ғам-андўҳ билмаган соз кимдан қувват олди? Бу елкаларга қандай улуғ қудрат мадад бўлган эди?

Бахтиёр севгини куйларди созим,
Улим ханжарига тегдию синди.
Ҳижрон фарёдидай совуқ овозим.
Наҳот, лириканинг ёлқини тинди!

Зулфиянинг таянч тоғи — халки, устозлари, сафдошлари, дўстлари. Унинг бардоши «Куйман-у, бўлмайман адо», деб ёзганида қанчалар ҳақ, қанчалар севимли, қанчалар ардоқли...

Устознинг Г. деган бир ёш шоира шеърларини таҳлил қилаётиб: «Булул бир бора айтилди. Кейин, ёшларини биринчи шеърданоқ йиғлашга ўргатмайлик», деган ўғитини катта ҳаётнинг, катта синовлардан ўтган мардон бардош танбеҳи, деб билганман.

Шоира ёшлар шеърятини диққат билан ўқийди. Уларнинг кашфиёт даражасидаги гўзал мисраларини қайта-қайта такрорлашни ёқтиради:

«Мақсуда Эгамбердиеванинг китобчаси чиқибди. Уқидим. Тасвирлари бирам нозик. Гаплари лўнда-лўнда. Майин қалами менга жуда ёқди. Мириқиб ўқидим». Яхши шеър ўқиганида ҳаяжонланиб кетади у. Умуман, ёш авлод билимдон, катта нафас билан келаётганидан суюниб гапирди.

Ёзувчилар союзида шоиранинг дўстлари, сафдошлари, шогирдлари йиғилишди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилгани муносабати билан қутлашди. Шунда Зулфия опа ёш ижодкорлар ҳақида шундай қимматли фикрлар айтдилар:

— Мен совет ёзувчиларининг бахтиёр авлодига мансубман. Мен кириб келган адабиётда Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳқор, Шайхзода, Уйғун, Собир Абдулла, Ғайратий, Миртемир каби сўз заргарлари тер тўкиб меҳнат қилаётган эдилар. Усмон Носир, Амин Умарий, Султон Жўра, Зафар Диёр каби таниқли шоирлар билан бир сафда хизмат қилганим — менинг бахтим. Ана шу эътиборли, янги, курашчан адабиёт майдонида устозларим, дўстларим меҳрига суюниб, ишониб ижод қилдим, камол топдим. Менинг ишончимга, меҳримга устозларим, дўстларимнинг бирортаси заррача раҳна солган эмас. Устозларнинг ҳар сўзи бизлар учун муқаддас бўлган. Уларнинг мақтовини, сийловини ҳам,

койишини ҳам жон деб тинглардик. Биз улардан энг яхши анъаналарни ўзлаштирдик, улар йўлини давом эттирдик. Устозлар билан шогирдлар, бугунги ёшлар ўртасида шундай яқинлик, меҳрибонлик, давомийлик бўлишини истайман.

Мен ўзим кўтарилган ҳар бир зинада устозлар назари барҳаёт деб ҳис этаман. Бугунги ёшларга ҳам шу туйғу ҳамроҳ бўлишини истайман.

Устозлик шогирд шеърларига «оқ йўл» ёзиб бериш, матбуотда чиқаришда ўмаклашишгина эмас. Бир томонлама бундай ёрдам шогирдни мўрт қилиб қўяди. Зулфия опа мақтовини ҳам, тўғри маслаҳатни ҳам аямайди. Яхши шеър билан кўринган шогирди сатрларини фахр билан такрорлаб, кўзлари билан эркалашни ёқтиради: «Умри узоқ бўлсин!» Онага ўхшаб юракдан алқаб қўйишни ҳам билади.

«Нега Хосият жимжит бўлиб кетди? Хат ёзинг, шеър сўранг», дейди безовталаниб. Мақсуда Эргашеванинг «Эзулқиннинг оппоқ қушлари» шеърини қайта-қайта ўқиб, севинч билан таъкидлайди.

«Айтилмаган кўшиқ» деган бир баллада ёзган эдим. Устозга ўқишга бердим. Жуда хафа бўлдилар: «Мен бундай шеърни ёзиб ҳам ўтирмасдим. Халқ — қаҳрамонлик манбаи. Ҳар қандай оғир шароитда у бир мушт каби бирлашади. Фавқуллода куч-қувватлари жўш уради. Сиз эса, эрини қута-қута ўзини ҳовузга ташлаган иродасиз аёлни тасвирлабсиз. Бўлгандир. Лекин, бу — тасодиф. Халқ оғзидаги нонини фронтга юборган. Жангчиларни руҳлантирган. Хотинлар, қизлар канал қазган. Бола боққан. Кийим-кечак тикиб аскарга жўнатган. Ҳаётнинг оловини сўндирмаган. Бу шижоат, бу жасорат қани? Шоир буюклидан илҳом олиши, қаҳрамонлики юксак меърожида қуйламоғи — қарз». Уша кўшиқ «айтилмаганича» қолди.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Оғир дамларда инсон яхши-ёмоннинг, оқу қоранинг фарқига етади. Машаққатли кунларимда доимо Зулфия опанинг меҳрибон кўлини ҳис қилганман.

Бундан ўн беш йил аввал «умрим фойдага» қолган. Қаттиқ-қийин кунлар ўтиб, ўзимга келгач, врач Людмила Петровна Шиманская сўраб қолди:

— Зулфиянинг қариндошимисиз?
— Йўқ... Шогирди бўламан.

— Устозинг бундай жонкуярини кам кўрганман. Устозингизнинг меҳри ҳақи омон қолдингиз...

Шундагина бошимдан кечган бетобликнинг бутун даҳшатини Зулфия опа сўзининг қудратини англадим. Шоирлик Инсон учун қайғуриш, инсонга ҳаёт бахш этиш, мушкул чоғларда унинг қаддини тиклаб қўйиш ҳам экан... Шоиранинг «Ҳамма билан бор менинг ишим», деб ёзганлари замирида қанчалар меҳру оқибат мужассам!..

Зулфия опа шодлигини ҳам, қайғунини ҳам ўзиникидай тез қабул қилади. У инсон тақдирига бефарқ, лоқайд қаролмайди. «Ҳа, энди бир кўнглига келиб, хат ёзибди-да», деб қўл силтаб қўйиш у кишига бегона. Яқинда Зулфия опани Қаҳрамонлик юдузи билан қутлагани сўлимгина бир аёл кириб келди: «Неварангиз Баҳриддинжонни дадасига топшириб, сизни табриклагани келдим. Оиламиз номидан Сизга гул келтирдим, опажон!» Опа бениҳоя шод бўлдилар. Бу шодликнинг боиси — Мавлудахонни бахтиёр кўрганлари, унинг севгилиси билан қовушиб, бахтиёр турмуш кечириётгани... Мавлуда кўнгил қўйган йигитнинг кўзи ожиз эди. Тасаввур қилинг, бундай ҳолларда тўрт мучаси соғ қизнинг фидойилигини тushунмайдиганлар кўплаб топилади. Икки ёш Жиззахдан тўғри Зулфия опанинг уйига келишди. Шоира уларга самимий сўз билан, доно маслаҳатлар билан тегишли ташкилотлар орқали ёрдам берди — бахтли оила вужудга келди. Энди бу оилада жасоратли севги ниҳоли Баҳриддинжон улғаймоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Онасидан айрилган қизчага она бўлиб, хасталик чангалидан азоб чекаётган аёлга шоира: «Менинг севимли Дилоромгинам!» дея ҳамшира бўлиб малҳам сўзларини битади. Шунда у инсон сифатида юксалиб кетади. Шунда, баъзан сендан бир оғизгина илиқ сўз кутиб, кўзи йўлда жовдираб турганлар олдида ўзингни хижолат сезасан киши...

Ижтимоий фаолият, кўпчилик учун ўзини аямай меҳнат қилиш шоир шахсини етук, олижаноб қилади. Жамиятнинг актив курашчисига айлантиради. Бунини Зулфия опанинг редакторлик фаолиятида яққол кўриш мумкин.

«Саодат» журналида янги ишлаш бошлаган чоғларим. Навбатдаги номерни тайёрлаб, босмахонага топширдик. Бир пайт ҳаммамизни редактор хонасига чақиришди. Зулфия опа хурсанд: «Раҳмат! Бу номерни тайёрлашда ҳамма ходимлар виждонан ишлади. Кўнгил тўладиган ҳамма материаллар кўп бўлди. Кейинги номерда ҳам шундай ғайрат тилайман!» Бундай қувончли кунлар ўшандан бери кўп такрорланди. Ходимлар таҳриридан ўтган материаллар ҳошиясига қайд қилинган бўлади: «Ташаккур!» «Барака топинг! Яхши таҳрир қилибсиз!» «Сиз бундан тузукроқ таҳрирга қобилиятлисиз. Яна бир кўрасизми?» «Нега саёз асарга ўз имзоингизни раво кўрасиз?»

Мен унинг иш юзасидан аниқ-тиниқ маслаҳатларини, масалани тез ва оқилона ҳал қилишини яхши кўраман. Ундаги иш интизоми, маданияти, муомала-муносабатдаги назокат, принципиаллик, куйди-пишдилик шоиралигига кўрк қўшади. Таҳрирда эса сўзини, меҳнатини қизганмайди.

— Ойдин опа Собирова, шоир ўз сўзини қизганмаслиги керак, у яна янги-янгиларини топади, дегувчи эдилар. У киши журналимизга редакторлик қилган даврларда бизни шунга ўргатганлар. Мухаррир зиммасига асар учун ҳам, автор тақдири учун ҳам жавобгарлик ҳаммадан кўра кўпроқ тушади. Яхши таҳрир асарни бойитади, — деб кўп айтадилар Зулфия опа бизларга.

Умуман, матбуот этикаси, журналистика маданиятида Зулфия опа ўзига бениҳоя талабчан. Бирор газета ёки журнал редакциясига иккинчи нусхада асар топширишни одобга хилоф билади. У редакция ходимлари билан ҳамфикр ишлашни яхши кўради. Холисона фикр-истакларни бажонидил қувониб қабул қилади. Урнига тушган таҳрирлар учун ташаккур айтади. «Қалам урмасдан чиқарасиз», деган сўзини эшитган эмасман.

Эсимда, «Шарқ юлдузи» журналига бир туркум шеър бериб, «фикрингиз бўлса, бемалол айтинг. Кишининг нуқси четдан яхшироқ кўринади», дедилар устоз кўнғироқ қилиб.

**Кийганим, ипакми, читми ё зарбофт,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқталаб унда ҳар сабоқ.**

«Биринчи сатрдаги «зарбофт» сўзини «кимхоб»га айлантир-сак-чи», деб фикр билдирдим. Хурсанд бўлдилар: «Жуда яхши. Учинчи сатрдаги офтобга ҳам яхши қофия экан». Шундай

қилиб, бу сатр «Кийганим ипакми, читми ё кимхоб» бўлиб қолди. Устознинг бу гўзал шеърда менинг ҳам битта сўзим борлиги билан фахрланиб юраман. Жаҳонга машҳур шоирнинг бу камтарлиги ҳозиргача ҳам асло ўзгарган эмас. Камтаринлик унга улуғлик ҳам бахш этиб туради.

Зулфия опа шахсиятидаги барча қирралар борлиғича асарларига кўчган. Шоира Светлана Сомова: «Зулфияда ўзбек халқининг бутун назокати, эзгу феъли жамулжам», деб таърифлайди.

Зулфия шеърятти яхши инсонларга Ватан бўлган тупроққа қасида. Унинг ёзганлари эзгуликка тўла ёруғ оламнинг кўшиғи. Унинг ғурури, сурури, бутун изтиробни, дардлари, куюнчи, суюнчи, осуда хаёллари, долғали туйғулари балқиб ётган бетакрор ижодиёти халқимиз меҳнати, ҳаёти, келажанинг ажралмас бир парчаси. Унинг бедорлиги, беоромлиги, илҳоми, ижрони, ўчмас муҳаббати — ўз халқининг юрагига, томир уришига ҳамоҳанг. У ўқувчиларига, шогирдларига, унинг номи, шухрати билан дунё кезган Ўзбекистонга кўп байрамлар бахш этди.

Тошкент шаҳридаги Композиторлар кўчасидаги чоққина боғ ҳовли. Бунда ҳаёт қайнайди. Шеър туғилади. Неваралар кунба-кун камолга етади. Ҳамид Олимжон ўз қўли билан ўтказган дарахтлар ҳар баҳорда чаппор уриб гуллайди. Бу хонадонга дунёнинг турли бурчакларидан табрикномалар, хатлар, дил сўзлари оқиб келади. Катта-катта адабий анжуманларда номдор ёзувчилар, шоирлар бу меҳмондўст хонадон дастурхони атрофида жам бўладилар. Олима қизи Ҳулкар ҳам, келини Риояхон ҳам меҳмоннавозлик билан хизмат қилдилар. Тўрда — Зулфия опа дўстлар жамолидан, юрагидан қувват олиб беҳад бахтиёр. Ёнидаги стулда (бу Ҳамид Олимжоннинг ўрни) энг азиз меҳмон одатий кунларда эса ўғли Омонжон ўтиради. Жажжи Темурбекни кўтариб набираси Лола чарақлаб келади. Ҳар байрамда шундай. Ҳар сафарги қувончли дақиқаларда шундай. У дўстлари йиғилган кунларни дунёга бергусиз саодат, дейди. Шеър ўқиган, шеър тинглаган дамларини масъуд онлар, дейди.

Шеър тинглаган масъуд онлар!

Бу дамларнинг умри узун бўлсин! Узингиз айтганингиздек, умр вафо қилса, ёзилажак шеърларингиз кўп, жуда кўп. Сиздан шеър тинглаган масъуд онлар бардавом бўлсин, менинг Меҳнат, Шеърят, Садоқат ва Муҳаббат Қаҳрамоним!



Бўри Алламуродов,

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий
Комитетининг биринчи секретари

САФАРБАР СЎЗ



Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлари билан ўзбек совет адабиёти ўртасида кўп йиллардан буён дўстона ҳамкорлик алоқалари мавжуд. Бугунги адабиёт замон билан ҳамнафас қадам ташламоқда.

Биз ажойиб тарихий кунларда яшаяпмиз. Республикамиз XI беш йилликнинг ҳал қилуви палласига қадам қўйди.

КПСС XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ҳамма жойда қизгин тайёргарлик кетаяпти. Ўзбекистон меҳнат аҳли республика ва унинг Коммунистик партияси ташкил топган куннинг олтмиш йиллик шонли санасини баланд руҳ билан, ҳар қачонгидан ҳам жипслашган ҳолда кутиб олди.

КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўқис қўллаб-қувватлаётган комсомол-ёшлар Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш учун, ер юзида барқарор тинчликни сақлаш учун ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлида қизгин кураш бораётган ҳозирги кунларда ёш аводнинг ғоявий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришдек муҳим ишда адабиёт ва санъатнинг тарбиявий аҳамияти айниқса кучайди. СССР Ёзувчилар союзининг юбилей Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко алоҳида таъкидлаб ўтганидек: «...жамиятимиз олдида турган вазифалар ҳусусиятининг ўзи совет зиёлилари барча отрядларининг ижодий куч ва ғайратларини сарфлашлари учун ҳақиқатан ҳам чексиз имкониятлар яратади. Улар фаолиятининг формалари ва

йўналишлари ниҳоятда хилма-хилдир. Аммо уларни бирлаштириб турган қандайдир муштараклик ҳам мавжуд. Мен зиёлилар жамоатчиликлари онгига, жамиятнинг маънавий турмушига ўтказадиган ғоят катта таъсирни назарда тутмоқдаман. Ленин таълим берганидек, буни партия сиёсатида, унинг идеологик ва ташкилотчилик ишида ҳамisha ҳисобга олиш керак».

Шунинг учун ҳам яқинда бўлиб ўтган «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари асосида ривожланган социализмни янада такомиллаштириш ва партиянинг идеология соҳасидаги вазифалари» мавзусидаги Бутуниттифоқ илмий-техник конференциясида адабиёт ва санъат воситаларидан меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун яна ҳам унумлироқ фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама қилингани бежиз эмас. Худди шунингдек, КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партиявий раҳбарликни янада яхшилаш ва унинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида ҳам комсомол ташкилотларида ривожланган социалистик жамиятимизга муносиб граждандарни тарбиялаш борасидаги йўл-йўриқлар муфассал кўрсатиб ўтилди. Кўришиб турибдики, маънавий баркамол ёш авлодни вояга етказишда биз барчамиз халқ олдида, партия олдида, келажак олдида бирдек масъулмиз.

КПСС XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг кейинги қарорларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми ҳужжатларида ижодий союзлар ўзларининг серқирра фаолиятларида адабиёт ва санъатнинг коммунистик қурилиш жабҳаси билан алоқасини янада мустаҳкамлашга эътиборни кучайтиришлари лозимлиги таъкидланган эди. Дарҳақиқат, бугунги кунда ёш ёзувчи партиянинг ғоявий солдатидир: у бутун мамлакат ташвиши билан, Коммунистик ёшлар союзининг ўй-хаёллари билан яшайди, ривожланган социализмни такомиллаштириш ишида фаол қатнашади, халқлар ўртасида бузилмас дўстлик ва тинчлик барқарор бўлиши учун тинмай курашади. Адабиётга эндигина кириб келаётган ёшлар учун бу ленинча талаб айниқса муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида қарор қабул қилгандан буён адабиёт ворисларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва унинг комсомол ташкилотлари ҳаётидаги ролини кучайтириш учун кўпгина ишлар қилинди. Биргаликда бир қатор тадбирлар, яъни талантли номларни юзага чиқариш ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилди.

Бизнинг ёш ижодкорларимиз ўзига хосликка интилиши, ўз овозини топиш учун тинмай изланиши билан диққатга сазовордир. Ёшлар даврасида Усмон Азимов, Муҳаммад Солиҳ, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон каби шоирларнинг, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов, Ғаффор Ҳотамов каби носирларнинг асарлари юзасидан қизгин, лекин фойдали баҳслар бўлиб туради. Уларнинг ижодида совет адабиётининг энг яхши анъаналари — юксак гражданлик, замонамизнинг туб муаммолари моҳиятини топишга интилиш, социалистик турмуш тарзимизни улўғлаш, бадий маҳорат белгилари намоён бўлмоқда.

Республикамиз ёзувчилар ташкилотининг сафларига ҳар йили кўплаб талантли ёшлар кириб келяпти. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина ёш қаламкашларнинг 58 қиссаси чоп этилди. Уларнинг кўпчилиги адабий уюшмаларда, жумладан, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қошидаги «Илҳом» клубида ижод сирларини ўрганмоқдалар. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи ташкил топгандан буён ўтган 50 йил ичида ижодий иқтидорга эга ёшлар ҳеч қачон ҳозиргидек барқ уриб яшнамаган эди.

Ўзбек совет адабиёти оқсоқолларининг ёшлар билан ижодий дўстлиги ҳам самарали мева бермоқда. Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек каби бадий сўз усталари ҳам ўз вақтида талантли ёшларнинг бутун бошли бир авлоднинг вояга етказган эдилар. Бугун ўша шоғирдлар устозлар анъанасини садоқат билан давом эттирмоқдалар. Чунончи, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров Жиззах область ёш ижодкорларига мураббийлик қилаётган бўлса, Ҳамид Ғулом ва Одил

Ёқубов Андижон, Фарғона, Сирдарё областларининг ёш ижодкорларини оталиққа олишган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Комил Яшин ва Зулфия, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Уйғун, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Тўлепберган Қайнберганов, Александр Удалов ҳам қимматли маслаҳатлари билан ёш қаламкашларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Адабиёт даргоҳига олтинчи-етмишинчи йилларда кириб келган кўпгина истеъдодли ёшлар бугунги кунда китобхонларнинг сеvimли адиблари бўлиб қолдилар. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Улмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Нормурод Нарзулаева, Эътибор Охунова, Гулчеҳра Жўраева ва бошқалар янги-янги асарлар билан ўқувчилар меҳрини қозонмоқдалар. Уларнинг издошлари бўлган «қалдирғоч»лар эса ўзбек совет адабиётининг ажойиб эстафетасини муносиб давом эттиришяпти. Бу ижодкорларнинг келгуси ишларида, замонамизга ҳамоҳанг асарлар яратишларида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлиги унвони илҳомбахш маёқ бўлаётир. Комсомол мукофотлари лауреатлари ижодининг бош мезони — мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг муҳим жабҳаларини санъаткорона акс эттиришдан иборат.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва жойлардаги комсомол комитетлари иш фаолиятлари давомида асарларида давримизнинг ҳақиқий маънавий бойлигини ифодалаган илғор ғоялар учун актив курашувчи қаҳрамонлар яратишга интилаган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш учун куч-ғайратларини аямаядилар. Тўлақонли асар яратиш учун таланти бўлишнинг ўзигина камлик қилади. Бунинг учун муаллиф ўз қаҳрамонининг эртанги порлоқ кунга ишончию интилишларини ҳам юракдан сеза билиши керак. Яна шу нарсани ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари деган юксак унвонга сазовор бўлгач, баъзи бир адибларимиз ўз ижтимоий фаолигини сусайтириб юбормоқдалар, ёшлар меҳнат қилаётган коллективларга онда-сонда бормоқдалар. Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас, бу ҳолни ҳеч қандай узрли сабаблар билан оқлаб бўлмайди. Биз бундан кейин ҳам ёрқин асарларни фаол гражданлик позицияси билан ишончимизни оқлаётган ёш ёзувчиларимизни қўллаб-қувватлаш.

Ёш ижодкорлар катта авлод вакилларидан доимо қайноқ турмуш кучоғида бўлишни, партия билан, Ленин комсомоли билан, халқ билан елкама-елка коммунистик бунёдкорлик йўлидан боришни ўрганадилар. Бироқ, ёш ёзувчилар ҳаёт мактабини ростакмига ўрганиш учун ҳали жуда кўп камчиликлардан қутулишлари, жуда кўп тер тўкишлари керак. Баъзан долзарб ҳаётнинг масалалар бу ёқда қолиб, турмушимиз учун му்தлақо ёт бўлган арзимас икир-чикирлару иродасиз, ланж-мижғов қаҳрамонлар ҳам учраб туради. Ёшлар шеърятда эса ҳамон тўқима андух, асосиз ёлғизлик, ўринсиз ғам-ҳасрат мотивлари кўзга чалинади. Ёшларнинг айрим асарларида замондошларимиз образи бечораҳол, ўқувчининг раҳми келадиған қиёфада тасвирланади. Уларнинг бирортасидан ҳам ўрнат олиб бўлмайди, фақат уларга ҳамдардлик билдириб қўя қолишгагина мумкин, холос.

Павел Корчагин — совет ёшларига абадий ўрнат қаҳрамон сиймосидир. Унинг ўлмас образи ёш ёзувчилар учун адабиётда партиявийлик ва гражданлик руҳини ифодалашнинг ажойиб тимсолидир. Худди шундай ўзбекистонлик қаҳрамон комсомоллар — Абдулла Набиев, Майна Ҳасанова, Зебо Ғаниева, Елена Стемпковская ва бошқалар ҳақидаги асарларни ўқувчилар сабрсизлик билан кутмоқдалар. Қолаверса, Мирзачўл, Сурхон-Шеробод, Қарши чўлларининг биринчи қўрққ баҳодирлари ҳам ижодкорлар назаридан ҳамон четда қоляпти. Республикамиз юбилейи арафасида СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Жониев бир ойдан зиёд Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турди. Афсуски, бу ажойиб, камтарин инсон билан мулоқот қилишга ёш ёзувчиларимизнинг бирортаси ҳам фурсат тополмади.

1985 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Ленин комсомоли ташкил топган кунга 60 йил тўлади. Шунинг учун ёш муаллифларнинг асарларида республика комсомоли тарихи, у тарбиялаб вояга етказган кишилар ҳаёти ўз ифодасини топса ёмон бўлмас эди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ёзувчиларимизнинг гражданлик бурчи қаёққа чорлаётган бўлса — янги қурилишларга, ишлаб чиқариш коллективлари ҳузурига, ҳарбий қисмларга, истаган жойларига ижодий

сафарлар уюштиришга ҳар доим тайёр. Агар бу ташкилий ишлар Ёзувчилар союзи билан ҳамкорликда ҳозирдаюқ амалга оширилса, янада соз бўларди. Ёш ёзувчиларнинг асарларида ишчилар синфига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш масалалари, меҳнат коллективда, қурилишларда тер тўкаётган ёшлар ҳаёти кенгроқ ёритилиши муҳимдир. Қарши, Жиззах, Марказий Фарғона қўриқларию Қорақалпоғистон даштларини ўзлаштириш янги босқичга кўчди. КПСС Марказий Комитетининг октябрь [1984 йил] Пленуми қарорига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг даъватига жавобан комсомолларни қўриқ совхозларга, ёш хўжаликларга кенгроқ жалб этишимиз лозим. Ёшларнинг янги ватанпарварлик ҳаракати ёзувчиларимизни тўлақонли асарлар яратишга илҳомлантиришига ишончимиз комил.

Баъзан адабиётда ўқувчини ишонтирмайдиган, ҳаётийликдан ироқ «меҳнат қаҳрамони» пайдо бўлиб қолади. У ҳар қандай жасорат кўрсатишга «қодир», меҳнат унинг учун шунчаки овуноқ, холос. Нега шундай бўлади! Чунки баъзи ёзувчилар ҳаётни чуқур ўрганмай, дарҳол қаламга ёпишадилар. Шу тариқа ҳаётни юзаки акс эттирадиган, «чала тўғилган» бадий асарлар дунёга келади. Андижон область «Коммунист» газетасининг ходими, ёш журналист К. Нишонов бу осон йўлдан юрмади. У бир йил давомида касбини ўзгартириб, республика зарбдор комсомол қурилиши Андижон сув омбори қурилишида оддий ишчи — бетон қорувчи бўлиб ишлади. Бу эса унга меҳнат коллективининг серкирра турмушини кенгроқ, ҳаққонийроқ тасвирлаш учун бой ҳаётий материал берди. Худди шунингдек, ёш журналист А. Ниёзов ҳам ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг йўлланмаси билан БАМга бориб келди ва ижодий сафарининг самараси ўлароқ 1984 йили республика комсомоли мукофотига сазовор бўлган «БАМ чорлайди» номли очерклар китобини яратди. Биз ёш ёзувчиларнинг ўз тенгдошлари ҳақида ана шундай асарлар яратишининг тарафдоримиз.

Партиявий матбуот, адабий-бадий ва ижтимоий-сиёсий журналлар, нашриётлар ёш ижодкорлар ҳақида тобора кўпроқ ғамхўрлик қилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриётининг фаолиятига алоҳида диққат қилади. Кейинги беш йил мобайнида «Ёшлик» ва «Молодость» альманахларида ёшларнинг 500 дан ортқ асарлари эълон қилинди. Комсомол нашриёти ҳар йили ёш муаллифларнинг 20 дан ортқ китобини нашр этади. Муваффақиятли чиққан биринчи китоблар сифатида Т. Қаҳҳорнинг «Оқайтган дарё», И. Тўхтамышевнинг «Чўл бойчечоғи», В. Соколовнинг «Чолгар», А. Пардаевнинг «Дарё бўйидаги овул» китобларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Нашриёт ўзи воёга етказган ёшларни ишонч билан раҳбарлик лавозимларига тавсия этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Абдулла Орипов «Гулхан» журналининг ижодий коллективига бошчилик қилмоқда. Ҳалима Худойбердиева эса «Саодат» журналида самарали ишламоқда. Хуршид Даврон нашриёт бадий адабиёт редакциясини бошқаряпти. Биз келгусида ҳам шу йўналишдаги ишларимизни давом эттираемиз.

Буларнинг барчасини нашриёт коллективи қўлга киритган ютуқлар сифатида баҳолаш мумкин. Иш сифатини яхшилаш учун Ёзувчилар союзи билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, қўлғизмаларни тақриз қилишда, янги асарларни муҳокама қилишда бамаслаҳат иш тутиш даркор. Агар «Ёш гвардия» нашриёти Ёзувчилар союзи ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш совети билан ҳамкорликда, республикамизнинг нашриётлари эса бошловчи қаламкашлар билан бир мақсадни кўзлаб ғайрат билан ишласалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ёшларнинг асарлари тез-тез муҳокама қилиб турилса, биринчи китобларини нашр этишга ёрдам берилса, иш шу йўсинда ташкил этилса, ғоявий-бадий талаблар кўнгилдагидек бажарилар, мавзу ўхшашликларига чек қўйилар, китоблар тиражи масаласи ҳам ижобий ҳал қилинар эди.

1982 йилда ташкил этилган, ЎзЛКСМ Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи «Ёшлик» журнали ёш ижодкорларни бирлаштирувчи ўзига хос марказ бўлиб қолди. Унинг ижодий коллективи долзарб ижтимоий-ахлоқий масалаларни дадиллик билан кўтармоқда. Журнал обуначиларининг сони йилдан-йилга ўсаётгани ҳам бежиз эмас. Журнал зиёлилар ўртасидагина эмас, балки ишчи ва колхозчи ёшлар орасида ҳам шухрат қозонмоқда. «Ёшлик»нинг ижодий коллективи бундан кейин ҳам зиммасидаги масъулиятни чуқур

ҳис қилиб, ишлаб чиқариш таъкидлари, ҳўжалик ва қурилишлардаги комсомол-ёшлар билан алоқаларини кучайтириши зарур. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Ёшлик» фақатгина адабий-бадий эмас, балки айни пайтда ижтимоий-сиёсий нашр ҳамдир: унинг саҳифаларида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига яқиндан кўмак берадиган публицистик материаллар, очеркларнинг кам кўринаётгани ачинарли ҳол. Журналда эълон қилинган энг яхши асарлар алоҳида бир китоб ҳолида, кейинчалик эса рус тилига таржима қилиниб, «Молодая гвардия» нашриётида чоп этилиши керак. ЎзЛКСМ Марказий Комитети ва республика Ёзувчилар союзининг бу масалага изчил ёндашишини давр талаб қилмоқда. Чунки кейинги пайтда комсомол марказий нашриётларида ўзбекистонлик ёзувчиларнинг асарлари камроқ нашр этилган. Бунинг асосий сабаби — ўзбек тилидан рус тилига қилинаётган таржималарнинг сифатсизлиги ва маҳаллий миллат ёзувчиларининг жуда оз қисмигига дўстлик ва қардошлик тилида ижод қилаётганида ҳамдир. ЎзЛКСМ Марказий Комитети билим даргоҳларида рус тилини ўргатишга кўпроқ эътибор бериш, ёш муаллифларнинг асарларини марказий нашриётларда чоп этишни ҳар томонлама таъминлаш лозим деб билади.

Мана, совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган буюқ Ғалабанинг шонли 40 йиллиги тантаналарига ҳам саноқли кунлар қоляпти. Қирқ йилдан бери биз тинч ҳаёт кечирмоқдамиз, лекин ҳар бир киши бу осойишталик қанчалик қимматга тушганини яхши билади. Улуғ Ватан уруши манзараларини кенг кўлабда ёритиш, фронт ва фронт ортидаги юртдошларимиз қаҳрамонликларини тараннум этиш орқали ҳозирги кунларда тинчликни сақлаб қолишдек умуминсоний вазифага сидқидилдан хизмат қилиш мумкин. Султон Жўра, Вали Ғафуров, Борис Тихомолов, Адҳам Раҳмат, Олег Сидельников, Шуҳрат ва бошқа фронтчи адибларнинг асарлари қаҳрамонона ватанпарварлик мавзудаги намуналар бўлиб қолаверади.

Ҳозирги пайтда интернационал жангчиларнинг камтарона жанговар ҳикояларини ҳаяжонсиз тинглаш қийин. Уларнинг орден ва медаллари ҳам Улуғ Ватан уруши муқофотлари ясалган металлдан қуйилган. Уларнинг характери ҳам, Ватанга чексиз садоқати ҳам худди ўша металл янглик мустаҳкам. Бу қаҳрамонларнинг кўпчилигини шу йил ўн еттинчи январь кунини бўлиб ўтган Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округининг комсомол конференциясида учратиш мумкин эди.

Янги социалистик аънаналарни тарғиб қилишда, хотин-қизларга бой-феодалларга назар билан қаровчилару ўтмиш сарқитларига муккасида кетган кимсаларга, жамиятдан илож борича кўпроқ юлиб олишга уринувчи худбин шахсларга қарши курашда ёзувчиларнинг ёрдами айниқса бебаҳодир. Шу мавзуда яратилган асарлар орасида Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» романи алоҳида ўрин туттади. Бу китоб ёшлар даврасида қизғин мунозаралар бошланишига сабаб бўлди. ЎзЛКСМ Марказий Комитети яқин кунларда «Ёшлар ва янги ҳаёт турмуш маросимлари» мавзуда мунозара уюштиришни мўлжаллаган. Унда ёзувчилар, ветеранлар, ёш ишчилар, комсомол ходимлари иштирок этадилар. Уртоқларча фикр алмашув жараёнида ёш авлоднинг атеистик дунёқарашини мустаҳкамлашга оид кўпгина фойдали хулосалар чиқаришимиз мумкин, деб умид қиламиз.

Маълумки, ёшлар зерикарли панд-насиҳатдан кўра чин юракдан оқилона айтилган гапни яхши кўрадилар. Шу маънода Ўзбекистон Ленин комсомолни муқофотининг лауреати Уткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» китобини ўқиган киши катта маънавий баҳра олади. Ёзувчи она образини, унинг оила ва жамиятда тутган беқийс ўрнини ҳар томонлама ёрқин акс эттирган. Бундан ташқари, адабимиз «Баҳс» телевизион кўрсатуви орқали ёшлар билан доимий мулоқотда бўлишга, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг агитпоезди составида шахар-қишлоқларга сафар қилишга вақт топа билиши ҳам ибратлидир.

Бугунги кунда болалар адабиётига янада жиддийроқ эътибор берилишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилапти. Бу адабиётнинг ижтимоий воқеликка катталар адабиётидан ҳам кўпроқ таъсир ўтказиши сир эмас. Зотан, мамлакатимизда мактаб ислоҳотининг бошланиши ҳам болалар учун чоп этиладиган китобларнинг мазмунидан тортиб нашр сифатигача

бўлган барча ишларга талабчанлик билан ендашимизни тақозо қилади.

Болаларнинг отахон шоири Қуддус Муҳаммадининг энг яхши асарлари алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга. Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи, Латиф Маҳмудовнинг «Эски дутор сирини» қиссалари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Темур Пўлатовнинг «Болалик кўшиғи» қиссасида кичик қаҳрамонларнинг биқик маиший маҳдудликдан қутулиб, коллектив сари интилиши мароқ билан тасвирланади. Публицистик руҳ, ёш қаҳрамонларнинг сайёраминда тинчликни барқарор этиш учун курашлари Раим Фарҳодидиннинг кўпгина асарларида ўз аксини топган. Буларнинг ҳаммаси болалар адиблари отрядининг жанговарлигидан далолат бериб турибди. Шунга қарамай, бизнинг нашриёт, журнал ва газеталаримиз эълон қилаётган баъзи асарларни ўқиб, ҳозир на XX асрнинг сўнгги чораги эканини, на комсомол ва пионер ташкилотлари мавжудлигини билиб бўлади. Ахир, ҳозирги болалар кун сайин эмас, ҳатто соат сайин ўсяпти-ку! Бадий адабиёт болаларга совет халқининг бой тарихий тажрибаларини ва социалистик дунёқарашини тезроқ эгаллаб олишда ёрдам беришга бурчлидир. Баъзан бошқачароқ манзарага дуч келиш мумкин: айтилик, болаларга атаб ёзилган асар катталар учун тайёрланган нутқни эслатади. Бу ерда ҳамма «керакли» сўзлар учрайди-ю, лекин ўқувчини ўзига жалб қиладиган қизиқарли шакл бўлмади.

В. И. Ленин санъатни қудратли ташкилотчилик қуроли, деб атаган эди. Ёш авлодга мўлжалланган ҳар бир бадий асарда коммунизм бунёдкорлигига илҳомлантирувчи қудрат балқиб туришини истар эдик.

Ижодкор ёшларнинг бош мезони марксча-ленинча танқиддир; улар ғоявий-бадий жиҳатдан бўш асарларга муросасиз зарба беришлари керак. Георгий Владимиров, Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаюмов, Озод Шарифидинов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Пирмат Шермухамедов каби адабиётшунослар ёшлар ижодини мунтазам кузатиб боришапти. Танқидчилар бундан кейин ҳам ёшларнинг дунёқарашини ва эстетик дидини шакллантириш йўлида жуда кўп меҳнат қилишлари лозим. Танқидчининг озгина ён босиши ёзувчига ҳам, ўқувчига ҳам зиён етказиши мумкинлигини ҳамма билади. Станислав Кулишнинг «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Кўнгилхуш сайил» қиссаси салбий баҳолади. Бу ҳақда матбуотда ҳам атрофлича фикр билдирилди. Долзарб масалаларда тажрибали ёзувчилар йўл қўйган бундай камчиликлар ёш ёзувчиларга намуна бўлмаслиги керак. Биз нашриёт раҳбарлари зиммасидан бундай хом-хатала китоб чиқарганлари учун жавобгарликни соқит қилмаймиз. Лекин шуниси ажабланарлики, унга «ҳаётга йўлланма»ни — ижобий тақризни бир муҳтарам таңқидчимиз, филология фанлари доктори берган.

Маълумки, катта адабиёт даргоҳига қадам қўйиш унчалик осон эмас, ҳар доим гулдаста кўтариб турган қизларга дуч келавермайсан. Шунинг учун бўлса керакки, қўлэмаларининг биринчи танқидгаёқ бардош беролмаслигини олдиндан сезган баъзи муаллифлар «адабиёт эшигини болта билан бузиб кириш»ни ёки ўғри мушқудек туйнукдан тушишни маъқул кўрадилар. Уларнинг бир хиллари мансабдор шахсларни асарларининг бош қаҳрамонлари қилиб олса, бошқалари эса «юқоридан» тавсия хатларини «қўнғироқлар уюштирадilar. Бўш асарларга обрўли шахснинг «оқ йўли» тиркалади ва китоб чоп этилиши биланоқ бирорта маддоҳнинг тақризи эълон қилинади. Устоз ёзувчи ёш муаллиф шаънига «офарин»лар ўқийди. Талабчанликнинг етишмаслиги оқибатида босар-тусарини билмайдиган калондимол «адиб» пайдо бўлади-қолади. Кўпинча иш шу билан тугайдикки, иккинчи китоб учун на лаёқат, на билим, на куч қолади. Биз талантларни асрашимиз, улар учун жиддий, майли, бироз оғирроқ бўлсин, ишчан шароит вужудга келтиришимиз керак. Ҳар қандай ғоявий гўрликдан, сал бўлса-да, эҳтиётсизликдан ғарбдаги муҳолифларимиз усталик билан фойдаланиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун ижодкор ёшлар сиёсий билимларини мунтазам ошириб боришлари, марксизм-ленинизм классикаларининг асарларини доимо мўтолаа қилишлари, Коммунистик партиянинг оталарча ғамхўрлигидан тўла-тўқис баҳраманд бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Шундангина биз партияизмга, юксак дидли, талабчан халқимизга манзур асарлар ярата оламиз.



Эл қизи

Кўхна Жайхун соҳилларида фасли баҳор. Бу йилги баҳор Турсуной Юсуповага битмас шодлик келтирди, унинг қалбини фахр ва масъулият туйғулари ила тўлдирди.

Турсуной олти йил бурун ўрта мактабни тугатдию пахтакорликни ҳавас қилиб, далага чиқди. Йил кетидан йиллар ўтди. Бу қиз меҳнатга муҳаббат қўйди. Янгибозор районидаги Куйбишев номи колхоз пахтазорларидан терган пахтаси хирмон бўлиб юксалган сари, Турсунойнинг эл аро қадрқиммати, обрўси ҳам ошаверди. Ниҳоят, у халқ ардоғидаги меҳнаткаш инсонлар сафидан ўрин олди. Бу йил донгдор

теримчи комсомол аъзоси Турсуной Юсуповани ҳамқишлоқлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайладилар.

Хоразм Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлим студенти Турсуной Юсупова шу кунларда янги орзулар билан яшамокда: кадрдон колхозининг тараққиётига ҳисса қўшиш, етук муаллима бўлиб етишиш, Олий Совет депутати сифатида элу юрт ишончини оқлаш...

Биз журналхонлар номидан Турсунойнинг бу қутлуғ орзуларига юксак парвозлар тилаймиз.



**Қутлибека
Раҳимбоева**

Уйғониш фасли манзаралари

Кун кулиб уйғонди гулюз ойлардай,
Дунёда ёруғлик қайта тирилди.
Муз тўнғиб уйғонди баланд жойларда,
Хориган дарёга яна куч кирди.
Тошлар ҳам уйғонди — ёнди лолазор,
Ёддан кетган тоғлар ёдланди такрор.
Майсалар уйғонди — бошида тожлар,
Кўмди қора рангли кўйлагин тупроқ.
Куртаклар уйғонди, бир хил оғочлар
Минг хили гул бўлди, минг хили япроқ.
Насимлар уйғонди, бирдан жаранглаб —
Очилди боғларнинг йўқолган тили.
Биз-да ўзгачамиз шу жонли дамлар,
Кўйиб ёғар қалбга ҳаяжон сели.
Фикримиз дарахти шиддатли ўсар,
Тинар қароғимиз ёшланишлари.
Бу ҳам уйғонишими, йўқ, ҳали, дўстлар,
Ҳали уйғонишнинг бошланишлари.

Тасаввур

Чилонзорда улуг аллома Мухаммад
Мусо Хоразмий ёдгорлиги бор.

Кўксингизга қўйиб нафис китобни
бир хил ўтирасиз кеча-кундузда:
нигоҳингиз ерда, бошингиз қуйи.

Шиддатли баҳорлар келар ҳайқириб:
Новдалар атиргул тутиб чорлайди,
шўхчан сабзарангли қаболар кийиб.

Қараб ҳам қўймайсиз.

Ёз келар ҳансираб, иссиғи баланд:
хушбўй салқинларни бағрига жамлаб,
энди таклиф этар гўзал мажнунтол,

Қараб ҳам қўймайсиз.

Куз келар сепи кўп келинчак янглиг:
тилло дастурхонга мевасин ўраб,
олмалар мунтазир, эгилиб хиёл.

Қараб ҳам қўймайсиз.

Мавлоно, биз ахир болангизмиз-ку,
соғиниб кўзингиз, сўзларингизни
энтикиб келамиз доим Сиз томон.

Қараб ҳам қўймайсиз.

Қалбимиз бошқами, ғуруримизми,
шағнимиз бошқами, шууримизми...
Наҳот болангизга ўхшамасак биз?..
Ҳар гал дилимизни тирнар шу гумон.

Хатдан сўнг

«Уйга қайт, болам».
Онам шундай деб ёзибдилар.

Бугун ярқираган менинг пешонам,
Юрибсиз саломат ва тетик.
Соғинч юрагимни сирқиратган он
Бир варақ хатингиз келди-ку етиб.

Қайтсам, қайтар жойим ана кўзимда:
Мақтаб. Деразага энгашган толлар.
Бир тўда болакай доим изимда,
Ичимга ўтказмас совуқ шамоллар.

Синфхона. Сал илиқ печга суяниб,
Бобурдан ўқийман. Байт сачратар ўт.
Болалар кўзида гоҳ яшин ёниб,
Гоҳ қалқиб кетади бир парча булут.

Сўнг лойли сўқмоқдан уйга қайтаман,
Музларнинг остидан жилмаяр сувлар.
Тўнган дарахтларга таскин айтаман,
Таниб, шохларини силкитар улар.

Чироғи бор бўлса, бахтиёрдир тун,
Офтоби бор бўлса, бахтиёр осмон.
Улардан бахтлиман уйга қайтган кун
Ахир уйимизда Сиз бор, онажон.

Баҳор олиб кетар бир саҳар уйдан,
Экамиз. Қараймиз, сўнгра терамиз.
Қимлардир соатлар измида юрса,
Биз пахта измида юрамиз.

Заҳматдан қўрқдинг деб ўйламанг, хато,
Қўлларим ҳали ҳам эмасдир майин.
Тиканга ўрганган оёғим, ҳатто,
Барибир мен бугун қайтмоғим қийин.

Бу кунлар Сиз учун оддий кунлардир,
Қишлоқ — боболардан қолган қутлуг из.
Менга у қоронғу-ёруғ дунёда
Жаранглаб туришига арзийдиган Сўз.

Сўз менга — паридай ясанган кўклам,
Ғўзалар сиғишмай ётган далалар.
Салқин ер устида ўтириб чўкка
Бирлама қилаётган мунис болалар.

Сўз менга ўрикли, олмали ёзлар,
Юлдуз шуъласида сув тутган эркак.
Пўлат кетмони бор маъсума қизлар,
Тутлар паноҳида ухлаган гўдак.

Сўз менга қишлоқнинг олтин кузи ҳам,
Хитоблар, жавоблар, армон, хаёллар.
Булутдай оқарган ғўза устига —
Энгашиган булутдай соқолли чоллар.

Бу сўзлар оғриғи қалбим тилади,
Бу сўзлар қувончи ёқади ёмон.
Овозим етганда айтгим келади,
Айтмасам, ўламан, онажон.

Бугун ярқираган пешонам менинг,
Юрибсиз саломат ва тетик.
Соғинч юрагимни сирқиратган он
Бир варақ хатингиз келди-ку етиб.

Ўзбекистон. Баҳор

Қуёш — бир меҳрибон:
тоғларнинг бўйнига минган муз — юкни
оҳиста итариб туширди.

Лолалар ақлли:
анорранг кўйлақлар кийиб, тошларнинг
кўримсиз жойларин яширди.

Ялпизлар куюнчак:
икки қирғоқ аро сиқилмасин деб,
тўпланиб келишди сувнинг қошига.

Дарахтлар бир аҳил:
шавқ билан қўлига тизган гулларин
баравар кўтарди бари бошига.

Қизғалдоқ журъатли:
томларнинг устига югуриб чиқиб,
шамолда йиқилмай турибди кулиб.

Булутлар фидойи:
марварид, дурларин сочиб ташлади,
ўткир чақмоқ билан кўксини тилиб.

Ер қаттиқ қувонди, унинг қувончи
Юзига ёйилди бўлиб гул, чечак
Шунчалар яхши бу ўлкада энди
Энг яхши одамлар яшаши керак.

Ватан хусусида 10-синф қизларига сабоқ

Қора кўз, қора қош сингилжонларим,
ёнимга яқинроқ келинглар!

Ўрганинг нонларнинг хилини, яхши,
Ўрганинг кашталар сирини, яхши,
Ота юрт тарихин ўрганинг кўпроқ.

Ҳаётининг бошин билмаган одам,
Ғамига оташин бўлмаган одам,
Шодлигин бағрига босмаган одам,
Кўксига азиз деб осмаган одам —
илдизсиз дарахтга менгзайди.
Капалак учганда қўзғалган ел ҳам
қулата олади уларни.

Тундай сочингизга қувонинг, майли,
Гулдай ёшингизга қувонинг, майли
Чуқурроқ қувонинг Ватан кўркига.

Кокиллар қораси — фонийдир — кетар.
Фасллар аълоси — фонийдир — кетар.
Бу баланд тоғларнинг умри узундир,
Мовий булоқларнинг умри узундир.
Куйган саҳроларнинг кунлари узун,
Лойқа дарёларнинг унлари узун.
Унинг қувончи-да узун-узундир,
Дардга қолдирмайди юрагингизни.

Тилло зирақларни севинглар, лекин,
Зарли кўйлақларни севинглар, лекин
Яна кенгроқ севинг, азиз Ватанни.


Олтиннинг дўстлиги — сохта, ёлғондир.
Қайғу лашкар тортиб келган лаҳзада
У излай бошлайди бошқа бахтлини.
Ватан эса ташлаб кетмайди мангу.

Бахмал майсаларнинг бўйин унутинг,
Қадрдон қушларнинг куйин унутинг,
Она тилингизни унутманг фақат!

«Мен сенинг болангман», деб
айтолмайди,
«Оғрисанг, чорангман», деб айтолмайди
тилини унутган бечора
Ўзининг халқига бир умр.

Нетсин, танимайди уни-да ҳеч ким,
ҳеч кимнинг боласи бўлолмай ўтар!

Қора қош, қора кўз сингилжонларим,
ёнимга яқинроқ келинглар.



Нурилло
Отахонов

Шу ерлик киши

ҚИССА



та юртим, болалигимнинг ғаройиб дамлари кечган қадрдон қишлоғим! Киндик қоним томган муқаддас тупроғингни кўзларимга суртайин-а!

Қатронтоғим — дов-дарахт тугул, ҳатто гиёҳдан ҳам қатрон бўлган бағрикуйигим! Ер юзида бўлак бирорта манзилгоҳ йўқки, у менга сендан-да латиф, сендан-да азиз бўлса!

Ахир,
қайроқ тошчаларингнинг сиртида жажжи оёқларимнинг жажжи-жажжи излари қолган;

ўнқир-чўнқирларингда у кунларимдан ширин-ширин хотиралар сақланади — ёлғиз мену ёлғиз ўзинг гувоҳ бўлмиш хотиралар!

Эй Нурсухарик — бу кўҳна замин бағрида келинчакнинг бир ўрим шўх, сунбул сочидек тўлғаниб-тўлғаниб оқадиган сой! Омонмисан, сулувгинам? У, мен сени қандоқ соғиндим!

Билсанг,
ўшандан бери не-не ўйноқи сойларнио не-не азим дарё-денгизларни кўрдим, бироқ қалбимда сўнмас тугён бўлиб сен — фақат ўзинггина шарқираб турдинг! Абадий шарқираб қоласан!

Негаки,
ўзинг каби шўх, ўзинг каби ортга қайтмас болалигим зилол сувларинг қўйнида, шаффоф тўлқинчаларинг оғушида эркаланиб оқмаганмиди?! Тошдан тошга урилиб, тошдан тошга урилиб...

Ва мен энди бир ҳикматни англадим:

ҳар кимнинг ҳам қайтмас болалиги бор — сирли дунёси;
ҳар кимнинг ҳам муқаддас юрти бор — манзилларнинг ибтидосию интиҳоси;
ҳар кимнинг ҳам Қатронтоғи, Нурсухариклари бор — кўзга тўтиё қилгулик!
Лекин,

ҳар кимнинг болалиги меникидекмикан — аламларга, шодликларга бой;
ҳар кимнинг туғилган қишлоғи меникидекмикан — дунёга сиғмай кетган

Расми О. АСОМОВ чизган

келарларида она бўлиб, ота бўлиб бағрига оладиган;
ҳар кимнинг Қатронтоғи, Нурсухариқлари меникидекми-
кан — гоҳо шодон, гоҳо маъюс сукутларига эринмай кулок
тутиб, тўлиб-тошган юрагига ўзан бўладиган?!
Шундаймикан?

Мен қандоқ эдим-а, азизларим! Эҳ, сизлар қандоқ
эдингизлар!

Юртим, икир-чикир ташвишларингни бир муддатга
қўятур, мана, тагин қошинга келдим! У-ў, Қатронтоғим —
ғазнабоним, мени қанотинга ол! Сулув сойим — Нурсуха-
ригим, тўхта, қаёққа шошасан, нега бунча тошасан, андак
сабр қилсанг-чи! Эҳтимол, сенга...

сизларга айтар гапларим бордир.

Эслашайлик... Дардлашайлик... Бир-бировимизнинг дий-
доримизга тўйишайлик...»

Бу каби ўйлар Нозимнинг хаёлидан ўн беш йиллар кейин,
яъни, содда, тўпори қишлоқ боласидан бир думалаб элга
таниқли кишига айланиб, ора-сира қадрдон қишлоғига
келганида, юраклари ҳаприқиб Қатронтоғ этакларига қадам
босганида, Нурсухариқ қирғоғига чўкка тушиб, муздакки-
на зилол сувидан ҳовучлаб-ҳовучлаб сипқорганида, хуллас,
катталарнинг шовқинли дунёсидан болаликнинг ажиб,
сеҳрли дамларига қайтишга зўр бериб уринганида, ва
ниҳоят, ўша дамларга қайтганида ўтади. Бу кечмиш ўй-
хаёллар унинг бор бойлиги, умрли ҳамроҳи, безовта
кўнглига ҳамиша ором ва фараҳ бахш этувчи тириклик
йўлидирки, у йўлнинг аввалию адоғи хотирот деб
аталмиш маҳобатли бир тоққа бориб тақалган. Бу тоққа
чиққан кишининг бугуни ўтмиши билан, ўтмиши келгуси
кунлари билан, келгуси кунлари яна-тагин бугуни билан
уйғунлашиб, уммонга қуйилган дарёлар мисол исиз
бирлашиб кетади, бугунни ўтмишдан, ўтмишни кела-
жакдан, келажакни бугундан ажратиб бўлмай қолади —
инсон бир пайтнинг ўзида гўё учала замон заминидан собит
туриб, учала замон ҳавосидан нафас олиб... яшай бошла-
йди.

Умри замонлар тўқнашган дақиқалардан иборат киши
нақадар бахтиёр!

Бундай дақиқалар қалбингизда эзгу ниятлар жўш уради,
беихтиёр қўлга қалам тутгингиз келади. Поёнсиз дунё
қаршисидан ёлғиз бош эгиб, ўйга толасиз. Утган кунла-
рингизни унутмаслик, келгуси кунларингизга ҳозирлик
кўрмоқ ибратидан дарди дардингизга, қувончи қувончингиз-
га ҳамоҳанг бир ИНСОН тақдирдан имкон қадар
сўйламоққа, ўзингиз сўйлаб, ўзингиз тингламоққа урина-
сиз...

1

Ғира-шира тонг қоронғисидан икки табақали туссиз, кўҳна
эшикнинг чўзиқ бир нола қилиб очилиши ҳамда зум ўтмай
тагин ўшандай товуш чиқариб ёпилиши неча кунлардан
бери илк дафъа қишлоққа инган беозор сукунатни андак
безовта қилиб турди.

Дунёнинг бир бурчагида янги кун шу безовталиқдан
босланди.

Қоп-қора тўнға ўраниб, қулоқ-чаккасини нима биландир
танғиб олган барваста киши эшикнинг зулфинини илиб,
ҳалқага қулф солди. Олам ҳали рўй-рост ёришмаганидан
унинг тўни яна ҳам қора кўринади. Зулфин, қулф неча бор
шиқирлади. Қалит ҳадеганда айланавермади чоғи, қора
тўнли киши бетоқатланди. Асабийлашиб, кирза этигининг
товонларини бир-бирига урди. Ҳаво ҳаддан ташқари совуқ
эди, қўлларини оғзига олиб келиб, дам унисини, дам
бунисини куҳ-куҳлади, сўнг тагин қулфга унади. Ҳароратли
нафасдан намиққан бармоқлари қулфга, зулфинга чип-чип
ёпишди. Сал ўтмай эти ачиша бошлади. Шу тариқа уч-тўрт
сай-ҳаракатдан кейин қора тўнли киши қулфдан калитни
сўғурди ва ноғоҳ... адашиб бўлак калитни кўтариб
чиққанини пайқаб қолди. Эшикни қайта очишга мажбур
бўлди. Кўнгли алланечук чўкиб, паришонхотир, ҳовлига
қадам қўйркан, пешонасини эшикнинг устонасига уриб
олдию кўзидан нақ ўт қикди. Аламданми, оғриқданми

инграб юборди: «Падарлаънат!» Сўнгра, қулфни йўлакдаги
михга илди-да, эшикни тарақлатиб ёпди.

«Бормайман!»

Қора тўнли бу киши — Маҳам амаки эди. Унинг ажин
босган юзларида, киртайган кўзларида аллақандай ташвиш
аломатлари кезинади. Бироқ, айна дамда, бу ташвиш
аломатлари кечаси билан кўксини ғижиллаб чиққан
оғриқданми, бадани чимиллатадиган совуқданми, ҳо-
зиргина эшикни қулфлаётганиданми — буюб бўлмайди.

Маҳам амаки этигини даҳлизда қолдириб, пайпоқдек
иччам ўралган пайтавасини ечмаёқ катта уйга ўтди. Тўнни
бошига болиш қилиб, белигача сандалга суқилиб олди.
Сандал барибир сандал-да! Ташқарида атиги беш-ўн дақиқа
турди, оёғига у қадар совуқ ўтмаган эди, шундай бўлса ҳам,
сандалга киргач, вужуди хийла яйради. Одамни сархуш
қилгучи бу илиқлик салдан кейин оёқдан белга, ундан аста-
секин бутун баданга бир текис таралди. Елкасидаги оғриқ
ҳам қаёққадир аригандек туюлди. Ташқарининг совуғи
бутун даҳшати билан шундагина билинди.

Кўзига неғадир қабристон кўришиб кетди. Шу заҳоти
унинг кўнглидан: «Бундай кунда ўлишдан асрасин,— деган
ўй кечди.— Одамларга азоб... Э йўғ-э, одамларга нима,
тиригинга чидаган ўлигиндан қочармиди! Қайтага, изза-
тингни жойига қўйиб кўмадию савобини илиб кетади.
Лекин, совуқ... ерлар муз... шуниси ёмон!»

Бу йилги қиш ҳақиқатан ҳам қаттиқ келди. Кунда бўлмас-
да, кунора эзгирин эсади, бири иккинчиси билан илонизи-
дек айқашиб-уйқашиб кетган тангу тор кўчалар бўйлаб
эртадан то кечгача, оқшомдан то тонггача изғийди, очиқ
эшиклардан ҳовлиларга, игна сиққудек тирқишлардан
уйларга суқилиб кириб, не тирик зот бор, жонини сўғуриб
оламан дейди. Гўё Қатронтоғ орасига баҳайбат бир дев
ўрнашиб олгану кунботишдаги ўнқирга қорнини тираб, икки
ҳамла билан бутун оламни яхлатиб қўймоқ қасдида
лунжини шишириб пуфлайди, қишлоқ устига балою офат
ёғдиради. Хайрият, кеча оқшомга келиб изғириннинг дами
ўтмаслашди; тунда батамом тинди. Тинди-ю, ҳавони
йилтириб тинди. Нафас олинса, бурундан елвизак
эсгандек бўлади, тумшукқа қиров қўнади...

«Ҳа, бунча кундан буюрмасин!»

Кейин, кўз ўнгидан бошқа бир манзара ўтиб, Маҳам
амаки ич-ичидан севиниб кетди. Ростакамига севинди. Шу
тобда у беихтиёр лўкиллаб келаётган оломонни, оломон
елкасида лапанлаган тобутни, тобут ичида... Ўрмон
чўлоқни тасаввур этган эди.

Қанийди, Ўрмон шу кечаси ўлсаю бир кимса билмай
қолса! Бунга Маҳам амаки ўша заҳоти юракдан сезса, лекин
хабарчи келмагунича уйда тек ётаверса! Тонг-саҳарлаб
эшиги тақилласа, у хотиржам чопонини кийиб, кетмонини
елкасига ташлаб чиқиб борса...

Хабарчи ҳовлиқсал!

«Маҳам ама, бўлақолинг, Ўрмон жамоа оламдан ўтди,
Шунга...»

У ҳовлиқмасал!

«Биламан, жиян, биламан. Мана, кетмонниям олволдим
ку! Их, мунча пишилламасанг?»

Қанийди шундай бўлсал!

Бу дунёга ҳеч ким эгалик қилолмайди, ҳамма бир-бир
ўтади-кетди. Ўрмон ҳам ўлар, ахир? Муз ерга кетмон
урсанг, орта қапчидай, кўчса, тирноқдек ер кўчади, лекин
майлийди, Маҳам амаки сира оғринмасди. Ўрмоннинг
гўрнини ёлғиз ўзи қазирди, уни ўз қўллари билан кўмарди...

Эҳ, чўлоқ, умр бўйи уни ерга пийпалаб келдинг, энди
тиригида ўлигингни кўрсин, гўрнингни ўзи кавласин, бу
дунёдан кўзи очиқ кетмасин! Начора, вақтида тухмингни
қуритиб юборишга қурби етмади — ожизлик қилдими
ёлғизлик қилдими... Э, иложини топмади-да, фарзанд
ҳаммага ҳам фарзанд экан, жўжабирдай жон эдинг,
ўшаларни кўзи қиймади, ахир, уларда не гуноҳ?! Болала-
рингнинг бошидан сув ўгириб ичсанг арзийди, Ўрмон
ўшалар Маҳам амакининг қўлини боғлади, йўлига ғо-
бўлди. Яна бошқа сабаблар...

«Аслида-ку, урушга иккалаимиз бирга борганимиз маъқу-
л экан. Шунда битта ўқ билан...»

Ўрмон тулкилик қилди — фарзанд кўпайтириб, илди;
отиб, ҳаётга тобора маҳкамроқ чирмашиб олди, ўнти...



болани мўлтиратиб турса, душманининг ҳам раҳми келишини билди, бинобарин, барча гуноҳи ўзига аён эди. Энди, орқасидан бир талай боласи қолади. Маҳам амаки доим шундан аламда эди.

«Ҳеч бўлмаса Одилхоннинг уволи тутмайди сени, Урмон?! Дастингдан жувонмарг кетди бояқиш. Тагин, бало кўрмагандек юрганинга ўлайми! Одилхонни немис эмас, сен ўлдиргансан, кўз кўриб қулоқ эшитмаган қотилсан сен! Ана шунақа... Узинг-ку қиладиганини қилдинг, уларни бир меҳ кўрдим, душманамга раво эмас, энди, лоақал болаларингдан одам ўстирсанг ўларминг, эл ичида иягимни кўксимга ишқаб кетди-ку ҳароми! Сени ўзи кечирмаса, мендан умид қилма!»

Етиб-ётиб, қитмирилиг тутди, ҳап сеними, дегандек кўзларини қисиб, хаёлан қатъий бир қарорга келди: «У кун, насиб этса, «уй»гинангни тор кавлайман, лоақал лаҳадда азоб чекиб ёт! Майли, шундан кейин менинг ҳам жонимни...»

Инсонга ўлим тилаш инсофлининг иши эмас, бироқ жондан ўтгандан кейин хаёлга ҳар не келаверар экан. Маҳам амаки қачондан бери бунақа яйрамаган эди. Тез кунларда ниятига етажагига астойдил ишониб кетди. Бечора нима қилсин, ташна кўнглига бундан ўзга овунч, бундан ўзга таскин топмади. Шу аҳволда бундан ўзгасини ихтиёр этмасди ҳам!

Маҳам амаки ўзи сезмаган ҳолда ғужанак бўлиб олган эди, усти очилиб, бели тарашадек қотиб қолибди. Оёқларини базўр чўзди. Елкадаги орқик тагин бир-икки найза санчди. Маҳам амакининг юзлари буришиб кетди. Оббо касофат-э, сенинг ҳам пойлаганинг бор экан-да, тинчгина юрган эдим-а, деб кўйди кўнглида. Йўк, унинг назарида, бу галгиси чин орқик эмасди, кеча келган хат йиллар оғушида тинч ётган хотираларини туйқус тўзғитиб юборган эди, холос. Хотиралар эса — елкадаги эски ярани кўзгади...

2

Кеча пешинларда шамол баттар қутурди. Теракларнинг яланғоч новдалари тинимсиз чийиллаб, кўнгилларга ваҳима солаверди.

Маҳам амаки уйда ёлғиз эди. Омборхонадан ўткир дасткаллани олиб чиқиб, ўтган йил кесилган ўрик шохларидан ўчоқбоп қилиб майдалай бошлади. Изғирик ҳали-вери тинадиган эмас, ўтинни қанча кўп ғамлаб қўйса, шунча яхши, бироқ у ҳозир бу ишга эрмакка ўнади, чунки тунов кунни Нозим қилиб берган ўтин бостирмада шундоғича турган эди.

Ногоҳ кўчадан кимдир уни чақириб қолди. Маҳам амаки дасткаллани бир четга қўйиб, овоз беришга улгурмай, эшик очилди. Бошида бостириб кийилган шляпа, эгнида қорақўл ёқали пальто, кўлтигида қандайдир чарм жилд, бир йигит остонада пайдо бўлди. Маҳам амаки уни таниди: Хайрулла Латиф. Ўзи нариги маҳаллада туради, лекин бу эшикни дадил қоқиб келадиган ҳешлиги йўқ. Тўй-маъракаларда борди-келди қилишмаса, бошқа маҳал... Нега келди экан?

— Ассалому алайкум, ҳурматли Маҳам ака!— деди Хайрулла Латиф кулгили қиёфада кўнишиб, кўлқопини ечишга уринаркан. Кейин, бу қадар узун саломнинг боисини тушунтиргандек, қўшиб қўйди:— Одам гапириб турмаса, бу совуқда лунжи музлаб, калмага қовушмай қоларкан.

Маҳам амаки, истамайгина, чақирилмаган меҳмонга пешвоз чиқди.

— Ке, болам, Ҳа, бундай?

Хайрулла Латиф Маҳам амаки билан қуюқ сўрашди-да, кўлларини дарҳол пальтосининг чўнтакларига тикди.

— Э-э, Маҳам ака, бу қорасовуғи жонжойимиздан олди-ку, а?— деди оёқларини тапирлатиб.— Энди бас қилақолса бўларди, энасининг ҳақиман шунчаликдир-да!

Маҳам амаки уни ичкари бошлади.

— Узинг ҳам осмондан тушгандек... Одамлар изиллаб юрибди, сен бўлсанг бошга манавиндан кийволибсан,— деди кулиб.— Шу қасқондан бўлаги йўқмиди, мунда-ай қулоқ-чаккани бекитадигани?

— Телпак бор-у, сал уринганроқ, бизга тўғри келмайди. Редакциядан тўғри шу ёққа ўтдим-да, Маҳам ака, уйда дарров алмаштириб оламан.

Оёқ кийимларини даҳлизда қолдириб, ичкари ўтдилар. — Бу-у-уй!— деб юборди Хайрулла Латиф кўлларини бир-бирига ишқалаб.— Печка қурмабсиз-да, Маҳам ака! Бу, қотиб қолмайсизларми?

Маҳам амаки меҳмонни сандалнинг тўрига чорлади. — Бизга шуниси тузук. Иссиғи опа қиз кўрганмиш кўп печканинг. Чол-кампир сандалга ўрганганмиз. Битта чой?!

— Раҳмат, уйга боришим керак. Ҳа, холам кўринмайдилар!

— Оқмачитга кетувди, қизимизни йўқлаб,— деди Маҳам амаки ва сандалнинг девор тарафига ўтиб, оғир чўкди. Орқадаги лўлаболишни биқинига суриб, ёнбошлади.

— Э айтгандай, неваралар қуллуқ бўлсин! Отам айтдимки, бувимдан эшитдимми... Баҳринисо опа қиз кўрганмиш!

— Қиз эмас, ўғил,— деди Маҳам амаки ҳамон Хайрулла Латифнинг «қасқон»идан кўз узмай.— Ярим йилча бўл қолди-ю!..

Хайрулла Латиф мезбоннинг койишини эшитмади ё ўзини атай эшитмаганга олди.

— Уларгаям кийин,— деди ҳозиргина бошлаган гап оҳангида,— ёш бола билан бунақа совуқда... Холани юбориб яхши қипсиз, Маҳам ака. Иложи бўлса, беш-ўн кун туриб келсинлар. Жа-а зерикиб қолсангиз, бошқа биронтасига... а?

Маҳам амаки энди Хайрулла Латифнинг кўзларига қийрихон тикилди, атай кулмади. Кулмагани меҳмонга савол бўлиб қадалди: хўш, муддаога кўчинг энди, жиян, ҳар ҳолда менга анги хотин топиш учун келмагандирсиз?!

Хайрулла Латиф ҳазилнинг ёпишмаганини сезди. Маҳам амакининг нигоҳидаги маънони ўқиди ё ўзи бошламоқчи бўлиб турганмиди, бир қимирлаб, сандал устидаги қора чарм жилдга кўл чўзди.

— Бўлмаса, гап бундай, Маҳам ака,— деди у овозига сирли тус бериб.— Ўтган кунни, денг, райкомпартияга бир хат келибди. Белоруссия томонлардан. Шахсан биринчининг номларига. Бугун эрта билан ишхонада ўтирсам... Редакцияда биздан бўлак чаққонлар ҳам кўп-у, негадир мени, атай номимни айтиб чақирбдилар. Салом бериб кириб бордим. У ёқ-бу ёқдан сўраб, қўлимга мана шу хатни тутқаздилар. «Бир кекса кампир ёзибди. Яхшилаб танишиб чиқинг-да, бизни хабардор қилинг», дедилар. Редакцияга қайтиб келиб, ўқидим. Қарасам... Гапининг мазмунидан кампир уруш йиллари ўзига ўғил қилиб олган бир ўзбеки йигитни йўқлапти. Излаётган одамнинг исми бузибро ёзилган, лекин барибир билиб олса бўлади. Тахминимча ўша «йигит»— сизсиз!

Хабарининг Маҳам амакига қандай таъсир этганини чамаламоқчидек, Хайрулла Латиф бирпас тек тикилиб қолди. Ҳақиқатан, Маҳам амаки шунгача сал-пал қизиқсаниб, лекин индамай қулоқ солиб ўтирган эди, хатнинг ўзини тегишли эканини эшитиб ялт этиб қора жилдга қаради. Заруратсиз томоқ қирди. Хайрулла Латиф сўзида даволатди:

— Бу, энди, менинг тахминим-да, Маҳам ака. Аммо лекин хатни бир ўқидиму дарров сездим: биринчи бекорги мени чақирмабдилар. Уйлайсизки, ўзлари ҳал қилолмайдиларми? Қиладилар! Фақат, бу ерда бошқа гап бор — кампирнинг қидиргани мабодо бизнинг райондан чиқса газетга катта очерк ёзиш керак бўлади. Очеркни эса каминадан ўтказиб ёзадигани йўқ районингизда! Қалай у?

Маҳам амаки Хайрулла Латифнинг гапларини эшитиб эшитмай, англаб-англамай, анграйганча қотган эди. Орада бирмунча муддат ўтибгина базўр фўлдиреди:

— Уша одамнинг қишлоғи ёзилмабдимми?

— Ёзилмаган — гап шунда-да! Мана, сизга бир жойини кўриб берай. Хў-ўш, мана: «Мен унинг (яъни, сизнинг) аслиб қаердан эканини аниқ билмайман, Фарғонаданман, дегани эсимда қолган, холос. Шунинг учун водийнинг ҳамма районига биттадан хат юборяпман. Сизлардан ўтиниб сўрайманки, «Магамеджан»нинг дарағи (ўлики, тирикми) чиқса, қуйидаги адресга зудлик билан хабар беришлар!»

Мана шунақа. Хатни невараси ёзибди, ҳуснихати зўр экан лекин! Қаранг, охирига ўзидан қўшибди: «Бувимга ёрдам беришларингни биз ҳам жуда-жуда истаймиз. Илгарилар ҳам у «йигит» тўғрисида кўп гапириб юрарди, лекин негадир шу кунгача бировимиз бунга ҳафсала қилмабдиз!»

Энди, у роса қариб кетган ўлимимдан олдин ўша «ўғлим»нинг дарагини бир эшитсам, деб илҳақ бўляпти... Салом билан, Настя». Ўзбекча исми сал ўрчисароқ ёзганини айтмаса... Маҳам ака, сизниям отингиз асли Маҳаммаджон бўлган-ку, а?

— Маҳаммаджон эмас, Муҳаммаджон.

— Майли-да, нима фарқи бор. Ишқилиб, сизмисиз — шу?

Маҳам амакининг юраги гупира бошлади. Нимадир ичидан кўтарилиб келиб томоғини ғиппа бўғиб қўйгандек туюлди. Ҳадиксираб, хатга қўл чўзди. Чўпдек ориқ, узун-узун бармоқлари ҳаяжонини ошқор қилиб, ҳадеб титраб эди. Русчага тиши ўтмайди, бироқ ҳозир у гўё дастхатни ўқийётгандек, мазмунига тушунаётгандек бўлди.

— Уша йигит билан қандай қип ўғил тутинганиям ёзибдими? — деб сўради ниҳоят.

Хайрулла Латиф, ҳар қалай, Масковнинг тузини ялаган одам, хатни шариллатиб ўқиб берди. Кейин ҳаммасини икки қайталаб ўзбекчага таржима қилди.

Бўлди. Маҳам амакига энди бари аён эди. Хайрулла Латиф хатни ўзбекчага ўғирмасидан буруноқ у бор гапни англаб етди. Нақ юраги билан ҳис қилди. «Воҳ-ҳа! Ҳалиям турик экан-да! Оббо Василис хола-ей!», дея ҳайрат ҳамда аллақандай соғинч аралаш кўнглидан ўтказди у.

Хайрулла Латифнинг чинқириғи уни бирдан ҳушига қайтарди.

— Ана, айтмадимми! Узим ҳам ўйловдим-а,— дерди у ёш боладек чапак чалиб.— Тўғри топибманми? Уша «Магамеджан» сизмикансиз, ахир? Василис холаганим эсладингизми? Ана холос!

Белоруссия... Кампир... Тутинган ўғил... Узи билганидан сал бошқача, лекин... Маҳам амакининг кўзларидан ёш чиқди. «Сизмисиз? Уша «йигит» сизмисиз?», дея ҳол-жонига қўймаётган Хайрулла Латифга ожизона мўлтираб:

— Мен шекилли,— деди.

Хайрулла Латиф нечундир дабдурустан йғиштиришнига тушди. Кўлини шоша-пиша юзига тортиди-да, ўрнидан турди.

— Сизга энди халақит бермайман, Маҳам ака. Сизнинг энди ёлғиз қолганингиз маъқул... Аммо-лекин зўр бўлди-да! Кампирнинг бир айтгани бор экан! Э, кампирнингми фақат, сизниям, мениям омадимиз чопди энди! Хў-ўш, Маҳам ака, сизга бир кун муҳлат: яхшилаб эсга туширинг, ўйланг, эртага бир бошдан каминага айтиб берасиз. Журналистлик тажрибамга суяниб айтиб қўяй: қанча қўшиб чатсангиз ҳам майли, кўнгил кўтарса — бўлди, очерк кўтараверади. Бўпти, мен кетдим! Туриб овера бўлманг, эшикни ўзим зичлаб қўярман. Хўп, эртагача!

Хайрулла Латиф димоғида нотаниш бир куйни хиргойи қилиб, даҳлизга чиқди. Ботинкасини оёғига илатуриб, тагин ичкарига бош сўқди.

— Дарвоқе, Маҳам ака, мабодо коммунист эмасмисиз?

Маҳам амаки хаёлга чўмган ҳолда, шуурсиз бош қимирлатиб қўйди.

— У-ў, унда аням зўр! — деди Хайрулла Латиф ва зумда кўздан йўқолди.

Маҳам амаки ҳозир ўрнидан жиладиган ҳолатда эмасди. Назарида, неча кундан бери ташқарида тинимсиз гуварнаётган шамол гўё шу бугун, ҳозир, ўртадаги қалин деворни, эшик-дерезани писанд қилмай уй ичига ёпирилиб кирдию унинг юрагида ҳам бир-икки гувараниб, вужуд-вужудини ҳувиллатиб кетди. Елдек қириб, селдек ариган Хайрулла Латиф уни батамом доводиратиб қўйди. Маҳам амаки бирдан ўзини ёлғиз ҳис қилди. Шу тобда кимгадир суянгиси, нималардир дегиси келди. Лекин, кимга? Жони жонга, қони қонга қоришиб кетган жуфти ҳалоли ҳам, бахтга қарши, ёнида эмас... Бемаврид рухсат берибман, деб у астойдил афсус чекди. Кўчага чиқсинми? Ҳадемай кеч қиради, кўчадан кимни топади?..

Эҳ, суюнсанг ҳам, куйинсанг ҳам, қаватингда бир ғамгузоринг турсин экан-да!

Маҳам амаки, дили ўртаниб, аскарликка кетган кенжа-тойини соғинч билан йўқлади. Бизнинг даврлар ўтди, замон тинч, майли, хизматини ўтайверсин, деб бир ярим йилдан бери кўнглини кенг қилиб юрган энди, энди бирдан ғаш тортиди. «Баҳор қачон келади-ю», деб қўйди ичда. Кейин тўнғичини ўйлади. Каримжоннинг рўзғори энди кичик эмас,

ташвиши ҳам бошида ошиб-тошиб ётибди — буни Маҳам амаки билади, бироқ барибир киндик қони қоришган маконни ташлаб, бетайин бир уйга қўчиб боргани шу дамда унга оғир ботди. Сўкинди. Бир ёқда ҳали қизи Манзура тирнаб кетган яра битмаган, битиши ҳам дарғумон. Маҳам амакининг ўйлари оғир эди, оқибати енгил келсин-да, деб умид қилди. Хотини шу ерда бўлганида, эҳтимол, у бу қадар хуноб бўлмас эди. Аксига олиб, у ҳам йўқ. Ноилож, ўғлига қўшиб қизини, қизига қўшиб хотинини сўка бошлади. Анчадан кейин, хумори тарқади шекилли, тагин ўз-ўзидан хотиржам бўлиб қолди. Шунинг баробарида у бошқа нарсани ҳам қалбан туйди: унинг бу сафарги хотиржамлиги жанголди сукунатидек алдоқчи, хавотирли эди! Хаёлини чалғитиш пайига тушди. Лекин энди бунинг иложи йўқ эди. Кўз олдида беихтиёр Хайрулла Латифнинг қулиб турган қиёфаси намоён бўлди. «Одам қуриб кетгандек, дардимни сенга ёраманми? — дея жиғибйрони чиқди. — Сенинг фаросатинг етармиди бунга? Ахир, сен...»

Сал ўтмай Маҳам амаки Хайрулла Латифни ростокамига ёмон кўриб қолди. Бу исм унга бирдан бошқа воқеани — қизи Манзура билан боғлиқ миш-мишни эслатдию ўзини тутолмади. Келиб-келиб шу бетайин бола ўртага тушадими, деб надомат ила кўнглидан ўтказди.

Гап шундаки, Маҳам амакининг Хайрулла Латиф билан шахсий ҳисоб-китоби — «Мавриди келиб қўлима тушар, ўшанда танобини бир тортиб қўймасам!», деб дилига туккан жойи бор эди. Боя шу нарса ёдидан кўтарилибди. Майли, эртага яна келади-ку.

Эмишки, Манзуранинг Тўйчи тракторчи билан қочганини эшитиб Хайрулла Латиф тиззасига шаппатлаганмиш-да, «Жуда тўғри қилибди, маладес! Манзура мард экан! Унинг бу ишини жасорат деб баҳоламоқ керак! Яъни, Манзуранинг жасорати бизнинг қолоқ, қишлоқи тушунчаларимизни таг-томири билан қўпориб ташлайди!», деган эмиш. Маҳам амаки бу гапни Хайрулланинг ўз оғзидан эшитмади, хотини кўчадан топиб келди, бироқ шамол келмаса... одамлар оғзини бекорга чарчатиб ўтирмайди. Унинг баданидан ўтиб кетгани — миш-мишнинг тарқалгани эмас («юртнинг ўзига яраша миш-миши ҳам бўлади-да»), одамлар бу гапни Хайрулла Латифнинг тилига ямаб айтгани эди. Узи ҳалигача уйланмаган, бошида ҳар хил гап-сўз юради, бировнинг ишига тумшуқ суқиб нима қиларкан, дея ўксинган эди Маҳам амаки ўшанда. Энди, аксига олиб, шу болага сирини очармиш...

Маҳам амаки хотинининг бир қилиғини хаёлан такрорлади: қўлларини мушт тугиб, ерга ниқтади-да: «У дунё бу дунё айтмасман!», деди.

3

Маҳам амакининг куйганича бор: Хайрулла Латиф ўша гапни айтгани рост — буни мен ҳам биламан. Ҳатто Тўйчининг отаси Ўрмон чўлоқ ҳам эшитган. Эшитиб у нималарни хаёл қилган — беҳабарман-у, лекин Маҳам амакининг кўнглидан кечгани қисман менга аён. Шунинг учунми, бечора амакига раҳиман келади, қачон шу воқеа ёдимга тушса, унга қўшилиб, «тилини тиёлмаган» ошнамни сўкиб қоламан. Рост-да, Маҳам амакининг кечинмалари, дардлари Хайрулладан кўра менга яқинроқ, менга қадрдонроқ эди...

Хайрулла Латиф деганлари, аслида, менинг болалик дўстим бўлади. Тепкилашиб катта бўлганмиз. Битта деворнинг кесагини ялаганмиз, битта ариқдан сув ичганмиз. Лекин, тақдирни билиб бўлмас экан: феъл-хўйи, табиати бир-бирга бу қадар ўхшаш болалар кейинчалик бошқа-бошқа одам бўлиб етишадди, деб ким ўйлабди дейсиз.

Хайрулла ёшлигида аломат бола эди. Роса кўп китоб ўқирди. Ташқари ҳовлимизда, ҳовузининг бўйига ўтириб олиб, узун кечалари бир-биримизга эртақлар айтиб чиққанамиз ҳамон ёдимда. Аксари у гапирарди, мен эшитардим. Агар мен ҳам ёшлигимда у-бу нарса ўқиган бўлсам, тан оламан, аввало, шу Хайрулла туфайли, Хайруллага ҳавас қилганимдан ўқиганман. Бироқ, минг чиранганим билан унга етолмасдим...

Баъзан ширин хаёлларга берилардик. «Катта бўлсам, учувчи бўламан!», дерди у. «Мелисаликка ўқийман!», дердим мен.

Мақтабни икковимиз ҳам яхши битирдик. Катта ниятлар

билан катта шаҳарга отландик — катта ўқишга. Лекин, бу пайта келиб биз анча ўзгарган эдик. Ёшликдаги орзуларимиз ҳам ортда қолиб кетди.

«Отам, политехникада ўқийсан, деяпти. Вино заводига директор бўлармишман... Нима қилай экан?», деди Хайрулла катта шаҳарга етгач. Бир-икки кун ўйланиб юрди. Ҳужжатларини негадир университетнинг иқтисод бўлимига топширди.

Бизга омад кулиб боқдимиз ё «ўлардек» тайёрланларимиз қўл келдими, икковимиз ҳам ўқишга қабул қилиндик. Хайрулла — иқтисод бўлимига, мен — адабиёт бўлимига. Ушандаги қувончларимизни айтиб эдо қилиб бўлмайди! Дунёнинг бир чеккасидан катта шаҳарга келиб, бир уринишдаёқ катта ўқишга ўтиб кетиш...

Абитуриентликда бир кампириникида ижарага турган эдик, студент бўлганимиздан кейин икковимиз ҳам ётоқхонага кўчиб кетдик. Ётоқларимиз бошқа-бошқа жойда эди, лекин вақт топилди дегунча бир-биримизникига чопардик. Кўпинча, Хайрулла мени йўқлаб келарди. Одатдагидек шўх, қувноқ.

«Қалай, адабиётчи ошна, инсониятнинг маънавий олами-ни бойитяпсанми ё?», дерди мароқ билан, ҳали остона ҳатлаб ўтмасданок.

«Ўзинг-чи? Ўзингдан сўрасак?», дердим мен ҳам қолишмай, унинг рўёбга чиқмаган орзуларига шаъма қилиб. Хайрулла сир боп бермасди.

«Шу, юрибмиз... иқтисодий факторларнинг маънавий оламга таъсирини ўргани-иб», дерди-қўярди.

Кейин... Биринчи курснинг охириларига бориб Хайрулланинг кайфияти ўзгарди-қолди. Бир куни кечқурун олдимга келиб, дардини ёрди.

«Адабиётга лаёқатим кучлироқ экан,— деди. Унингча, «энди иқтисодни сира ўзгартириб бўлмас, ўзгариб-ўзгариб шу ҳолга келган» эмиш.— Адабиёт майдонида эса одам истаган ишини қилавериши мумкин!»

«Касалланибсан, ошна», дедим юмшоқлик билан.

Хайрулла бирдан яшнаб кетди.

«Топдинг, Нозим, касалланганман,— деди.— Ахир, адабиёт шундай сеҳрли бир кучки, унинг қаршисида буткул ҳушимдан айрилиб қоляман!»

Шу билан ёз бўйи ҳеч қадёққа бормаи, ҳужжатларини бизнинг бўлимга ўтказиш ниятида юрди. Бўлавермагач, яна тақдирга тан берди. Лекин... иккинчи курснинг ярмига бориб, ўқишни шартта ташлади.

«Минг марта ўйлаб кўрдим, ошна, адабиётсиз яшай олмас эканман,— деди. Айтишча, лекция пайтлари конс-пект ўрнига нуқул шеърми, ҳикоями қоралаб ўтирар экан. Ҳатто, ёзганларидан бировини партадош бир қизга кўрсатса, у бечоранинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетган эмиш. «Хайрулла ака, нима қиласиз бу қуруқ ўқишда ўқиб, кетинг, ўлай агар, сиздан катта шоир чиқиши керак!», деганмиш қиз шивирлаб. Шуларни айтидию Хайрулла муштира туфлади.— Раз ҳаммасини қайтадан бошлаш керак экан, биратўла Масковга борганим бўлсин!— деди ҳаяжонлиб.— Ахир, Масков — Масков-да!»

Тағин анчагача кўринмай қолди. Узиям ўлик-тиригига қарамай тайёрланди чоғи, келгуси йили пақ этиб Масковдаги Адабиёт институтига ўтиб келди. Ростини гап, бундай бўлишини мен тугул, ўзи ҳам кутмаган эҳтимол. Нима ҳам дердик, омади бор экан!

Ойда-йилда бир кўришадиган бўлиб қолдик. Хайрулла таътилда уйга келишида ҳам, сўнг Масковга қайтишида ҳам йўл-йўлакай студентлар шаҳарчасига — менинг ёнимга бир ўтади.

«Қалай, студент, пахталар яхшими бу йил?», деб кириб келади доим.

Кучоқлашиб кўришиб кетамиз. Боринги, ўша кеча уйқу «ҳаром» бўлади-да-е! Бири биридан антиқа ҳикоялар — ёзувчилар, шоирлар, уларнинг хотинларию ўйнашлари, Масков пивосию хурилиқо қизлар... ҳеч бири қизганилмайди, ҳаммаси ўртага — дастурхонга тўкилади. Олинг, манавинисидан олинг... Ҳўв оғайни, бунисидан ҳам тотиб кўринг... Яшанглр, тошкентлик студентлар!.. Биз Хайрулла келтирган ва энди сахийлик билан улашаётган таассуротларни кўк чойга қўшиб, қулт-қулт ичимизга ютиб ўтираверамиз. Кўнгилларимиз яйрайди. Масковга боргандек, у ерларда юргандек ҳис қиламиз ўзимизни!

Кейин...

Хайруллага тағин жин тегди. Биз бешинчи курсда таҳсил олаётганимизда, қишда кўч-кўронини кўтариб келиб қолди. Қўрқиб кетдим.

«Ҳа?— дедим.— Тинчликми?»

«Тинчлик, ошна, тинчлик,— деди Хайрулла аввалгидек шўх, қувноқ оҳангда. Юқларини бир чеккага жойлаштирган, кўзларимга бақрайди.— Ўқишни ташлади!»

Сўнг зўр бериб тушунтиришга тушди: ўзинг айт, Нозим ошна, мени бу дунёнинг билимлари қониқтирмас, нима қилай, ахир? Қолаверса, ўқиганлардангина ёзувчи чиқади, деган жойи борми? Мана, фалончи аслида ҳеч қаерда ўқимаган, ёзганлари зўрми? Зўр! Писмадончи ҳатто академияни ташлаб кетган... Нима учун? Дарслардан қониқмаган! Мен сенга айтсам, ошна, диплом дегани расмий бир ҳужжат, холос. Уни от ҳам олади, эшак ҳам! Гап — мана бу ерда билдинг?!

Билдим. Лекин менинг билганимдан Хайруллага нима наф — бунисини ҳалигача билмайдим.

Хайрулла Тошкентда бир кун юрди, икки кун юрди, ахирги кўч-кўронини орқалаб, қишлоққа жўнаб кетди. Мени-ку осонгина лақиллатди, қишлоқдагиларга нима қаромат кўрсатаркин, деб қолавердим.

Бундан уч йил бурун, яъни Масковдаги ўқишга ўтиб олганида Хайрулла улфатларни чойхонага йиғиб ош берган, «Тошкентдаям ўқийверсам бўлар эди, лекин чидаёлмадим, оғайнилр, профессорларнинг билими мени қониқтирмади!», деган эди. Ушанда унинг бу гапига биров ишониб, биров ишонмаган. Хайрулла шуни кўнглига тугиб қўйган экан, қишки сессиядан кейин қишлоққа келганида, студентлик билетини кўрсатиб, ишонмаганларнинг оғзига урган-да, «Манави — катта холангнинг қулоғими?!», дея роса кўкрак керган.

Энди нима қиларкин?

Кейин билсам...

Хайрулла анчагача сир бермай юраверибди. Одамлар қавлаштиравергач, охири, менга айтганларини қишлоққа ҳам ёйибди. Таъва, одамнинг кулгиси кистайди. Масковда ўқигани билан одамларни анойи фаҳмлаганини кўрмайсизми!

Бизнинг юрт одамларининг антиқа феъли бор — уларни бир гапга ишонтириш учун минг марта ўлиб, минг марта тирилиш керак. Қизиқ-да. Олдинига «ҳа-а... ҳа-а...», деб тураверади-ю, кейин ҳақиқатнинг тағига етмагунча тинмайди. Шундайлардан биттаси Масковда аскарлик хизматини ўтаб бўлиб, энди уйга қайтиш арафасида турган укасига атай кат йўллаб, «...анигини билиб келгин!», деб қайта-қайта тахтинлабди. Уша аскар келгану қачондан бери қишлоқ осмонини қоплаб ётган булут тарқаган-кетган: Хайрулла иккинчи курсни тугатмасданок ўқишдан ҳайдалган экан! Сабабини батафсил суриштиришга йигитнинг вақти етмабди.

Бу ёқда Хайрулла ҳам қараб турмаган: эвини қилиб район газетасига ишга жойлашиб олгану гуркиратиб фаолият кўрсатаверган. Бир вақтлар ҳикоя, шеърлар ёзиб юрган эмасми, газета саҳифаларидан номи тушмай қолган. Ҳатто, ҳикоялари «Давоми бор» деб ҳам чиққан. Мақолаларни-ку, асти қўяверинг, одамлар уларни кетма-кет ўқиб боришга улгурмай юришган. Натижада қишлоқликлар аросатда қолган: аскар боланинг топиб келган гапларига ишонайлик деса, Хайрулла районда гуркириб юрибди; Хайрулланинг гапларига ишонайлик деса, болапақир икки йиллик хизматини ўртага қўйиб қасам ичган! Бировига ишонмай кўрингчи!..

Хайрулла ҳозир ҳам ўша ерда ишлайди. Маълумоти олий бўлмаса-да, Масковда ўқиб келгани, қолаверса, газетадаги неча йиллик фаол хизматлари эвазига уни қишлоқ хўжалиги бўлимига ходим қилиб олишибди. Ҳикоялар ёзмай қўйган, шеърни ҳам йиғиштирди чоғи. Онда-сонда «Латифий» тахаллуси билан эски шеърлари кўриниб қолади, лекин кейинги пайтлар яккаш танқидий мақолалар ёзишга киришиб кетди. Менинг илк китобчама дастлабки тақризни ҳам район газетасига шу Хайрулла ёзган. «Хайрулла Латиф» деб тахаллус қўйган эди ўшанда. Районда бора-бора шу ном билан доврўф қозонди.

Оқибат шу бўлдики, газетанинг йиллик обзорда редактор: «Ёш танқидчи Хайрулла Латифнинг долзарб

тақриз ҳамда адабий-танқидий мақолалари жамоатчилик ўртасида жиддий қизиқиш уйғотди», деган жумлани қистириб ўтди. Дўстим Хайрулланнинг бундан қанчалар қувонганини сўз билан ифодалаш қийин.

Шу Хайрулла мендан қаттиқ хафа. Тақриз ёзиб, уни машҳур қилиб юрилман-у, у бўлса лоақал раҳмат айтиб қўймади, дебди акамга. Аслида, гап бошқа ёқда эди.

Ўша тақризи газетادا чиққанидан кейин бесабр Хайрулла икки-уч бор уйга келиб, аямдан мени сўроқлабди. Хола, мана, ўлгингизга «оқ йўл» тиладик, энди катта ёзувчи бўп кетади, дебди. Она она-да, ўлгининг уютигидан ким севинмайди! Аям Хайруллани алқай-алқай пешонасидан ўпиб, битта янги атлас қийиққа ўрик, майиз, жийда, қанд-курс тугиб берибди. Хайрулла ҳам тақриз чиққан газетадан беш-олтитасини аямнинг қўлига тутқазиб, Нозим келса, зудлик билан мени топсин, гап бор, деб тайинлабди. Гузарда кўришиб қолди. «Э-э, тақризчи ошна, ижодлар муборак!», дея қучоғимни ёйдим. Қучоқлашишга қучоқлашдиг-у, сездим: унинг шашти ҳар галгидек эмасди — қандайдир совуқроқми-ей. Қўлини бўшатиб, ясама кулди. «Тақризчи эмас, танқидчи...», деди. Бошқа сафар эса, кўчада кўриб, қўл учиде сўрашдию ишим зарур эди, деб жўнаб қолди...

Хайрулла Латифнинг одамларга гап бўлган яна бир жиҳати бор — ўттиз бешдан ошиб, ҳалигача биронтасининг бошини тутмаган. Қизларга кўнгил қўймайди ё кимсага ёрилмайди. Сўраганларга яқнаш қўл силтайди. «Ҳар ким аравасини ўзи тортсин, мени тинч қўйинлар, нима, сизларникига осилган ерим борми?— дейди. Гап оҳангидан ранжигандек кўринади, аслида ранжимайди, жиддий сўзлайди.— Кўнгил билан ҳазиллашиб бўлмайди! Тўғри келмагач, минг чиранганинг билан... юракка буюролмайдан». Бирда ота-онаси худонинг зорини қилиб ўртага мени элчи қўйишди. Гапни узоқдан бошлаб, роса қисти-бастига олдим. Қаёқда!

«Кўй, ошна, нимага кўз тикканимни яхши биласан, хотин билан эса узоққа бориб бўлмайди,— деди. Сўнгра ҳазил қилдим, чин қилдим, илжайиб давом этди:— Белинский қирқ ёшигача уйланмаган экан. Адабиёт менинг тимсол-имда битта Белинскийдан ажраб қолишини истамайман!»

Шундан кейин ота-онасига келиб:

«Сабр қилинлар, ўзи биттасини топар экан», дедиму қутулдим...

Хуллас, одамларнинг у тўғридаги миш-мишларию Хайрулланнинг эҳтиётсизлик қилиб айтиб қўйган ўша гапидан кейин шу ошнамдан Маҳам амакининг ихлоси қайтган. Тузукроқ ўйлаб қаралса-ку, уларнинг ўртасида айтарли низо ҳам йўқ. Бироқ... кўнгил экан-да. Хайрулланнинг ўзи айтмоқчи: «Кўнгил билан ҳазиллашиб бўлмайди!»

Булар ҳаммаси қавс ичидеги гаплар. Биз учун муҳими — адабиётнинг шартлилиги! Шу йўлга суяниб, Хайрулла Латифни ҳеч иккиланмасдан қиссамиз воқеалари кечган даврга гоийбона кўчирмоқдамиз. Уқувчи биродарларимиз яна бир нарсадан ажабланмасинларки, лозим топилганда ҳақиқатга ҳам қайтамиз, яъни, Хайрулла Латиф билан юзмаюз суҳбатлашиб бахтига мушарраф бўламиз.

4

Чап кўкрак билан елка ўртасида туйқус кўзғалган оғриқдан Маҳам амаки ярим тунда уйғониб кетган эди, шу бўйи тонггача инқиллаб-синқиллаб, гўё тиканга ағанаб чиқди. Ётиб ётолмайди, ўтириб ўтиролмайди. «Бип-бинойидек юрган эдим-а, — дея алам билан ўйлади у.— Касофат газитчи кўзғаб кетди-ёв. Ҳайвон!»

Оғриқ зора қўйиб юборса, деган илинжда аста ўрнидан туриб, даҳлиздаги ўчоққа ўт қалади, кўмғонда сув илтиб, юз-қўлини чайди; уй ичи ертўладек совиб кетган экан, чўғнинг устига тўрт бўлак кўмир ташлаб обдан яшнатди, сўнг оловқуракда сандалга солди. Соғ пайти бунақа юмушлардан юраги сиқиларди, ҳозир эса бафуржа, бамайлихотир бажара бошлади. Чўғнинг устига кул тортиб, тепасини анчагача шиббалаб турди. Ниҳоят, кўрпани ёпиб, сандалга оёғини суқди.

Елкада эса, худди ўша жойни ўпириб кетадигандек, бурама оғриқ кучайиб борарди.

Сал ўтмай, тошкўмирнинг тафти элитибми, уни мудроқ босди...

...қулоқларни қоматга келтиргучи ўткир бир товуш ҳўштакдек ҳавони кесиб, яшин тезлигида яқинлашаверди, оламни гўё чийиллаган овоз тугиб кетди. Аскарларнинг қиёфалари андак саросимали, андак лоқайд. Кейин... ким ўзини қаёққа ташлаган... ахир, бу шунчаки ҳўштак эмас, муқаррар ҳалоқатнинг машъум элчиси. Дастлаб кўндаланг бўлган савол — снарядми, бомба? Ниҳоят, даҳшатли момақалдирик... Кимдир уни илкис ердан узиб олиб, тагин ерга урди. Замин бир қалқди, шундай қалқдики, зум ўтмай ўнг ёнгами, чап ёнгами оға бошлади. У бўшлиққа қулаб тушмаслик учун ерга маҳкамроқ ёпишиб, ҳандақдан чиқариб ташланган тупроққа чангалини ботирди... Шунгача ҳам ҳўшидан айрилмаган эди, эсида қолгани — оламни бирдан анқимтил туман қопладию унинг кўзларига чағир кўм тўлди... Узига келганида тепасида оқ халатли бир кишини кўрди. Кўриши баробар қулоқлари ҳам чинг этиб очилди: узук-юлуқ товушлар чалинди. Билдики, дала шифохонасида ётибди. Билдики, ярадор бўлган. Билдики, демак, омон қолган! Тепасида, ҳамон ўзидан кўз узмай турган кишига мўлтираб, заиф кулимсинди. Гўё жангсиз-отишмасиз яраланганидан хижолатга тушиб, узр сўради. Оқ халатли киши кафтидаги қандайдир темир парчасини кўрсатиб, меҳрибон кулди: «Бахтинг бор экан, солдат, тўрт энли пастга санчилганида борми... Минг йил яшайсан энди!— деди.— Ма, эсдалик...»

У снаряд парчасини эсдаликка сақлаб қўймади. Шифохонадан соғайиб чиққач, қисмга қайтиб бораётиб, йўл-йўлакай бир чакалакзорга ўтди. Қон юқи билан безанган темирни куйинди бир дарахтнинг остига кўмиб ташлади. Кўмидо қарийб уч йилдан бери жанги жадалларда чеккан азоб-уқубатларини ҳам қўшиб кўмгандек алланечук енгил тортиди. Келган бало-қазо шунга урсин, дея пичирлаб, орқа-олдига қарамай бадар кетди...

Ўшанга ҳам, мана, кўп йиллар бўлибди. Неча йилдирки, ўша темир парчаси Оврупонинг аллақайси чакалакзориде, аллақайси куйинди дарахт остиде тупроққа ем бўлиб ётибди. Неча йилдирки, Маҳам амаки туш кўрса шуну сўради, хаёлга ботса шуну ўйлайди, елкаси аралаш кўксиде бугунгидек оғриқ турса, кўз олдида тагин ўша манзара жонланади. Эҳтимол, у темир аллақачон тупроқдек увалиниб, тупроққа айланиб кетгандир, эҳтимол, сиртидаги қон юқидан асар ҳам қолмагандир, лекин Маҳам амакининг баданида қолдириб кетган жароҳати умрга етса керак.

...Ўшанда тушликка яқин, Муҳаммаджон почтачи аскарнинг қийин-қистови билан, бир давра жангчининг қарсақлари жўрлигида ўзбекча ўйин тушиб берди. Новча эди, бесўнақай эди, ўйинни билмас эди, лекин ер тепиб, гир айланиб ўйнаверди, шунақа ўйнадики, армон қолмади. Ахир, почтачи унга хат келтирган эди — уйдан, ота-онасидан, ўғилчасидан, хотини Муҳаррамдан хат келган эди! Ўйнаб бўлиб, хатни почтачининг қўлидан юлқиб олди-да, кўзларига суртди, ўпди, кўксига босди. Кейин очиб ўқиди. Юртлар тинч, ҳамма соғ-саломат, Каримжон йигит бўлиб қолибди, «Дадажон, тезроқ келинг!», деяётган эмиш... Хатнинг охирироғи Муҳаммаджонни ажаблантирди: «... Урмон ошнангиз қайтди. Унг қўли йўқ, немиснинг ўқи узиб кетибди, ярим йилдаёқ қайтди... Сиз қачон келасиз, Каримжон? Дадам, бувимлар ҳам роса соғиниб кетишди...» Урмон ҳам ниҳоят урушга борибди, яраланиб қайтибди — булар Муҳаммаджон учун кутилмаган янгилик эди, шу билан бирга хотинининг бу гапларида у ниманингдир кароматини тўйди. Эвоҳ, ўйлагани чин бўлиб чиқди: тушликдан сўнг, еган овқати ҳали қоринга етиб бормасдан, душман томондан бир снаряд ҳўштак чалиб учиб келди, момақалдироқ гумбурлади, замин бир ёнга оға бошлади. Муҳаммаджон жон ҳалпиде тупроқни чангаллади... Шукрки, у жаҳаннам оғзидан омон қайтди, лекин кейинчалик, жангсиз ўтган кунлари, осойишта кечган узун кечалари ўзи билан ўзи бўлиб, «Наҳот хотиним менинг ҳам яраланишимни соғинди?», дея ўйлайдиган, қийналадиган бўлди. Уруш тугагунча, уруш тугагандан кейин яна анчагача қулоғининг остидан Муҳаррамнинг ўша сўзлари кетмади: «Урмон ошнангиз қайтди, ўнг қўли йўқ... Сиз қачон келасиз, Каримжон?»

Уруш тугади. У қайтди. Оёқ-қўли бус-бутун бўлса ҳам,

юрагининг бир парчаси ўпирилиб қайтди. Увол кетган Одилхоннинг ҳақи ҳурмати, ўзбекми, тожикми, қирғизми, ҳуржми — беғуноҳ ўлиб кетган биродарларим ҳақи ҳурмати Урмондан ўч оламан, деб қасам ичиб қайтди. Қишлоққа келди. Урмоннинг аҳволини ўз кўзи билан кўрди. Ҳақиқатан, ўнг қўли елка билан тирсакнинг қоқ ўртасидан узилган эди. Чопонининг энги хиёл орқага қайрилиб, қийиққа қистирилган, эғнида ҳали оҳори кетмаган аскарча кўйлак...

Урмон шу кўйлакни узоқ кийди, ўн йил, ўн беш йиллар эғнидан ташламади. Кўйлак ҳам бинойидек чидаб берди, шундоқ чидадики, кўрган кишининг кўнглидан «Нима бало, Урмон жамоа урушга бориб, кўйлак ғамлаб келганим?» деган фикр ўтиши шубҳасиз эди... Хуллас, Муҳаммаджон қайтганида, Урмон аллақачон «Урмон чўлоқ»қа айланиб, эғнида оҳори тўкилмаган аскарча кўйлак, юрган эди: ҳали ҳам ўша-ўша, ўзгармаган — ҳали ҳам жамоанинг раиси, ҳали ҳам одамларни йиғиб маъруза ўқишга иштиёқманд, ҳали ҳам кўзлари одамга айёр боқади...

«Шу кунгача сен иблисдан гумоним бор, Урмон. Маккорсан! Эсингдами, менинг неча маротаба ўқ еганимни эшитиб тиричилаб қолдинг, ярангни кўрсат, бир кўрай-чи, деявериб ҳол-жонимга қўймадинг. Ке, ошна, у савдолар ўтди-кетди, маззангининг сақичидек чўзавермайлик, деганимга кўнмадинг. Аслида мен сени тинч қўймаслигини керак эди, сен менга ялиншинг керак эди! Лекин, индамадим. Сен шундан қутурдинг. Ярамни кўрармишсан... Ачинганингдан эмас ҳар ҳолда; виждонинг қийналдими ё? Сенда виждон нима қилсин? Ахир сен...»

Маҳам амаки Урмонни эскидан ёмон кўради. Йиллар ўтиб, нафрати кучайса кучайдики, зинҳор сусаймади. Жондан ўтгани жон билан чиқаркан, Урмон бир вақтлар Маҳам амакининг жонидан ўтказган эди.

Ўша йиллар мамлакатнинг қайсидир ерларида очарчилик, қаҳатчилик бошланди. Колхозлар эндигина қад тиклаётган кезлар эди. Шунга қарамай, ҳарна ёрдам-да деб эл бор-будини ўртага ташлади. Ушанда Урмон роса ўзини кўрсатди. Раис эмасми, ғайрат билан майдонга чиқиб, отини гижинглатиб, қамчинини ҳавода ўйнатиб сиёсат қилишга тушди.

«Ватан хавф остида — одамлар очликдан қирилиб кетмоқда! Кимда-ким уйда ортиқча дон яширса, мендан ўпкаламасин: юртдан ҳайдайман!»

Эл бусиз ҳам шафқатли эди, сўнги дон-дунигача давлатдан аямади, ҳаммасини тўплаб берди. Эшакараваю отаравалардан бир карвон қилиб, ғалла кечаси Қўқонга — станцияга жўнатилди. Лекин... карвон шаҳарга тўлиғича етиб бормади. Эртаси Урмон жамоа тағин от ўйнатиб, қишлоқма-қишлоқ юрди, ҳар битта ҳовлига кириб чиқди.

«Кечаси Конизар даштларида ғаллани қароқчи урди... Кимда-ким у каззобларни таниса, таниса-ю, индамаса, уруғ-аймоғи билан қуритиб юбораман!», дея дўқ-пўписа қилди.

Эл — беминнат, борини чиқариб бераётганида ҳам оғринмаган, лекин минг азоб билан тўпланган ғалланинг таланганини эшитиб рўй-рост куйинди, ҳатто Урмон жамоанинг ҳолига ачинди. «Бечорага қийин, катталарга нима деб жавоб беради энди?», деб ўйлади.

Маҳам амаки ҳам ушанда Урмоннинг ҳолига қараб туриб ичдан эзилган эди.

Ёз ўтди, куз ўтди, қишга келиб бу юртлар ҳам офат исканжасида қолди. Кунда, кунора ваҳимали гаплар тарқайверди. «Фалончи очдан ўлибди...» «Писмадончи шишиб кетибди...» Бора-бора одамлар бундай ҳолга кўника бошлади. Унча-мунча ўлим кишиларни ҳайратга солмай қўйди.

Ҳайрат, раҳм-шафқат туйғуларининг ўрнини ўша пайтлар бепарволик, лоқайдлик, тушкунлик эгаллаган эди. Офатнинг касри урмаган хонадон қолмади ҳисоб. Қишдан чиқарда Маҳам амакининг икки ярим яшар ўғилчаси нобуд бўлди. Очликдан... У ўзи сал нимжон туғилган эди, нимжонроқ бўлиб ўсди. Балки шу боис, эр-хотин унга айрича меҳр кўргизар, яши ният билан, отини ҳам Ҳакимбек қўйган эдилар. Унинг қазосидан Маҳам амаки буткул довдираб қолди. Орадан ҳеч қанча ўтмай беш ойлик қизалоғидан ҳам айрилди. Қизалоқ ўша маҳаллар кенг тарқалган бир дардга чалинган эди. Маҳам амаки хотини иккаласи ёлғиз Каримжонлари билан қолавердилар.

Маҳам амаки дилбандларининг ўлимига минг куйингани билан охири тақдирга тан берди: замон алғов-далғов эди, ўлим кўпга келган тўй, Каримжон ўйноқлаб юрибди-ку, шунисига ҳам шукр! Маҳам амакига қолса, гўдакларининг бевақт қазосидан бирор ўзгача маъно ахтариб ўтирмасди, бирок...

Йиллар ўтди. Замонлар ўзгарди. Қийинчиликлар ортда қолди. Эл фаровон турмуш кечира бошлади. Ана шундай кунларнинг бирида Урмон оғзидан гуллаб қўйди. Чойхонада, тўрт-беш тенгқурининг даврасида, гапдан гап чиқиб, бир нарсани айтди.

«Ҳа, энди у кунларни ҳам бир кўрдик-да. Эсларингдами, ҳов бир йили Россияга деб юборилган ғаллани Конизарда қароқчилар урган эди?»

Эсламай нима, худди бугунгидек ҳамманинг ёдида у воқеа. Айниқса, Маҳам амаки ҳеч унутмаса керак. Чунки у ўша йиллар суюмли ўғилчасидан жудо бўлган...

Урмон гапида давом этди:

«Ҳукумат кўп уринди-ю, у қароқчиларнинг изига тушолмади, — деди жилмайганча, соғ қўли билан қорнини силаб ўтираркан. — Мана, қаранг, шундай кунларга ҳам келарканмиз-ку! У пайтда бир ҳовуч донга зор эдик, энди тишимизни кавласак бир бурдадан нон чиқади...»

Урмон бу гапни бамайлихотир, ҳатто бир оз ғурурланиб айтди. Айниқса унинг кулимсираб туриши...

Маҳам амакининг пешонасига бир нарса тарс этиб теккандек бўлди. Туйқус хаёлига келган фикрдан титраб кетди. «Наҳот?! Эвоҳ, ўғилгинам, сенгина кимнинг қурбони бўлдинг-а?!» Уз вақтида чекилмаган қайғулар, йиллар чанги остида кўмилиб ётган аламлар бирдан юзага қалқиб чиқди...

Маҳам амаки Урмоннинг қиёфасида гўдакларининг ҳақиқий қотилини кўрди!

Лекин индамади. Индаёлмасди ҳам. Аввало, Урмон фикрини очиб айтмади, юзига солса, тониши ҳам мумкин. Иккинчидан, у дардлар анча эскирган эди, жанжал кўтарса, эшитган қулоққа ғалати туюлади... Фақат, дилида қолди, дилидаги ўзга дардларнинг устига устак бўлди. Урмон жамоани ўша дамгача ҳам ёмон кўриб юрарди, энди, бундан бу ёёига уни кўрарга кўзи қолмади. Унга ғойибона ўлим тилашга тушди. Бундан ўзга чора топмади...

5

Фрондан қайтгач, Муҳаммаджон тағин Шўрсувга — ўзининг эски ишига борди. Совуқни совуқ демади, иссиқни иссиқ демади, ишлайверди, тиним билмади. Уруш ўтказган аламларни ҳам, Урмон ўтказган аламларни ҳам ишдан олди. Узи табиатан камгап эди, янада одамови бўлиб қолди. Юракни эзадиган ўйлардан чалғиш илинжида ишга муккасидан кетди, атроф-дунёни унутди. Кон Қатронтоғ тизмаларининг оралиғида эди, у ерларнинг совуғи қишлоқдагидан бешбаттар...

Ярасини ўша ерларда совуқ уриб кетдимикан? Мана, энди ўшаларнинг азобини тортиб ётибди. Узиям, бу галгиси ҳаммасидан ўтиб тушди — нафақат елка, тирноқларининг орасигача зирқиратяпти. Маҳам амаки гўё шу кеча худди қирқ тўртинчи йилдагидек қайтадан яраланди — худди ўшандагидек ўткир чийилдоқ товуш узоқ-узоқлардан яшин тезлигида учиб келдию... уйнинг бурчагида нимадир қаттиқ гумбурлади: еру осмон битта бўлиб кетди, елкасини нимадир куйдириб ўтди, аъзойи баданига беҳисоб игна санчиди, ҳатто димоғида ачқимтил, куйинди бир таъмини туйди. Фарқи — бу сафар хушидан айрилмади. Фарқи — қирқ тўртинчи йили, кунлардан бир кун жувонмарг кетишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса, бугун кечаси кўнглидан «Энди кетдим-ов» деган нохуш ўй кечди. Неча йиллардан бери илк бор шунақа ўй кечди, лекин, ростамкига ўлиб қоладигандек, Маҳам амакининг эти учди. Урушдаги ўлимдан ҳозиргиси кўрчинчли туюлди унга!

Ҳайҳотдек уйда ёлғиз ўзи... ўли-иб ётса... Э, фалак!.. Шундай кунда хотинининг йўқлигидан кўнгли ўксиди. «Биласан, биқинимда ўтирмасанг ҳолим хароб. Ахир, Оқмачит бориш қочиб кетмас эди-ку!», дея ўкинч билан дилидан ўтказди.

Бирок, хотинда не гуноҳ? Санчиқ ҳам немиснинг ўзидек дабдурустан бостириб келса!

Ниҳоят, ётаверган билан иш битмас, дедию Маҳам амаки дўхтирга отланди. Ташқари у пайтга келиб ғира-шира ёришган эди, неча кунлардан бери еру кўкни бирдай қийратган шамол ҳам тинибди, «Йўлга чиқсам бўлар», деди. Қўшнинг кунни бир тутам, то йўлдан мошина-пошина тутиб, бўйин марказига етгунча аллапайт ўтади. У боя шу ўйда, қон-қора лас тўнига ўраниб, қўлоқ-чаккасини қийиқ билан маҳкам тангиб, оёғига кирза этикни кийиб кўчага чиққан эди, афсуски, йўлини бермаган экан — эшик қўлфланмади, кўнгилсизлик бўлди, ўша кўнгилсизлик уни изига қайтарди, олиб келиб тагин сандалга тикди.

Нафсиларини айтганда, ҳавонинг ҳаддан ташқари совуқлиги ё адашиб бошқа калитни кўтариб чиққани йўлдан қайтганига баҳона эмас, шунчаки, бирданга боргиси келмай қолди, вассалом! Хўп, ана, борди дейлик: дўхтирхонада шохи чиқадики? Ё оғриқ-азоблардан бирданга қутулиб кетадики? Ортиқча даҳмаза, холос — дўхтир ҳар галгидек, кесиб кўрайлик, дейди, Маҳам амаки кўнмайди. «Кесаилик-чи, ичингизда тагин биронта бомба қолган бўпчиқар, топсак, ўзингизга яхши-ку, биратўла қутулсиз-қўясиз», дейди дўхтир. Маҳам амаки яна кўнмайди; «Елкамда ҳеч вақо йўқ! Уқ кирган эди, уни ўша маҳалдаёқ олиб ташлаган, ўз қўлларин билан Оврупонинг тупроғига кўмиб келганман», дейди. Шуларни айтarkan, кўз олдига ҳар гал дала шифохонаси, оқ халатли киши, сиртида қон юки қолган бодомдекина темир келади, қўлоғи остида кимдир ҳар гал: «Омадинг бор экан, солдат, яна тўрт энли пастга санчилганида борми, юрак...», дея шивирлагандек бўлади.

Маҳам амаки операцияга кўнмайди, дўхтирнинг ёзиб берган дориси эса ярасига қор қилмайди. Шу кунгача дўхтирни энди кўраётгани йўқ у.

«Елкамда бомба нима қилсин, болам,— дея Маҳам амаки хаёлан ўша дўхтир билан мунозарага киришади,— у Оврупонинг бир чакалакзорида қолиб кетган. Юрагимда ўқ бор, юрагимда. Ўзим биламан, бу ўқни немис отмаган, немис отган ўқни елка тугул, юракдан ҳам чиқариб ташласа бўлади... Бу ўқни Урмон отган, давоси ҳам шунинг қўлида! Бунни сен қаёқдан билардинг, дўхтир болам, ўзинг кечагина туғилган жўжа бўлсанг!»

Бир томондан ёлғизлик, бир томондан вужуддаги ланж бир оғриқ, бир томондан ҳавонинг совуқлиги, бир томондан сандалнинг хушёқар иссиғи... Бундай дамлар одам хоҳлайдими, йўқми — чексиз ўй-хаёлларга берилади, кўз ўнгига нима жонланса — гоҳо тартиб билан, гоҳо тартибсиз — чиғирикдан ўтказаверади. Бунда бир қарорга келиш шарт эмас, бунда муҳими — ўй суриш, хаёлга ботиш...

Тошқўмирнинг чўғига белини тутиб ётаркан, баданига бир меъёр илиқлик югурган, дайди хаёллар Маҳам амакини не ерларга олиб кетди. Мана — Манзура... «Юрак-бағримизни қонга белаб кетдинг-а, қизим!», дея ўйлади зилиб. Кейин туйқус: «Оқ қилаймикан?», деган фикрга борди. Бир тўхтамга келолмай, роса қйналди... Мана — Хайрулла Латиф... «Уф, сени менга йўлиқтирганидан хафаман-да лекин!» Мана — Одилхон... Ана — Урмон...

Э, ўлишга ҳали эрта эди, Маҳам амакининг бўйнида қарзи кўп ҳали. Дунёдан умид узиш осон, лекин бу марднинг иши эмас! Маҳам амаки тақдирга аччиқма-аччиқ туриб яшаши зарур — у бунни ботинан ҳис қилди. Шунинг баробарида танасида қандайдир сирли куч-қудрат уйғонаётганини, қалбида аччиқ ҳаётга нисбатан тиниқ, айрича бир меҳр, тирикликка ишонч туйғуларининг янғидан илдиз отаётганини яққол сездди. Елкасидаги санчиқ ҳам бора-бора сўсайиб, тингандек бўлди. Гўёки шу дамда хаёлот эпкинни унинг танасидаги мужмал оғриқни ҳам аллақаёқларга элтиб ташладию тошқўмир солинган мўъжазгина сандалда өзобу ўқубатдан фориг бир вужудгина қолди.

Ҳеч бир ўйи ниҳоят топмасдан Маҳам амакининг кўзи илинди: хаёли уйқуга уланиб, уйқуси хаёлга чатишиб кетди.

6

Замона эндигина тинчиб, одамларнинг тер ҳиди анқиган кўкрагига ёқимли эпкин тегай деганида, эркаклар зимдан, аёллар эса очикдан-очик ёқасига туфлаб: «Кўз тегмасин-а, пешонамизга шундай кунлар ҳам битган экан-ку!», дея

шукронага энди оғиз жуфтлаётганида... уруш бошланди.

Жони, қони эвазига босмачини юртдан аритиб, эндигина тинч, осойишта осмон остида қайта бош кўтариб, эндигина у ёқ-бу ёққа хотиржам қарай бошлаган халқ... дами ичига тушиб, тагин бир-бирига мўлтираб қолди. Нигоҳларда бир хил мунг, бир хил дард, юракларни ўртантиргучи бир хил сўроқ: энди нима бўлади?.. Кўнгиллар ғаш, туби қоронғи: нима бўларди, уруш урушлигини қилади-да, одамзоднинг бошига соладиганини солади-да, кўрадиганимизни кўраверамиз-да...

Қишлоқда атиги бешта — ҳар маҳалла ўртасида биттадан, гузарда иккита радиокарнай бор эди, лекин одамлар уруш бошланганини бу карнайлардан эшитганлари йўқ. Қора карнайлар «Насрулло»ни қоқ ярмидан узиб қўйиб, машум вақеадан дарак бериб тилга киргунча, узунқулоқ гап бу ерларга ҳам етиб келган эди.

«Гирмон бизга уруш очибди!»

Ўша дақиқадан бошлаб халқ ўз-ўзидан бир ерга тўпландиган, қора карнайлар ўрнатилган симёғочлар теварағида соатлаб тик турадиган бўлиб қолди. Нима гап, нима сўз — кўпнинг орасида бунга фаҳми етмаганлар ҳам бор эди. Қутилмаган хабардан гангиб, ҳатто: «Оббо кристалоқлар-эй, уруғига қирон келтирдик десак, босмачи курғуринг пусиб ётганлари ҳам бор экан-ку!», дея ёқа ушларди баъзилар.

Эҳтимол шунинг учундир, уруш бошланганининг тўртинчи кунийёқ қишлоққа райондан вакиллар келди. Эрқаю аёл бир зумда гузарга йиғилди. Вакиллар беш-ўн оғиздан сўзлаб, фронтдаги аҳволни бирмунча тушунтирган бўлдилар. Айниқса, Қўқондан келган рус вакил билан Урмон жамоа узоқ гапирди.

Урмон жамоа олдинида рус вакилнинг нутқини ўзбекчага ўгириб турди, кейин анчасини ўзидан ҳам қўшди. Эҳ, ўшанда у нималар демади! Ёш эди, ғайратли эди, терлаб-пишиб гапирверди. Бунча гапни қаёқдан ўрганақолди экан, деб Муҳаммаджон ҳатто ҳайрон бўлган эди ўшанда. Худди олдиндан тайёргарлик кўриб юргандек...

— Ҳамқишлоқларим! — деди Урмон салмоқ билан. Сўнг бирпас одамларга қараб турди. Кўзига ёш олди, бу ёғига овози қалдираб, дилэзар қадар таъсирчан чиқа бошлади. — Биз нимани ўйлаб инқилоб қилдик? — деди у ҳайқариб. Яна бирпас тек турди. — Жонимиздан кечсак кечдиг-у, лекин босмачи лаънатининг ҳамласига кўксимизни қалқон қилдик! Хўш, шундай қилаётганимизда биз нимани ўйладик? Нимани деб колхоз туздик? — Шу ерда Урмон чўнтагидан дастўмол чиқариб кўзларини, юзини артди. Ва бирдан таҳдидли овозда давом этди: — Албатта, истиқболимизни ўйладик, истиқболдаги ёруғ кунларимизни ўйладик! Хўррият бўлди, шу хўррият берган ҳур кунларимизни ўйладик! Хўш, шундай пайтда Гирмондан бир малла дев чиқиб, «Ҳаммангни қириб ташлайман, қолган-қутганингни қўл қиламан, хўрриятингни ҳам, ўша сенлар интилган истиқболни ҳам кўз очиб юмгунча ерга кўмаман!», деб турса... биз қўл қовуштириб ўтираверамизми?! Йўқ! Чучварани хом санабди ўша малъунлар!.. Ҳой хотинлар, кўп уввос тортмасдан, эрларингизга йўл тадоригини кўринглар! Ҳой келинчақлар, беҳуда соч юлгунча, қаллиқларингизнинг белбоғини чиқариб беринглар! Ҳой кундорлар, қани сизлардаги шиддат, қани қадимги ёвқурлигингиз?! Йигитман деб кўкрак керган билан иш битмайди ҳозир! Унутманглар, томирларимизда ота-буваларимизнинг қони бор-а! Қани, халойиқ, бир ёқадан бош чиқариб кўзгалайиқ, олис сафарга отланайлик! Она Ватанимиз, улуг йўлбошчимиз Сталин бугун биздан шуни талаб қилаётган экан, жонларимиз садқа бўлсин шундай Ватанга, Сталинга! — Урмон жамоа жиққа терга ботди. Хиёл тин олиб сал босиқроқ оҳанда давом этди: — Бугундан эътиборан жамоанинг идорасини мана шу чойхонага кўчирамиз, аскарликка юборилувчилар шу ерда рўйхатга олинади... Энди тарқалинлар! Далачилар даласига борсин, қонда ишлайдиганлар қонга жўнасин! Лозим топилганда, ўзимиз қақирамиз. Лекин, огоҳлантириб қўяй: кимда-ким аскарликдан бўйин товласа — ҳолига вой бўлади! Кўзларингни очинглар!.. Шўролар ҳоқимиятига қўл кўтарганларга — ўлим!

Улим! Улим!

Гузар аллақандай ваҳимали ғовурдан ларзага келди. Сал

ўтмай қий-чув бошланиб кетди. Айниқса, хотин-халажнинг фарёидан Қатронтоғнинг тошларига ҳам жон кирди гўё — битта қолмай эриб битди. Нурсухариқ ўша кун кўзёшларга тўлиб оқди, бу кўзёшлар қайтиб келиб, яна-тагин одамларнинг юрагига қуйилаверди, қуйилаверди. Инига нохос чўп суқилган чумолидек, халқ тўзиди...

Шундан кейин кунда бўлмаса-да, кунора йигитларнинг сара-сараси танлаб олиниб, аскарликка жўнатилаверди. Бир киши кетадими, ўн кишими — ҳар гал қишлоқ ҳувиллаб қолаверди...

Навбат Мухаммаджонга етди. Август ойи эди. Мухаммаджон унда Қатронтоғ ичкарасидаги конлардан бирида ишларди. Дастлаб уларга ҳеч ким тегинмади. Сизларга брон берганмиз, ишчилар шу ерда ҳам керак, дегандай гап бўлган эди. Кейин, негадир, кондан ҳам аскар олина бошланди.

Чақирув қоғози келганда Мухаммаджон Шўрсувда эди, кеч-қоронғида уйга қайтса... Аяси чопакелиб бўйнига осилиб олди. Йиғлади, сиқтади; бирам йиғладими... Мухаммаджон беихтиёр уни гап билан силтаб ташлади.

— Ая, ҳозирданоқ мени ўлдига чиқаряпсизми?! Ахир, урушга бораётган бир мен эмас-ку!

Хотини Мухаррам бошда сир бермай турди, лекин Мухаммаджон унинг изтиробини ҳам аниқ-яққол сезди. Ҳаракатлари суст, паршон; уйга киради, ҳовлига чиқади, ора-сира бийрон ўғилчасини бағрига босиб, унсиз кўзёш тўқади. Она кўздан пана бўлганда, Мухаммаджоннинг олдига келиб, юракларни зирқиратгучи дард билан:

— Каримжон иккаламиз нима қиламиз энди? — деди.

Шу — бори ҳам, йўғи ҳам шу бир оғиз гап, лекин Мухаммаджон шунинг ўзидеяёқ бўлғуси айрилиқ изтиробларини, тубсиз ҳадик-хавотир аломатларини туйди, ҳали онаси бўйнига осилиб йиғлаганда ҳам қилт этмаган одам, энди сесканди...

Шундай қилиб, ёзининг адоғида Мухаммаджон кўп қатори фронтга жўнаб кетди.

7

Бир пайт қулоғига элас-элас аёл кишининг товуши чалинди. Тушига айкашиб эшитилгани учун индамай ётаверди. Товуш иккинчи бор қайтарилганда, туши эмаслигини, гапирётган ўзининг хотини эканини билди: Маҳам амаки кўзини очди.

— Ҳой, сизни нима жин урди, Каримжон, турмайсизми? Кун чиққанда ётадиган феълингиз йўқ эди-ку! — дерди Мухаррам хола унинг елкасидан туртиб.

Маҳам амаки чинқириб юборди:

— Елкага тегма, аҳмоқ! — Сўнг хийла босиқ оҳангда ёлдиради: — Елкага тегма-да, ахир...

Мухаррам хола ўзи йўқ пайти эрига нимадир бўлганини сезди. Лекин, сезмаганга олди. Одатдагидек, бирини тоғдан, бирини боғдан олиб бидирлай кетди:

— Қудаларим сўраб юборишди. Қизингиз эргашган эди, қўймадим. Қўлидаги шабадалаб қолибдими, ётибди, иссиғи баланд... Кўнглим бир бўлиб, бир бўлмай келдим ўзиям. Вой бу совуқни, вой бу совуқни, бурунларимни чирт-чирт узиб кетаман дейди-я! Хайрият, қўшнилари инсофлигина экан, эркак қудам бир оғиз айтган эди, йўқ демади — ғир этиб ташлаб кетди. Кўчадан қайтди... Бир ҳисобда, кирмагани яхши бўпти, бунақа қип ётганингизни кўрганида... Аёли оғироеёқ эмиш, шундан хавотир олиб кетди. Бу совуқда бўшанишни айтинг. Улмаган — хотинларнинг жони!

Гап ораси Мухаррам хола қизиникидан кўтариб келган дастурхонни очди. Мевасини мевага, нонини нонга айириб қўяверди. Маҳам амаки индамай туриб берди. Хотини гапириб бўлгандан кейин ҳам индамади. Шошилмасдан, оёғидаги пайтавани чувалаштириб, тахлаб, кўрпачанинг қатига тикди-да, обрезнинг устига чўкка тушганча юзини ювди, бошига танғилган қийиқни ечиб, ҳафсала билан артинди. Мухаррам хола яна нималарнидир гапираверган эди, унинг овозига қулоқ тутиб, хатти-ҳаракатларини зимдан кузатаркан, одатда қадрдон кишига нисбатан ҳаммиша ҳам кўз-кўз қилинавермайдиган, бироқ кўнглининг туб-тубида мудом ардоқланиб сақланадиган меҳр туйғуларини жунбушга келаётганини ҳис қилди. Хотинига шу тобда

яхши гаплар айтгиси, унинг димоғини чоғ қилгиси келди. Нияти тилга кўчганда эса, оғзидан чиққан гапга ўзи ҳам ҳайрон қолди:

— Келиб-келиб кеча кетганингни қара, Карим! Бошқа кун қуриганмиди! Е, қизинг ўзи бир келса тўғи пасайиб қоладими?

Мухаррам хола эрининг гинаси сабабини кўп ҳам тушунмади.

— Боласи касал экан, деб айтдим-ку сизга, — деди бегаразгина.

— Касал бўлмасдан олдин келсин эди! Ахир, токайгача орқасидан юрасан?!

— Нимага мунча зарда қиласиз? — деди Мухаррам хола тутакбирок. — Яхши бориб келдингми — йўқ, ҳол сўраш — йўқ... Сизга бегонами ўша? Осмондан орттириб келганим йўқ мен!

Маҳам амаки ўзини босди. Хотини рост айтади, у бечоранинги айби нима — берухсат кетмаган бўлса? Қийиқни миҳга илди-да, сандалга келиб ўтирди.

— Кечаси нақ кетган эдим-да, хотин, — дея зорланди сўнгра. — Бир буради-и... Бунақаси сира бўлмаган. Қовурғаларим эшилиб, қўлим курагимдан узилиб тушадими дедим. Ажалимдан беш кун бурун олиб кетади-ёв шу...

Мухаррам хола юмушини йиғиштириб, эрига бақрайиб қаради: тагин тутибди-да зорманда! Сўнг эҳтиёткорлик билан, деди:

— Ҳа, айтгандай, эсингиздами, эркак қудамнинг ҳам оёғи кўпдан бери оғриб юоради. Уша яраси кўзонг, туновинда яна қадам босолмай қолди. Куёвингиз Қўзонга оборган экан, дўхтирлар дарров кесибди. Тиззасининг кўзидан тирноқдек темир чиққанг эмиш. Ана! Тиззасида темир борлигини у бечоранинги ўзиям билмаганакан... Банисадан чиққанига бир ҳафта бўлгани йўқ, бип-бинойидек юрибди эркак қудам.

Хотинининг жонсараклиги негадир ҳозир Маҳам амакига ёқмади. Қайтага, иззат-нафсига тегди.

— Эркак қудам, эркак қудам дейсан, бу ёқда ўзининг эркагинг ўламан деб турибди!

Мухаррам холанинг ранги ўчди. Гўё шундай қилмаса эрига ҳақиқатан бир бало бўладигандек, шоша-пиша кўкрагига туфлаб, ёқасини тишлади.

— Нафасингизни ел олсин, бирам маҳоват қиласиз! Ахир, сизни ўйлаганимдан айтялман-да, Каримжон. Дўхтирга боринг деб бўлмаса сизга... Улибдими, битта ярани тузатолмаса!

Яқиндан бери Маҳам амаки билан Мухаррам холанинг турмушлари турмуш бўлмай қолди. Иккаласи ҳам қил устида юргандек гўё: бўлар-бўлмасга жиззакилик қила бошлайди, гапирса гап кўтармайди, эрининг сўзи — хотинга, хотинининг сўзи — эрга таъна, дакки-дашном бўлиб туюлади. Қўрққанга қўша кўрнар, деганларидек, яримта кўнгил билан осойишта яшаб бўлмас экан. Қизлари Манзура Ўрмон чуқоқнинг ўғли Тўйчи билан қочиб кетгандан бери аҳвол шу. Бир ой бўлиб қолди, на хат бор, на хабар — қудуққа чўккандек дим-дим. Ноиллож, дардлари ичларида, аламларини бир-бирларидан олиб, заҳар-заққумни бир-бирларига сочиб келишяпти...

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Мухаррам хола аввалига, ишқилиб Манзуранинг ўқимасин, қулоғим энди тинчганда тагин Манзуранинг вавғосини бошламасин, деб чўчинқириб турди, ҳар не қилиб кўнглисизликнинг олдини олмоққа чоғланди. Лекин... ўзининг сабр-бардоши етмади. Айниқса, эрининг: «Дўхтирининг пишириб е ўзинг! Меҳрибончилигинг ҳам ўзингга сийлов!», деб бақиргани жон-жонидан ўтиб кетди. Қўққис томоғига аччиқ бир хўрлик босиб келди ва у ўтириб барала хўнграб юборди. Тўлиб турган экан, тилига ҳам эрк берди. Йиги аралаш вайсашга тушди, вайсаб туриб йиғлайверди. Бу йиғи шу дамга қадар дилда пинҳон тутилган дардлару оламда энг хунук қарғишлар, қизи Манзурага инсоф тилаб, «бетавфиқ» Тўйчига ўлим тилаб қилинган таваллоларга йўғириқ эди.

Маҳам амакининг чаккаларига муздай тер тепчиди. Кўзники тупроққа, юракники юракка бораркан — Мухаррам хола ҳозир юракдан йиғлаётган эди; Маҳам амаки бирдан тутатди:

— Қўлимга тушсин ўша қанжиғинг!.. Ўрмоннинг дарвозасига осаман! Ҳаммасини ўлдираман! Уйини куйдираман!

Маҳам амаки, аллақандай бир куч вужудини ғижимлаб-ғижимлаб ташлагандек, мадорсизланди.

8

Манзура эндигина йигирма тўртга кирган, кўзга яқин бир келинчак эди. Раҳмон мелисанинг ўғлига тушганига тўрт йилча бўлган; икки ярим яшар қўғирчоқдекки қизгинанинг лекин вужудидан қизлик латофати аримаган сулув жувон эди.

Эри институтни битириб келгач, қишлоқ мактабида бошланғич синфларга дарс бериб юрди. Қайнотаси кўп йиллар мелисада ишлаган, Манзура келин бўлиб тушмасдан пича олдин айрим номаъқул ишлари очилиб қолиб бу соҳадан бадарга қилинган, энди магазинга қоровул бўлиб олган эди. Уйда эса қишин-ёзин деҳқончилик қилади. Томорқасидан чиққан даромадга ўғлини ўқитди, уйлантирди. Уғли институтда ўқиётганида ҳам, битириб қайтганидан кейин ҳам Раҳмон мелиса уни рўбарўсига ўтиргизиб олиб кўп насиҳат қилган, бир-икки йил чидаб маълумлик қилиб тургин, насиб этса, органга ишга ўтказиб қўяман, деган. Манзурага келган совчилар ҳам шуни назарда тутиб, бўлажак куёвни роса мақташган. «Узи маълум бўлгани билан... яқинда мелисаликка ўтиб кетади!», деб оғиз кўпиртиришган. Бу ишга Маҳам амакининг мутлақо рағбати йўқ эди, Раҳмонни яши билан, унга берадиган қизим йўқ, деб анчагача оёқ тираб юрди. Раҳмон мелиса унга бевосита ёмонлик қилмаган-у, лекин Урмон чўлоқ ҳали жамоанинг раиси бўлиб турганида яқинлиги бўлган — Маҳам амаки шундан норози эди. Бироқ унинг норозилиги билан биров ҳисоблашмади. Совчи устига совчи келавериб Муҳаррам хола довдираб қолдими ё қуда хонадони томонидан ваъда қилинган сепга учдими — Маҳам амакига: «Хотинларнинг ишига аралашманг!», дедию шартта оқлик бериб юборди. Маҳам амакининг аралашувисиз тўй ҳам бўлиб ўтди...

Бироқ, одамзоднинг айтгани ҳадеб рўёбга чиқармас экан — куёв ҳаш-паш дегунча олти йил ўқитувчилик қилиб қўйди, мелисаликка ўтавермади. Сарф-ҳаражати кўпайиб, бир йили еттинчи синфларга чизмачилиқдан ҳам дарс олди. Манзурага уйланганидан бир ярим йил ўтиб, дадасининг ваъдаси амалга ошмаслигига кўз етди чоғи, қутилмаганда ўқитувчиликни ташлади-да, Нефтободдаги буровойлардан бирига ишга ўтиб кетди.

Манзура эрининг бу ишидан аввалига қувонди: рост-да, уй, рўзғор деган гаплар бор, мактабдан бир нима орттириб бўлмаса, ўзининг даладан топаётгани лозимадага зўрга етса... майли, маоши уч юздан ошаркан, деди. Муҳаррам хола ҳам бир гал қизига: «Эринг топармон-тутармон бўлгани тузук, ҳали ёшсизлар, рўзғорни бутлаб олганга нима етсин...», деб айтди.

Шундай қилиб, ҳар куни тонг-сахарлаб эр тоққа қатнайверди, Манзура — далага. Қизчалари тўғилиб, Манзура уй ичида ўралашиб қолди, эр эса бир куни, томдан тараша тушгандек, янги гап топиб келди. Бухоронинг қайсидир буржиге бориб озгина ишлаб келмоқчи эмиш. Бу ердаги маоши тўла сақланади, йўлкира пули нақд, нарёқдан ҳам дурустгина олади, ошию нони бўлиб ойига тўрт юз-тўрт юз эллик сўмгача туширса бўлади; Манзура ташвиш тортмасин, тез-тез келиб туради, ахир, Бухорода унинг йўқотгани бормидики, унга у ёқларда пишириб қўйибдимик... борса, пули учун боряпти-да, кўради — ёқса, бирор йилча ишлайди, ёқмаса...

Манзура оҳ-воҳ урмади, оҳ-воҳнинг беҳудалигини билди, кўмак кутбми, секин қайнотасига термилди. Раҳмон мелиса кўзини олиб қочди, зимдан бир Манзурага, бир ўғлига назар ташлаб, тўнғиллади: «Сенларга бас келиб бўладими, қориндан тушмасдан ўзимники маъқул, дейсан, гапирса — чўччонгайсан. Бухорога экан-ку, қўй деганим билан Борсақалмасдан ҳам қолмайсан!..» Бу билан у кимга ён берди — Манзура билолмади; чапагини чалиб, ич-эттини еб қолаверди.

Бир йил ўтди. Ана-мана дегунча икки йил ўтди. Эр бирдари келиб турди-у, узил-кесил қайтавермади, Манзуранга яна тонг қолдириб, ими-жимиди ўшандан нари Қорақалпоғистонга суриб кетди. Тагин ярим йилча ишласа, жамғарма-

си фалон сўмга етармиш, шундан кейин тилло берсам ҳеч ёққа силжимамай, Нефтободда ё Шўрсувда муқим ишлайверармиш. Яқинда келган бир хатида: «Қишда бутунлай қайтаман, Манзир, ўзим ҳам роса зерикдим, айниқса, қизимни соғиниб кетдим», деб ёзди. Бу хушхабардан Манзуранинг туриб-туриб... алами кўзиди. Ўз-ўзидан ўпкаси тўлди. Қоронғи тушгунча миқ этиб товуш чиқармади. Сўнг ҳувиллаб ётган келинлик уйига кирди-да, қизчасини ухлатиб қўйиб, кечаси билан тепасида юм-юм кўзёш тўкиб чиқтди. Йиғлаган сари тўрт девор уни тобора сиқиб келар, айланасига михларга илинган кўйлақлар, сочиқлар ноҳос сиртмоқ бўлиб бўйнига тушаверар, тоқчалардаги чинни идишлар ўз-ўзидан жаранг-журунглаб, унинг ҳолидан кулар эди... Манзурани ваҳм босди, вос-восга чалинай деб қолди, лекин чидади — қайнонасини чақирмади. Саҳарга яқин, қизчасини қучоқлаганча, уйқуга кетди.

Ажойиб кунларнинг бирида шу суомли қизчасини бағрига босиб, ҳар икки хонадонни доғда қолдириб, қочди-кетди...

Адашмасам, ўшанда мен еттинчи синфда ўқирдим. Пахта терими охирида қолган пайлар эди. Совхозимиз у йиллари чўлдан янги ерлар оча бошлаган, экишга ҳам, теримга ҳам қатнашга тўғри келар эди. Биз — мактаб ўқувчилари ҳар куни етти-саккиз мошинага миниб Қомилчулига борардик: баҳорда яғана ё чапоқ қилардик, кузда пахта терардик. Бир куни кечкурун, одам одамни таниб бўлмас палла, одатдагидек қий-чув, тўс-тўполон билан қишлоққа кириб келдик. Мошиналар карвони Кўприкбошига етганда орқама-кетин тўхтади. Чўлдан ҳеч ким қуруқ қайтмаган эди. Боғ-боғ пичанлар, ўт тўла қоплар гурс-гурс асфальтга иргичилди. Орқада қаторлашган мошиналар чироғини ўчирмаган; кўзларимиз қамашади.

— Ҳой, қоч! Қоч дейман, белингни узиб кетади!

— Кўзингга қарасанг ўласанми, Исим сариқ!

— Маълум, манов Узоқни қаранг, сочимдан тортыпти...

Кўйвор ҳозир, маълумга айтиб бераман!

— Айт! Айтиб кўр-чи, шимини ечиб берармикан.

— Вой, кўйлагимни йиртдинг!

— Ҳайт! Қий-ю-у-у...

Ҳамма бараварига бақиради, ҳеч ким бир-бирига қулоқ солмайди — қишлоқни бошимизга кўтариб олганмиз. Баъзиларнинг акалари, опалари хавотир олиб йўл бўйига чиқиб турган экан, шовқиннинг камига улар қўшилади. Бозор дейсиз! Бозорки, ким харидор, ким сотувчи — билиб бўлмайди.

Мен ҳам ўтга жиқ тўла қаноримни паства иргитиб, кетидан ўзимни отдим. Туриб, уст-бошимни қоқиб, қопга энгашдим. Уни энди елкамга оламан деб турсам, иккита қизнинг аллақандай сирли шивири қулоғимга чалинди: «Манзура опа Тўйчи ака билан қочиб кетибди...»

«Ия, қайси Манзурани айтгансан — Раҳмон мелисанинг келиними? Ким айтди сенга?»

«Ана, ҳозир опам айтди...»

Бу янгилик мабодо бошқа «опа» тўғрисида бўлганида уни эшитмаслигим, эшитсам ҳам бу қадар диққат қилмаслигим, диққат қилсам ҳам уларга қўшилиб ҳаммага ёйишим мумкин эди. Лекин... Қизларнинг айтаётгани — Манзир опа, менинг суюмли Манзир опам эди! Беихтиёр қанорга чўккалаб қолдим. Кейин, ҳамма тарқаб кетгач, амал-тақал уйга етиб олдим у дарҳол аямдан сўрадим. Ва...

Ҳеч нарсага ақлим етмай, туни билан ғалати-ғалати тушлар кўриб, тўлғаниб чиқдим.

Манзир опа жонажон ўртоғим Аббоснинг аммаси эди. Аббос — Карим тоғанинг ўғли, Маҳам амакининг невараси. Маҳам амаки билан менинг опоқдадам минг йиллик қадрдон эдилар, ҳатто бир-бирларини сенсиратиб гаплашишарди. Аббос иккаламиз ҳам опоқдаларимизга ўхшаб қалин ошналардан эдик. Болалиқда энг кўп бирга юрган иккита ўртоғим бўлса, биттаси — Хайрулла, иккинчиси шу Аббос эди. Кун бўйи тўп тепардик, ошиқ ўйнардик, ишларимизни ҳам учаламиз бирга қилардик. Аббоснинг дадаси Карим тоға олтингургурт заводида юкчи бўлиб ишларди. Учинчи синфда ўқиётганимизда Аббослар Шўрсувга кўчиб кетишдию қишлоқда Хайрулла иккаламиз шўппайиб қолавердик. Уша йили Гриша амаки деган бир

грек муҳожирани ватанига қайтиб кетган экан, посёлканинг катталари унинг уйини Карим тоғага берибди. Аббосни Маҳам амаки ҳам олиб қололмади, Карим тоға уни посёлка мактабига бераман, деган эмиш.

Энди ўйлаб қарасам, Манзир опа билан худди ана шундан кейин иноқлашиб кетган эканмиз. Илгари Аббос, мен, Манзир опа учаламиз далада бирга ўт терардик. Энди Аббос кетган, лекин Манзир опа ҳалиям мени ёнидан жилдирмасди. Ҳатто баъзан атай уйга чақириб келарди.

— Нозимбек, бугун серўт жойни кўриб келдим, — дерди мени қизиқтириш учун. — Валасалидингни опчиқ!

Ўзига тенг кўриб гапирганидан ҳар гал бошим кўкка етиб, зумда бирорта қопми, этакми кўтариб чиқардим ва иккаламиз бир кун Оқтупроққа, бир кун Тўқайга, бир кун Каттажарга, бир кун Гўшқишлоқнинг сарҳадларигага бориб ўт терардик. Манзир опа қопини тезгина тўлғазиб, кейин менга ёрдамлашиб юборарди. Ёнма-ён юриб, антиқа-антиқа гаплар айтиб кулдиргани кулдирган эди. Латифа сўзласа, ўзи мендан кўпроқ куларди...

Бир куни уйга қайтаётганда уни сўроққа тутдим:

— Раҳмон мелисанинг ўғлига тегасизми, Манзир опа? У кулди.

— Ким айтди сенга? — деди.

Мен бу янгиликни уйимизда бўлган гапдан эшитиб олган эдим.

Манзир опа тўхтади, валасалидиннинг эгарига тирсагини кўйди-да, менга ғалати қаради.

— Сенга яхшимасми, Нозимбек, — деди кейин. — Қўшни бўламиз...

— Бировга тегсангиз, мен билан ўт термай қўясиз-да.

Манзир опа валасалидиннинг рулини кўйиб юборди. Қоплар қалқиб, ёнбошга гурсиллаб ағнади. Икковимиз ҳам чўккалаб олиб, мириқиб кулдик.

— Оббо рашкчимдан-эй! Мени қизғаняпанми-я... — дерди Манзир опа.

Туриб, йўлга тушидик. Салдан кейин у тагин шу гапга қайтди, маънос кўз сузиб:

— Кўрқма, Нозимбек, — деди. — Барибир сен билан билла ўт тераман, билла ўйнайман. Раҳмон мелисанинг ўғли бўлса — ўзига

Кейинроқ билдим: Манзир опа ўшанда Раҳмон мелисанинг ўғлини яхши кўра экан!

Кўп ўтмай тўй бўлди, Манзир опа қўшнимизникига кўчиб келди. Ким қандай — билмадим-у, ўша тўйда менчалик ўйнаган, менчалик яраган бола бўлмаса керак.

Хотирамда тиниқ сақланган воқеалардан яна бири бешинчи синфни тугатаётганимда — баҳорда рўй берган. Мен унда аямга ёрдам бергани далага бориб турардим. Бир куни тагин Манзир опа билан ўт тердик. Негадир уйга кетишга сира шошилмасдик. Икковимиз битта қопга мингашиб олдик: мен — олдинда, Манзир опа — орқада. Ўзимизни дулдул отда ҳис қиламиз.

— Мени қаёққа олиб бормоқчисан, Нозимбек? — деди Манзир опа кулиб.

— Қатронтоққа! — дедим оғзимни тўлдириб.

— Қатронтоғингда нима қиламан?

— У ерда сизга эртак айтиб бераман.

— Эртагинг зўрми?

— Зўр!

— Чу денг бўлмаса отингизни, шер йигит!

— Чу-у! — дедим отнинг «сағрин»ини савалаб: қўлим

Манзир опанинг тиззасига тегди.

— Вой ўлмасам, отингиз қариб қолибди-ку, йигит, юролмаяпти.

— Бу юрмайди, учади!

— Учирмайсизми бўлмаса!

— Учиб кетяпмиз-ку!

Охири Манзир опа жиришни бузди.

— Майли, шу ерда айтақол эртагингни, — деди елкамга кўл ташлаб.

Мен отнинг «жилов»ини ўз ҳолига қўйиб, Манзир опага ўгирилиб ўтириб олдим. Кўзимни кўзидан узмай, эртагимни бошладим:

— ...Тоғу тошларнинг шоҳи, ғорларнинг султони аждаҳо яшаб-яшаб, ахйри зерикибди-да: «Биронта қиз-пиз топиб келиб, уни катта қилиб, кейин ўйналаб оламану маз-за қиламан!», деб шаҳарга тушибди...

Манзир опа тиззасига шаппалади.

— Тозаям жинни экан-ку ўша аждаҳонинг! Биратўла бўй етганидан топақолса бўлмасмикан!

— Мен қаёқдан билай, китобда шунақа ёзилган, — дедим ўзимни оқлаб.

Манзир опа кўрсаткич бармоғи билан туйқус бурнимнинг учидан босиб, «Вой пучуғ-эй!», деди. Сўнг икки қўляга таяниб, ўзини орқага ташлади, қирққурим сочларини бирикки силкитди-да:

— Кимни олсан, Нозимбек? — деди шивирлаб.

Уялган бўлдим, индамадим.

— Сенгинага қайси қиз йўлиқаркан-а?..

Тагин миқ этмадим.

— Кимни олсан ҳам, доим хотинингнинг ёнида юргин, ёлғиз ташлаб кетма... Хўпми?

— Хўп! — дедим дарров.

Ҳа, мен ўшанда ўйлаб ўтирмасдан «Хўп!» дедим. Манзир опа эса...

Манзир опа индамай ўрнидан турди. Қопини даст кўтариб бошига кўйди-да, жўнаб қолди. Бу қилиғининг сир-синоати ўша тобда менга қоронғи эди. Умуман, ғалати-ғалати одатлари бор эди. Баъзан маънос тортиб қолади баъзан ундан хурсанд одам йўқ. Шундай пайтлари қизининг хатти-ҳаракатларини кўрсатиб роса кулдиради, ҳатто икки марта, эридан келган хатни ҳам ўқиб берган... Унда мен маст эдим! Уйга кела-келгунимча Манзир опадан кўз узмадим. У эса ҳамон ўшандай ҳолда — олдинга тушганча, бир сўз демай, ортига ҳам ўгирилмай, дадил юриб борарди. Бошида лапанлаган бир қоп ўтнинг юкини сезмасди гўё...

Икки далани ўқдек кесиб ўтган тутқатор, уфққача чўзилиб кетган узун, ингичка сўқмоқ; тупроғи иликка уради. Манзир опа энгил-енгил одимлайди. Этигининг остидан икки ёққа сачраган чанг ажиб товланади. Осмон ҳали оқиш, парча-пурча булутларнинг тўши ҳам оқиш, пастга осилиб турган қисми қорамтир, Бўёбнинг осмонга қадалган қирраси қонталаш... Манзир опанинг одимлари энгил, бошидаги қоп гўё ҳозир учадию бориб уфққа санчилади; ўзи ҳам ҳув ўша қизилликка йўғрилиб кетади...

Кузга келиб Манзир опа бизникига тез-тез чиқадиган бўлиб қолди. Чиқиб, аям билан узоқ гангир-гунгурлашиб ўтирарди. Мен унинг тетапоя юриб кетган қизчасини ўйнатар эдим.

Бир куни Раҳмон мелисанинг хотини аямга нолинди:

— Саёқ бўп кетди қирилгур! Эри келгунича уйни уй қип ўтирганини кўрмайман-а... Чиқовриб, сизларниям безор қиворгандир?

— Зерикади-да, айланай. Еш нарса, бир жойда ўтиравериб юраги сиқилади.

Раҳмон мелисанинг хотини кетгач, аям дадамга шундай деди:

— Манзирнинг бизникига кирганидан гумонсираяпти. Ғийбат қилади, деб ўйлайди-да. Билмайдик, унинг дарди бошқа. Кошки ғийбатга арзисанг!

Мана энди бу гап: Манзир опа қочиб кетибди!

Унга ачинган, тарафини олган яғона одам — аям эди. Комилчўлидан келибоқ сўраган сўроғимга бафуржа жавоб қилиб бўлгач, кўзларимга тикилди-да: «Сен бировларнинг гапига қўшилиб юрма!», деди.

Бу кўнгилсиз воқеа Маҳам амаки билан Мухаррам ходаларнинг ярим жонларини суғуриб кетди.

Энди ўйлаб қарасам, одамзодни урушлар, табиий офатлар қаритмас экан, аксинча, улар бари уни чидамга, матонатга ундар экан. Очлик, қашшоқликлар одамзоднинг белини буколламас экан, аксинча, улар бари уни курашга, исёнга чорлар экан. Одамзодни енгувчи яғона қодир куч — ўзининг турмуши, турмушининг майда-чўйда, азалий ҳам абадий ташвишлари эканки, чидамга матонат шунга қолганда етмас, унга қарши исён кўтариб ҳам бўлмас экан — одамзод ёруғ дунёга йўлдош ичида келишида кўп маъни бор экан.

Не бир юртларда қон кечиб омон қайтган Маҳам амаки ҳам, яқин-яқинларгача гурс-гурс қадам босиб юрадиган Мухаррам хола ҳам бир кечадаёқ қаридилар-қолдилар...

Аям мени тез-тез уларникига чиқариб турарди.
«Бор-чи, иш-пишлари йўқмикан. Бўлса, қарашиб юбор!»,
дерди.

Утин ёрардим, сув келтириб борардим, биттагина
кўйлари қолган эди, ўшанга қарардим, ишқилиб, мактабдан
қолдим дегунча, дарров Маҳам амакиларникига чопардим.

Маҳам амаки билан Муҳаррам холанинг кўрган кунлари
курсин! Фарзанд ўстирдик, деб юришарди, фарзанд эмас,
бало ўстиришган экан: бир думалаб, ҳаммани бегона
қилди-кетди.

Чол-кампри етаклашиб Урмон чўлоқникига бордилар:
Муҳаррам хола айюҳаннос солиб, Маҳам амаки бошини
хам қилиб. Урмонга хусуматини неча йилдан буён дилда
сақлаб келган эди, энди чидамади Маҳам амаки, шу сафар
ё у ёқли, ё бу ёқли қилмоқчи бўлди. Лекин Урмоннинг
муомаласини кўриб, негадир бирдан шаштидан тушди.

— Нима қилай, биродар, менинг ҳам бошим қотиб
қолди, — деди Урмон имкон қадар ҳамдардона оҳангда. —
Бу палакатни кўрмайсизми! Етти ухлаб тушга кирмаган
иш-а! Бизгаям осон тутманлар. Келиннинг, қудалари-
мизнинг олдида нима деган одам бўлди! Минг йиллик
қадрдонмиз, Маҳамбой, энгиллик қилмайлик, пешона-
мизда бор экан, қаёққа қочиб қутулардик... — Кейин
Муҳаррам холага ўгирилди. — Нон урсин, Муҳаррам
келин, ўлимдан хабарим бор, лекин палиднинг мунақа
фикрини... Одамларни кўйинг, келин, эл оғзига элак
тутолмайсиз, бўлар иш бўлди, гапиради-гапиради, ахийри
бир кун тинчийди-да. Ана, Вали дўкончининг хотинини
қанча гап қилди, оқибати нима бўлди? Одамларнинг ўзлари
уялиб қолди-ку! Сабр қилайлик-чи, бир йўли топилар,
ахир...

Эртаси Шўрсувдан Каримжон етиб келди. Соқол
олинмаган, уст-боши, қошу киприклари олтингугуртнинг
сап-сариқ чангига ботган; пишиллади, хирллаб йўталади.
Келди-ю бир сўз демай, отаси билан онасини олдига солиб,
тўппа-тўғри Урмон чўлоқнинг уйига кириб борди. Бўлди
жанг, бўлди талотўп... иш ҳатто пичоқ ўқталашгача етиб
борди!

Урмон ҳам энди кекаги Урмон эмасди, асли ҳолига
қайтди. Айниқса, Каримжоннинг қўлида ялтираган пичоқни
кўриб жини кўзигандан кўзиди, овозининг борича ўшқириб,
ота-боланинг жон жойидан олди:

— Ҳе... Индамаган сари осмонга сапчийверасанми?!
Аввали ғўнажинингдан бохабар бўл, шунча дағдаган бор
экан, вақтида қайриб ол эди! Ачитяптими энди?! Синглин-
ни эплаёлмай, чўлоққа кучинг етдими? Пронтавикка-я?!
Сўй, номерд, сўй! Сендақа каллакесарлардан кўпини
кўрганман, итвачча!

Энди пичоқ Урмон чўлоқнинг бўғзига қадалмайди, қинига
ҳам кирмайди — унақа ҳолат эмасди ҳозир. Каримжон
буни сезди, кўзларига қон қуйилиб, вужуди қалт-қалт
титраб, уни жон жаҳди билан дуч келган тарафга улоқтирди.
Пичоқ учиб бориб, бостирманинг устунига санчилди.
Маҳам амаки беихтиёр ўша ёққа бир қараб қўйди, унга
туюлдик, пичоқ гўё устунга дастасигача кириб кетди...

Санчиғлик пичоқ санчиғликлигича қолаверди. Каримжон
этагини қоқиб, чаппа-ростасига сўкина-сўкина, ёввойи
қиёфада кўчага отилди. Маҳам амаки келганидан бери бир
сўз демай, қайтаётганида ҳам миқ этмай, бўйинини
солитарганча, ўлига эргашди. Хаёлидан: «Раҳмондан
қочиб Урмонга келасанми-я, қизим, Урмоннинг кимлигини
билмасмидинг?!», деган оғир ўй кечди, холос. Лекин
Муҳаррам хола жазавадан тушмади, Урмон чўлоқнинг
хотини билан юмдалашгани чоғланиб ўзини ичкари урди.

...Устунда пичоқнинг санчиғлик қолиши Урмон чўлоққа
ёқмади. Жинни бир кўйга тушиб чопиб борди-да, бир
қўллаб силтаб торта бошлади. Пичоқ устунга бор буй билан
кириб кетгани рост эди, ҳадеганда чиқавермади. Шунда
Урмон чўлоқ ерда ётган кетмонни олиб, орқаси билан
пичоқнинг дастасига солди: кийик шохидан ясалган даста
чирпирак бўлиб учиб кетди. Урмон чўлоқ дастанинг
кетида кетмонни ҳам улоқтириб, жаҳл билан устунни
тепди. Устун омонатгина кўнқайтирилган экан, гурсиллаб
қулади.

Эх, Хайрулла ошна, бу ёғига кучим етмайди! Ахир,
булари хали ҳолва, ғавғонинг каттасини қудалар бошлайди,
Каримжон билан Урмон чўлоқнинг ўзаро хезланганлари билан
иш битармиди, овора бўлганлари қолади, холос! Ўзбек-
нинг қуда-андачилигини яхши биласан, ҳализамон еру кўк-
ни бошга кўтариб қудалар етиб келади: Маҳам амакининг
уйига Раҳмон мелисалар хонадонидан, Урмон чўлоқникига
— кўшни Туюлқишлоқдан! Раҳмон мелисанинг ҳам,
туюлликларнинг ҳам феъли бир — душманини туймагунча
қўймайди улар, туёлмаса, кўч-кўронини кўтариб ўзга
элларга кўчиб кетади!

Жанжалнинг бу ёғини ёзмайман, Хайрулла Латиф, бу
ёғини ёзолмайман! Қишлоғимиз бино бўлгандан бери
бунақа савдони бир кимса кўрмаган, мен қандоқ ёзай? Қа-
лам ожиз, қоғоз ожиз, сўзлар Маҳам амакининг руҳи-поки-
ни шод этмоққа қодир эмас, ошна! Юрагимда у инсон
қолдирган хотираларга сўзлар лат етказиб қўядими, деб
кўрқаман...

10

Қатронтоғимизнинг кунчиқарида туянинг ўркачи мисол
иккита баҳайбат дўнглик бор, офтоб ҳар куни шу дўнглик-
лар оралигидан чиқиб келади. Аввал қийғос юз курсатиб
олади-да, сўнгра кўкка ўрлайди: қишлоғимиз шунинг илк
нурларини эмиб уйқудан ўйғонади. Мен эса доим хайрон,
лол қотардим. Нимага у ҳадеб бир ердан чиқаверади,
кечқурун Бўёбнинг орқасига ўтиб кетади-ку, дердим.
Ундоғига ўйлардим, бундоғига ўйлардим — қани энди
ақлим етса...

Қатронтоғим, Нурсухариғим, эсларингдами, бир гал
эшигимиз тагида онамдан шуни сўрадим, билиб олгим
келди. Ушанда онам айтган сўзлар... Онамнинг ўшандаги
кўзлари... Воҳ! Сизлар ҳам кўрган эдиларингми, сизларнинг
ҳам кўзларингга муҳрлини қолганими?!

Ушанда онам кўп гапирди. Болам-а, деди. Бирпас жим
қолди. Ҳали ёшсан, билмайсан, деди. Кейин қулочини ёйиб
узоқ-узоқларга ишора қилди: Қатронтоғининг орқасида оф-
тобнинг уйи бор, деди. Кундузи осмони фалакка чиқиб, юрт
кезиб, олам кезиб, кечқурун тагин шу уйига қайтиб келади,
деди. Офтоб сира ухламайди, қоғоз-қаламини қўлга олиб,
кун бўйи кўрганларини бирма-бир ёзиб қўяди, деди.

Ажаб!..

«Дарсини қиладими, ая? Дарсини қилмаса, маълими
қулоғидан чўзадими?»

Офтоб дарс қилмас эмиш, одамларнинг феъл-хўйини
ёзар эмиш. Ҳисоб-китоб бузилса, олам расво бўлармиш.

Ажаб!..

«Кунда чиқаверадими? Бошқа қишлоқларга кетиб қол-
майдими?»

Кетмас экан, кетса ҳам, яна қайтиб келаверар экан. Ҳар
куни дастлаб Қатронтоғ қояларининг орасидан оламни
кузатаркан, ер юзида омон-омонлик бўлса, шундагина
осмонга кўтариларкан. Лекин... ёмон одамларни жини
суймас экан, уларга юзини кўрсатмас экан. «Воҳ, болам,
дунёга келиб офтобни кўрмаслик... даҳшат!»

Ажаб!..

«Мен яхши боламан-а, ая? Офтобни кўряпман-ку, а? Ҳув
ана!»

Онамнинг кафтлари илиқ эди, юзларимга ёқди, вужу-
димга аллақандай тотли бир ҳаяжон кирди. Онамнинг
кўзлари маънос эди, нақ юрагимга ботди, борлиғим ўнг
бўлиб ёнди. Онамнинг энтиқишлари ширин эди, мен унинг
бағрига сингиб кетдим. Онам эса...

«Болагимандан ўргилай, бахтимга яхши бўлгин, бахтимга
офтоб сендан ранжимасин», деди.

Болалигим бирдан қаддини ғоз тутди. Онамнинг кучоғи-
дан юлқиниб чиқди-да, Нурсухариқнинг асов тўлқинчалари-
дек ўйноқлаб, чопқиллаб кетди. Севинчи ичига сигмас, ўша
тобда жуда-жуда бахтиёр эди:

ахир, у одобли бола;

ахир, у ҳар куни офтобни кўради;

ахир, буни кўрмайдиганлар қанча!

Ушанда болалигимнинг қувончи поёнсиз эди, чунки
у Қатронтоғ томонга — офтобнинг уйи сари чопарди!

Ушанда дунё бир тарафу ўзи бир тараф эди! Митти юрагида ёлғиз бир илинж — тезроқ офтобни топса, у билан қилўтмас ўртоқ тутинса, уйларига бошлаб келса!

Чолиб борапти-ю, шундоқ орқасида онанинг ўткир нигоҳини, майин қўлларини ҳис қилади. У майин қўллар елкасидан тутмоқчи бўлади — йиқилиб-нетмасин тагин, дея онанинг жони ҳалак.

Ана, онам энтикапти. Утли нафасидан қулоқларим жаранглайди. Уткир нигоҳи вужуд-вужудимни тешиб ўтиб, хув олисда — қояларда жилваланаётган офтоб нурларига йўғрилиб кетади..

Болалигим бирпасга тўхтади, ортига ўгирилди: ўх-хў, тоза йироқлаб кетибди-ку! Онагинам кўчанинг ўртасида чўнкайганча қолган, ҳануз ундан кўз узмайди. Опоқ рўмолининг бир учидан тўтиб боши узра силкийди, гўёки, чоп, болам, чопавер, қараб турибман, тўхтама, у ёқда сенинг, менинг — ҳаммамизнинг эзгу ниятларимиз яшайди, бахтинг ҳам ўша ёқда, болам, дейди...

11

Дўстим, бир бошладикми, энди Манзура билан Тўйчи саргузаштларини охиригача эшитиб олайлик. Маҳам амаки воқеасига кейинроқ қайтамиз. Қолаверса, Манзуранинг кўрсатгани Маҳам амакининг кўргани эмасми!

Манзура Тўйчи билан қочиб кетибди, деган гап тарқалганидан икки ҳафтача ўтиб, таранглик хийла сусайди, лекин батамом йўқолмади. Қайтага, бу ғаройиб ҳодисанинг тафсилоти бу ёғи Кўқон, у ёғи Исфарагача ёйилди. Қишлоққа бир қўниб ўтган йўловчилар уни ўз элларига олиб кетдилар, тилларда дoston қилдилар. Воқеанинг ўзидан кўра ҳангомасидан кўрққулик. Булоқнинг кўзи ҳам, сувнинг тиниғи ҳам шу қишлоқда эди, теваракка лойқаланиб тараларди.

Начора, булоқнинг кўзи бир очилмасин, очилдими — зилолига ҳам чидаймиз, бўтанасига ҳам.

Эмишқи, кейинги вақтлар Тўйчи аллақандай тушуниксиз кайфиятда юрган. Оғзидан чиққан гапнинг бош-кети йўқ, қилаётган ишини-ку, қўяверасиз — хаёлпарастми-ей, гангираганми-ей... Қишлоқ барибир қишлоқ-да, тилга сал эрк берилса — тамоm, тулпа-тузук йигит жиннига «айланиб» қолиши турган гап. Лекин ишонмай десангиз, уларнинг чинлиги гаровига Тўйчининг қилўтмас ошналарида бири нақ бошини тиккан. «Тўйчи соғ одамнинг хаёлига келмайдиган гаплар қилган менга, алдасам тил тортмай ўлай!», дейди доим у. Ноилж ишонасиз-да. Ишонмасангиз ҳам, азбаройи қизиққанингиздан қулоқ тутасиз...

«Бир маслаҳат бер, ошна, — дебди Тўйчи бир кун шу йигитга ёрилиб, — нима қилай?»

«Нимани нима қиласан?» — дебди ошна гапнинг оқимини илғаёлмай. — Уй қурмоқчимисан, тўй қилмоқчимисан ё мошина оласанми?»

«Йўқ. Уй ҳам қурмайман, тўй ҳам қилмайман — мен бошқа нарсани айтяпман».

Бўлмаса, лўндасини айту қўй-да!»

«Лўндасини айтсам... Шу тўрт девор ичида юравериш жонга тегди, — дебди Тўйчи хўрсинибми, чайналибми. — Бунақада бир кунмас бир кун жинни бўп қоламан».

«Тўшунтириброқ гапир!», дебди ошна.

«Яна қандай тўшунтирай, биласан-ку, ҳар кун бир хил иш, бир хил ташвиш: далага борасан, уйга келасан, далада — тарактир, уйда — хотин, бирда-ярим чойхонага чиқасан, зора кўнгил ёзилса дейсан, қани энди... Улфатлар ҳам тирик жон-да, улар ҳам ўзингга ўхшаб сиқилганидан, зерикканидан, қиларга бир юмуши йўқлигидан чойхонага йиғилади. Лекин, ошна, чойхона сенга Сочи эмас, бу ерда нари борса ҳалфана қиласан... Бунақада одам ўзини осиб қўяди-ку!»

Мен шу пайтгача бунақа гапларни тирик одамнинг оғзидан эшитмаганман, дейди ошна кулиб. Кинода айтар, китобда айтар, лекин сиз билан бизга ўхшаган икки оёқли инсон. Иссиғинг йўқми деб пешонасига кафтимнинг тескарасини босувдим, қўлимни силтаб ташлади. «Бор-э, сени одам деб дардимни айтиб ўтирибман-а!», деди. Ҳеч қанча ўтмай, тагин ёнимга келди. Қарасам, ростакамига қуйиб-пишяпти, бир нарса деёлмай қолдим...

«Нимага тушунмайсан, одам ёруғ дунёга бир марта келади-ку! — дермиш Тўйчи. — Қирғизча қилиб айтмасам калланга кирмайди, шекилли. Мана, қара: ер ҳайдайсан, а, чигит экасан, а, жўяк оласан, пахта терасан, а? Бутун йилинг шу билан ўтди ҳисоб! Кейинги йил ҳам шу. Кейинги йил тагин кейинги йилга кўз тикасан — кунларингнинг бошқача: роқ бўлишини кутасан. Баҳорга чиқиб эса... эски тос, эски ҳаммом! Ҳеч бўлмаганда, биргадан ўзгариб турса ё тарактиринг алмашса ҳам майлийди!»

Уша кун «Пахтакор»нинг ким биландир ўйини бор эди сурғалашиб икковимиз бизникига йўл олдик, дейди ҳалиг қилўтмас ошна, ҳикоясини давом эттириб. Хайрият, ўйи баҳона унинг минғир-минғирларидан қутуларман, де ўйлаган эдим, қайтага, баттар хит бўлдим. Иккиёқлама хит бўлдим. Бир ёқда «Пахтакор» тагин ютқазди. Улганин устига тепган қилиб, кўча эшик олдида Тўйчи тағдийдигисини бошлади.

«Кўрдингми, футболдаям, шунақа, — деди у жўшиб. — Утган йилиям мана шунақа бўлган. Уф-ф! «Пахтакор»да кўнгил тўлмади-тўлмади-да! Ҳар йили шу-я! Арманиларда енгилгани, ҳатто Тошкентнинг ўзида Одессага ютқазди қўйганига ўлайми! Нуқул шуну ўйлайман, ошна, келаси йил яхши бўпкетар дейман. Эҳ, қанийди украинларни доғ, қолдирсақ, қанийди гуржилар бизгаям ҳавас қилиш қанийди Ўзбекистон ҳам чемпион бўлса!»

«Бизлардан бўлмади ҳеч ким чемпион...», деб кулиб, ошна, яқинда радиодан эшитган шеърнинг бир сатрин эслаб.

«Ана! Рост айтдинг! Сен ҳам футболга ишқибозсан-ку, а? Лекин, юрак чатоқ, ошна, ҳар нарсани ичимга ютаверадиган бўпқолдим. Шу, шартта олиб, Сибирга кетворсамми — нима дейсан?»

«Булоқ»нинг тепасида ўтирганлардан яна биттаси — Суннатилла бригадир. У ҳам шунга ўхшаш гапларни айтади...

Тўйчи иккаламиз қарийб тенгқурмиз, деб ҳикоя қилад Суннатилла бригадир, мактабда ўқиган кезларимизда бери шу далада билла ишлаб келамиз. Ичидагини дурбинсиз кўрадиган бўп кетганман. Ишинг кўзини биладиган йигит эди занғар! Юрагида ўт бор эди! Уни қараб туриб, тарактирини хотинидан ҳам яхши кўрса керак, деб ўйлардим кўпинча. Ўзи яхши бола эди-ю, шу, сал ўжармиди, қизиққонмиди — тез-тез гап талашиб қолардик. Даланинг ишини деб-да. Лекин ошначилигимиз сира бузилмаган: кўнглида кири йўқ эди унинг.

«Нимага мени бошқа биргадларга командировка қилмайсан?», дерди у баъзан.

Гапини қаранг. Ҳозир ҳар бригадада иккитадан-учтадан тарактирчи бўлса, биров бировнинг қўлига қараб қолган йўқ, ерини сел олса ё бўлак бирор фалокат боссаям майлийди...

«Биргадсан, йўлини топ-да, — деб сўзида туриб оларди занғар. — Қўшнилариимизнинг ерини қачон сел оларкан, деб пойлаб ўтирамани? Мени Қақирга юбор, Қақирнинг тарактирчиси Қўрғончага ўтсин — шунақа қип ҳам ишлаб кўрайлик-да!»

Сеники ўрол, деб қўйсам бўлаверади-ю, Тўйчидақаларги шуну айтиб ҳам бас келолмайсиз. Жа шилқимлик қилаверса, мен ҳам осмондан келардим.

— «Нима, мен совхознинг ё районнинг каттасиманми! — дердим қўл силтаб. — Ана, директорга бор, райкомга бор мажлисда тепага чиқиб гапир! Мен ҳам сенга ўхшаган кичкина одамман-да, жонингга теккан бўлсам, ана, амалимни ол-да, мени тинч қўй! Отанга айтсанг, бир оғи гапи...»

Тўйчининг қитиқпати қаердалигини билардим, унга сал бас келолмай қолсам, дарров ўша жойидан ушлардим Отанг эски кадр, обрўйи районда ҳалиям осмон бўйи даврида ўйнаб қолмайсанми мойга беланиб юргунча десангиз — тамоm, Тўйчи ўша заҳоти бир фалати бўлиб кетарди. Е индамай қайрилиб жўнаб қолади, ё ёқалашма гунча қўймайди... Хуллас, гапга атай отасини қўшардим

«Ана шунақа-да, чидаёлмайсан-да, — дерди Тўйчи бўзариб. — Аммо-лекин, райкомингга албатта бораман! Отанг айтмай ҳам боравераман. Нима, кўрқоқ деб ўйлаясанми?»

мени? Ё, отамсиз кўчада юролмаймамми? Керак бўлса, мажлисдаям гапирман! Улар ҳам сенинг латта гапларингдан қилса, мана кўрасан, шартта оламану Сибиргами, Варангил оролигами жўнаб юбораман!»

«Э, э, Тўйчибой, сал паства тушсинлар, Сибирь сизга збекистон эмас, у ерда сизнинг ноз-фироқларингизни ўтарадиган аҳмоқ йўқ», дердим атай жиғига тегиб.

«Кўрқитмай кўяқол, Суннат. Бирад бўлсанг — ўзингга! канг қарағай боргандан кейин Сибиринг ҳам Узбекистон ўп кетади! Мактабда домланг айтган-ку, ота-боболаримиз ша юртларда яшаган, деб. Биз ҳам чидармиз, ахир. илимни сен тушунмасанг, тушунадигани Сибирлардан опилиб қолар!»

Унинг бу гапларни айтаётгандаги важоҳатини кўрсаларинг ди! Айтсам, ишонмайсизлар-да, ўлай агар, жинни бўлиб элганми, дердиларинг лекин. Чунки унинг биронта гапи зил эмас эди!

Шунақа гаплар — Тўйчи ундоқ эди. Тўйчи бундоқ эди... Булар бари «булоқ»нинг иши. Одамлар бекорчиликдан /ча-кўйда, чойхоналарда, далада тушлик пайтлари ё яканба кунлари бозорда шу «булоқ»нинг сувидаи гўё анқоқбосди қилиб туришади.

Урмон чўлоқни билмадик, лекин Маҳам амакининг хонадони бунақа олди-қочдилардан беҳабар. Бундай гаплар улардан сир тугилади. Биладиганлардан сўраб-суриштирганларида ҳам калтагина жавоб олишган.

Тўйчининг қилўтмас ошнаси ҳар гал бир гапни такрорлайди:

«Иккаласи нимани хаёл қилган — ўлай агар, билмайман! — дейди у. — Лекин, Тўйчи ошнам Шимолий Муз океаниними, қандайдир Варангил оролиними кўп тилга оларди...»

Суннатилла бригадир ҳам гапнинг лўндасини айтарди: «Варангил оролига кетган! Ёки Сибирга! Уч-тўрт йилча ишлаб келмоқчи бўлиб юривди. Тўйчини айтаман... Қаранг, гапларини мен ҳам ҳазил деб ўйлаган эканман. Манзурани... нима дейишгаям ҳайронман. Яхши қиз эди, очиқ-сочиқ; пахтани кўп терарди. Лекин, яқиндан бери сал одамови бўп қолганмиди, аксар, эгзатгаям ёлғиз тушарди. Далада ҳамма бир-бири билан юради, лекин биров ёмон фикрга бормайди. Буларга ҳайронман...»

Элга ёйилмаган биргина гап қолган эди. Бу гапни Тўйчи қишлоқдан чиқиб кетмасидан икки кун бурун кечаси хотинига айтган. «Мени десанг, ўртамиздаги шу икки бола отасиз қолмасин десанг, бир ойгача дамнингни чиқармайсан! Бир ой ичида ё хат юбораман, ё ўзим келаман. Эҳтимол, иккаламиз бошқа ёқларга кўчиб кетармиз...», деган. Хотин ўшанда «Болаларимнинг ҳаққи-ҳурмати, сир сақлайман!», деб эрига ваъда бериб юборган эди. Ваъдасига вафо қилди, лекин...

Эрининг кетиши билан боғлиқ уйдаги тўс-тўполонларга уч-тўрт кунгача гўё эътибор қилмай юрди. Тагин шундай юрверар эди-ю, ўша кун қишлоқдан Раҳмон мелисанинг келини Манзуранинг ҳам йўқ бўлиб қолгани унинг кўнглини ҳадеб ғашлангиверди, устига-устак, одамларнинг маҳобатли миш-мишларидан тамоман ўзини йўқотди. Айниқса, эрининг бир номардиги — ўз болаларини ташлаб, болалисининг этагидан тутиб кетгани фогоини фалакка чиқарди. «Икки болани ташлаганга яраша... топганинг қиз бўлса экан! Бировнинг сарқитига-я!..», деб алам билан ўйлади. Қараса — бўлмайдиган: «Шу тирик етимларнинг уволи тутсин сени — пуштинг куйсин!», деб Тўйчини ғойибона қарғади бир ҳафтадан кейин отасининг уйига кетиб қолди. Шунда ҳам ўша кеч бўлиб ўтган гапларни бир кимсага айтмади. Одамларнинг: «Ул-а! Лақиллаб қолаверибсан-да! Манзурани ўз қўлинг билан эринга қўшиб қўйибсан-ку!», дейишларидан чўчиди.

Ҳаҳ, эсиз-а, пича шошқалоқлик қилди лекин. Тагин бир ойгина чидаб берганида, эридан «ўз қўлига тегсин» деган хат олармиди. Эҳтимол, баҳорга чиқиб эр-хотин иккалалари бу юртлардан кўчиб кетишармиди... Майли, унда — бир ой эмас, ҳа ана, икки ой кейин балки келин яна қайтиб келар, Тўйчи билан турмушлари тагин изга тушар, эҳтимол эр-хотин иккалалари баҳорга чиқиб ҳақиқатан ўзга юртларга кўчиб кетишар — бу ҳақда ҳозирча ҳеч ким ҳеч нарса дея олмайди. Буни ҳатто биз ҳам билмаймиз. Демак,

Тўйчидан «ўз қўлига тегсин» деган ўша хат келмагунича, сир сир бўлиб қолаверади. Ҳозир эса...

Хуллас, Маҳам амаки қизи Манзуранинг Тўйчи билан тил бириктириб қочгани хусусида аниқ, дангал бир гап эшитгани йўқ, бироқ икковининг қишлоқдан бир кунда, орқама-кетин йўқ бўлгани чин эди. Бу чинлик — хавотирли эди. Маҳам амаки иккала оёғини ҳам ботқоқда кўрди. Бундай ботқоққа уни ҳеч бир тирик банда ботира олмасди, аммо-лекин қизи, ўзининг пушти камаридан бўлган қизи... Уша тобда, алам устида кўнглидан бир ўй кечдики, бўлак пайт бундай ўй ўрнига ўзига ўлимни афзал кўрармиди! «Келиб-келиб Урмоннинг чиқаргани билан-а, қизим?! Бошқа бировнинг... моҳовнинг бўйнига осилиб кетганидан ҳам майлиди!..»

Тирик одамнинг боши гапдан чиқмас экан-да! Қайсидир йили қишлоқнинг вайсақи кампирларино бекорчи чолларидан тортиб, ўнинчи, ҳатто саккизинчи синф қизалоқларига-ча бир ёқадан бош чиқариб Вали дўкончининг янги хотинига ёпирилди. Аввалги хотини томоғига балиқнинг қилтаноғи тиқилиб тўсатдан ўлган эди, дўкончи қайсидир юртлардан бир қиз қорин ўзи — на ҳомиласини билиб бўлади, на туққанини!» Гап гап билан, қорин ўз йўлига, дўкончи буларга эътибор бермади. Мана, ҳозир унинг саккизта фарзанди бор. Хотинининг қорни ҳам ўша-ўша, бироқ энди у миш-мишлар барҳам топган — ҳадеб шуни гапириверишни эл ўзига эп билмади...

Маҳам амаки хонадонини руҳан эзаётган ҳол ҳам асли шу эди. Дўкончининг хотини тўғрисидаги миш-миш у қадар оғир эмасди, тезда тинди, Манзуранинг савдоси бир умрга кетса керак, деган ўй уларнинг ич-этини тилимлар эди.

Илож қанча, қишлоқ кичкина, осмондан бегона қуш ўтса, пайқамган одам қолмайди, яъни, бориға барака-да.

...Ўйланиб ёта-ёта Маҳам амаки шу нарсага иқрор бўлдики, кўнгила ўлим шарпасини рўй-рост олиб кирган бу оғриқ унинг танасида мудом яшаб келган, кундалик ташвишларга кўмилиб буни у пайқамган эди, холос. Бинобарин, Белоруссиядан келган хат ёки газетчи йигитнинг ёқинқирамаган гаплари, қилиқлари баҳона бўлолмайди. Маҳам амаки яна шу нарсага иқрор бўлдики, кўксини Манзура тилиб кетмаганида эски гина-қудуратлари бу қадар газак олмаган, бинобарин, Урмонга нафрати ҳам бу қадар тўлиб-тошмаган бўлар эди. Мана, бир ойдирки, юрса ҳам, турса ҳам уни сўқади, унга ўлим тилайди. Мана, бир ойдирки, бутун ҳаётини қайта бошдан кўз олдига келтириб кўради, хаёл чиғириғидан ўтказади, аммо, не қилсинки, дардига малҳам бўладиган бирор қарорга келолмайди. Эҳтимол, эски ярасининг қўзғалганга, тобора зўрайиб кетаётганига сабаб Белоруссиядан келган хат ҳам эмас, қизи Манзуранинг доғи-ҳасрати ҳам эмас, балки ўзининг журъатсизлигидир, ўз дардига ўзи ем бўлиб ётгандир... Бунақада яранинг битиб кетиши амримаҳол!

12

«Ассалому алайкум, Маҳам амаки!»

«Ваалайкум...»

«Мана, мен яна келдим.»

«Яхши қилибсан, болам... Сенга бир насиҳатим: подшо бўп кетсанг ҳам туғилган юртингни нутиб юборма, келиб тур! Опоқдадангнинг қабри шу ерда-я!.. Йигит кишига отанинг юрти ҳар ердан азиз. Хў-ўш, бола-чақа омонми, ишқилиб?»

«Раҳмат. Бир ўғил, бир қизимиз бор. Юришибди чўғур-чўғур қилиб. Ўзингиздан сўрасак, амаки? Чўкиброқ қолибсиз...»

Чўкмай бўладими, қарияпмиз-да... Турмушнинг юки зил, болам, уни кўтарган кўтаради. Ўзингники етмагандек

бошқаларникини ҳам кўтарганинг-чи! Бу дунёнинг ташвиши, мен сенга айтсам, манов ўзимизнинг Қатронтоғнинг тошидай гап экан. Биттасини оласан, у ёқ-бу ёғини кўрган бўласан-да, бошингдан ошириб ташлайсан, яна биттасини оласан, орқанга ташлайсан, шуйтиб, дегин, бу тошлар худди ортингда қолаётгандай туюлади-ю, аслида, елкангдан нарига ўтмайди, устма-уст тахланиб бораверади. Ахийри бир кун одамни босади-да бу! Одам тоғ бўлсайкан...»

«Кўйинг, амаки, кўнглингизни чўктирманг. Ташвишлар ўз йўлига, бу ёғини энди фарзандларингиз эплар. Дунёнинг сиздан миннати қолмади».

«Қарз-ку ҳали кўп, болам. Мен ҳам сенга ўхшаб, дунё мендан оладиганини олиб бўлди, энди қолган умримга ё Раззоқ деб, дўппим яримта, юраверган эканман. Қаёқда! Айтдим-ку, чидаса, шу Қатронтоғ чидайди, бандасига йўл бўлсин. Меникига ўнта тоғ ҳам дош беролмайди, болам!»

«Биламан, Махам амаки, оз-моз хабарим бор. Лекин сиз кўп куйнаверманг. Кўчага чиқинг, чойхонага бориинг, оёқини узати-иб ётинг. Улфатлар билан эскини титкилашасизлар, жиллақурса ташвишларингиз арийди-да... Айтгандай, Муҳаррам холам ҳам бардамгина юрибдиларми?»

«Шукр, шунинг ҳам борига шукр! Қизи мундай қилиб кетгандан бери ўзини олдириб қўйди бояқиш. Билдирмайди-ю, рафторидан сезиб турман: олдимда изиллайди, мундайроқ қараб қўйсам, иккала кўзидан ҳам тирқиратворди. Уксаси тўлган бечоранинг...»

«Ҳа, ишқилиб, омон бўлинглар, амаки...»

«Болам, боятдан бери бир нимага тараддулланыпсан-у, даромадини айтолмаётганга ўхшайсан. Тинчликми? Гапиривер, тортинма!»

«Рост, амаки, бир нима демоқчи бўлганим рост. Шу, гапларингизни эшитиб туриб, хаёл опқочди. Мана — сиз. Кўпни кўрган одамсиз, ҳаётингиз ибратли, ибратлики, файласуф бўп кетгансиз. Биламан, ичингизда гап кўп, ташингизга шунинг мисқоли ҳам чиқмаган, ҳозиргина ўзингиз айтдингиз, дардим ўнта Қатронтоққа юк бўлади, деб. Шундай экан, нега уни енгиллатмайсиз? Арзи ҳол қилмайсиз? Одам дардини юзага чиқармаса, бу зорманда ҳаёт тўхтаб қолмайди!»

«Билмадим, болам, билмадим. Гапларинг жўялига ўхшайди, лекин хом сут эмган бандамиз-да. Мендан ўтгани шу бўлдики, вақтида бир одамнинг кўзини очиб қўймадим. Кейин звини қилолмай қолдим: болалаб кетди. Тўғриси, олдинга унга раҳим келди. Уруш тугади, замона тинчиди, шундай дорилонмон кунларда бировнинг умрини хазон қилсам татимас, бошга не оғирлик тушган бўлса, бари орта қолди-ку, деб ўйладим. Ке, қўй, майли, уям яшайверсин, болаларининг орзу-хавасини кўрсин, зора аламларим унутилиб кетса, энди бундан бу ёғига отам кўрмаган замонлар бошланди, шу кунгача еган б... ни энди емас, тийилар, эҳтимол ўтишидан ўзи ҳам пушаймондир, деб мулоҳаза қилдим. Эсиз... Узимга қийин бўлди, болам!»

«Ана шунақа амаки! Сиз умр бўйи фурсат кутдингиз, лекин умр бўйи уни бой бериб келдингиз — шунинг учун куяман-да! Энди чўзманг, амаки, айтинг, дилингиздагиларни ҳеч йўқ мен билайин! Тўғри, сиз ёрилмасангиз менинг куним ўтмай қолмайди, мендан кейин бола-чақам ҳам яшайверади, лекин бу ёруғ дунёда бир маҳаллар тирикликнинг ғаму қувончини ортоқлаб бир инсон яшаб ўтгани кўз очиб юмгунча унутилади-ку! Ўзингиз ўйланг, амаки, устидан тупроқ тортилиши билан одамзоднинг номи ўчиб кетаверса, тирикликнинг маънисини қолладими? Йўқ, бундай бедодликни... ана, Қатронтоғ қилади, биз ахир — одамимиз!»

«Ў-ў, сен тоза-а қизиққон экансан-ку! Қўй, мени қийнама, болам, шундоғам бўларим бўлган...»

«Шошманг, амаки, гапимни охиригача эшитмадингиз. Ниятигни сизга очиқ айтаман: мен сизнинг ҳаётингизни тўлиғича билгим келади! Йўлларимнинг ёруғроқ бўлишини истайман. Ахир, сиз ҳам кимдир, кимлардир ёқиб-ёритиб кетган йўлдан юргансиз-ку! Гиналаримдан хафа бўлманг, амаки, нима қилай, тўлиб кетяпман-да. Мен сизга айтсам, опоқдадамдан кўп нарса олиб қолмаганимга ҳали-ҳали афсусдаман. Эҳ-ҳе, неча маротаба у бизга — суюмли фарзандларига, невараларига қалбини бор бўйи билан очмоқчи, диладагини тўкиб солмоқчи бўлган! Лекин биз

ҳар қайсимиз ўзимизнинг дунёмизга — у қанчалар қашшоқ дунё эканини кеч билдик, ў, жуда кеч! — шўнғиб яшай бошлаган эдик, опоқдадамизнинг эски, балки шу боис бир оз шубҳали туюлган дунёси бизга ёқмас, ҳатто, баъзан ғашимизни келтирган эди. Опоқдадам оғринмай ўзининг ҳаёт йўлини, кўрган-кечирганларини, дўсти ким, душмани ким — ҳаммасини гапириверарди. Қулоқ солмаётганимизни сезиб турса ҳам, билмаганга оларди, қайта-қайта сўзлайверарди. Ахийри бошимиз тошга тегди-ку, сўқир кўзларимиз ярқ этиб очилди-ку! Энди кеч... Опоқдадам сизни кўп тилга оларди. «Махамбой — яхши одам!», дерди. Энди билдим: дунё хўб зиқна экан, одам боласига ҳар балонни раво кўрсаям, «яхши» деган шу биргина сўзни ундан қизганар экан. Шундоқ қизганарканки, кимгадир қачондир бу танқис сўзлар лойиқ кўрилса, ўша киши бахтиёр бўлади. Сиз бахтлисиз, амаки! Кулманг, эҳтимол ҳаёт сизга доим ҳам юз тутавермагандир, гоҳо қасдма-қасдига кетини бургандир — бари бир: сиз бахтлисиз! Менинг ягона армоним — шу бахтининг, шундайин бахтиёрликнинг маънисини англаш... Узр, амаки, роса миянгишни қоқиб қўлингизги бердим. Гапнинг пўсткалласини айтсам, сизни китоб қилмоқчиман...»

«Ол-а! Боладанг-ку сен ҳам! Китоб эмиш... Кўй-э бундай гапларни! Мен нима... Мана, опоқдадангни эсладинг. Раҳматли чўрткесар, дангалчи, тўғри одам эди. Яхшини — яхши, ёмонни ёмон дерди. Кимнингки айби бор, тап тортмасдан бетига айтаверарди, шунинг учун душманни кўп эди. Мен бундай чиқмадим-да, болам, опоқдадангдек бўлолмадим, ҳатто жонимдан ўтказган душманимни ҳам дарф қилолмадим... Опоқдаданг Урмон чўлокни кўз очиргани қўймасди, бир ҳамлада инига киргизиб қўярди, мен эсам бу иблисинг айбини ўзи тугул бошқаларга ҳам айтолмадим. Айтардим-у, орада бир иш бўлиб... Ҳа, майли сенга айтмай... Бир йили баҳорда холанг қўлимга иккита пақирни тутқазиб, сувга жўнатди. Мачитнинг ҳовузидан ичардик унда. Учқўчанинг бошига келсам... тумонат одам йўқилган. Ичида кетмон кўтарганим бор, эшак минганиям бор, менга ўхшаб сувга чиққанлар ҳам бир талай. Ҳамма симёғочнинг учига тикилган, жим. Унда учқўчанинг бошидаги симёғочда битта қора карнай бўларди. Аввалига фаҳхламабман, ўша карнай гулдурос овоз билан ўзбекча, ўрисча гапиряпти, хотинлар пиқ-пиқ йиғлайди... Э-э, болам, сенлар унақа мотамни кўрмагансан! Кўрмагин! Бутун халқ йиғлаган эди ўшанда! Куни билан йиғлади, эртасиям, индиниям йиғлайверди!.. Буткул ҳушимдан айрилиб қолман, карнай гапириб бўлибди, одамлар аллақачон тарқаб кетибди, мен эсам деворга суюнганча, қотиб тураверибман. Орқадан холанг чиқмаганида, билмадим, яна қанча қолиб кетардим кўчада. Сталин ўлган экан!.. Менга нимагадир жуда оғир ботди бу. Билсанг, ўшандан кейин ғип бўлдим. Бўлсам, Урмоннинг кунини кўрсатиб қўярдим! Нафратим сўлдими, лоқайдлик касалига йўлиқдимми ё кўнглимда чучук бир нима йўғондими — ҳалигача ҳайронман. Ишқилиб, шундай одам ўтиб кетди-я, дунёга мен устун бўлармидим, дедиму дардимни ичимга ютиб қолавердим. Кейин, шаштим яна бир кўзғалганида... энди уни бир нарса қилиб бўлмасди, болалаб кетган эди. Қолаверса, гапимга ким ҳам қулоқ соларди, ўтган ишлар ўтиб кетди, деб ўйладим. Айтсам, умр бўйи дилда сақлаб юрганларим кимгадир арзимас савдо туюлса, устимдан кулмайдиларми, ҳаётим бирданга пучайиб қолмайди, деб қўрқадиган бўлдим. Ахир, қишлоқда бир менми, Урмоннинг турқи-тароватини мендан бўлақлар ҳам кўриб-билиб юрибди-ку, деб хаёл қилдим. Эсиз...»

«Раҳмат, амаки! Шунчалик айтдингиз, шуниси га ҳам раҳмат! Қаранг, қанча енгил тортингиз. Энди, амаки, ўтиниб сўрайман, ҳеч нарса ни яширманг. Ахир, азада ҳар кимнинг ўз дардини айтиб йиғлайди. Уз дардини айтиб йиғлайди-ю, бошқаларга ҳам бир ҳовуч-бир ҳовучдан қўлашади. Одамзодга асли шуниси керак-да!.. Айтинг, амаки!»

13

Махам амаки тушгача ўша ҳолда ётди. Яна ётаверар эди-ю, тушдан кейин кўча эшикни тақиллатиб Хайрулла Латиф келиб қолди.

Маҳам амакининг мижжалари юмиқ эди, Мухаррам хола уни «қотиб қопди» деб ўйлади, кўнгли чопиб-чопмай оҳишта уйғотди, кўчада газетчи йигит сўроқлаб турганини айтди.

Маҳам амаки аслида бедор эди, эрталабдан бери минг бир хаёл оғушида тек ётган эди, лекин, газетчи йигитнинг келганини эшитиб, қаттиқ уйқудан туйқус уйғотилгандек, боши гангиди. Хушини йиғолмай, аллапайтгача карахт ётди. Кейин, ҳамон тепасида қаққайган хотинига қараб, илтижоли шивирлади:

— Уйда йўқлар, де. Чиқ дарров! Чойхонага кетиб қопдилар, де.

— Вой ўлмасам, шу ердалигингизни айтиб қўйибман-ку! Энди қандоқ унақа дейман?

Маҳам амаки ўқрайди.

— Қачон қарамай, оёғимдан чалиш билан оворасан! Бор, билганингни е энди... Ҳеч йўқ, чорвоқдан чиқиб кетгандирлар, де! Бошқа сафар келар.

Мухаррам хола бир нималарни ёлдираб, ҳовлига ўтди. Маҳам амаки ўзидан бир кулса, бир ҳайрон бўларди. Ё алҳазар! Нима жин урди унга? Худди ўлимдан кўрққандек кўриб ўтирибди-я! Ҳолбуки, ўлим ҳам унчалик даҳшатли эмаслигига шу бугун кечаси амин бўлди. Майлиди, кирсин эди, қайтага юрагиде тўлиб қолган зардобни шу йигитнинг башарасига тўкиб соларди, аламини шундан оларди, хумордан чиқарди.

Маҳам амаки беихтиёр сандалга суқилиброқ олди. Устимга бостириб кирса, кўрмасин, деб ўйладими... Бола, фирт болалик!

Эшик ғирчиллади. Остонада Мухаррам хола кўринди.

— Ёлғонни ўзи кечирсин, айтдим: чойхонададирлар, дедим. Кечқурун тагин бир хабар олармиш.

Кечқурун...

«Хайрият-э, — дея ичдан севинди Маҳам амаки, — ҳар ҳолда кечқурун ҳозир эмас-ку! Қош қорайгунча не замон бор, ўзимга келиб оларман унгача. Биратўла келмасаям майлиди...»

Бундан беш йилча бурун директор келиб Маҳам амакини мактабга — Галаба кўнига бағишланган ўқувчилар йиғинига таклиф қилиб қолди. «Сиз ҳам урушда қатнашгансиз, Маҳам ама, болаларга у-бу нарса айтиб бермайсизми?», деди у. Маҳам амаки икки кун ўйланди, айтарили бирон гап тополмай, бошлари ғовлаб кетди. Жангларда кечган беш йиллик умримдан наҳот бир мисқоли ҳам хотирада қолмаган, деб хуноб бўлди. Ниҳоят, фронтга эндигина борганида кўргани — Белоруссиянинг чекка қишлоқларидан бирида рўй берган воқеа ёдига тушди, ўшани айтишни дилига тугиб қўйди. Ҳар ҳолда, мактаб директори айтмоқчи, болаларга шунинг «тарбиявий аҳамияти» бор.

Белгиланган куни авра чопонини елкага ташлаб, борди. Бордию ҳайратдан ёқасини ўшлади: йиғин қутилмаганда катта эди! Стадионга нафақат ўқувчилар, қишлоқнинг катта-кичиги, ҳатто болали хотинлар ҳам тўпаланган эди. Фронтвиклардан Урмон, уста Собитали, тагин иккита-учтаси қизил мато ёйилган столга тирсақларини тираб ўтиришибди. Маҳам амаки, кўнгилчанлик қилибман, бекор келибман, деб пушаймон еди. Шунинг учунмикан, ўзига сўз берилганида, икки оғиз гапдан бўлак тилига бир калима келмади. «Болаларим, биз урушга борганмиз... Ҳа-а... уруш жуда ёмон, оти ўчсин!.. Энди, у кунларни биз кўрдик, сизлар кўрманглар», дея олди, холос. Йиғин иштирокчилари ундан кўпроқ, қизиқарлироқ гап қутишган эканми, аллапайтгача жим тураверишди. Сукунат ноқулай эди, Маҳам амаки терлаб кетди. Ниҳоят, мактаб директори ўртага чиқиб бир-икки чапак чалдию болалар улаб юборишди...

Маҳам амаки йиғиннинг тугашини ҳам кутмай уйига қайтди. Қайтиб, ажабки, қадрдон ҳовлисига қадам қўйиши билан елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тортиди, фикри тиниқлашди, беихтиёр кўз олдига ўша воқеа, яъни, икки кун илгари, кеча ва ҳатто боягина мактабга йўл олаётганда болаларга айтиб беришни ният қилган воқеа жонланди. Бу ҳам тақдирнинг бир шумлиғидир-да. Уйга киради, ҳовлига чиқади, чорбоғда томорқасига сув қуяди, қўйхонага ўтади — бари бир... хаёлидан ўша воқеа сира аримай қўйди. Шунчалик экан, йиғин пайти нега доврилади?

Кўпчиликнинг салобати босдимми? Е у ерда Урмоннинг ҳам борлиги уни эсанкиратдимми?.. Қайтага, Урмон борлиги учун ҳам ўзини тутиб олса бўларди. Гапириши керак эди! Мухаррам ўлимдан қандай омон қолганини айтиб, Урмонга кўп нарсаларни писанда қилиб қўйиши керак эди!

Мана, мактабдаги йиғинни эслаб, ҳозир ҳам афсус чекиб ўтирибди. Ҳа, ўшанда гапирмагани чатоқ бўлган экан. Қулай имкониятни бой берибди-я. Гапирганида, сал бўлсин-да, Урмоннинг алами кўзирмиди... Ҳа, алами кўзисин эди!

Ёзининг бошида — уруш бошланганида ҳам, ёзининг адоғида — ўзи фронтга йўл олганида ҳам Мухаммадjon немиснинг қанақа одамлигини тасавурига сигдира олмаган эди. Вагон ғилдирақларининг тақа-туқ, тақа-туқ садолари остида хаёли олиб қочиб, мен немисни билмасам, у билан қандай олишман, деб ўйлабди борди. «Жангдан олдин бир кўришиб олсак бўларкан», дея кўнглидан ўтказди.

Ун беш кун ҳарбий тайёргарликдан сўнг тагин йўлга тушдилар. Поездда кетдилар, пиёда кетдилар. Урмонларни босиб ўтдилар, дарёларни кечиб ўтдилар. Эҳ-ҳе... Йўл юрдилар, йўл юрсалар, ҳам мўл юрдилар, кечани кеча, кундузни кундуз демадилар, овқатдан, уйқудан қолдилар, шунда ҳам юравердилар. Ахийри, юз эллик нафар кўнгилли ўн бир кун деганда, кечга яқин бир қисмга келиб қўшилдилар. Келасолиб, ким шинелига ёнбошлаб, ким дарахтларга суяниб, уйқуга кетдилар. Шулар орасида Мухаммадjon ҳам бор эди.

Эртаси аскарлар уларни ўраб олишди, қизғин суҳбат бошланди. Кимдир хурсанд бўлди, кимлардир хўрсинди. — Могилёвдан нарида эдик, биринчи бўлиб жангга кирганларданмиз, — деди кимдир мақтанибми, афсусланибми.

— Кечиняпмиз... Могилёвни ҳам бердик, — деди бошқа бирови.

— Олдинига қаттиқ турдик. Тагин тураверар эдиг-у, тепадан шунақа буйруқ бўляпти-да...

— Эҳ, биродарлар, бизни қўйинглар, ўзларингдан гапиринглар. Нарёқларда нима гаплар?

— Нима гап бўларди? Одамлар ишляпти... Ҳамма нарса фронт учун!

Мухаммадjon бир ғалати бўлиб кетди. Йўлда у кўп нарсани — фронт орқасига кўчирилаётганлару ярадорлар билан лиқ тўла эшелонларни, бомба остида қолган мошиналарни, ағдар-тўнтар қишлоқларни кўрди, лекин урушнинг ҳақиқий даҳшатини негадир ҳис қилмаган эди. Аскарларнинг сўзларини эшитиб, юрагига ваҳима оралади.

Қисмда олтига ўзбек йигити бор эди, шулар Мухаммадjonга ёпишдилар-қўйдилар. Унга айниқса самарқандлик Ҳайитбой дегани маъқул келди. Очик, ҳазил-мутоибани хуш кўрадиган бу йигит биринчи кунданоқ уни сенсирой бошлади. Фронтдаги аҳвол нақадар танг бўлишига қарамай, Ҳайитбой руҳан тушқунликка тушмаган, кўнглида илинжи сўнмаган эди.

— Мана кўрасан, жўра, — деди у ўша куни, — ҳозирча орқага қайтиб турамыз-у... душманнинг думиниям уйимизга опкириб олиб, сўнг пешонасига тарсиллатиб туширамыз. Қочай деса, думидан босамиз, қочмай деса — калласидан айрилади... Билдинг?

— Фашистни кўрдингизми ҳе? — деб сўради Мухаммадjon чинакам қизиқиш билан. — Қанақа одам экан? Ҳайитбой кулди.

— Фашист фашист-да, қандай қилиб одам бўлсин... — деди. Кейин Мухаммадjonнинг гапини теварақдагиларга таржима қилиб берди. Бошқалар ҳам унинг содда саволидан кулиб юбордилар.

— Ранг-рўйини кўрсанг, худди бизнинг ўзимиз, — деди бир йигит мийиғида жилмайиб.

— Одамга ўхшайди-ю... одам сиёғи йўқ, — деди яна бошқаси.

Энди Мухаммадjonнинг ўзи ҳам кулди.

— Ушанга сўраяпман-да...

Ҳайитбой милтигини тозалаб ўтирган эди, имлаб, Мухаммадjonга ёнидан жой кўрсатди. Кейин:

— Ошиқма, жўра, — деди хўрсиниб. — Кўрасан. Ҳали кўп кўрасан... Кўргилик қилмасин!

Дарҳақиқат, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай Муҳаммаджон фашистни ўз кўзлари билан кўрди. Кўрганда ҳам, нақ бир одим наридан кўрди. Армони ушалди... ушалмагани минг марта афзал эди!

Икки кундан бери майда ёмғир шиғалаб уриб турибди. Куз энди бошланган-у, қишининг ҳавоси. Муздай, этни жунжиқтиради. Нами баданларга сингиб кетган. Ўрмондаги дарахтларнинг кўпи икки кун ичида барг ташлаб юборди. Ёмғирнинг тинадиган сиёғи йўқ, эринмайди. Қизиқ, немислар томонда жимлик эди. На бир каттароқ ҳужумга тайёргарликнинг шабадаси келади, на бошқанинг. Бундай пайтлар сурункасига уч кун осойишталик ҳукм суриши ғайри табиий эди. Муҳаммаджон ҳайрон бўларди. Келганидан бери милтиғини тозалайди, ўра қазийди, ҳарбий машқ бажаради, ҳақиқий жангдан эса дарак йўқ. Лоҳал милтиқ отиб кўрмади. «Бекор ётмай, устига бостириб бораверсак бўлмасмикан?», деб ўйлайди. Учинчи кун, кутилмаганда, қисм жангчилари орасида шивир-шивир пайдо бўлди: қуршовда қолибмиз, биродарлар! Ҳаммаёқда саросима бошланди. Теваракка юборилган разведка ҳам шу миш-мишни тасдиқлаб берди: немислар ўраб олибди! Бутун бошли қисмининг ҳалокатга учраш хавфи туғилди. Аҳвол ниҳоятда оғир эди. Уша кунёқ якка-якка ёки гуруҳларга бўлиниб қуршовни ёриб ўтиш, шундай йўл билан фронт чизигига чиқиб олиш тўғрисида бўйруқ берилди. Аскарлар бўлиниб-бўлиниб, ҳар ёққа таркаб кетдилар.

Муҳаммаджон Ҳайитбойдан бир қадам ҳам нари жилмасди. У гаранг эди. Ҳали фашистнинг ўзи кўринмай туриб, ваҳимаси шунчалик экани уни ажаблантирмади. Лекин, Ҳайитбойнинг чизган чизигидан чиқмасди ҳам.

Ҳайитбой билан Муҳаммаджон ёнларига бу атрофнинг сўқмоқларини беш қўлдек биладиган бир белорус йигитини олиб, ўзимизникилар, қайдасизлар, деб йўлга тушдилар. Ўрмонларни оралаб ўтдилар, қишлоқларни четлаб ўтдилар. Кетавердилар, кетавердилар. Ниҳоят, тўртинчи кун бир қишлоққа яқинлашдилар.

— Телявкино, — деди белорус йигит. — Немислар йўққа ўхшайди.

Учаловининг ҳам силласи қуриган эди. Бугун эрта билан халталаридаги эмак ҳам соб бўлган. Ёмғирдан пана бир ерга ўтдилар, қуруқроқ жойни топиб ёнбошладилар. Пича дам олгач, Ҳайитбой йўлбошловчига ўгирилди.

— Вася, сен бир хабар олиб кел, бўлмаса, — деди ҳорғин товушда. — Эмак топмасак, ҳолимиз хароб...

Вася кетди.

Ҳайитбой беихтиёр Самарқандни эслади, чалқанча ётганча, осмондан кўзини узмай, туғилган қишлоғини, ёр-биродарларини гапириб бера бошлади. Муҳаммаджон бунақа шўх-шаддод йигитнинг бирданига ғамгин бўлиб қолишини кутмаган эди, кўнгли бузилди.

— Тўртта боласи борга ўхшайманми шу туришда? — дерди Ҳайитбой соғинч билан. — Уч ўғил, бир қизим қолган уйда... Бири биридан ширин...

Муҳаммаджон ўзининг қишлоғини эслади. Қаримжони кўзига кўриниб кетди. Ҳўрсинди.

— Меники ҳам учта эди. Иккитаси пешонамизга битмаган экан...

— Утган куну сен Фарғонангни гапириб берганингда, мен Самарқандимни кўргандек бўлдим. Сен ота-онангни, ўғлингни айтганингда, мен ҳам уйимни, тўрттала боламни кўриб ўтирдим, — деди Ҳайитбой ёнбошига ағдарилиб. — Менга жуда ўрганган эди, нима қияптийкан бечоралар... Вася келди.

— Қишлоққа кирмадим, бир болакай ўйнаб юрган экан. ўшандан сўрадим, — деди у ҳансираб. — Немислар узоқда эмиш. Бугунча шу ерда тунасақ бўлар... Кетдик!

Қишлоқ ўзига яраша бир қишлоқ экан — катта ҳам эмас, кичик ҳам. Чеккароқдаги уйлاردан бирининг эшигини тақиллатдилар. Кампир чиқди. Келганларнинг муддаосини билгач, кулбасига олиб кирди ва югуриб-елиб меҳмон қила бошлади: сут қайнатиб берди, қотириб ёпилган нондан паррак-паррак кесиб, олдиларига қўйди.

— Олинлар, болаларим, олаверинлар. О-о, афт-ангорларингга қараб бўлмайди-я! Кечқурун бир ювиниб олинлар, ҳўпми. Қўшниларимнинг ҳаммоми бор!

Кейин елкасига рўмолини ташлади-да, ташқари чиқиб кетди. Зум ўтмай ўзи қатори иккита хотинни бошлаб кирди.

Анчагача гаплашиб ўтирдилар. Вася шу кулбада қолди, Муҳаммаджон билан Ҳайитбойни ҳалиги хотинлар уйларига олиб кетдилар.

Оқшомга яқин Телявкинога бирин-кетин йигирмадан ортиқ аскар кириб келди. Улар ҳам қуршовда қолганлардан эди. Вася Ҳайитбой билан Муҳаммаджонни қақриб, янги келганларнинг ёнига бошлаб борди. Қишлоқнинг, колхознинг эски активларидан ҳам уч-тўрттаси йиғилди. Вазиятни муҳокама қилишга киришдилар. Ичларида бир сержант бор эди, командирликни зиммасига олди.

— Вздоддай кучимиз бор экан, энди бу ёнига командирларинг мен бўламан, — деди. — Ҳозир ҳамма дам олсин-да, кечаси роппа-роса ўн иккида манави молхонанинг ораксига тўплансин. Йўлга тушамиз.

Шу пайт бир киши командирга ўзини таништирди: колхознинг собиқ раиси экан.

— Бугунча сабр қилинлар, — деди кекса коммунист. — Немислар икки кундан бери ўрмонда изғиб юрибди.

Бошқалар ҳам шу маслаҳатни маъқул топишди. Командир ўйланиб қолди.

— Эртага қандоқ қутулиб кетамиз улардан? — дея сўради сўнгра.

— Эртага бир гап бўлар. Бу ердан беш чақиримча нарида партизанлар отряди бор. Мабодо, немислар йўлларингни тўсиб қўйса, сизларни ўша ёққа бошлаб бораман.

— Унда, сиздан илтимос, ўртоқ раис, — деди сержант, — одамларингизга айтсангиз, ким қанча қўлидан келса, озиқ-овқат йиғиб берсин. Яна, уст-бошларимизни ҳам алмаштириб олганимиз қулаймикан, бир бало бўлса, партизанларга қўшилиб кетиш осонлашарди.

Муҳаммаджон тағин бояги хотиннинг кулбасига борди. Кулба бир-бирдан ўтиладиган иккита хона ва кичиккина даҳлиздан иборат эди. Муҳаммаджон даҳлизни кўрсатиб, менга шу ер ҳам бўлаверади, деганига қарамай, уй эгаси унга ичкаридан жой қилиб берди.

Бека анча қаримсиқ кўринар, қадди бир оз букик эди. Келини ҳам бор экан, бир болача юрибди, невараси бўлса керак. Кампир ҳадеб Муҳаммаджонни гапга солгиси келарди. Бир-бирларининг тилларига тушунолмай роса гаранг бўлишди.

— Кимсан сен, болам? — дерди кампир ҳадеб. Тушунавермаса, ҳар хил имо-ишоралар қиларди.

— Ўзбекман, хола, ўз-з-бек, — дерди Муҳаммаджон дона-дона қилиб.

Иккаласининг «сўхбати»га қулоқ солиб туриб, келин роса куларди.

— Қаердансан? — дерди кампир белорусчалаб.

— Фарғоналикман, — дерди Муҳаммаджон ўзбекчалаб.

Кампир ҳам тушунгандай, бошини қимирлатиб қўярди. Бир пайт у кўзига ёш олиб, ниманидир узоқ ҳикоя қила бошлади. Муҳаммаджон энди унинг гапларини имо-ишорасиз ҳам тушунаётгандай бўлди.

— Якка-ёлғиз ўғлим бор эди, — дерди кампир кўзёшларини рўмолча билан артиб. — Сенга ўхшаб у ҳам бўйдор эди. Қариганимда энди шу ўғлимга суянаман-да, десам... Брестда хизмат қиларди. Битириб келишига ярим йил қолганда, уруш бошланиб қолди. Бир ҳафта ўтмай... ҳалок бўлибди. Бу ёқда гулдай хотини тул қолаверди... Ўғилчасини кўрмайсанми, болам. Одамнинг ичи ачийди. Неварагинам, ўғилгинамдан қолган ёдгорим! Отанг сенинг дийдорингга тўёлмай кетди... Мартларда уч кунгина отпусқа қилиб келган экан, кўриб қолганим ўша бўлди!.. Энди, келиним яна ҳомиладор... Э худо, бу гўдакларнинг гуноҳи нима? Раҳминг келмайдимми-я?!

Кампир яна кўп гапирди. Сўзлар — бегона, дардлар бир-бирига яқин эди. Муҳаммаджон энди деярли ҳамма гапга тушунди. Кампирга, уй ичида куймаланиб юрган келинга раҳми келди.

— Менинг ҳам онам бор... Хотиним, битта ўғлим бор, — деди ўзига ўзи гапиргандай оҳангда, ўзбекчалаб. — Ҳамманинг бошига тушган фалокат экан-да...

Кампир ҳамдардик билан бошини қимирлатиб қўйди. Кейин келинини чақирди.

— Меҳмонни чўмилтириб қўй, қизим, — деди Муҳаммаджонга ишора қилиб. — Иваннинг уст-бошини олиб бер, ўшани кийсин... Бир кўрай!

Келин итоаткорона бош эгиб, Муҳаммаджонни ҳаммомга

бошлади. Ҳаммом иситилиб, тайёрлаб қўйилган экан. Мухаммаджон, ўзим ювинарман, деб келини қайтариб юборди. Апил-тапил ювиниб чиққанида эса, ҳаммомчанинг йўлагидagi михга илиғлик тоза кийимларга кўзи тушди. Ҳаяжондан қўллари титраб-қалтираб, кийди. Теваракка буг таратиб, кулбага кириб борди.

Ташқарида ҳамон ёмғир томчилар эди. Кампир Мухаммаджонни кўриб, ўрнидан туриб кетди. Келасолиб бўйнига осилиб олди-да, йиғлаб юборди.

Мухаммаджоннинг юзи оқ-сарикдан келган эмасми, кампир шу тобда унинг қиёфасида ўз ўғлини кўрган эди! Мухаммаджон онасини эслади...

Эртаси эрталаб фалокат рўй берди: қишлоқни тўсатдан немислар босди. Ҳеч ким ҳеч нарсага улгурмай қолаверди. Боз устига, немислар бу ерда қизил аскарларнинг талайи яшириниб ётганидан хабар топдилар чоғи, уйма-уй кириб ҳаммани судраб чиқдилар. Бир соатнинг ичида ўттиз чоғли аскарни олдиларига солиб, қишлоқнинг ўртасидаги майдонга йиғдилар.

Бутун Телявкино аҳолисини ҳам шу ерга ҳайдаб келдилар.

Мухаммаджон буткул ўзини йўқотди. Наҳот жангсиз, урушсиз асир тушиб ўтирса?! Мўлтираб, Ҳайитбойга қаради: Ҳайитбой жилмайгандек бўлиб, кўзини бир юмиб очди.

Немис солдатлари асирларни ур-сур билан сафга тиздилар. Офицер бир нима деди, кейин тилмоч баланд овозда бидирлай кетди... Мухаммаджон унинг сўзларини тушунмас, ҳадеб теваракка аланглар, бир ёқда шерикларининг, бир ёқда оломоннинг жим туравергани унинг ваҳимасига ваҳима кўшар эди.

Ярим соатча давом этган дўқ-пўписадан кейин немис офицери сафнинг бошига борди-да, қўлидаги таёқчани аскарнинг кўкрагига ниқтади. Бўйнига автомат осилган иккита солдат дарҳол ўша аскарни сафдан олиб чиқди ва рўпарадаги девор сари судради. Уйлаб ўтирмай, иккаласи бараварига, асирнинг пешонасидан отиб ташлади...

Бу — Вася эди!
Шундан кейин иккинчисини отдилар, учинчисини...

Узларини нима кутаётганига кўзлари етиб, асирлар бир-бирлари билан видолаша бошладилар.

Оломон тош қотган, ёшу қари бирдай тилдан қолган эди гўё.

Офицер, парвойи фалак, совуқонлик билан таёқчасини навбатма-навбат асирларнинг қорнига ё кўкрагига нуқар, хиёл ўтмай ўша аскар пешонасидан ўқ ер эди.

Бир пайт Мухаммаджоннинг дод деб юборишига сал қолди: офицернинг таёқчаси самарқандлик Ҳайитбойнинг кўксига қадалиб турарди! Ҳайитбой сафдан чиқаётиб Мухаммаджон турган тарафга бир қараб қўйди-да, бошини қўйи солинтирганча, солдатнинг олдига тушди...

Мухаммаджон Ҳайитбойнинг ўша нигоҳини умр бўйи унутмаса керак! Фашистни кўришга шунчалар зор эдинг, мана, кўр, тўйиб ол, деган маъно бормиди у нигоҳда? Еки, шунчаки видолашувмиди у? Эҳтимол, Мухаммаджоннинг тирик қолишига кўзи етмаса-да, кўнгилда бир илнж билан ўзича илтижо қилгандир — омон қолсанг Самарқандимга бор, болаларимни ўлиб қўй, демоқчи бўлгандир?

Ҳайитбойнинг нигоҳи Мухаммаджоннинг ич-этини ёндириб юборди. Улимнинг ҳақ эканини, ўзининг ҳам ҳозир, бир-икки дақиқа ичида, пешонасидан ўқ еган ўн бир аскардай ўлиб кетишини аниқ-яққол ҳис қилди ва бирдан... хотиржам бўлиб қолди. Шуури издан чиқди. Қишлоғини, ота-онасини, ўғлини, хотинини кўз олдига келтирмоқчи эди, уринишлари зое кетди. Майдон, бирин-кетин отилаётган йигитлар, неча кундан бери зринмай ёғаётган ёмғир, олис қишлоғи, Каримжони — ҳаммаси бир-бири билан аралашиб, чалқашиб кетди...

Тагин иккита асир кетди... Мухаммаджон энди даҳшатга эмас, ҳайратга туша бошлади. Наҳот итдай ўлиб кетаверса?! Наҳот бирор чораси топилмаса?! Уйи, меҳрибонлари, ўғилнасидан наҳот уни осонгина жудо қилишса?!
Навбат ёнида турган ёшгина аскарга етди.

— Алвидо, дўстим! — деди йигит сўник овозда. Кейин сал тетиклашди. — Менинг фамилиям — Симкин, отим — Алексей! — деди ва дадил девор сари йўл олди.

Худди шу маҳал қабристондек совуқ майдон узра бир

аёллини ўткир чинқирғи янгради. Ҳамма ўша тарафга ялт этиб қаради. Биргина турткини кутиб турган оломон ҳам ваҳимали гуврана бошлади. Ҳалиги аёл одамлар орасидан ажралиб чиқиб, дод солганча, Симкиннинг йўлини тўсиб келаверди.

— Отманглар! Бу менинг ўғлим! Отманглар уни! Войдод, ўғлимдан мени жудо қилманглар! Ялинаман, ўтиниб сўрайман, отманглар! — дерди у талвасада бир немисларга, бир Симкинга ташланиб. Унинг теварагида тагин бешта бола чувиллашиб турарди.

Тилмоч офицерга нималардир деди. Офицер кулимсираб, таёқчаси билан ишора қилди: Симкинни бир четга олиб ўтдилар. Шунинг баробарида майдондаги сурон янада авж олди. Хотин-халаж бирин-кетин ўртага отилиб чиқа бошлади. Кимдир: «Эрим...» деб дод солса, кимдир: «Ўғлимни қўйиб юборинглар!», дея ёлборарди.

Мухаммаджон ақли-ҳушини йиғиб улгурмай, бўйнига бир жувон осилиб олиб, чинқира бошлади:

— Эримни бермайман сизларга! Эргинамни отманглар! Қорнимда болам бор, етим қилманглар!..

Мухаммаджоннинг кўзларидан беҳтиёр тирқираб ёш чиқди. Жувон кечаги кампирнинг — Васелиса холанинг келини эди! Унинг кетидан, қафди икки букилиб, неварасини етаклаб, Васелиса хола ҳам келди.

— Ўғлим! Ўғилгини! Отманглар ўғлимни! Ёлғизимдан мени жудо қилманглар!.. — дерди у ҳадеб Мухаммаджоннинг юзларидан, пешонасидан ўпаркан.

Бу орада немис офицери тилмоч билан нима ҳақдадир узоқ маслаҳатлашди. Кейин тилмоч тагин ўртага чиқиб, оломонни тинчитишга тушди. Мухаммаджон унинг бақир-чақирларидан ҳеч балони тушунмаган бўлса ҳам, бир нарсанинг фаҳмига етди: энди у тирик қолди, энди немислар буларни отмайди!

Дарҳақиқат, шу билан отув тўхтатилди. Васелиса хола охириги марта Мухаммаджоннинг пешонасидан ўпиб: «Сени ўз паноҳида асрасин, ўғлим! — дея илтижо қилди. — Омонликда кўришайлик!..» Кейин солдатлар асирларни оломондан айириб, майдоннинг чеккасига олиб ўтдилар. Асирлардан ўн бештачаси шу тариқа ўлимдан қутулиб қолди.

Тушдан кейин немислар уларни қўшни қишлоққа ҳайдаб кетдилар. У ерда ҳам кўп ушлаб турмай, тўртта соқчи ҳамроҳлигида бошқа тарафга қараб ҳайдадилар. Оқшом пайти яна бир чоғроқ қишлоққа етдилар. Уйлардан четроқда ярим хароба отхона бор экан, соқчилар асирларни шу ерга қамадилар. Узлари эса, ёмғирдан панароқ жойга олов ёқиб, гўнғир-гўнғир суҳбатлашиб ўтирдилар.

Мухаммаджон отхона деворининг тирқишидан уларни томоша қиларкан, Ҳайитбой ҳам омон қолса бўлмасмиди, дея надомат билан дилидан ўтказди. Тирқишлардан отхонага куйган картошка ҳиди кирди. Мухаммаджоннинг томоқлари ачишди. Асирларнинг кўпи нонушта қилишга ҳам улгурмаган эди.

Сал ўтмай қандайдир қолғу асбобининг товуши таралди. Кимдир оҳангга мослаб, хиргойи қила бошлади.

Яна сал туриб, соқчилардан бирови отхона эшигига яқинлашди. Автоматининг кўндоғи билан негадир кўҳна эшикни бир-икки дўқиллатиб урди ва шу ерда бир оз ушланиб қолди. Ташқаридаги олов ёлқини хира тушиб турган отхонанинг суйри йўлагидан ичкарига сийдик оқиб кирди...

Атрофни зулмат қоплади. Отхона шифтидаги туйнукдан қоп-қора осмон ғира-шира кўзга ташланади. Юлдуз йўқ. Томнинг ҳар ер-ҳар еридан чакка ўтмоқда. Асирлар жим. Ниҳоят, бир йигит тепадаги туйнукка ишора қилиб, шивирлади:

— Қочамиз, йигитлар! Тўртта соқчининг қўлидан ҳеч иш келмайди.

— Тўғри, — дейишди бошқалар ҳам, — бу ерда ўтираверган билан тирик қолишимиз даргумон.

Ҳар томонга қочамиз, деб келишиб олдилар ва битта-битта, товушсиз, томга чиқдилар. Энди муҳими — ерга тушиб олгунча соқчиларга сездириб қўймаслик эди. Бу ёқ кўринмайди, шитир-шитирни эшитиб қолмаса — бўлди!

Мухаммаджон ҳаяжондан титраб, Симкинни туртди, бирга қочамиз, деб ишора қилди...

Ҳамма бир зумда ҳар ёққа тарқаб кетди.

Муҳаммадҷон билан Симкин шерикларининг тақдири нима кечди — билмайди, лекин ўзлари қутулиб кетишди. Орқаларидан анчагача автомат товуши эшитилиб турди. Бориб-бориб шу ҳам эшитилмай кетди.

Саргардонлик бошланди. Эртаси чошгоҳга яқин Симкин бир қишлоқдан нон, чўчка ёғи топиб келди. Тамадди қилиб, йўлда давом этдилар. Бир ҳафта деганда, фронтнинг олдинги чизиги етдилар.

Уларни қайсидир қисмнинг аскарлари эрта тонгда дарё бўйидан беҳуш ҳолда топдилар...

...

Олис Белоруссиядан туриб Василаса холанинг ёзганлари ва ўзи бундан беш йилча бурун мактабдаги йиғинда айтиб бермоқчи бўлгани шу воқеа эди. Ушанда довдирамасдан шуни бошдан-охир гапириб берганида, Урмоннинг ичига ўт тушарди-да лекин. Ҳа майли, ўтган ишга саловат... Мана энди, орадан шунча йил ўтиб, газетчи йигит тагин ўша воқеанинг тафсилотини сўраяпти.

Маҳам амаки урушда кечган ҳаётини шунчаки ҳикоя қила олмасди. Кўз олдига келтирдими — тамом, беихтиёр ўзи ўтмишга шўнғиб кетар, бу эса ҳар гал унга оғирлик қилар эди. Бундан ташқари, кейинги вақтлар у қачон уруш тўғрисида ўйласа, ёдига аввало Урмон чўлоқ тушар, сўнг тинмай сўқинаверар эди. Хайруллага эса, Урмоннинг қизиги йўқ. «Урмон чўлоқни қўйинг, Маҳам ака, ўзингиздан гапиринг, урушдан олинг!», деб қолса... Билмайдикки, Урмоннинг ишлари разилликдан ҳам баттар бўлган!

Во дариг! Кўнгилда дардинг кўп-у, айтинг, деганда сасинг чиқмасал..

14

Даҳлизда Муҳаррам холанинг шарпаси сезилди. У ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, ўзича минғирлаб тоқчаларни тимирскилади, пақирнинг қопқоғини шарақ-шуруқ қилди ва бирдан ичкарига кириб:

— Ҳой Каримжон, одамга ўхшаб гапириб-гапириб турсангиз-чи! Юракларим сиқилиб кетди-е! — деди ўпкалаган товуш билан. — Доим шунақа — бир ерингиз сал оғридими, ичимдан топ бўлволасиз...

Маҳам амаки ўзининг бу феълини яхши билади, лекин нима қилсин, табиатан шунақа-да. Онадан қайта туғилиб бўлмасал..

— Ё Каримжонга одам юборайми?

Маҳам амаки бош чайқади.

— Ана, тагин шу аҳвол. Бир гапга кўнармидингиз сиз! Эрта биландан бери миқ этмайсиз-а. Бу ўзи уй бўлмай қолди, зимистон...

Хотинининг гинасида жон бор эди, Маҳам амакининг унга раҳми келди.

— Кўп қисинма, хотин, — деди имкон қадар юмшоқ қилиб. — Бу сафар ўзи бошқача тутди-да. Бир ёқдан елкам, бир ёқдан анави газетчи боланинг гишаваси... — Маҳам амаки хотинига Василаса холадан келган хатни кўрсатмаганини эслади. Қўйини пайпаслади. Хатни узататуриб, кулди. — Мана, кеча шуни кўтариб келибди. Айтганман сенга, Белоруссияда шунақа бир иш бўлувди... Бечора кампир эсидан чиқармаган экан.

Муҳаррам хола конвертни олди-да, нималарнидир хотирламоқчидек, кўзларини бир нуқтадан узмай туриб қолди. Ниҳоят, эслади шекилли:

— Ҳа-а, — деди ғалати кулимсираб, — хотинингизнинг қайнонасими?

Маҳам амакининг бу воқеани айтиши ҳам қизиқ бўлган. Урушдан янги қайтган пайтлари хотинини суйиб кетганда доим ярим ҳазил, ярим чин пўписса қилиб қоларди: «Ҳаддингдан ошмай юр, Карим, биз ҳам кўчада қолганлардан эмасмиз, — дерди. — Бир чиройли белорус хотиним бор, ўшанга кетвормайин тагин!..» Муҳаррам хола бу гапларнинг ҳазил эканини билиб турса ҳам ҳар эшитганида юрагининг бир чети ўртанар, йиғлагиси келар эди. «Ё шу ёққа қақирақолайми? — деб куларди Маҳам амаки. —

Жон-жон деб келади. Ўзбекистон бўладию келмайдими!.. Опа-сингли бўп юраверасизлар, қалай? — Кейин дарров гапини ўнгарди. — Бўлди-бўлди, хотин, ҳазилга шунчаликми?.. Аслида-ку, ўша жувон бўлмаганида эрингдан ажралган эдинг-а!»

Муҳаррам хола хатни обдан айлантириб кўргач, қайтариб берди.

— Хотинингизнинг ўзи ёзмабдими? — деди бир чимдим киноя билан.

Маҳам амаки кулди.

— Кундошим, дегин... Ушанда ўзим билан опкелаверсам бўларкан. Эсиз...

— Опкелинг эди! Малла сочларини битта қўймай юлиб олардим-да!

— Кўп чиранма, ҳеч нарса қилолмасдинг! У ҳам анойи эмас, сочини сенга тутқазиб, ўзи қараб ўтирарканми?! Закуни билади улар.

— Закун-макуни билан ишим йўқ! Ўнта болани олдига қаторлаштириб қўйсам, закуниям ип эшолмай қолади!

— Боланг ўнта эмасди-ку, қаёқдан олдинг шунчасини!

— Керак бўлса, туғардим-да!

— Туғ! Қани... Ким сени ушлаб турибди? Туғ-чи!

Муҳаррам хола калака бўлаётганини пайқади ва беихтиёр дийдаси юмшади.

— Ношукр бўлманг, еттита туғдим — камми?! Одамлар тирноққа зор... — дедию пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Пахталик бахмал тўнининг чўнтагидан катта дастўмол чиқариб, бурига тутди. — Нима қилай, учтаси бағримдан ситилиб кетди, бўлмаса, уйингизни тўлдириб юрмасмиди улар ҳам!

— Ана холос! Гапни ким бошлади — менми, сен? Аҳволинг шу экан-ку! Тагин, гапириб ўтиринг, дейди...

— Ҳе, билганингизни қилинг! — деди-да, Муҳаррам хола уйдан чиқиб кетди.

Маҳам амаки охири зерикди. Қараса, елкасидаги санчиқ ҳам эралабгидек эмас. Пича айланиб келай, деб ўрнидан турди.

Ташқари ҳали ҳам совуқ эди. Фақат, шамол йўқ. Бир-бир босиб, учкўчанинг бошига келди. Энди қаёққа боришини билмай, каловланиб турган эди, рўпарадан бир болакай унга қараб яқинлаша бошлади. У дарров таниди: Нозимбек.

— Ассалому алайкум, Маҳам амаки, — деди Нозим келасолиб.

— Э-ҳа, Нозимбекми? Катта йигит бўп юрибсанми? Э, баракалла! Мактабинг қалай? Шу совуқдаям боряписизларми?

— Ҳа, бораверамиз, — деди Нозим ғурурланиб. — Бугун совуқмас-ку... Утинингиз тугамадимми, амаки?

Маҳам амакининг шу болакайга меҳри йиди. Жуда бўлакча-да бу қургур! Нозим унинг кўзига шу тобда ўзининг невараларидан ҳам ширин туюлиб кетди. Маҳам амаки болакайнинг елкасига қоқди.

— Туновин дунёнинг ўтинини қип бердиларинг-ку! — деди. — Турибди ҳаммаси.

— Аббос қачон келади, амаки?

«Ўртоғини соғинибди-да бояқиш...»

Маҳам амаки беихтиёр ўзи ҳам Аббосни соғинганини ҳис қилди.

— Келади, — деди кўнгли юмшаб. — Кепқолар...

Нозим у билан хайрлашиб, уйлари томонга чопқиллаб кетди.

Учкўчанинг қоқ ўртасида Маҳам амаки ёлғиз ўзи қолаверди. Энди қаёққа борсин? Қаёққа бормоқчи эди ўзи? Чойхонага негадир кўнгли чопмади. Уста Собиталининг олдига ўтсинми? Кириб, ўша билан отамлашиб ўтирсинми? Қарда экан у ҳозир? Дарвоқе, Белоруссиядан келган хатни бирийўла олиб чиқмабди. Ушани устага кўрсатарди, маслаҳат сўрарди. Қишлоқда дилтортар ўлфатлардан биргина шу Собитали қолган...

Лекин бирдан хаёлига ғалати фикр келди. Кўз ўнгида беихтиёр Нозимбек жонланди. «Олдимга ўтиргизиб олиб, ҳаммасини шу болага айтиб берсам-чи? Ҳар ҳолда боланинг кўнгли тоза бўлади! Сал енгил тортармидим!»

...Бир пайт кўзига қизи Манзура кўриниб кетди. «Епирай! Тушимми, ўнгимми?» Синчиклаб қараса, кўринган

дарпа Манзура эмас, Хайрулла Латиф экан. Ҳа, ҳа, Хайрулла Латиф! «Гапиринг, Маҳам ака, немислар билан қандай урушгансиз?», деб турибди. Маҳам амаки қўриқиб кетди. Нима бўляпти унга? Ҳозиргина қизини — Манзурасини кўрган эди-ку? Энди Хайрулла... Йўқ, у ҳам эмас... катта киши... Маҳам амаки уни ҳам таниди: Урмон чўлоқ экан. Ҳаётот Хайрулла билан Урмоннинг фарқига бормасам, деб кўзларини юмиб олди. Урмон чўлоқ кетмади, иржайиб тураверди. Ҳатто аниқ-тиниқ овозда: «Мен сизга олиб берган нишон қани, Маҳамбой? Ҳалиям тақиб юрма-япсизми?», дегандек бўлди. Кейин ҳаммаси аралашиб кетди ва олисга чекинди, бир нуқта бўлиб қолди. Нуқта айлана бошлади. Айланган сари яқинлашиб, яқинлашган сари катталашиб келаверди. Йўқ, бу ерда Манзура ҳам, Хайрулла ҳам, Урмон ҳам йўқ эди. Улар Маҳам амакининг кўзига кўринди, холос. Бу ерда шунчаки бир куюн бор эди, айланаётган нарса ҳам шу. Куюн тобора зўрайиб, Маҳам амакини ҳам ўз гирдобига тортди ва чирпирак қилиб айлантира бошлади. Оёғини ердан узиб, осмони фалакка кўтариб чиқиб кетди...

Маҳам амакининг юраги қаттиқ санчди, кўзи ярқ этиб очилиб кетди. Қараса... ўзи хануз учкўчанинг бошида, толга суянганча турибди. Куюндан асар ҳам йўқ. Лекин ер ҳамон айланаётгандек бўлаверди. Маҳам амаки тўнининг ичига қўл суқиб кўксини чангаллаганча, бели билан тол танаси бўйлаб сирғалиб, ерга ўтириб қолди...

У ахирги бир қарорга келди, ёруғ дунёда не бир ситам кўрдим — барига шу Урмон сабабкор, деб ҳукм ўқиди. Сўнгра шу дангача сезилмаган шиддат билан ўй сура бошлади...

Гуноҳқорсан, Урмон! Бугунгача гуноҳингга лойиқ жазо олмаган экансан, бунга Муҳаммад айбли эмас! Тўғри, унинг ҳам ўзинга яраша айби бор... Бироқ у ожизлик қилмади, қўлидан келганча сенга қарши курашиб келди. Начора, эплаёлмади, демак, сен ҳам анойи эмасдинг, Урмон, бало эдинг! Муҳаммад бунга амин бўлди. Унинг айби — у баъзан сендан фазилату ўзидан хатолик ахтарди. Урмон ҳам инсон-ку, унинг ҳам ҳақ жойи бордир, деб фикр қилди. Ўзини ношуд фаҳмлади, сени — уддабурро. Ва, шу уддабурролигига ҳасад қилмаётганмиканман, деб иккиланди. Айбсиз инсон йўқ, Урмон ҳам тирик жон-да, нега энди нуқул уни сўкавераман, деб кўп ўйларди у. Эсиз... Сеники айб эмас, Урмон, сеники гуноҳ экан! Гуноҳки, ўлим билангина ювса бўлади уни! Муҳаммад шу ерда панд еди. Қўй, у ҳам одам, бола-чақаси бор, ёмон бўлса, фақат менга ёмондир, ўзининг яқинларига у ҳам азиз, деб ўйлади. Энди-чи? Муҳаммад сени ёмон кўради, Урмон! Шунча кўнгилчанлик қилгани ҳам етар!..

Отаси бир ривоятни кўп такрорлар эди. Эмишки, Худоберхон даврида бир жаллод сарой хизматидан бўш пайтлари чаккасига доим гул қистириб юраркан. Элга қўшилиб чойхоналарда ўтираркан, аскиялар қиларкан, машхур ғазаллари оҳанг билан ўқиркан... Ахир, у ҳам инсон, дерди отаси, унинг ҳам юраги бор, эҳтимол, ўзиям ғазаллар битгандир!..

Эҳ, ота, нега у жаллоднинг ёнини оласиз? Ахир, у — жаллод-ку! Унинг жаллод эканини биламизми, элга буни овоза қилишимиз керак! Халойиқ, чаккасига гул қистирган манави киши — жаллод! Ундан қочинглар, уни ўлдиришлар, раҳм-шафқат қилиб ўтирманглар, чунки, у сизга, бизга ўхшаб, чаккага гул қистириб юрса ҳам, аскиялар айтиб хахолоб кулса ҳам, ҳатто, ғазаллар битса ҳам, у — жаллоддир, ж а л л о д !!! Буни ҳеч қачон унутманглар! Биз шундай дейишимиз керак эди, сиз буни билмадингиз, ота билсангиз ҳам, индамай ўтдингиз. Мен-чи? Мен кўриб, билиб турибман-ку! Индамаганим ўзимга зиён бўлганини ҳам кўрдим-ку! Чаккасига гул қистириб олибди, шуям инсон-да, деб бўйнимни эгиб юраверишим керакмиди?! Унда менинг уяшимдан не маъни қолади?! Умуман, одамзоднинг дунёга келишдан мақсади нима?! Шу кунгача ичимдан не кечди — ёлғиз ўзим биламан. Бир ўзимнинг билганим эса, кам экан, ота, эҳ, ниҳоятда кам!

Тўғри, ота, Урмон нодон кимса, нодонки, индамагани билмаганга йўйиб келди ва гўё «билмаган» ҳар кимсани ҳар кўйга солавериш мумкин, деб ўйлади. Ўзини доно деб билгани учун ҳам у нодондир! Аммо-лекин менинг индамаганим, сизнинг индамаганингиз ҳам доноликдан эмас экан. Демак, биз ҳаммамиз андак нодонмиз! Майли, мен ҳам нодон бўлай, бироқ Урмонни у дунёю бу дунё кечирмайман! Бу — ўжарлик ё қайсарлик эмас, ота, бу — ҳ а қ и қ а т ! Шундай ҳақиқатки, ундан тонганнинг ҳаёти ҳаром бўлади! Бу — менинг ҳақиқатим, менинг йўлим, ота! Шундай йўлки, ундан четга чиққаннинг косаси оқармайди! Урмонга шафқат қилмайман, ота, унга шафқат қилганнинг ўйи кўйсин!

...Мен сени ёмон кўраман, Урмон! Билсанг, сени туғилганимдан бери ёмон кўраман! Мана, шу кунга келиб ҳам нафратим зиғирча сусаймади. Бу дунёи кўтирда сенинг қонинг билан менинг қоним тўғри келишмади, ошна. Ҳамма бало шундан.

Бир пайтларда сен гижинглаган отда юрардинг. Ошиғинг олчи эди. Ҳар нарсада ўзингни жонбоз кўрсатардинг, ҳар ишга бош бўлишга интилардинг, аста-секин мавқега миндинг, одамларни эгиб олдинг. Сенинг гуноҳинг кўп, Урмон, бир бошдан санайверсам, бармоғим етмайди... Алғов-далғов йилларда сен отингни гижинглатиб: «Босмачини қириб ташлаймиз!», деб бақирдинг, лекин ўзингни четга олдинг. Босмачидан кўйганлар, уни жини суймаганлар бақир-чақирсиз ҳам, кўнгилдагиларини ошкор этмай туриб ҳам ўлимга тик боравердилар. Сен эса, уялмай-нетмай бир гал: «Босмачининг хуружига кўкрагимизни қалқон қилганмиз!», дея оғиз кўпиртирдинг. Ваҳоланки, кўкрагини қалқон қилганлар ўша даврада миқ этмай турган эди...

Уруш бошланди. Сен тағин кўкрагингга мушт уриб чиқдинг. Бу ёғи яна аввалгидек — ҳаммани урушга чорладинг-у, ўзинг четда қолавердинг. Ахир, «Бир ёқадан бош чиқарайлик!», деб ҳайқирган ўзинг эмасмидинг? Сенинг бошини бизнинг ёқага сизгадими, Урмон?! Зўр келса, йўлини топдинг, яъни кўпчиликка ўринкашлик қилдинг. Сенинг «шарофатинг» билан хизматдан озод этилганлар ҳам кўнгилли бўлиб фронтга отланди... сенинг ўрнингга. Қачонгача панада қолардинг, ахирги сени ҳам юборибдилар-ку! Лекин... бориб гўр қилдингми! Ярим йил ичида яраланибсан... Урушда ҳар нарса бўлади, қўлга қурол тутишга улгурмай туриб ҳам фалокатга йўлиққанларни кўрдим, ўзим ҳам бир гал ўшандай ўлимдан қолдим, бироқ сен... Сендан гумоним бор, Урмон! Бир қўлинг йўқ, аммо юрибсан. Тириксан. Мен қўлидан, оёғидан айрилган не-не йигитларни кўрганман, сен уларнинг ҳеч бирига ўхшамайсан. Улар — уруш инвалидлари, сен эса чўлоқсан, Урмон!

Одилхонни эслайсанми? Ўша бола урушдан қайтмади-я! Мен уни ёдимдан чиқарармиким. Билсанг, менинг ҳам юрагим мажруҳ, Ярим ўша ёқларда қолиб кетган. Одилхон билан бирга... Эҳ, Урмон, мен бир ўлимни кўрдим, унинг алами етти пуштингни йўқотишга етади! Бечора Одилхон ҳатто ўзининг чин қотили ким эканини ҳам билмай кетди. Бироқ буни мен биламан! Ахир, сен Одилхондан чўчирдинг, сен унинг кўзларига тик қараёлмасдинг. Эл унинг ашуаларидан, куйларидан ҳузур қилган сари сенинг кўнглингдаги гулгула тобора ортаверарди. Бир гал ҳатто: «Шу боланинг қарашлари отасининг қарашларига ўхшайди-я...», деган эдинг. Ҳа, Урмон, сен Одилхоннинг нигоҳидан ёмон кўрқардинг, ахирги асабларинг дош бермади — унинг ҳам бошига етдинг...

Дарвоқе, одамхўрлик сенинг қонингга бор. Сен мени ўғлимдан — Ҳакимбегимдан ҳам жудо қилгансан!.. У очликдан шишиб нобуд бўлди, лекин унинг қотили сенсан! Мен буни анча йиллар ўтгандан кейин билдим, лекин барибир кўнглимда қолди. Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади. Ушандан йигирма йиллар ўтиб, чойхонада оғзингдан гуллаб қўйдинг. Очқ айтмадинг, лекин мен сездим. Фаллани урган ўша қароқчиларнинг сардори ўзинг эдинг, Урмон! Сен кундузи раҳнамо, кечаси эса ўғри, қароқчи эдинг! Фақат, орадан йиллар ўтиб, у кўнларга муносабат чучуклашганини билганингдан, қолаверса, ўзингга ишонганингдан айтиб қўйдинг, ўйладингки, энди биров сенинг мушугингни пишт деёлмайди. Бироқ мен... Шунча пайт индамаган бўлсам, энди индайман, жим турмайман. Энди ўзингдан кўр, Урмон!

Маҳам амаки вужуди терга ботганини сезди. Ҳаяжондан титраб-қақшаб, ўрнидан турди. У илгари бунақа аҳволга сира тушмаган эди. Юрак санчиғини ҳам унутиб, уйи томон шаҳдам одимларкан, «Нозимбекни чақиртираман, дардларимни шу болага ёраман! — дея хаёлидан ўтказди. — Урмоннинг ўлимини кўтиб юргангидан нима наф? Ҳамма қатори у ҳам бир кун ўлар, гўрени ўзим қазирман, хўш, шу билан армонларим арийдими? Ахир, бу унга жазо эмас, мартаба-ку! Мен эса, тагин ўзим билан ўзим қолавераман... Йўқ, тиригидаёқ унинг шармандасини чиқаришим керак! Қилмишларини элга овоза қиламан — Нозимбекка айтаман!»

15

Хайрулла Латиф айтган вақтида келди. Бу сафар кўчадан чақириб ўтирмади, эшикни шартта очиб, ҳовли ўртасигача кириб келаверди. Шундан кейингина овоз берди:

— Маҳам ака!.. Ҳов, ким бор?

Ҳовлининг биқинидаги ошхона эшиги очилиб, Муҳаррам хола кўринди.

— Маҳам акамни яшириб қўймадингизми тагин, хола? — деди Хайрулла ер тепиниб.

Муҳаррам хола мулзам тортгандек бўлди-ю, билдирмади.

— Ие, Хайруллажон, келинг, болам! Уйга кираверинг, сизни пойлаб ўтирувдилар амакингиз.

Хайрулла Латиф уй саҳнидаги супага бир сакраб чиқаркан, шўх кулди.

— Овқатни тезлатинг, хола. Бугун Маҳам акам билан эрталабгача иякни иякка тираб ўтираман, ҳа!

— Бўпти-да! Узиям дамляпман, — дедию Муҳаррам хола тагин ошхонага кириб кетди.

Хайрулла Латиф остонада ботинкасини қоқиб, эшикни очди. Даҳлизда бамайлихотир ечинаркан, ўрта эшикни қиялатиб, ичкари мўралади.

— Салом бердик, Маҳам ака!

Сўнг шаҳдам юриб борди-да, қўл олишди. Маҳам амаки ўрнидан бир кўзғалиб, ётган кўйи қўлини узатди.

— Ие, ҳа, мазангиз йўқ?

— Шу, кечадан буён... Мунча кеч қолдинг? Қани, мундай ўт-чи! — Маҳам амаки нигоҳи билан Хайрулла Латифга жой кўрсатди.

Хайрулла Латиф сандалнинг бир томонига чўқди. Бошидаги телпагини олиб силкитди, кейин тагин кийди.

— Кеча сўкканингизга дарров телпагимни кийволдим, Маҳам ака.

— Сўкиб... нима? Бош — сеники!

Хайрулла Латиф хиринглаб кулди.

— Ҳалиям бир келувдим... — деди синовчан тикилиб.

Маҳам амаки бу гапни эшитмаганга олди, деразага ўгирилиб хотинини чақирди:

— Карим, чой опке! — Кейин Хайруллага қаради. —

Нима дединг?

— Ҳалиям бир келувдим, йўқ экансиз...

— Шунақами? Келдим, де... Мен қаерда эканман? Ҳа, чойхонага чиққанимда келгандирсан-да.

Хайрулла Латиф кўзларини айёрона қисиб, томоқ қирди.

— Мени галатепалик деб ўйладингиз-а, ростини айтинг!.. Ҳали холам ҳам шунақа дедилар, лекин мен ишонмадим, тўғри чойхонага бордим. Йўқсиз. Ҳеч ким сизни кўрмаган. Бугун умуман кўчага чиққанингиз йўқ, тўғрими? Биз ҳам жа-а овсар-лақмалардан эмасмиз, Маҳам ака...

Маҳам амакининг юзлари билинар-билиномас қизаринди. — Галатепанг нимаси, — деди норози оҳангда. — Гапла-рим — чин!

— Бир айтдим-қўйдим-да энди. Бекорга Масковнинг таълимини олмаганимиз, ернинг тагида илон қимирласа — биламиз! Майли, бўптурада шунақасиям... Бизнинг заказ нима бўлди — ўшандан гапиринг!

— Чой келсин, болам, мунча шошмасанг, — деди Маҳам амаки яна дераза томонга кўз ташлаб.

— Келгиси келса келаверади, Маҳам ака. Унгарча олам-жаҳон масалани гаплашиб оламиз. Хў-ўш... Айтгандай, хат қани?

Маҳам амаки яктагининг ички чўнтагини кавлаб, хатни олди.

— Мендан кейин ҳам ўқиб кўргандирсиз? Уша «ўғил» сизмикан, ишқилиб?

— Оббо... Тоза-а, мелисадан ҳам ошириб юбординг-ку, а! Эрак одамнинг гапи битта бўлади-да, ахир!

— Сураганимки... Нозик масала-да бу, Маҳам ака. Ҳовлиқиб, бу ёқда сизни очерк қилиб юборсам-у, эгаси қўшни райондан чиқса... Нақ бошим кетади-я! Бунақа ишни етти ўлчаб бир кесган маъқул. — Хайрулла Латиф қора чарм жилддан тепага очиладиган ялтироқ бир дафтарча олиб, варақлай бошлади. — Аммо-лекин, сарлавҳасини зўр топдим: «Менинг иккинчи онам!» Қалай?

— Мен нима қилишим керак ўзи? — деди Маҳам амаки энсаси қотгандек.

— Ана холос! Кечадан бери қўлоққа танбур чертапманми, Маҳам ака! Мен бу кимини элга машҳур қилмоқчиман-у... гапларини қаранг!

— Одам тушунадиган тилда гапирмаяпсан-да ўзинг ҳам.

— Нимаси тушунарсиз? Мана, қўлингизда хат, бунинг воқеасини айтиб берасиз — бир. Умуман, урушдаги таассуротларингиздан гапирасиз — икки. Орден-медаль олган бўлсангиз, уларни санайсиз — уч. Ва ҳоказо-да-е...

Маҳам амакини бирдан нохуш кайфият чулғади. Хайрулла Латифнинг орден тўғрисидаги гапи унга беихтиёр бир кўнгилсиз ҳодисани эслатди. Худди шу орден масаласида унга бир гал Урмон чўлоқ панд берган.

...Ғалабанинг қайсидир йиллигига атаб нишон чиқарилган экан. Байрам куни район ҳарбий комиссарлигидигилар уруш қатнашчиларини йиғиб, биттадан тарқатдилар. Негадир уч-тўртталарига етмай қолди. Улар орасида Маҳам амаки ҳам бор эди. Лекин у хафа бўлгани йўқ, индамай қишлоғига келаверди. Эртаси эса ҳарбийлардан бир вакил эшигини тақиллатиб келиб, уни алоҳида табриклар, нишонни кўкрагига тақиб кетди. «Узр, Маҳамбой Ортиқович, рўйхат ўқиган йигитнинг айби билан кеча... Биз сизнинг хизматларингизни яхши биламиз, қадрлаймиз!», деди. Маҳам амаки кеча хафа бўлмаган эса ҳам бугун астойдил севинди. Кўкрагига нишонни ярқиратиб, гузарга чиқиб борди. Кеча нишон олган улфатларим кўриб қўйсин, дедими... Хуллас, гапдан гап чиқиб, Урмон чўлоқ бир нарсага шаъма қилдию Маҳам амаки уйга келасолиб, уни ечиб, жавоннинг ғаладонига солиб қўйди.

Урмоннинг гапича, Маҳам амакига шу нишон ҳам тегмай қолиши турган гап экан. Йиғиндан кейин у шахсан ҳарбий комиссарнинг олдига бориб, «Уртоқ начайник, ноҳақлик бўлмасин-да!», дебди. Чинми, ёлғонми — Маҳам амаки билмайди, Урмоннинг гапи бу. «Қарасам, ҳаммага бер-япти-ю, рўйхатда Маҳамбойнинг оти йўқ. Елкасида юлдузи борини тўхтатиб, эй, бизнинг Ортиқов Маҳамжониям кўрвор-чи, дедим. Занғарнинг баҳонасини қаранг: рўйхатнинг охирида бўлгани учун кўзимиз тушмабди, эмиш... Мундан кейин кўзингизни каттароқ очинг, полковник, деб дўқ уриб қўйдим...»

Маҳам амакининг билгани — нишонни атай ўзлари опкелиб бериб кетгани.

Хайруллага шуларни айтадимми? Булар майда гаплар-ку! Маҳам амаки Хайрулла Латифга қараб ўтириб, бу баччагардан қандай қўтулсам экан, деб ўйлади. Хайрулла Латиф эса ҳамон хиралигини қўймас эди.

— Дарвоқе, Маҳам ака, партияга қачон ўтгансиз? — деди у бир пайт.

Маҳам амаки ўзининг хаёллари билан банд ҳолда:

— Уруш йиллари, — деб қўйди.

— Ух-ҳў, унда партиянинг стажингиз ҳам анча бўлқопди-да! Зўр! Мен сизга айтсам, республика газетасидаям бунақа зўр очерк чиқмади! Уруш йиллари партияга ўтишининг ўзи бўладими! Та-ри-хий воқеа! Бўтун бошли қўшинни тикка турғизиб қўйиб, ёш ўзбек ўғлонини ўртага чиқариб, жанговар қомандирнинг шахсан ўзи... Ё бу иш билан комиссар шуғулланадими? Политрук берса керак-да, а?! Қани, Маҳам ака, партбилетингизни кўрсатинг-чи, қанақа экан. Чеккасида қон-пон теккан жойи йўқми?.. «Чўғдек қип-

қизил партбилетини у кўкрақ чўнтагида севгилиснинг сувратидек асраб-авайлаб, то...» Берлингача боргансиз-а, Маҳам ака?

Маҳам амакининг юраги сиқилди.

— Ҳа, Берлингача борганмиз... Уша ерда тагин бир йил қопкетганмиз. Лекин белатим йўқ... — дедию шу заҳоти: «Бундан бошқа бир оғиз ҳам айтмайман!», деб кўйди ичида.

— Ия! Йўқолганми?

— Йўқ. Ололмай қолганман.

— Ана холос! — деди Хайрулла Латиф Маҳам амакига қийрихон қараб. — Узи, гапингизга кечаям унча ишонқирам-овдим. Қишлоғимизда кимлар коммунист — ҳаммасини билман, лекин сиз...

— Мен ҳам партияман! — деди Маҳам амаки Хайрулла Латифнинг гапини бўлиб. — Фақат, белатини олишга улгурмай қолганман, холос.

— Майли, ишонди, лекин уни ёзмай қўяқоламиз. Бизда ҳамма тенг — партияний ҳам, беспартияний ҳам!

Маҳам амаки бирдан тутакиб кетди.

— Ишонмадинг! Ишонмаганинг учун, ёзмайман, дегансан! Ёзасан! Қани, ёзмай-кўр-чи!.. — Энди унинг тескари қайсарлиги тутган эди. Заҳрини сочаверди. — Уруш сенга ўйинчоқ эмас, бола! Шу урушга бориб келган ҳамма — партия, билдинг!

Хайрулла Латиф Маҳам амакининг бунчалик жаҳли кўзиб кетишини кутмаган эди, индамай қолди.

— Биз доим катта жангдан олдин қоғоз ёзиб қолдирганмиз, қайтмасак, бизни аъзо санайверинглар, деб. Сен бўлсанг...

Хайрулла Латифнинг қиёфаси ажойибхонага илк дафъа келган ёш боланинг важоҳатига ўхшар эди. Аввал бирон сас чиқармади, Маҳам амакини, ҳазиллашаётгандир-да, деб ўйлади шекилли, кейин қараса — масала жиддий. Ниҳоят, гап нимада эканига тушундио қийқириб юборди.

— Э, яшанг-э, Маҳам ака! Аммо-лекин, маладес! Шу бугуннинг ўзида икки марта тузладингиз-да мени, яшанг! Узим ҳам ғирт галатепалик эканман лекин. Лаққа тушиб ўтирибман-а! Ҳи-ҳи-ҳи... Қойил, боладингиз! Буниси энди очеркдан ҳам ўтиб кетди, ҳикоя қиламан бунини! Топилдиқ! — Кейин кулгидан сал тўхтаб, деди: — Уша, қоғозга ишониб қолаверисиз-да, Маҳам ака?

Маҳам амаки энди астойдил ранжиди.

— Ёмон серқиткич бола экансан-да, — деди хуноб бўлиб. — Фақат ўша қоғоз эмас, ариза ҳам ёзганман! Лекин ҳозир мен бунини сенга йўлига айтудим, билсанг, урушда биров белат суриштириб ўтирмаган.

Шуни айтдио хотирасида олис бир манзара жонланди.

...Польшанинг қайсидир қишлоғига кирмасдан аввал Мухаммаддон ва яна уч аскар кечаси разведкага боршиди. Топшириқни ими-жимиди бажариб, тонга яқин битта асир ҳам олиб қайтишди. У — штабда ишлайдиган офицерлардан экан... Эртаси қизил аскарлар қишлоқни осонгина қўлга олдилар. Шунда қисм командири разведкага борган тўртала аскарни сафнинг олдига чиқарди-да, ҳар бирининг қўлини алоҳида-алоҳида сиқиб: «Яшанглар, азаматлар! Ҳақиқий коммунистчасига иш тутибсизлар!», деди...

Маҳам амаки бунисини Хайрулла Латифга айтгиси келмади.

Мухаррам хола кирди. Сандалга дастурхон ёзиб, чой кўйди, нон ушатди.

— Олиб ўтиринг, болам, — деди меҳрибонлик билан. — Нонниям суви қочибди. Бу совуқда қаерда сақлашни ҳам билмайсиз.

— Ҳечқиси йўқ, хола, — деди Хайрулла Латиф, бир тўғрамини олатуриб, — ҳамма жойда шунақа ҳозир.

Мухаррам хола эрига қаради.

— Ошни сузаверайми? Чой қуйиб ўтиринг, Каримжон, меҳмонга.

— Меҳмони борми, ўзим қуявераман. Ош келгунча, эрмак қили-иб... Биз ҳозир Маҳам акам билан зўр жойига келдик!.. Бугун қанақа кун?

— Пайшанба, — деди Мухаррам хола ва ошхонага чиқиб кетди.

— Ҳа-а... — Хайрулла Латиф тагин кулимсиради. — Оббо, Маҳам ака-ей, боладингиз! Уша қоғозингизда, «жангдан қайтмасам...» деб ёзгансиз, тўғримми? Сиз эса ҳар

сафар қайтавергансиз, демак, аризангиз ўз-ўзидан инobatга ўтмайди. Ҳи-ҳи-ҳи...

— Ёмон маҳмадана бола экансан лекин! Йигит киши мунақа бўлмайди, бир марта айтдим — бўлди-да, чўзаверасанми! Гапни гапир уққанга, дегани ҳақ ўзи! Сенга ўзбекчалаб айтиб ўтирибман-а.

Хайрулла Латиф паст келди. Суҳбатнинг маромини бузмаслик учун кецирим сўрай бошлади. Маҳам амаки ҳам энди сал юмшади ва насиҳат оҳангига ўтди.

— Менга қара, Хайруллажон болам, ўзингдан катта бир нарса деганда жим қулоқ солишни ҳам ўрган, дурустми? Мен сен билан яшинтопалоқ ўйнаётганим йўқ.

— Ҳўп, дедик-ку, Маҳам ака, кециринг энди бир сафар! Маҳам амаки унинг тавба-тазаррусига эътибор қилмай, гапида давом этди:

— Кўнглингдагини биров билмасаям ёмон экан. Билмагани-ку, майли, билгиси келмагани-чи! Бир-биримизнинг кўнглимиздагини уқмасак, инсонлигимиз қоладими, болам? Шундоқ кетаверсан, мана кўрасан, бир кун охир замон бўлади...

Хайрулла Латиф чидаб ўтиролмади.

— Ана, ўзингиз ҳар хил гапларни гапираверасиз, мен қандоқ жим бўлай?! Билсангиз, бу гапни бир вақтлар Маяковский айтган! «Инсонни тушуниш керак!» — қаранг, қандай содда ва лўнда! Сиз бўлсангиз, буюк шоирнинг буюк шiorини мистикалаштириб айтясиз. Буни эшитганимдан кейин жим ўтиролмайман-да, ахир!

— Ким айтган дединг?

— Маяковский! Асримизнинг буюк шоири!

Маҳам амаки хийла муддат жим қолди. Кейин юрагини ўртаётган ҳўрликни аранг босиб, юзини тескари бурди.

— Шоир-поирингни қўй, Хайрулла, — деди сўнгра ҳар бир сўзини салмоқлаб. — Сен Масков кўргансан, биз бир оми одам... Лекин у гапни мен кулоғимга қўрғошиндек қуйиб олганман! Уни доим отам айтиб юрар эди. Қолаверса, уни отам ҳам тўқиб чиқармаган, унга ҳам отаси айтиб кетган! Тушундингми? Тушунган бўлсанг, энди...

Тириқ-тириқ этиб эшик очилди: катта сопол товоқда дўмпайган ош кўтариб Мухаррам хола кирди. Кирдио нолишга тушди:

— Эртадан энди шу даҳлизда қиламан овқатни! Тутундан кўрсак... илма-тешик ошхонангизда одамни ушўқ уриб кетади бир кун!

Маҳам амаки хотинини жеркиди:

— Товоқни қўй мана бетга, кўп жаврамай! Меҳмоннинг қўлига сув опке!

— Овора бўлманг, хола, — деди Хайрулла Латиф шоша-пиша. — Қошиқда еяқоламан.

Мухаррам хола тоқчадан битта ялтироқ қошиқ олиб, сочиқнинг бир чеккасига арди-да, Хайрулланинг олдига қўйди.

Дустурхонга ош келиб, Маҳам амакининг гапи чала қолди. Хайрулла бир-икки бор савол назари билан қараган эди, Маҳам амаки ҳеч қандай сўзга ўрин қолдирмайдиган оҳангда, чўрт кесди:

— Аввал — таом, баъдаз калом! — Сўнг ёнидан пичоқ чиқариб, тўшакка чўккалади. — Гўштиниям ўзим тўғрайман-да энди, сен қошиқда еяпсан... Қани, совимасин.

Қишнинг куниди палов мойдек кетади лекин. Жим ўтириб, овқатланавердилар. Хайрулланинг иштаҳаси карнай эди. Чол-кампир ҳам ундан қолишмай олиб турдилар. Ҳаш-паш дегунча, товоқдаги ошдан бир чўқимгина қолди. Одоб юзасидан Хайрулла биринчи бўлиб ошдан қўл тортиди: қошиқни товоқнинг зихига суяб, сочиққа чўзилди. Маҳам амаки сочиқни ғижимлаб:

— Опқўй энди ўшани, — деди. — Ёмондан ёрти қолади, деган гап бор... Буниям ишқилиб биронта шоир айтмаганми?

— Раҳмат, бўлдим, — деди Хайрулла Латиф журъатсизгина, бироқ Маҳам амакининг охириги гапидаги илмоққа тушуниб, бошини силкиб қўйди.

— Вой, унақа қилманг, болам. Бир қозон овқат турибди, сузиб келаман ҳозир. — Мухаррам хола ўрнидан қўзғалди.

— Раҳмат, хола. Узларинг есаларинг, сузинг... Мен, мана, — дедию Хайрулла ортган ошни бир бурда нон билан қошиғига суриб-суриб еди. Социқни олиб, лабларини арди.

Муҳаррам хола чой қуйиб узатди. Бир пиёла чойдан кейин, Маҳам амаки оёғини сандалдан суғуриб, тагин чўккалаб олди-да, дастурхон устига хиёл энгашиб:

— Қорин тўйдими, Хайруллажон? — деди аллақандай тахдидли товушда.

Муҳаррам хола ажабсинди, бир эрига, бир меҳмонга қаради. Хайрулла Латиф ҳам Маҳам амакидан бунақа муомалани кутмаган эди. Нима деярини билмай, гарангсиб ўтираверди.

— Энди, Хайруллажон, ҳалиги гапим — гап! Мана, ошни ҳам едингиз, чойни ҳам ичдингиз, қорин тўйгандир, энди бизда ҳақингиз қолмади, дурустми! Туринг-да, жўнанг! Кеч бўлкетди. Е ўзим обориб қўйми?

Муҳаррам хола неча йилдан бери шу хонадонга бекалик қилаётган бўлса, ҳали бирон марта эрини бундай вазоҳатда кўрмаган эди. Анграйиб қолди.

— Бу нима деганингиз, Каримжон? — деди ниҳоят эрини инсофга чақирган бўлиб. — Одам деган меҳмонниям уйдан ҳайдайди? Сизларга бир нарса бўлдимми ўзи?

— Сен жим ўтир! Эркаларнинг ишига аралашма! Одам сиёғимни йўқотганим йўқ мен ҳам! Мана, олдига чой қўйдим, ош қўйдим... Энди, иззатининг борида жўнаб қолсин! Бўлмаса... — Маҳам амаки бирдан елкасини чангаллади. Ажаб, оғрик шундан кейин пайдо бўлдимми ё оғриқ тургани учун қўлини елкага олиб бордимми — ўзи ҳам билмай қолди. Сўнг, инкиллаш аралаш, шивирлади: — Бор болам, мендан ранжима! Мен сен айтган одамнинг эмасманман. Ма, хатниям олгину қайтиб менинг уйимга қадамингни босма! Бор...

Хайрулла Латиф кўза чил-чил синганини, энди уни тиклаб бўлмаглигини бирдан пайқайди: шартта ўрнидан турди. Даҳлизда пальтосини, телпагини кийди. Ботинкасининг ипларини тузатиб ҳам ўтирмай, оёғини суқди. Остонада бир муддат тўхтаб орқасига ўғирилди, ўзи каби лолу ҳайрон қотган Муҳаррам холага бир қур назар ташлади-да, Маҳам амакига:

— Аммо-лекин, Маҳам ака, сиз ҳам номард экансиз! — деди. Эшикларни бирин-кетин тарақлатиб ёпиб, чиқиб кетди...

Белоруссиядан келган хат сандалнинг устида қолаверди. Маҳам амакининг авзойи бежо эди. Муҳаррам хола кўрқа-писа ҳол сўради:

— Нима бўлди, Каримжон?

Маҳам амаки индамади.

— Яна тутяптими, Каримжон?

— Кетгани яхши бўлди, — деди Маҳам амаки хотинининг сўроғидаги асл маънони уққандек. — Буям Урмоннинг бир хили...

— Қўйинг, ўша номи ўчгурни тилга олманг.

— Йўқ! Тилга оламан! Нимага энди жим юришим керак?!

Бундан кейин унинг отини тилимдан қўймайман! Падарига лаънат ҳаммасининг!

Маҳам амакининг жазаваси тутди. Муҳаррам хола билдики, энди уни тўхтатиб бўлмайди.

16

— Келдингми, Нозимбек?

— Келдим.

— Холанг қани?

— Бизниқанда қолдилар. Тузукмисиз, амаки? Холам аямга: «Тоғангизнинг мазалари йўқ», дедилар...

— Бекорларнинг бештасини айтибди холанг! Шунчаки... Сен билан би-ир отамлашайми, деб чақиртирдим-да. Майлими?

— Ўзим ҳам эртага эрта билан чиқмоқчи бўлиб турувдим.

— Эртагаям чиқаверасан. Ҳозиргиси бошқа... Бир одамнинг қиссасини айтиб бермоқчиман, хап ўтириб эшитасанми?

— Эртакими?

— Эртақ десаям бўлаверади.

— Манзир опа тўғрисидами?

— Манзир опангни қўй... Манзирни энди сира айтмайман. Ҳеч кимга! Бошқа қисса.

— Хайрулла менга роса кўп эртақ айтиб берган. Ўзим ҳам ўқиганман!

— Ким дединг?

— Хайрулла. Қўшнимиз-чи? Битта синфда ўқиймиз. Аббос Шўрсувга кетмасидан олдин учаламиз ўртоқ эдик-ку!

— Ҳа-а... Майли. Мен сенга биров айтмаганидан, китобдан ўқимаганингдан айтиб бераман. Менинг қиссам янги, болам. Хайруллаларинг бунақасини етти ухлаб тушида кўрмаган. Бу қисса менинг мана бу еримда туғилган, айтсам, шу ерим билан айтаман!..

Нозимнинг боши кўкка етди. Маҳам амаки унга ҳеч ким айтмаган, китобларда ёзилмаган қисса айтиб беради! У шерикларига айтади, айтиб ҳавасларини келтиради. Қандай маза!

Маҳам амаки кўзларини қийғос юмган кўйи, аста-секин гап бошлади. Нозим, бутун вужуди қулоққа айланиб, унинг оғзига тикилганча, тек қотди...

Маҳам амакининг қиссаси умр тўғрисида эди.

Гапираверди, гапираверди... Осмондаги ой қолмади, заминдаги сой қолмади, қирқ биринчи йилги қаҳратон ҳам шу қиссасига кирди, тунов кунги совуқ ҳам шу қиссасига кирди. Бир одамни эслади — сўкиб-сўкиб хумордан чиқди, бир одамни эслади — йиғлаб-йиғлаб хумордан чиқди. Унинг бир бурчагига Қатронтоғни кўчириб келди, бир бурчагидан Нурсухариқни оқиздириб қўйди... Нурсухариқ шовиллаверди, Қатронтоғ акс садо қайтараверди. Узи эса, худ-бехуд бўлиб, телбавор қиёфада гапираверди...

Ахийри чидамади, ўтқир қиёғини қиндан суғуриб, яланғоч кўксига қадади. Нурсухариқнинг шовиллашию Қатронтоғнинг акс садоси оғушида тўлғаниб, болакайнинг кўзи ўнгида... юрагига санчди. Қобирғалари чисир-чисир этди, лекин бир томчи ҳам қон чиқмади. Пичоқни бир-икки буради, айлантириб-айлантириб буради ва ўша ердан бир нарсани узиб олиб, авайлаб қафтида тутиб тураверди. Бир ҳовучгина «наrsa» тўхтовсиз дириллар, гўё юлқиниб қўлдан чиқиб кетмоқчи бўлар эди. Маҳам амаки хотиржамлик билан «наrsa»нинг у ер-бу ерини силаб-сийпалаб, оҳиста дастурхонга қўйди. Лат еган, айниган жойларини пичоқ билан кесиб, сандалнинг ичига ташлади. Сал ўтмай кўрпа тагидан кабобнинг ҳидига ўхшаш бир ҳид сизиб чиқиб, аста-секин уй ичини тўлдирди. Нозим бу ҳиддан маст бўла бошлади... Дастурхон устидаги «наrsa» худдики бир тирик вужуд — хануз тўхтовсиз дириллар, турган ерида билинар-билинемас сакраётгандек туюлар эди... Кабобнинг ҳиди уйни буткул чулғаб олди. Нурсухариқнинг шовиллаши тинди, Қатронтоғ кўздан йўқолди, Нозимнинг боши айланаверди.

Бир вақт ҳушига келиб қараса... уйда ёлғиз ўзи ўтирибди. Маҳам амаки йўқ. Сандал, сандалга дастурхон ёзиглики, дастурхон устидаги «наrsa»... дириллаб, юлқиниб, сўзланиб-сўзланиб ётибди...

«Нарса» гапираверди, гапираверди. Осмондаги ой қолмади, заминдаги сой қолмади. Қирқ биринчи йилги қаҳратон ҳам шу қиссага кирди, тунов кунги совуқ ҳам шу қиссага кирди. Бир одамни айтди — сўкиб-сўкиб хумордан чиқди, бир одамни айтди — йиғлаб-йиғлаб хумордан чиқди. Сўнгра... дириллаб-дириллаб, юлқиниб-юлқиниб, сўзланиб-сўзланиб Нозимнинг қўйнига тушди...

«Нарса»нинг шилимшиқ, қайноқ сирти Нозимнинг бада-нига хуш ёқди ва у аста кўксини очиб, қалбининг тўрига жойлаб қўйди...

17

Ҳов Толкўча маҳаллада Ширвон хола деган аёл ўтган. Уни сенлар билмайсан, менинг онамдан ҳам қари эди. Узи қари-ю, боласи биздан анча ёш эди. Узоқ йиллар фарзанд кўрмаган, тилаб-тилаб топганининг оти Одилхон эди. Эрини, адашмасам, ўттизинчи йилнинг саратонда тўртта бегона йигит чавақлаб кетган. У ўша маҳаллар жамоанинг раиси эди. Хўб яхши одам эди-да! Ундан кейин мана шу Урмон раис бўлган...

Гапирман десам, гап кўп. Бунинг ҳам тарихи узун, болам. Мен сенга Одилхон қиссасини айтаман, у ёғини ўзинг кейинроқ билиб оларсан.

Шўйтиб дегин, бир куни кечаси тўртта бегона йигит Ширвон холанинг уйига бостириб кирадио уч ёшга тўлиб-тўлмаган гўдагининг кўз олдида эрини чавақлаб ташлайди... У ёшларида дахшатли воқеа содир бўлганини гўдак сезади, бурчакка қапишиб олиб, чинқириб йиғлайверади. Ширвон хола эса, уйнинг бошқа бурчагига биқиниб қалт-қалт титраб тураверади ва... ўша бўйи тилдан қолади.

Кейин-кейин гапириб кетган, лекин сўзларни бир умр ямлаб юрди. Қишлоқда уни «Ширвон чучук» ҳам дердилар. Қотилларни ҳеч ким тополмади. Ҳаммасининг юзига қоракуя суртилган экан...

Одилхон дадаси сўйилгандан бу ёғи уч кунгача тинмай йиғлаган. Кечалари ухламаган, йиғлайверган. Одамлар минг уриниб, уни юпантиришолмаган. Ширвон холанинг ҳаракатлари ҳам зое кетган. Бечоранинг тили йўқ эди-да.

Эвоҳ, болам, ўша пайтда икковининг қанчалик қийналгани билсайдинг!..

Ахйир, тўртинчи куни саҳарга бориб Одилхон йиғидан тўхтаган. Узидан ўзи, овунчсиз, юпатишсиз. Ажабки, шу билан то онаси тилга кирмагунча бирон марта кўзёш тўкмаган. Ҳар ҳолда унинг овоз чиқариб, кўзёш оқизиб йиғлаганини қишлоқда ҳеч бир киши кўрмаган, эшитмаган. Болалар уни кўп синаб кўришган. Дабдурустдан: «Бувинг ўлди, Одилхон!», дейишган, ё бўлмаса, пайт пойлаб туриб баданга игнатугма санчишган — бари бир: Одилхоннинг дийдаси қилт этмаган. Кўзи қизариб, ҳайрон бўлибми, жаҳли кўзибми — бақрайиб тураверарди. Жигига тегиш учун болалар уни атай «Одил йиғлоқи» деб чақиришар эди. Лекин, ўзи сал нимжонроқ ўсди. Қишлоқ боласига сира ўшамасди, ранг-рўйи қонсиз, суяги нозик эди.

Шу Одилхон ўн ёшларга бориб, қаёқдандир дутор чалишни ўрганиб олди. Кейин-кейин ашула ҳам айта бошлади. Раҳматли отасидан бир сандиқ китоб қолган эди. Одилхон кечалари ўша китобларни ўқир, ўзига ёққан ғазалларни танлаб оҳангга солар, тез кунда ашула қилиб айтар эди. Табиат берган эди унга! Овозининг ширасини айтмайсанми! Унинг юракларни зирқиратиб, одамнинг кўксини куйдиргучи нағмалари нафақат кексаларга, бизга ҳам ёқар эди. Бора-бора Одилхонга ўрганиб кетдик, уч кун унинг ашуласини эшитмасак, дутор чертишларини томоша қилмасак, гаранг бўлиб юрардик. Тўйлар, гаплар усиз ўтмай қолди. Узиям дуторни шунақа чертардики, кўз тегмасин, дерди кексалар. Унинг дарагини эшитиб, ишонсанг, Кўқондай жойдан бир уста эринмай қишлоғимизга келган. Одилхонни топиб, ашулаларини тинглаб тасаннолар айтган ва ярим йиллардан кейин атай шу болага деб бир дутор ясаб берган. У киши ҳам уста, ҳам ҳофиз экан. Одилхон билан кейин ҳам борди-келди қилиб турди.

Ҳозир Кичикжар деймиз-ку, биласан, ўт терадиган жойларинг — ўшанинг сал тепарағида Одилхонларнинг бир парча ери бўларди. Дадасидан қолган. Кўпчиликнинг ери бор эди ўша атрофда. Она-бола у ерга — ярмига шоли, ярмига буғдой экишарди...

Одилхоннинг куйлашини ўша ерда кўр эди! Бир Шоҳ Машрабдан, бир Нодирабегимдан оларди, теварак-атрофдагиларнинг қўлини боғлаб, кўзларини намлаб айтарди ўзиям!

«Ажаб бераҳм дилбарсан, ажаб шўхи ситамгарсан,
Чароғи ҳусни рўйингдин кўнгулни ҳам узиб бўлмас»,

деб куйларди Одилхон. Шолিপоялар, буғдой бошоқлари оҳиста чайқалиб, унинг овозини узоқ-узоқларга элтар эди.

«Юзингни офтобини кўруб ҳайрон бўлуб қолдим,
Фалакка қўл узатиб шамси анварни олиб бўлмас...»

Биз эса ашуланинг, оҳангнинг сеҳрига банди бўлиб, ўзимизни буткул унутардик. Турган еримизда туриб, ўтирган еримизда ўтириб қолаверардик.

Ун уч ёшида ғижжак чалишни ҳам ўрганди. Кейин яна бир мақомни ўрганди: қўлда ғижжак чаларди-да, дутор

ё танбур оҳангларини томоғида «чертиб», ғижжакка жўр бўларди. Эшитиб, ўлмаганлар ҳам ўларди лекин! Ғижжакда «Чўли Ироқ»ни чалса, беихтиёр ерга думалагимиз, думалаб хўнг-хўнг йиғлагимиз келарди. Кўзни юмсақ, осмон кўринарди, ўша осмонда қанот қоқмай учардик. Учмасдик — сузардик. Унинг ашулалари бири ғамгин, бири шўх бўларди. «Ҳили-ҳили ёрим»ни куйлаганида ё ўзимизнинг юрак ўйнатар термаларимиздан олганида беихтиёр отга миниб, ҳавода қамчин ўйнатиб, Қатронтоғ этакларига чиқиб кетгимиз, адирларни дукурлатиб, тоғ-тошдан ўт қақнатиб чопгимиз келарди. Шунақа, Нозимбек, ашула айтишда, дутор ё ғижжак чалишда Одилхоннинг олдига тушадигани йўқ эди у маҳаллар! Кексалар унинг овозини машҳур Ҳамроқул қорининг овозига тенглаштирардилар. Сенлар у ҳофизни билмайсан, болам, ўзи Бешариқ томонлардан, доврўғи бутун водийга тарқалган эди. Нақл қилишларича, Ҳамроқул қори ашула айтганида дарахтдаги қўшлар ҳам чуғур-чуғурини бас қиларкан, чойхоналарда — тўрқовоқларда сайраб турган беданалар жим қоларкан. Мен уни урушдан олдин бир марта кўрганман. Ушандай ҳофиз ҳам Одилхонга тан берган. Ҳа, болам, Одилхондақаси дунёга бир келади, холос!

Одилхон Ширвон холанинг сўянган тоғи эди. Уғлини еру қўкка ишонмасди бояқиш. Қаёққа борса, орқасидан қолмасди, нима ишга қўл урса, тепасида турарди. Одилхоннинг дадасидан кейин у қайтиб эр қилмаган эди.

Уруш бошланди. Кўп қатори фронтга кетдим. Эҳ, болам, урушда не кечди — барини кўрдик, уларни сенга айтиб ўтирмайман. Лекин бир нарсани атай: кўзимни юмиб очмасимдан ўлимга юзма-юз келдим, кейин яна неча бор жаҳаннам оғзидан қайтдим — ҳаммасига кўникдим-у, Одилхоннинг ашулаларисиз, куйларисиз ўтган кунларингга асло кўниколмадим.

...Қирқ учинчи йилнинг ёз ойларида Одилхон билан тағин кўришдик. Жуда қизиқ бўлди бу.

Уша пайтлари урушда омад биз тарафга ўтган, немислардан ҳар жиҳатдан қўлимиз баланд келиб турган эди. Аввал бериб қўйган ерларимизни қаричма-қарич қайтариб олавердик. Лекин қисмимиз тутдай тўклиб қолган эди. Урушнинг ўзи бўлмайди, ахир! Шундай пайтда бизга янги аскарлар юборилди. Кўпи ҳали умрида биронта жанг кўрмаган болалар экан, ораларида ёши биз қатори, биздан катталари ҳам бор. Уша кунёқ улар батальонларга, роталарга тақсимлаб ташланди. Уттизтачаси бизнинг батальонга тушди. Янгилар қўшилиб анча яйрашиб қолди.

Бир куни командир қўлимга бир талай қоғоз тутқазиб, иккинчи батальоннинг командирига элтиб беришимни буюрди. Иккинчи батальон кўшни қишлоқда турар эди. Бордим. Қоғозларни командирга бериб, кетишга рухсат олиб, штабдан қикдим. Чиқдимму... турган еримда қотиб қолдим. Қаёқдандир қулоғимга дутор садолари чалинди. Юрагим ҳаприқиб кетди. Зир югуриб, теваракка алангладим. Овоз четдаги уйнинг орқасидан келаётган эди. Уша ёққа чолдим. Туртиниб-суртиниб чопиб боряпман-у, қулоқларимга ишонмайман, яккаш: «Дуторми? Наҳотки? Ё тавба, ўзимизнинг дутор!..», дейман. Кўзимга қишлоғим кўриниб кетди. Қаршимда эски, қадрдон, таниш манзаралар ҳалқа-ҳалқа бўлиб айланаверди. Одилхонни, унинг юракни зирқиратувчи овозини соғиндим... Энди бу аҳволда батальонимга қайтиб кетолмас эдим. Нотаниш чолғучининг биқинида бирпас ўтирмасам, дуторнинг сеҳрли нолаларига бирпас чўммасам, соғинч ҳислари билан тўлиб-тошган кўнглим тинчланмас эди.

Эҳ, болам, ўшанда нафасим томоғимга тиқилиб ўлмаганимга ҳайронман! Рўпарамда ўн беш чоғли аскар бир давра қилган, давранинг ўртасида, дутор нағмаларига ўзи маст бўлиб, бошини чайқаганча... Одилхон ўтирар эди! Тушимми, ўнгимми дейман. Қайта-қайта қарайман, синчиклаб қарайман: чолғучи ҳақиқатан Одилхон эди! У давранинг ўртасида, ўзи чалаётган куй сеҳридан ўзи эри-иб ўтирарди! Дарвоқе, нахот оҳангнинг ўзидан чолғучисини танимадим, деб ҳайрон бўламан, дегин. Ахир, бу куйларни эшитавериб, мавжлариде сел бўлиб оқавериб...

Ниҳоят, куй тугади. Давра чапак чалиб, Одилхонга таҳсинлар ўқиди.

— Сау бўл, азамат! — деди Сарсенбой деган қозоқ йигити.

Мен билан орқама-кетин шу қисмга қўшилган бир тожик йигит бор эди. У кўйнидан дастрўмолини чиқариб, мижжаларини артди.

— Уйимга бир бориб келдим-а!

Ёши ўтинқираган, серсоқол бир рус аскар атай ўрнидан туриб бориб, Одилхоннинг елкасига қокди.

— Менинг балалайка бор, урушгача тинмай чалардим, — деди у. — Сеникиям нақ юрагимга борди. Яша, оғайни!

Мен эсам Одилхоннинг рўпарасида, ундан кўз узолмай, томоғимда ҳаяжоним бўғилиб, тилсиз-забонсиз тек қотган эдим.

— Одилхон... — дедим ниҳоят шивирлаб. Овозимни ўзим зўрга эшитдим.

Одилхон ялт этиб қаради.

— Одилхон, — дедим яна. Бу гал товушим сал дадилроқ чиқди. — Танимаяпсанми, иним?

Одилхон ўтирган еридан отилиб, менга ташланди.

Икковимиз бараварига йиғлаб юбордик, кўзёшларимизни тиёлмай қолдик...

Уруш ёмон, болам, уруш — ҳаёт билан ўлим ўртасидаги бир кўприк.

Биз икки йилдан бери кўприкнинг устида эдик. Бериги ёқда ҳамма нарса — отамиз, онамиз, болаларимиз, хотинимиз, туғилган қишлоғимиз, она юртимиз, элимиз-халқимиз, нариги ёқда эса — ҳеч нарса! Ташуна-япсанми, ҳеч нарса! Кўприкнинг устидаги ҳаёт эса — турган-битгани ваҳима... Мен кўрқоқ эмасман, болам, не кунларни кўравериб чўчимайдиган бўлиб кетган эдим. Фақат, урушнинг асл башарасини илк кўрганымдаёқ ундан юрак олдириб қўйган эканман, шунинг асорати анчагача сақланди. То «кўприк»даги ҳаётга кўникмагунимча ҳадик-хавотир, ваҳима, вос-вос мана бу еримда тураверди. Уруш охираганда худди шунақа ваҳимага тагин йўлиққанмиз, бу — бошқа гап...

Хуллас, дегин, ўшанда Одилхонни бағримга босиб турганимда шулар ҳаммаси лип-лип этиб кўз олдимдан ўтди. Тўлиб кетдим-да кейин.

Бир пайт қарасам, Одилхоннинг кўзларини мунг босди. Йиғидан ҳам ёмон мунг.

— Бувимни ёлғиз ташлаб келавердим, Маҳам ака... — деди у хўрсиниб.

Бирдан хушимни йиғдим. «Менинг-ку йиғиларим соғинчдан, Одилхоннинг кўнглини бузиб нима қиламан?», деб ўйладим.

— Қўй, сиқилма, ука, — дедим унинг руҳини кўтарган бўлиб. — Ҳали ҳаммаси ўтиб кетади.

Жангчилар ҳалидан бери бизга анграйиб қараб туришарди. Ёши ўтинқираган бояги серсоқол аскар келиб мендан:

— Киминг бўлади, ҳамюртингми? — деб сўради.

— Қанақа ҳамюрт? Укам бу, укам! — дедим бақиргудек бўлиб.

Жангчилар чувиллай кетишди. Ҳамма бир-бир мени қутлаб чиқди.

— Қандай бахтлисизлар-а! Ака-уканинг топишганини қаранг!

— Бир-бирларингга ўхшамасизлар лекин...

— Буям ярим йил бу ёқларда юрсин, ўхшаб кетади.

— Ининг жас кўринеди, Маҳамбет, — деди Сарсен.

— Ун сегизге кирдим дейди, бирақ али жас-қўй.

Шундагина эсимга келди. Ахир, Одилхон ҳали ёш-ку! Урушга қандай келиб қолди?

Одилхоннинг елкасидан тутиб ўзимга қаратдим: қаршимда буйчангина, лекин озгин, рангпар, нигоҳлари маънос биб бўз бола турарди...

Етаклашиб, штабга бордик. Командир икковимизга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, ишонқирамай:

— Чини билан туғишган укангми? — деди.

— Туғишган укам! Фақат, фамилияларимиз бошқа...

— Майли, кечгача рухсат. Қоронғи тушмасидан тагин шу ерга опкелиб қўясан, — деди буйруқ оҳангида. — У ёғини кейин ўйлашиб кўрамиз.

Қўлтиқлашиб, йўлга тушдик.

— Ун саккизга бордингми дарров? — деб сўрадим секин.

— Йўқ. Яқинда ўн олтига тўламан... Уларни алдаган эдим.

— Узинг ариза бериб келдингми?

Одилхон кулди.

— Бувимни ташлаб қандай ариза бераман, Маҳам ака! Қоғоз келди менга. Жамоанинг дафтаридеда ёшми ўн саккизга экан...

Миямга не хаёллар келмади ўшанда, болам. Қишлоқдаги бари эркак урушга кетиб, энди болалар ҳам олина бошланибди-да, деб ҳам ўйладим. Юрагимни ваҳм босди. Лекин индамадим. Нима дейишимни билмасдим.

Одилхон менинг саросар хаёлларимни қувиб юборди. Унинг ўрнига яна ваҳимали гапни айтди:

— Мен энди ўламан, Маҳам ака. Мен бу ёқда ўламан, бувим у ёқда...

— Қўй-э мунақа гапларни! — дедим унга далда бериб. — Урушга келган ҳамма ўлиб кетаверса... Сени манови дуторинг асрайди, мени айтди дейсан. Дарвоқе, дуторни қандай опкелдинг?

— Шундай — елкамга осдим у келавердим. Бунинг сопи калтароқ.

Одилхон бирдан чўнтак кавлашга тушди. Кафтдеккина букланган қоғоз чиқариб, менга узатди.

— Сизга...

— Менга?! Нима бунинг?!

— Йўлга чиқишимда, холам билан келинаям бизни келишган эди... Хат ёзиб беришди.

Ҳаяжондан қўлларим қалтираб, қоғозни очдим. Хатга ров-ров кўз югуртириб чиқдим. Тагин қайта ўқидим. Сўнг уни тўрт буклаб кўзларимга суртдим, ўпиб-ўпиб пешонамга суртдим. Ва бирдан кулгим кистади.

— Менга йўлиқишингни қаёқдан билишибди у авлиёлар? Ахир, дунёнинг нариги буржига тушиб қолсанг нима бўларди?

— Айтдим мен ҳам. Уруш жуда катта жойда бўляпти, Маҳам акамни кўраманми, йўқми, дедим, барибир беришди.

Тўхтаб, Одилхонни шартта кўтариб олдим.

— Етказганига шукр! Раҳмат, ука!.. Қишлоқдан гапир энди — омонликми, тинчликми?

— Бир нави-да. Кун ўтиб турибди... Тоғам, холамлардан хавотир олманг, ҳаммаси соғ-саломат. Уғлингизни ҳам кўрдим, дадамни опкелинг, деб қолди.

Уғлим!

Қайси кўзларинг билан кўрдинг, Одилхон, кел, ўша кўзларингдан бир ўпай! Қўлчаларини қайси кўлларинг билан сиқдинг, Одилхон, кел, ўша кўлларингни кўзимга сурай! Сен келтирган хушхабарлар менга қайта жон ато этди, Одилхон, кел, оёқларингни тавоф қилай!

.....

Кунлар шу тарзда ўтаверди. Бу орада тагин икки жойга кўчдик. Биринчи сафар қаттиқ жанг билан, иккинчи сафар шундоқ ташлаб кетилган қишлоққа кириб бордик. Одилхон билан гоҳ бирга бўлдик, гоҳ уч-тўрт кунгача ҳам кўришмай юрдик.

Бир куни у менга юрагини тирнаётган дарди-ҳасратини тўкиб қолди.

— Урмон жамоа мени хароб қилди, Маҳам ака! Ёмон куйдирди лекин. Мен-ку келаверардим, лекин бувим... Ёшимни ҳам ўша катта қип ёздимикан дейман. Узи раис, ҳамма нарса қўлида...

— Билмайман, Одилхон, — дедим. Ҳақиқатан ўша тобда нима дейишимни билмасдим.

— Урмон ака жуда ёмон бўпкетган ҳозир, Маҳам ака, — деди Одилхон яна хомушлик билан. — Нега бундай зolim-а? Теварақдаги бошқа жамоалар бунақа эмас-ку?! Шу, мени жуда ёмон кўради, биламан. Бўлмаса...

— Аслида, у мени бўлакча куйдирди. Ёшимни катта қип ёзгани унисининг олдида ип эшолмайди!

Шундан кейин Одилхон бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир менга айтиб берди.

18

Баҳорги бугдой етилай деб қолган палла эди. Шолিপоялардан кечасию кундузи милтиллашиб сув оқиздирилиб

қўйилган. Аҳён-аҳёнда карталарнинг у ер-бу ери ўпирилиб, сув тошади. Таги сидирғасига шағал эмасми, сув ўзига бир йўл топиб олса — тамом, ўша ёққа уриб кетаверади. Кўпинча, каламушларнинг ини сув тортади. Тунов кунни Одилхонларнинг шолিপоясида ҳам шундай бўлибди. Устига-устак, иннинг нариги боши сал пастроқда — буғдой пайкалининг ўртасида экан. Пайкал қўшникини эди. Одилхон кечки пайт ишдан (оиланинг тирикчилигини тебратиб туриш умидида у ўтган йили Шўрсувдаги нефть конига ишга кириб олган эди) қайтаётиб, шолипоянинг сувидан хабар олгани тикка жарга келди. Келса — ҳалиги аҳвол, дарров чим босиб, ўпқоннинг йўлини бир нави тўсди. Тиззасигача сув кечиби, ўша жойни роса тепкилади.

Бугун иши иккинчи сменада. Бувиси касал эди. Чой-пой қилиб тепасида пича ўтирмоқчи бўлди, Ширвон хола унинг кўнглини тинчитди.

— Мени ўйлама, болам, ишинга кетавер...
 — Ишга ўн иккидан кейин бораман, буви. Иккинчи сменамиз, — деди Одилхон куйиниб.
 — Бўлмаса, вақтинг бор экан, буғдойдан хабар ол. Сув уриб кетмасин тагин.

Одилхон ноилож отланиб, Кичикжарга йўл олди. Келиб шолипояларни, буғдой далаларини айланиб кўрди. Ҳартугул тинчлик экан. Эҳтиёт шарт, тагин тўрт-бешта чимни паллам-паллам қилиб кўчирди-да, тунов кунги ўпқоннинг озига келтириб босди. Кетмоннинг орқаси, кейин сопи билан ниқтаб-ниқтаб қўйди. Кўнгли хотиржам тортиб, қўшнилари пайкалларини ҳам айлана бошлади. Буғдой бошоқлари тилла рангга кирган, ҳадемай ўриб олишга тайёр эди. Одилхоннинг кўнгли яйради. Бирор соат шу тахлит айланиб, пайкалларнинг четига чиқди. Марзага ёнбошлаб, осмонга тикилди: осмон беғубор эди, беғубор осмон бағрида гала-гала чумчуқ гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа учиб юрарди. Одилхон бир зумга дунёнинг ташишларини унутди, икки йилдан бери давом этаётган, элнинг бошига не-не фалокатлар ёғдирган уруш ҳам, уйда касал ётган бувисию Шўрсувдаги иши ҳам олис-олисларга чекингандек бўлди. Бундай пайтлар Одилхонга дунё торлик қилиб қолар, куйламаса туролмас эди. У осмондан ҳам йироқларга кўз тикиб, томоғини дутор қилиб, суюмли куйларидан бирини «черта» бошлади. Аста-секин жўр бўлди. Куйга ашулани улади, ашулага куйни улади, юраклари тўлиб айтаверди, айтаверди.

«Жон бағишларда лабинг юзинга жон айлай фидо,
 Қатлим айлар чоғда қилгон изтиробинга ўлай...»

Улкан олам қаршида ёлғиз ўзи қолган эди, овозини бор бўйича қўйиб юборди.

«Толпиниб ўлгон каби сайёдини домиди қўш,
 Қўйки, бир дам чирмашиб банди ниқобинга ўлай...»

Эҳ, кўнгли бир яйради-ей! Одилхон ўзининг қўшиғини куйлади, далалар ўзининг қўшиғини куйлади — беғубор осмонда учиб юрган қўшлар муаллақ қотди...

Шоли, буғдой пайкаллари кўз илғамас қадар бепоён. Шу бепоён пайкалларга ҳадемай шир-шир ўроқ тушади. Буғдойлар хирмонларга уюлади, бир чеккадан ёйиб-ёйиб янчилади. Янчилган буғдой тагин хирмонларга уюлади, устига эски-туски шолчам, қопларми ёпилади-да, ҳилпинди шабада истаб умидвор кўзлар Бўёб тарафларга қадалади. Аёллар билан болалар куйлашади...

Шамол, шамол, келақол,
 Буғдойимни ўрақол.
 Хирмонни чўнг — келиб кўр,
 Шопир-шопир — елиб кўр.
 Буғдойи менга бўлади.
 Сомони сенга бўлади...

Шабада эса бошлайди. Хирмонлар устидан шолчалар, қоплар олиб ташланади. Буғдойлар шопирилади, кейин қопларга жойланади, тегирмонларга ташилади. Тегирмон-тош зихидан оппоқ ун оқаверади, оқаверади. Боши, қоши, соқол-мўйлови буткул оққа беланган қирғиз амаки —

Бобоқул тегирмончи оппоқ тишларини кўрсатиб, жилмаяди...

Оқиб-оқиб кел-а, буғдойим,
 Менга боқиб кел-а, буғдойим.
 Уйгинамининг тўри сенга,
 Юрагимнинг кўри сенга —
 Сени мендан, мени сендан
 Айирмасин-а, илойим...

Хонадонларга қут-барақа ёғилади. Кексалар ҳам, болалар ҳам бирдай шод — ҳамма унни кўзига суртади, гўё оламда сира уруш бўлмаётгандек, не бир юртларда одамлар қирилиб кетмаётгандек. Ҳовлиларда болаларнинг сурони янграйди. Тандирлардан оловларнинг ёлқинлари сачрайди... Қўшниларга бирин-кетин оқлик — қулчалар чиқарилади.

«Олинг, қўшникон, ўзимизнинг жайдари буғдойдан!»
 «Раҳмат, қўшникон! Буниси — сизларга, ўзимизнинг буғдойдан!»

Уйгинамининг тўри сенга,
 Юрагимнинг кўри сенга —
 Сени мендан, мени сендан
 Айирмасин-а, илойим...

...Одилхон ҳамон ўзининг қўшиғини куйлаётган эди, пайкаллари ўзларининг қўшиқларини куйлаётган эдилар, иккаласи ҳам бараварига тинчиб қолди. Пайкаллари узра:
 — Одил ака! Одил ака-а! — деган товуш таралди.

Одилхон бошини кўтарди. Жаркўчанинг четидаги марза устида бир бола кўринди. Одилхоннинг дилида хавотир уйғонди, дабдурустан: «Бувим юбордимикан!», деган ўй ўтди. Эти учиб, тиззалари қалтираб, ўша ёққа қараб чопди. Хайрият, тинчлик экан. Фақат... болакай унга бир қоғоз тутқазди.

— Нима бу? — деди Одилхон ҳовлиқиб.

— Билмайман. Урмон тоға бериб юборди.

Одилхон кўнгли бир нимани сезиб, қўллари ҳаяжондан титраб-қалтираб, қоғозни очди...

— Менгами? Адашмадингми?

— Сизга. Урмон тоға тагин тайинладик, ҳозироқ етиб бораркансиз.

Одилхоннинг кўз олдига беихтиёр касал ётган бувиси келди.

— Уйга ўтмадингми мени излаб?

— Йўқ, тўғри шу ерга келдим.

— Майли, ҳозир бораман. Лекин мен қоғоз олганимни бировга айтма, хўп?

— Хўп!

Болакай тупроқни чангитиб, қишлоққа чопи кетди. Одилхон жаркўчанинг қоқ ўртасида, титроқ қўлларида чақирув қоғозини ёғимлаганча, аллапайт серрайиб туриб қолди. Кейин, кўнглида бир илинж — кимдир-биров адашган-ов деган ўй билан, пайкал бошидаги кетмонини ҳам олмасдан, болакайнинг кетидан йўлга тушди...

Бироқ, ҳеч ким янглишмаган экан.

Қайтага, Урмон жамоадан эшитганини ҳам эшитди. «Ҳали ёшим етмаган-ку, Урмон ака?...», деган эди, балога қолди.

— Уят, Одил, уят! Соқол-мўйловинг қорайиб қолибди-ю, ёшман, дейсан-а! Еш бўлиб... нечига кирдинг, биласанми ўзинг? Оғзингдан чиққан гапни қара-ю! — Урмон жамоа устига қизил мато ёпилган жавоннинг ғаладонини тортиб, ундан бир қоғоз олди. — Мана бу нима? Савонинг бор-ку, ўқи-чи! Ё, ҳукуматнинг қоғозига ишонмайсанми?! — Урмон жамоа овозини яна-да баландлатди. — Ёшим етмаган, деб урушдан яшириниб қолмоқчимисан ё? Гапир! Сени деб, бизни деб у ёқда аскарларимиз жон олиб, жон бериб ётса-ю, сен бу ерда, ҳали гўдакман-ку, деб кўзингнинг сийдигини оқиздириб ўтирсанг! Газит ўқийсанми, радиол эшитасанми ўзи? Ҳозир эна сути оғзидан кетмаганлар ҳам урушга боряпти, ҳеч ким уларни бўйнидан судрагани йўқ, ўзлари боряпти, қахрамонлик кўрсатяпти! Сен бўлсанг... Ҳайф-эй!

Одилхон, бошига гурзи егандек, мияси палағдаланиб, тек тураверди. Гап тополмай қолди. Гап топгани билан энди Урмон жамоага бас келиб бўлмасди. Икки йилдан бери

кўриб юрибди: жамоа идорасига не-не одам дод деб келиб, бўйинини эгиб кетган. Уруш бошлангандан бери Урмон жамоа ўзгарди-қолди — гап кўтармайди, серзарда, одам билан очилиб-ёзилиб гаплашмайди, эртаю кеч идорасидан чиқмайди. Уйида ҳам кам ётади...

Одилхоннинг кўнгли вайрон бўлди, нажот истаб, тагин Урмон жамоага термилди. Урмон жамоа Одилхоннинг мўлтираган нигоҳидан кўзини олиб қочди.

— Бувим касал эди... — деди Одилхон.

— Нима дединг? Яна бир қайтар! Мен касалмасманми? Менинг бувим касалмасми? Билсанг, ўн кундан бери ухлаганим йўқ! Туз тотмаганимга икки кун бўлди. Маҳримга тушганми бу идора, а? Ҳамма менга йиғлаб келади, мен кимга йиғлайин? Йўқ, йиғламайман! Йиғламай, жим юрибман-ку! Ҳукумат менга ишониб шу ерми бериб қўйибди, бундай долғали замонда ўзимни олиб қочайинми?! Урушни мен очганим йўқ, бола, борсанг, бурчингни ўтагани борасан, билдинг! Ҳарбий бурчингни! — Урмон жамоа пешонасига тепчиган терни бармоқлари билан сидириб ташлади. Энди сал ҳовридан тушиб, авраш оҳангига таҳдидга ўтди. — Менга қара, Одил, мен сени укам деганман. Қишлоқда ҳамма сени яхши кўради, энди бирдан ёмонотлиқ бўпқолмагин тагин! Минғир-минғирни йиғиштир-да, йўл тадоринггни кўравер! Бўлмаса, ди-зиртир деб паттангни қўлингга бераману мелисага топшир-вораман!

Урмон жамоа билан тортишиб обрў топмаслигини Одилхон энди яққол сезди. Сезиб, тақдирга тан берди. — Қачон кетамиз? — деди лаблари қалтираб.

— Ана бу бошқа гап! Йигит киши деган сал мундай кўзёшини тияди... Эртага эрталаб шу ерга келасан! Йўлга емак, иссиқроқ кийим ол, билиб бўлмайди у ёқларни... Бориб, Ширвон холага яхшилаб тушунтир, дод солиб келмасин бошимга. Мен сени яхшироқ жойига ёздим, қийналмайсан; тезда қайтаман экан, де бувингга... Кун чиққанда сени тагин шу ерда кўрай! Аммо-лекин, кўзингни оч, бола!

Урмон жамоанинг кейинги таҳдиди Одилхоннинг эт-тидан ўтиб кетди: «Мени ким деб ўйлапти, наҳот, ҳозир бирон ёққа қойиб кетсам? Бувимни ташлаб-а?»

Одилхон уйга ета-етгунча эзилиб, юрагини гижимлаб-гижимлаб келди. У шу тобда урушга боришдан қанчалик қўрқаётган бўлса, қочшдан ҳам шунчалик, балки ундан ортиқроқ қўрқар эди.

Ҳовлилари бир зумда ола-тасир бўлиб кетди. Ширвон хола тупроққа беланиб, сочларини юлиб, юзларини тимдалаб, етти маҳаллага етгудек ваҳимали овозда дод сола бошлади, касалини ҳам унутди. Одилхоннинг дадаси чавақланганидан буён бунақа фарёд чекмаган эди у! Бирпасда кўни-қўшни йиғилди.

Шаҳид кетган отадан мерос — болохонали шу кичик хонадон ўша кунни барча дардларга, дардкашларга, аламларга, аламиларга бир сағана жой бўлди.

Хотинлар Ширвон холанинг ҳолига ачиниб, ўзларининг ҳасратларини қўшиб кўзёш тўқдилар. Кексалар Одилхонни ўртага олиб, кўнглини кўтарган бўлдилар.

— Пешонангда бор экан, ўғлим. Йигит кишининг синови кўп ҳаётда. Биттаси шу-да! Қўлимиздан нима келарди... Ой бориб омон кел! Онангдан кўнглинг тинч бўлсин, ўзимиз қараймиз, ташлаб қўймаймиз. Бу кунлар ҳам ўтар-кетар. Қайтар дунё бу — Урмонга ҳам аталгани бордир, — дедилар.

Шу кунни ҳеч ким ухламади. Урушда фарзанди ё эри, акиси ё укаси борлар бир-бирларига гал бермай Одилхондан салом йўллашар, салоомларини албатта етказишини қайта-қайта илтимос қилишар эди.

Айримлар ўтириб, эринмай хат ҳам битиб берди...

Ширвон хола ўша кечаси, худди бундан ўн уч йил илгари бўлганидек, бирдан тилдан қолди. Бир сўз деёлмай йиғлади, йиғлайверди. Эрталаб, Одилхон жўнар маҳали унинг кўзидан ёш келмай қолган эди. Уғлигинининг, ёлғизгинасининг бўйнига унсиз осилиб олиб, пешонасидан, юз-кўзларидан ўпаверди.

— Бечорага қийин бўлди, — дерди аёллар.

— Дийдаси қотди, — дерди чоллар.

Ширвон хола энди йиғламас, гапирмас ҳам, фақат,

панжалари чангак бўлиб қотганча, Одилхонга ёпишиб олган эди...

Гузарга шу кўйи — она-бола бир-бирларига суяниб, миқ этмасдан келдилар. Одилхоннинг орқасидан ярим қишлоқ кўчиб чиққан эди. Буни кўриб, у ҳарчанд ўзини тиймасин, ичидан бир нима босиб келаверди. Йиғи эмас, ваҳм эмас, севинч эмас, билмайди — нима! Узига ҳамдардона боққан кўзларни кўриб... ғалати бир ҳолат оғушида қолди. Энди у уруш тугул ундан нарига боравермайдими!

Ширвон хола ҳануз жим эди: на товуш чиқариб йиғлайди, на бир сўз айтади.

Тушгача гузарда қолиб кетдилар. Ҳали ҳамма йиғилмаган эмиш. Лекин, жамоа идорасининг олдидаги майдонча, ҳовуз атрофлари шундоқ ҳам одамга тирбанд. Ўйин-кулги, йиғи-сиғи бугун бир ерга йиғилган, бу кун ҳеч бирови одамга оғир ботмайди. Бугуннинг ўйин-кулгиси йиғи билан, йиғи-сиғиси ўйин билан баробар!

Кимдир дутор келтириб, Одилхоннинг қўлига тутқазди. Дуторини, ўзининг суюмли дуторини!

Одилхон, юраги тўлқинланиб, ҳовуз четидаги кесилган толнинг тўнкасига бориб ўтирди; ёнида бувиси, бувижони... чангак қўллари ҳамон унинг бўйнида. Одилхон дуторни бир-икки тингиллатиб, торларини созлади. Сўнг оҳиста-оҳиста черта бошлади...

**Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!
Гар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!**

Одилхон урушга — муқаддас урушга бораётибди, яхши қол, Она! Одилхон урушга — Ватан ҳимоясига бораётибди, яхши қол, қишлоқ! Одилхон урушга шер йигит бўлиб бораётибди, яхши қол, Қатронтоғ! Одилхон урушга — ўлимга тик бораётибди, яхши қол, Нурсухариқ! Одилхон урушга — ўзи билмайди не га бораётибди, яхши қол, эл-юрт! Яхши қолинг, одамлар!

**Қисми азалға шодмен, бўки фалак риюяти
Ҳолима ошкора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай!**

Гузарда оҳ урмаган кимса қолмади. Одилхоннинг овози Нурсухариқнинг шовиллашини ҳам босиб кетган эди...

Бирдан оломон ғала-ғовур бўлиб кетди. Идорадан Урмон жамоа билан бир ҳарбий киши чиқиб, йигитларни, номларини айтиб чақира бошладилар. Саф тизилди. Атрофдаги қишлоқлардан бўлиб, бор-йўғи ўн беш йигит фронтга борар экан.

Йигитларни ичкари олиб кирдилар. Тепаларида нима-ларнидир айтиб туриб ёздирдилар, саводи йўқларга ўзлари ёзиб бердилар. Аллақандай қоғозларга имзо чектирдилар, ниҳоят, йигитларнинг юкларини кўздан кечтирдилар. Хайрлашиб олиглар, деб ярим соатга рухсат бердилар...

Одилхон индамай бувисининг кўксига бошини қўйди. Қўйдию кўз ўнгида беихтиёр бундан ўн уч йил илгариги мудҳиш манзара жонланди. Чавақланган ота... уй тўла қон... сочини юлган она... бир бурчакка биқиниб, чинқириб турган бола... Шу бола — ўзи эди! Ўн уч йил илгариги бу мудҳиш манзарани у ҳақиқатан ўзи кўриб эслаб қолганми ё бувисининг қайта-қайта ҳикоялари оқибатида хотирига муҳрланиб қолганми — Одилхон билмайди, лекин шу тобда у ўша манзарани яна бир марта аён кўрди. Юраги маҳобат олиб, кўзларини юмди. Юмдию беҳаловат манзара таъқибидан халос бўлиб, ҳаловатли хаёллар оғушига чўмди.

Ширвон хола шунда ҳам миқ этмас эди. Кўз соққалари бир жойда қотган, нигоҳлари сўниқ... Одамлар уни Одилхондан ажратаётганларида, шилқ этиб уларнинг қўлига йиқилди. Одилхоннинг сўнги бор кўргани шу бўлди — одамлар унинг бувисини, бувижонини авайлаб кўтарганча, уйга томон йўл олдилар. Одилхон чидаялмади, «Бувижон!» дея ўкириб юборди.

Одамлар тўхтадилар. Ширвон холанинг юзини Одилхон тарафга ўгирдилар: унинг кўзлари юмиқ эди...

Жамоа идораси илгари чойхона бўлган эмасми, ичкарида талай ҳужралари бор эди. Йигитларни ўша ерга киритдилар. Ана кетамиз-мана кетамиз билан қоронғи ҳам туша бошлади, лекин бир кимса уларни йўлга бошламади. Йигитлар жинчиноқ ёқиб, чеккадаги бир ҳужрага ғуж бўлиб кириб олдилар. Ҳамон дим-дим. Одилхоннинг кўнглига

ташвиш оралади. Энди унинг бу ерлардан тезроқ кетгиси, тезроқ уруш бўлаётган ерларга етгиси келмоқда эди.

Ташфонус кўтариб ҳужрага кимдир кирди. Соқчи экан. Одилхон ўрнидан туриб кетди.

— Биз қачон кетамиз, ака? — дея сўради ҳовлиқиб.

— Эртага, — деди соқчи хотиржам. — Бугун машина келмай қолди, эрта билан жўнайсизлар.

Одилхоннинг миясига ялт этиб бир фикр келди.

— Эрталаб кетадиган бўлсак... унда уйимга бориб ётаверай-да, ака, — деди юраги ҳаприқиб. — Бу ерда нима қиламан?

Одилхоннинг шериклари ҳам шу атрофдаги қишлоқлардан эди, бирдан чуғурлай кетишди.

— Бизники Туулда, бир қадам...

— Билганимизда, биратўла эртага келардик...

— Менинг уйим ҳам яқин: Нурсухариқни сакраб ўтсам — Қайқубод... Жавоб берақолинг...

Соқчи овозини баландлатди.

— Рухсат йўқ!

Одилхон энди ёш боладек ялина бошлади:

— Жон ака, бувимнинг аҳволини ўзингиз кўрдингиз...

Бораверай! Ё қочиб кетади деб ўйлаясизми?

— Уйламаганим билан сенга нима, ука? Рухсат йўқ, дедимми, гап — тамом!

Одилхоннинг энди алами кўзиди.

— Бу ерда ўтирганим билан ёғи чиқармиди...

— Билмайман, укам, ана, хўжайиндан сўра. Мен рухсат беролмайман!

— Урмон академми? У киши ҳозир уйларида ўтиргандир?

— Шу ерда... Ёзув-чизувини қиляпти.

Одилхон Урмон жамоанинг кечаги важоҳатини кўз олдига келтирди-да, тагин соқчининг ўзига ялинди.

— Ака, жон ака, сиз сўраб беринг! Менга йўқ дейдилар-да, сиз айтинг. Барибир бу ердаям ухламай чиқаман...

Соқчи индамай чиқиб кетди. Бирпас ўтиб, қайтиб келди.

— Рухсат йўқ, — деди совуққонлик билан. — Бир қадам ҳам жилмасин, деди.

— Бувимни айтмадингизми, ака?

— Айтдим. Бир марта хайрлашди, етади, бувиси касал бўлса, бориб, қайтага унинг кўнглини бузади, деяпти. Бу ердан чиқиш мумкин эмас экан. Сизлар энди аскарсизлар, ука, ҳарбий зақун!

Одилхон йиғлаб юборай деди. Сўнги марта илтижо қилди:

— Бўлмаса, бир бориб келай, ака! Ҳеч йўқ, бувим менинг шу ердалигимни билсин!..

— Бўлди, хотинларга ўхшаб, ғинғиллайверма!

Шундай дея, ташфонусини ликиллатганча, ҳужрадан чиқди соқчи. Одилхон бўзлаб-бўзлаб қолаверди.

Аллапайтгача сассиз-садосиз ўтирдилар. Жинчиноқ лип-лип этиб, охири ўчди. Биров уни ёқмади. Ғашқарига қараган кичкинагина деразадан ҳужрага хира ойдин тушди. Кўзлар ўрганиб, одам одамни кўрадиган бўлиб қолди.

Кимдир пайпасланиб келиб, Одилхоннинг биқинига чўкди.

— Шу қишлоқданмисиз, ука? — деди меҳрибонлик билан унинг елкасига қўл ташлаб.

Одилхон унсиз бош қимирлатди.

— Манов йигит ёмон экан, — деди у киши яна ўшандай меҳрибонлик билан, ҳужранинг эшигига ишора қиларкан. — Бизники Кўрғончада... Сизга жавоб бермади-ю, бизга йўл бўлсин!

— Уям одам-ку ахир! — деди Одилхон куйиниб.

— Одам бўлсаям... ёмон экан.

— Бунинг ўзида гап йўқ, — дея орқадан кимдир гапга аралашди. — Соқчийам жамоанинг буюрганини қилади-да.

— Жамоа ҳам ёмон экан, — деди «меҳрибон» яна. — У ҳам шу ерлик, а?

— Ҳа, ўзимизнинг қишлоқдан... — Шуни айтиб, Одилхон ёш боладек ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборди.

— Қўйинг, ука, йиғламанг.

— Йиғламанг, — дейишди бошқалар ҳам.

Овозидан, гапларидан «меҳрибон» киши ҳужрадагиларнинг ичиде ёши улуги эди. Унинг далдаларидан Одилхон пича таскин топгандек бўлди. Сўнг аста ўрнидан туриб, дераза яқинига борди. Чанг, кир босган ойнадан узоқ-узоқларга — қоронғилик қаърига тикилиб, хийла муддат

ўша ерда туриб қолди. Кейин қайтиб жойига ўтирди.

— Болохонамиз кўриниб турибди... Одам борми, чироқ ёниқ.

«Меҳрибон» киши ҳам туриб, деразага яқин борди. Қўйнидан нимадир чиқариб, ойнани обдан артди. Сўнг кафтини кўзига соябон қилиб, туйнукка тиралганча, узоқ-узоқларга — қоронғилик қаърига тикилди.

— Ҳов анави милтиллаётган жойми? — деб сўради худди ўзининг уйини кўраётгандек шод овозда. — Кўринаркан...

Шундан кейин ҳужрадаги қолган ўн уч йигит ҳам галмагал туйнукнинг олдига борди, қўлини кўзига соябон қилиб, ойнага тиралганча, узоқ-узоқларга — қоронғилик қаърига тикилди.

— Ҳов ана, кўряспизларми! Сал ўнгроққа қаранглр... Ҳа-ҳа, ўша! — деб турди «меҳрибон» киши.

Ҳаммадан сўнг тагин Одилхон борди, шу бўйи то саҳаргача туйнук олдидан жилмади. Тонг бўзариб оқаргунча ўзи минг бора бўзарди. Бир пайтга бориб болохонадаги чироқ ҳам ўчди, лекин у уйдан кўз узмай ўтираверди...

19

— Уша кеча уйимдан, касал бувимдан бир қадамгина нарида ўтириб чиқдим, Маҳам ака, — деди Одилхон чуқур уҳ тортиб. — Бордиртиради ҳароми!

Унга қандай таскин-тасалли бериш мумкин? Қўшилишиб Урмонни сўккан билан дарди енгиллашармиди?

— Хафа бўлма энди, — дедим ичимдан қайнаб келатган ғазабни босиб. — Урмон тўғри айтибди, борганингда, тагин ҳаммаси бошқатдан бошланарди... Ширвон холанинг ҳам кўнглини алағда қилардинг.

— Йўқ, Маҳам ака, осмон узилиб тушсаям боришим керак эди! Уша туйнукчанинг ойнасини синдириб бўлса ҳам боришим керак эди! Бошқасини билмайман!

Одилхон рост айтади. Уша тобда унинг кўнглидан кечган ўй-хаёллар чин эди, менинг кўнглимдагиларга яқин эди. Лекин мен унга нима ҳам дердим?! Уни овутирадиган сўз борми ўзи?! Мен ҳам биламан — у уйга бориши керак эди.

Бориб, бувисининг кўксига яна бир марта бош қўйиши, «Қараб туринг, бувижон, бир куни худди бугунгидек туйқус олдингизга қайтиб келаман. Кўксингизга мана шундай бош қўяман, сиз бугунгидан ҳам севиниб кетасиз!», дейиши керак эди. Мен нуқул шуни ўйлайман, болам, урушдан тирик қайтмасини билганида ҳам Одилхон ўшанда уйига бориши керак эди, дейман. Ахир, яна бир кечагина бувисининг бағрида ётса, яна бир мартагина «Бувижон!» деса бўларди-ку! Шуни ўйлаб, ҳалигача бошим қотади, юракларим зириллаб-зириллаб кетади. Одилхон тагин бир кеча ўз уйида, бувижонининг бағрида ётганида... ўлмас эди! Сўзимга ишон, болам, у омон қайтарди!

Лекин... Кўп ўтмай Одилхондан айрилиб қолдим...

Болам, мен тасодифан уни топиб олган кунимдан бошлаб урушдан икки ҳисса кўрқадиган бўлиб қолган эдим. Узимни унутдим, фикри-ёдим Одилхонни асраш билан банд бўлдим. Нимадир мудҳиш нарса рўй беришини ич-ичимдан ҳис қилардим. Йўқ, виждоним олдиде покман, мен унга сира ўлимни раво кўрган эмасман, лекин барибир ниманидир сезардим. Чунки Одилхон бу дунёнинг одами эмасди! Ҳа, бу дунёга адашиб келиб қолгандек эди у! Мен буни ўзим ўйлаб айтаётганим йўқ, мен буни уруш бошланмасидан ярим йилча олдин, қишда, боя айтганим Ҳамроқул қорининг оғзидан эшитганман. Кейин ўзим ҳам шунга бут-бот амин бўлдим.

Жума куни чоллар ҳалфанага ош қилган экан, давраларига Одилхонни чорлашибди, қадим ашулалардан айтгизиб, кўнглиларини хушнуд этмоқчи бўлишибди. Одилхоннинг овозини эшитиб, чойхонага биз ҳам кирдик, чолларнинг даврасига қўшилдик. Одилхон ўртада, гирдогирдида ўн чоғли кекса-ёш. Одилхон дутор чертиб, хониш қиляпти, теварагидигилар кўзларини юмиб, чайқалиб ўтиришибди. Бундай пайтда одам ўзидан бўлакни унутади...

Пайқамай қолибмиз, чойхонага дарвеш қиёфасидаги бир киши кирибди: чойхоначи унинг олдига патнисда битта нону уч-тўрт чақмоқ дур новвот қўйибди; у киши ҳам бизга



қўшилиб, Одилхоннинг нағмаларини тинглаб, чой ичиб ўтираверибди...

Мен давранинг четроғида эдим, бир пайт кимдир биқинимдан туртаётганини сездим. Угирилдим. Шунда кўрдим дарвешни. У бошини қимирлатиб, ҳадеб имлар эди: яқинига сурилдим, салом бердим. У дарвеш эмас, кўзи ожиз бир киши экан.

— Ким бу бола? — деди у ҳассасининг учини Одилхон томонга йўналтириб.

— Одилхон... — дедим ҳайрон қотганча.

— Киминг сенинг?

— Ҳеч кимим. Ҳамқишлоқмиз.

— Ана бу ўтирганларнинг кими бўлади? — У худди бутун даврани кўраётгандек комил ишонч билан гапирарди.

— Ҳеч кими...

— Отаси борми?

— Шаҳид кетган. Битта бувиси бор.

У киши Одилхон қўшиқ айтаётган тарафга яна хиёл муддат «қараб» турди-да, қўйнига қўл суқди. Чойхалтага ўхшаш бир нима чиқарди. Тағин қўл суқиб, кафтдеккина қоғоз олди, тиззасига қўйиб, шилдиратиб муштининг ёни билан текислади.

— Мана бу талқон Гулта тоғининг гиёҳларидан, одам зотининг оёғи босмаган уни, — деди у ҳафсала билан халтачанинг боғичини ечаркан. Талқондан пичасини қоғозга тўқди. Унинг ҳаракатларини кўриб турсанг, сира кўр деб ўйламайсан. Қоғозни худди нос ўрагандек ихчам буклаб, менга узатди. — Шу боланинг онасига олиб бориб бер, бола кунда-кунора ичиб турсин; овозини очади янаям. Ҳали ундан катта ҳофиз чиқади. Бу бола бу дунёнинг боласи эмас! Узини эҳтиёт қилсин...

Ҳамроқул қори деган машҳур ҳофиз ўша киши экан. Таърифини эшитганмиз-у, ўзини кўрмаган эдим. Танитай қолганим учун анчагача афсус чекиб юрдим. Одилхоннинг фиғонларидан эриб ўтирган кексалар ҳам уни пайқашмаган эди. Ҳамроқул ҳофиз гоҳ пиёда, гоҳ отда қишлоқма-қишлоқ кезиб, чойхоналарда, гузарларда тўй-томшаларда ашула айтиб юради, деб кўп эшитганман.

Ушанда бизнинг қишлоққа ҳам йўли тушгану Одилхоннинг овозини эшитиб, чойхонага кирган экан. Лекин, болам, Ҳамроқул қори умрида илк бор келган жойидан қўшиқ айтмай туриб кетди...

...Кузнинг ўрталари эди. Бир дарёнинг бўйига бориб қолдик, Днепр деган. Тонгда қаттиқ жанг бўлган эди. Бу ерга келгунча орқама-кетин иккита қишлоқни немислардан озод қилдик. Кейин тепадан буйруқ келдики, дарё билан қишлоқнинг ўртасига яхшилаб ўрнашиб олишимиз керак экан. Бирйўла каттароқ кучни йиғиб, кейин нариги қирғоққа ўтамиз, дейишгандир-да. Ишқилиб, тушдан сўнг пича ҳордиқ чиқардик-да, ертўла, ҳандақ қавлашга киришдик.

Бир пайт ҳаллослаб олдимга иккинчи батальондаги Сарсенбой келиб қолди.

— Маҳамбет! Маҳамбет... — дейди-ю ўпкасини босолмайди. — Эдилқан... ининг...

Бирдан миямга қон қуйилгандек бўлди. Куракчамни халтага жойлаш ҳам эсда йўқ. Сарсен ишора қилган тарафга югура кетдим. Сарсен олдимга ўтиб олиб нималардир дер, ўша тобда қулоғимга унинг ҳеч бир сўзи кирмас эди. Ҳалигача ҳайронман, оғир яраланган бўлиши ҳам мумкин эди-ку, менинг хаёлимдан эса ярқ этиб: «Одилхон ўлди!», деган ўй ўтди негадир.

Во дариг! У кўрганим кўзларимдан ҳеч кетмайди. Икки йил ичида ўзим чеккан уқубатлар бир ён бўлди, ўша кўрганим — Одилхоннинг ўлими бир ён бўлди!.. Одамнинг белидек келадиган қарағайга, қўли орқага тортилиб, битта немис боғланган, оғзида латта, ўтирибди... Оёғи учида яна биттаси гужанак бўлиб олиб... ўлиб ётибди. Тевараги қилқизил қон. Шу, ётганидан беш қадам берида, автоматини маҳкам тутган кўйи, оёқлари икки ёнга керилиб, боши бошқа бир дарахтнинг тубига тиралганча... Одилхон жонсиз ётарди.

— Одилхон, иним, инижоним! — деб устига ташландим. Одилхоннинг калласи шилқ этиб ёнга тушди, танаси титраб кетди, шунинг баробарида тиринг-тиринг деган садо чиқди. Дутордан чиққан садо эди бу!..

Елкасию белидан авайлаб қўлимни ўтказиб, танасини

кўтариб турдим, қозоқ биродарим Одилхоннинг тагидан дуторни аста сўғурди. Дутор синган эди. Сопи қориндан ажраб кетган, симигагина осилиб турар эди. Худ-бехуд бўлиб Сарсенга термилдим. У кўзларини олиб қочди. Сўнг бир гапни айтдики, эсласам, ҳалигача баданларим жи-чирлаб кетади.

Немислар чекиниб, жанг тўхтагач, взвод командири Сарсенни асирлардан хабар олгани юборибди. Келса — ҳалиги аҳвол: бир немис қўллари боғланганича ўтирганмиш, иккинчиси ўзининг қонига ўзи беланиб ўлиб ётганмиш. Одилхон эса, автоматини маҳкам тутган ҳолда, елкасининг учи билан дарахтга хиёл суюниб турган эмиш. Сарсен ҳайрон бўлибди. «Эдилқан, минаунинг қўлини ким шешди?», деб сўрабди у. Одилхон индамасмиш. Сарсен бориб: «Немене, уйиқтаб қолгансинба?», деб елкасидан бир тўртса... Одилхон ўша ҳолича гуп этиб қўлабди...

— Тургон жеринде ўлиб қолибди-ғўй! — дейди Сарсен. Вох, болам, Одилхон тикка қолибди-я!..

Қарағайга боғланган асир ҳадеб типирчилар, ғинғиллаган товуш чиқариб юрагимни сиқар эди. Турасолиб қорнига, биқинига бир-икки тепдим, жим бўлди. Сарсен тутиб қолмаганида ўлдириб қўйишим турган гап эди.

— Эуликпе, Маҳамбет, — деди у ерга тупуриб. — Командир ўни тергейди.

Мен ҳамон ўзимга келолмас эдим.

— Одилхон ҳали гўдак-ку, Сарсен!.. Бу маразларнинг қайси бири уни ўлдирдикин, а, Сарсен?! — дердим бўлаб. ...Нима бўлганини айтиб қўяқолай сенга, болам. Ярмини қозоқ ошнам айтиб берди, ярми ҳалиги тирик қолган немисни командиримиз сўроқ қилганидан кейин маълум бўлди.

Тонги жангда Одилхон хизмат қилаётган взвод ҳалиги иккала немисни тирикликин қўлга туширган. Биттаси ёмон жойидан ўқ еган экан. Иккови ҳам офицер бўлгани учун уларни отиб ташлай қолишмаган. Апил-тапил қўл-оёғини боғлаб, ҳализамон орқадан санитарлар келади, шунгача қараб тур, деб пойлоққа Одилхонни қолдиришган-да, ўзлари қочаётган душманининг ортидан от қўйишган. Уларнинг батальони бизнинг сал пастроғимиздан ҳужум қилган эди, немислар дарёнинг қўйи томонига чекина-вергандан кейин ўшаларнинг йўлини тўсиб чиқмоқчи бўлишганми, ишқилиб, тўхташга фурсат бўлмаган.

Одилхон, автоматни асирларга тўғрилаб, пойлаб тура-верган. Анча кутган, санитарлар келавермаган. Бир ёқда десанг, ёмон жойидан ўқ еган ҳалигиниси ўтирган ерида типирчилаб, дод солиб бўкираверган. Шериги эса, ҳар хил имо-ишоралар билан Одилхонга нималарнидир тушунтир-моқчи бўлган. У — немис, Одилхон — ўзбек, тили тугул, имосиниям тушуниш қийин. Лекин у изги билан шеригини кўрсатиб ғинғиллаверган, Одилхон ранги бўзариб тура-верган. Охири тескари қараб олган. Бўлмаган. Келиб, ярадорнинг қўлини бўшатиб юборган. Бечорага раҳми келган бўлса керак-да...

Эҳ, Нозимбек, Одилхон бўлакча бола эди! Раҳми келибди-я...

Ярадор асир энди ерга пийпаланиб инграй бошлаган. Тирик қолгани айтадики, Одилхонга қараб: «От! Отиб ташла! Барибир ўляпман-ку, отавер!» деб шунча тавалло қилганига қарамай Одилхон уни отмаган. Айтдим-ку, тилини қаёқдан тушунасан буларнинг... Икки соатлар ўтиб ҳалиги немис ҳолдан тойган ва дод солишни ҳам, типирчилашни ҳам бас қилган. Бирдан ғужанак бўлиб, сўнгги марта бир ихрангану... тинчиган. Сўроқ берган бунисининг гаплари тўғри бўлса, Одилхон ҳам шундан кейин турган жойида қотиб қолган...

— Қаттиқ кўрқиб кетган бўлса керак, — деди немисни сўроқ қилган тилмоқ.

— Узингни қўлга ол, Ортиқов, — дея командир меҳри-бонлик билан иккала елкамдан ушлади. — Эракк киши йиғламайди... Менинг акам урушнинг биринчи куниде ҳалок бўлган... Урушда нималар рўй бермайди дейсан. Чидаймиз-да.

«Урушда нималар рўй бермайди...»

Лекин, нега энди Одилхон қурбон бўлиши керак?! Наҳотки, у ўз-ўзидан ўлган бўлса?! Бекор гап! Одам ўз-ўзидан ўлмайди. Уни кимдир ўлдирган!

...Одилхонни ўз қўлларим билан ўзимизнинг расм-

руумни қилиб кўмдим. Бироқ унинг танасида на бир ўқнинг, на бошқа нарсанинг изи бор эди... Синган дуторини дарёнинг бўйига олиб бориб, чакалакнинг шохига илиб қўйдим.

Унгача эса... кўр, қар, соқов ҳолимда роса тентидим.

Бир вақт бояғи асирни олиб чиқдилар, икковимизни дарахтзорнинг ичкарироғига бошлаб бордилар, уни ўн қадамча наридаги қарағайни қучоқлатиб боғладилар, қўлимга автомат тутқаздилар, тепкига бармоғимни тикди-лар, «Бос!» дедилар, босдим...

20

— Мана — давот, мана — қалам, ёз, Нозим болам, менинг номимдан Васелиса онамга бир хат битиб бер! Гапни эплаштиравермасам, у ёғини ўзинг келиштириб кетарсан, дурустми? Қани, бошладик...

Бу йил қиш чўзилиб кетди, онажон. Бизнинг юртларда қишнинг чилласида ҳам бунақа совуқ бўлмас эди, ҳайронмиз. Лекин, онажон, ҳадемай баҳор келади. Бу галги баҳор бўлакча келади! Маҳам амакининг кенжатоий аскарлик хизматини шу баҳорда тугаллайди, туғилган қишлоғига, ота-онасининг бағрига қайтади. Бу ёқда уни кўзлари тўрт бўлиб кутиб ётишибди. Муҳаррам хола фарзандининг эскию янги хатларини қайта-қайта ўқийди, ҳар ўқиганида дув-дув ёш тўкади. Хатларнинг кўпи увадаланиб кетган, барибир ўқийверади. Бояқишга қийин бўлди...

Булар бари ўтади, онажон. Орзиқиб кутилган баҳорга бир қадам қолди. Ушанда севимли ўғиллари келади — катта йигит бўлиб, кўрагини нишонларга тўлдириб! Маҳам амакининг хонадонига тўй бошланиб кетади, тўй! Чолкампири қачондан бери бир қўйни бўрдоқига боқиб юришибди, аскар ўғилларининг оёғига ўшани сўйишади. Ҳовлилари одамга тўлади!

Маҳам амакининг бу баҳорни сабрсизлик билан кутаётганига яна бир сабаб бор, онажон. Уғли келса, уни ёнига олиб, сизнинг олдингизга бормоқчи!

Онажон! Маҳам амакининг хатингизни олган кундаги ҳолатини бир кўрганингизда эди! Еш боладек йиғлаб юборди. Уйда ёлғиз ўзи эди, лекин ўша дамда уй тўла одам бўлганида ҳам йиғлайверарди. Севинчдан ва яна... яна кўп нарсалардан. Ахир, Маҳам амаки у кунларни унутгани йўқ, тирик экан, унутмайди ҳам! Сизларнинг муруватларингизни унутиб бўладими?! Маҳам амаки кўрнамак эмас, онажон, фақат... ўзининг халоскорларини лоақал бир бора йўқлаб қўймаганидан хижолатда, армонда.

Нақадар бепарвомиз-а, онажон, бир-биримизга нақадар безътибормиз! Кўзларимиз ярқ этиб очилмагунча теварақ-атрофимизга ҳам қарамаймиз!

Маҳам амакининг Ҳайитбой деган бир қуролдош дўсти бор эди, сиз уни билмайсиз, онажон. Лекин у ҳам сизларнинг қишлоқларингизда, ўша кун, пешонасидан... Увол кетган шўрлик! Маҳам амаки Ҳайитбой билан бор-йўйи бир ҳафталик таниш эди, холос, аммо унинг ўлими кейинги бутун ҳаётини алғов-далғов қилиб юборди! Маҳам амаки фронтдан қайтгач, бир ой ўтказиб Самарқандга борди, сўраб-суриштириб Ҳайитбойнинг уйини топди, ота-онасини, фарзандларини, хотинию ёр-биродарларини кўрди, меҳмон бўлиб бир неча кун қолиб кетди у ёқда. Шу кунлар ичиёқ Ҳайитбойнинг ўғилчалари Маҳам амакига ўргандилар-қолдилар. «Отам келопдими, отам келопдими?» деявериб, юрак-бағрини эзиб юбордилар. Маҳам амаки ҳақиқатни айтолмади, онажон, «Оталарингиз кўзим ўнгида ҳалок бўлди», дея олмади. Кенжаси қиз экан, эндигина иккинчи синфга ўтган экан, жамалак сочларини ликиллашиб йўнаб юрди, лекин шунинг ҳам кўзларида аллақандай мунг кўрди Маҳам амаки. «Келади, оталарингиз ҳадемай келади... Мана, мен ҳам уруш тугагандан бир йил ўтиб қайтдим-ку», деди йиғисини аранг босиб.

Шундан кейин бирон марта Самарқандга бормади. Самарқанд шунчалар узоқмиди, онажон? Ахир, сиз олис Белоруссияда туриб ҳам Маҳам амакини унутмабсиз-ку! Гапираверса, Маҳам амакининг дилида гап кўп, онажон, айтиб адо қилиб бўлмайди. Узингиз қалайсиз? Келинингиз

ҳам соғ-омонми? Невараларингиз-чи? Эвара ҳам кўрган-дирсиз? Сиз бахтлисиз, онажон: ҳавас қилса арзғулик амакининг юраги ҳаприқиб кетади. Эрта оқшом... Манзура келади! Ҳа, Маҳам амаки билан Мухаррам холанинг қизлари Манзура! Қизчасини кўтариб, кулимсираб кириб келади. Ёнида... эри — кўз очиб кўргани! Эрининг икки қўлида иккита катта жомадон, ичи тўла совға-салом, Маҳам амаки билан Мухаррам холага аталганлари ҳам бор. Манзура мамнун жилмаяди, эри жилмаяди, қўлларидоғи қизалоқлари қиқир-қиқир кулади...

Эртага оламга офтоб ҳам чиқиб кетади, онажон! Бу офтобни ҳаммалари барава қаршилайдилар! Офтоб ҳам уларни кўриб, жилмайгандек бўлади!

Маҳам амаки қизини тергагиси келмайди. Кулиб туриб йиғлайверади, йиғлаб туриб кулаверади. Айниқса, Мухаррам хола ўзини кўярга жой тополмай қолади. Ўзининг гина-кудуратлари аримасдан туриб, Маҳам амакининг атрофида гирдикапалак бўлаверади, ҳар йўл билан қизинасини оқламоққа, эрининг кўнглида шафқат уйғотмоққа уринаверади. Билмайдик, Маҳам амаки шу тобда қизининг сўроқсиз-руҳсатсиз, эрининг олдига... «қочиб кетгани»га шукр қилиб ўтиради. Ҳа, Маҳам амаки бунга шукр қилади, одамлар нима деса десин, лекин Маҳам амаки индамайди. Негадир Манзуранинг қизалоқлик пайтларини кўмсайди, эркалатгиси келади, энтикади ва... неварасини тиззасига ўтказиб олиб, суйиб-суйиб ўйнатади.

Булар ҳаммаси эртага бўладиган гаплар, ҳозир эса, Маҳам амакининг юраги огрияпти, онажон. Лекин бу огриқ ҳам тезда ўтиб кетади. Ахир, эртага Манзура келади, индинга — баҳор!.. Маҳам амаки энди кўксидоғи огриқдан қийналиб юрмайди, бундан кейин унинг ҳаёти беғуборроқ бўла боради. Кенжатойи аскарликдан келади, фасли баҳор бўлади, ота-бола икковлари, эҳтимол, Мухаррам холани ҳам олиб, сизларниқига — Телякинога жўнайдилар. Ушан-да сизнинг уйингизда ҳам байрам бўлиб кетажасига Маҳам амаки ишонади. Булар ўзбекчалаб, сиз эса белорусчалаб сўзлашаверасизлар. Сизларнинг антиқа сўхбатларингизни кўриб невараларингиз, эвараларингиз мириқиб кулади. Ҳаммаларингиз у кун қалбларингизда фароғат туясизлар, олам кўзларингизга янада гўзал, янада ардоқли кўриниб кетади, яшаш бениҳоя завқли туюлади!

Маҳам амакига эса, ўша тобда дунё Урмон чўлоқсиз, Урмон чўлоқларсиз кўринади, беихтиёр тўлқинланиб кетади у ва... ўпқасини баҳор ҳавосига тўлдириб: «Борлигингизга шукр, одамлар!», дейди...

Мен эса, қачондир бир кун келиб Қатронтоғ адирларидан қишлоғимга термиламан. Кўз ўнгимдан ҳаммангиз бир-бир ўтаверасиз: Маҳам амаки, Мухаррам хола, Манзир опа, сиз — Василаса хола, сизнинг келинингиз... Мен ҳатто Ширвон холани, Одилхонни, самарқандлик Ҳайитбойни, Тўйчи тракторчини ҳам кўраман. Ва ўшанда бир ҳақиқатнинг тағига етаман: Урмон чўлоқни фақат Маҳам амаки эмас, ўз пуштикамаридан бўлган ўғли ҳам ёмон кўрган экан — мен бунди Тўйчи тракторчининг кўзларидан илғаб оламан. Шунда беихтиёр кўксимни баҳор ҳавосига тўлдираман-да, Маҳам амакининг сўзларини такрорлайман:

«Сизларнинг борлигингизга шукр, одамлар!»

21

Шу айтилганлардан ўн беш йиллар ўтиб, баҳор оқшомларидан бирида Тошкентдан йўлга чиққан почта-юк поезди каттами, кичикми — ҳар станцияда ярим соатдан тўхтайвери-риб, юк тушириб, тағин юк олиб, беармон юра-юра, эртаси тушга яқин Қўқонга кириб келади. Оғир бир уф тортиб

тўхтагач, толиққан, зериккан йўловчилар ўзларини перронга урадилар, худди ҳаммомнинг буғхонасида ўтира-ўтира димиқиб кетгандек, ташқарига чиқадилару хийла енгил тортиб, костюм, кўйлакларининг ёқаларини тўғрилаб, жомадон ё сумкаларини у қўлдан бу қўлга олиб, чумолидек ҳар ёққа тарқайдилар.

Ун олтинчи вагондан кўзлари уйқусизликдан қизарган айни чоқда, роса қотиб ухлагандек қовоқлари шишган бир йигит тушади. Чап қўлида «дипломатини» ликиллатганча, хаёллари фаромуш, теваракка лоқайд қиёфада вокзал саҳнига ўтади.

Саҳнда бинонинг супасига тумшук тираб таксилар, шахсий автомобиллар турнақатор тизилган. Енгил, баҳорий шабада эсади...

— Йўл бўлсин, ака?

У қайрилиб қарайди ва сал нарида супага орқа бериб, жимжилоғига калитнинг занжирини илиб олган, йигирма икки-йигирма беш ёшлардаги бир йигитга кўзи тушади.

— Узоққа, — дейди шунчаки.

— Айтаверинг, обориб қўяман.

У фикр қилади: йўлда чарчаган, унинг устига, умумий вагонда келган, бугун бозор, автостанцияда автобуслар тирбанд бўлса керак... ва бир қарорга келади.

— Ҳайданг бўлмаса!

— Қаёққа? — дейди шофёр ажабланиб.

Йўловчи йигит кулади.

— Тупканининг тубига ҳам боравераман, дедингиз-ку! — Сўнг, мошинанинг орқа ўриндиғига ҳорғин ўтириб олади-да, манзилни айтиди: — Каримдевонога.

Шофёр хуштак чалиб юборади, лекин индамай моторни ўт олдиради.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас, ҳаворанг «Жигули» шовқинли шаҳарни ортда қолдириб, Қўқон — Исфара йўлидан елиб бораверади. Йўловчи йигит юмилай-юмилай деб турган кўзларини ташқарига қадаб, чексиз хаёлларга фарқ бўлиб, икки ёндан лип-лип ўтаётган жонлиги жонсиз нарсаларга бефарқ ўтираверади. Катта шаҳарнинг майда ташвишларига кўмилиб, олти ойдан бери қишлоғига келмаганини эслайди. Ота-онасини, ака-опаларини, укаларини нақадар соғинганини ҳис қилади...

— Узингиз шу ерликмисиз ё меҳмон бўп келяпсизми?

— Шу ерликман.

«Ўзим шу ерликман, лекин меҳмон бўлиб келяпман. Меҳмон... Ўз уйимга, ўз қишлоғимга меҳмонман... — Йигитнинг кўнгли нохушланади. — Катта шаҳарда мусофирман, қишлоғимда — меҳмон... Менинг маконим қай ер?»

Кенг, текис йўлда машина елдек учади. Икки томон бораборгунча ажриқор, кўм-кўк. Тут барглари ҳали барра...

Йўловчи йигит беихтиёр болагини эслайди. Қалбини оромли ўйлар чулғайди; у ҳозир ўзининг қадрдон қишлоғига етади, қадрдон кишиларни куради, қадрдон уйига қиради, олти ойдан бери кўрмаган, «дийдорига тўймаган» аясининг, аяжонининг бағрига отилади, худди ёш боладек!

— Тошкентда ишлайсизми?

— Ҳа...

— Мен ҳам ўша ёқда ўқийман. Студент!

«Студент... Қишлоғимга тезроқ етказ мени, ука! Бу ерларни қанчалар соғинганимни сен билмайсан! Мен бу ерларга бор-ўғи бир кунга келиб, олти ойлик чарчоғимдан халос бўлиб кетаман! Бу ерлар менинг туғилган юртим! Бу ерларда менинг болагим ўтган!..»

Йўл чеккасидаги тахтачада «КАРИМДЕВОНА» деган ёзувга кўзи тушиб, йигитнинг юраги бир гумуради. Узидан ўзи тўлқинланиб кетади, юмшоқ ўриндиқда хотиржам ўтиролмай қолади.

Ана — шийпон... Ана — фалончининг уйи... Ана... Бу ерга нима қуриляптикан — магазини ё бекат?... Ана — қабристон — опоқдаданининг оромгоҳи... Бир қадамдан кейин қадрдон уйига етади ҳисоб...

Мошина бирдан секинлайди, хаёлга ботган йўловчи йигит ўтирган ерида мункиб кетади.

— Тушамизми, ака? — дейди шофёр орқага ўгирилиб.

— А? Нимага? Яна озроқ...

Мошина тўхтади.

— Ҳар ҳолда, савоб бўлади.

Йигит шундагина кўради: рўпарадан, кенг йўлни эгаллаб гала одам келаётган бўлади; олдинда ҳассакашлар, тўн кийганлар, уларнинг кетидан — оломон, оломоннинг елкасида... тобут!

— Ҳа, ҳа, тушамиз, — дейди йигит ва тезгина ён чўнтагидан пул чиқариб, олдинги ўриндиққа қўяди. — Раҳмат, ука! Сиз шу ердан қайтиб кетсангиз ҳам майли.

— Буни олиб қўйинг, ака. Ҳозир шунинг мавридимми? — Шофёр пулни қайтариб йўловчи йигитнинг кўрак чўнтагига солиб қўяди, сўнг тобутга ишора қилади: — Шу етади менга.

Тушадилар. Ҳассакашларни ўтказиб юбориб, иккалалари икки тарафдан тобутга елка тутадилар. Кейин алмашадилар. Беш-ўн қадам юргач, шофёр у билан кўз уриштириб олади-да, четга чиқади...

Гала одам қабристон сари лўкиллаб бораверади. Йўловчи йигит ҳамон карахт алфозда, кўзлари тиниб, сўрилиб-сўрилиб, орқароққа ўтиб олади. Ана шу пайтда кимдир унинг билагидан тутайди.

— Келдингми, Нозим?

Йўловчи — Нозим боши эгик кўйи ёнига ўгирилиб, ошансини — Хайрулла Латифни кўради. Қўл бериб, унсиз саломлашадилар.

— Ким? — дейди Нозим шивирлаб.

— Ўрмон жамоа...

— Их!..

Хайрулла Латиф яна нимадир дейди. Нозим эшитмайди. Қабристонга кириб борадилар. Нозим бир чеккада, буткул дунёни унутиб ўтираверади. Расм-русумлар адо этилгач, ўликни жойига қўядилар...

Қайтишда Нозим кўнглида ҳадик-хавотир билан секин Хайрулла Латифдан сўрайди:

— Маҳам амаки кўринмади?

— Қазо қилди бечора...

— Нима?! Қачон?

— Ун кунча бўлди.

Нозимнинг кўзларидан тирқираб ёш отилади.

— Ўрмон чўлоқни қўйишди-ку, шунинг ёнидаги қабр Маҳам амакиники эди...

Нозимнинг қадами секинлайди. Теварагидан уни уриб-уриб оломон ўтаверади: ҳамма майит чиққан уйга шошади. Шу пайт...

— ...бошини тескари ёққа қўйишди-ёв, — дейди биттаси.

— Йўғ-э, аввал бош томонини киритишмадимми? — дейди иккинчиси.

— Менимча, оёқ томондан олишди. Биров билмай қолди-ю, лекин чатоқ бўлди-да...

Гала одам ўтиб кетиб бўлади. Нозим нохос қулоғига чалинган бу гаплардан даҳшатга тушиб, тўхтаб қолади. Хайрулла Латиф ҳам тўхтабди.

— Юрмайсанми тезроқ! Қолиб кетдик, — дейди у Нозимнинг қўлтигидан олиб.

— Ўрмон чўлоқни Маҳам амаки ўзи кўймоқчи эди, — дейди Нозим надомат билан. — Энди, иккаласи ёнма-ён ётибди дегин...

Бир-бир босиб, гузарга етадилар. Ҳаммом саҳнидаги ўриндиққа чўкадилар. Нозим негадир уйига шошилмайди. Боши-кети йўқ ваҳимали ўйлар, сонсиз-саноксиз сўроқлар унинг дилини ўртайверади, ўртайверади.

— Қабристонга борган чолларни кўрдингми? — дейди худди ўзидан сўраётгандек оҳангда.

Хайрулла Латиф жим ўтираверади.

— Ҳаммаси бир-бирига ўхшайди-я, — дейди яна Нозим.

— Ҳа. Ухшаса нима қилибди?

— Айтаман-да. Биз уларнинг барини ҳурмат қиламиз, кексалиги учун бошга кўтаргимиз келади. Лекин... ўзларини яхши биламизми? Билмаймиз... Маҳам амаки Ўрмон чўлоқни умр бўйи ёмон кўриб келди, энди унинг ўлигини кўрмоқчи, ўлса, ўзи кўймоқчи эди. Шу ниятига етмабди.

Хайрулла Латиф индамайди. Нозимнинг гапларига унча тушунавермайди. Нозим яна кўп гапирди, Хайрулла Латиф анграиб тураверади. Ниҳоят:

— Мен сенга бир гап айтайми? — дейди у Нозимнинг тиззасига қўл ташлаб. — Ҳали сени алдадим: Ўрмон чўлоқ ўлгани йўқ!

Нозимнинг эсхонаси чиқиб кетади. Туси ўзгара бошлайди.

— Бўлмаса... анави... ҳозирги ким эди?..

— Бир одам, — дейди Хайрулла бепарво.

— Ростми гапинг?

— Рост! «Вой отам»лаганларни кўрмадингми ўзинг?

— Мен ҳеч кимга қараганим йўқ, Хайрулла... — Нозимнинг ранги бўздек оқара бошлайди. — Ростми шу гапинг? — дейди яна.

— Рост! — дейди Хайрулла тағин, сўнг кулимсинади. — Маҳам амаки ҳам тирик!

Нозим тилдан қолади. Аллапайтгача жим бўлиб кетади.

«Ҳозир жинни бўламан», дея ўйлайди.

— Устимдан куляпсанми, Хайрулла?

— Йўқ.

— Маҳам амаки тирикми?

— Тирик.

— Нега бўлмаса... Нимага мени бундай хароб қиласан, Хайрулла?

— Ҳазиллашдим...

Нозим адои тамом бўлади: «Ҳазиллашган эмиш-а!..» Лекин Хайрулла Латифга қарамайди.

— Маҳам амакининг айтган гапи рост, — дейди тағин ўзига ўзи. — Сен ҳам Ўрмон чўлоқнинг бир хилсан...

Хайрулла тушунмайди, шунинг учун ҳам Нозимнинг гапини кўнглига олмайди, ранжимайди.

Шу пайт «дипломат» кўтарган бир болакай уларнинг олдига келади.

— Нозим ака, манави сизникимасми? — дейди қўлидаги ни кўрсатиб.

Нозим аста бошини кўтаради: «дипломат»ини танийди.

— Меники...

— Битта «Жигули»нинг шопири ташлаб кетди, — дейди болакай, — Тошкентда ишлайдиган шу ерлик бир кишиники, деди. Мен дарров ўша сизмисиз, деб ўйладим...

Нозим ўтирган кўйи «дипломат»ни олади.

«Ш у е р л и к и ш и... Ҳа, мен ўшаман, укажон! Мен — шу ерликман! Ҳаммамиз шу ерликмиз, укажон! Сен ҳам, мен ҳам, манави Хайрулла аканг ҳам, Маҳам амакию Ўрмон чўлоқлар ҳам... Сенга «дипломат»ни ташлаб кетган ўша студент йигит ҳам шу ерлик!»

Нозимнинг ичидан йиғи босиб келаверади, лекин у йиғламайди, йиғлаёлмайди. Қаршисида севинчидан ичига сиғмай турган ҳалиги болакайни суйиб бағрига босгиси келади. Бироқ...

— Раҳмат! — дейди, холос.

Кейин аста ўрнидан туради. Хайрулла Латиф билан хайрлашмайди. Уйга ҳам таклиф қилмайди уни. Кўнгли бир хил, хаёллари фаромуш, кетаверади. Дафъатан... Қандайдир куч уни уйга эмас, бошқа ёқларга судраётганини ҳис қилади. Узини ўша «куч»нинг измига қўйиб беради...

Мана — Нурсухарик, ҳануз шарқираб оқиб ётибди. Икки қирғоғида қадимий толлар, чинорлар салобат тўкиб турибди. Соя-салқинда чойхона, чойхонанинг олдида... ҳовуз. Лекин, ҳовузнинг четидаги тол тўнкаси йўқ. Қўпориб ташланган бўлса керак. Ўрнида навқирон толлар гурқираб ўсиб ётибди. Қўшлар тинимсиз чуғур-чуғур қилади; чойхона айвонига осилган тўрқовоқларда беданалар...

Нурсухарикнинг устига беш-олтита сўри ташланган. Баҳорий илиқ ҳаводан яйраб, одамлар кўр тўкиб ўтиришибди. Чоқина гўшт дўконининг ёнида яккачўп кўприк. Шу кўприкчадан ўтилса, чапга қайрилиб, Нурсухарик бўйлаб ўқорилаб кетаверилса, Қатронтоқча чиқиб борилади. Баҳор — Қатронтоғ бағрига шамол тегадиган ягона фасл. Тошлар тагидан яккам-дуккам майсалар униб чиқади, у ер-бу ерда лолақизғалдоқлар кўринади. Баҳор — Қатронтоғнинг яйрайдиган фасли. Ёзга бориб, тағин жизғанаги чиқиб ётаверади. Қатронтоғнинг пойидаги адирга кўтарилмасданок орқага қаралса, бутун қишлоқ, бутун водий қафта тургандек намён бўлади.

Оёқларингиз остида Қатронтоғ... Қатронтоғнинг этакроғидан буралиб-буралиб, шарқираб-шарқираб Нурсухарик оқади... Нурсухарикдан шундонқина пастда — қишлоқ...

Баҳорда ҳаммаси кўзга айрича кўринади.

1980—1984 йиллар



**Абдумажид
Азимов**

Онамга хат

Ой нурига ювилган тунлар,
Куритасан сен йўрғакларни.
Бир-бирига эгизак кунлар
Улғайтирар биз гўдакларни.

Бир-бир босиб ота изидан
Остонамни хатлар балоғат.
Уша кундан бошлаб кўзимга
Бегонадир буткул ҳаловат.

Толе излаб бўлдим овора,
Жароҳатга малҳам экан вақт.
Юсакларда учдим тобора,
Мен қувладим осмонларда бахт.

Узун тунлар мажруҳ кўнглимдан
Шеър ўрнига силқиди алам.
Бардошимни синади зимдан
Иродамга бўйсунмай қалам.

Юрагимга тунлар йиқилди,
Юрагимда уйғонди тонглар.
Қоғозларга шеърим тўкилди,—
Томиримдан оққан вулқонлар.

Куйлаяпман, юрагимда сас
Эгизакмиз иккимиз қуёш.
Осмонларни — бепоён қафас
Кўкрагимга этганман уйқаш.

Менга раҳми келмасдан ҳечам,
Аламларга ташласин ҳаёт.
Юртга керак бир ўғил бўлсам
Барчасига топарман сабот!

Кўзларимни очиб онажон,
Дунё кўрдим — илғамас нигоҳ.
Жоним қадар азиз, жонажон
Сен эканинг англадим ногоҳ!

* * *

Тунларнинг бағрига ташласа ўзни
Ёстиқлар бошига харсангдай
ботар.
Юлдуз кўчишидан юмолмай кўзни
Осмонга безовта тикилиб ётар.

Шамоллар оҳини тинглар у сезгир,
Меҳрибон отадир ўсмирга дунё.
Нурларга эгизак каби бу ўсмир,
Туққан онасидир табиат гўё.

Ногоҳ кеча мени авраган ёлғон,
Туюлади унга — ҳақиқат тенгсиз.
Бола юрагида уйғонар бўрон
Гулдурос солади бўғзида денгиз.

Ненидир оҳиста пичирлаб лаби,
Илиқ бир каломга чоғланар ўсмир.
Етти ранг мувосо камалак каби
Еру осмон узра боғланар ўсмир.

Кўзини юмолмай ўтказар тунни,
Юраги зўриқиб, зирқирар боши.
Кун келар, болага синовлар кунни
Замин оҳларидан тугар бардоши.

Тунлар кўкрагига тошмисол ботган
Юракни қинидан олар суғуриб.
Турфа оғриқларни олиб учётган
Ер шари ортидан кетар югуриб.

Юрагин туғ қилиб қўлида тутгай,
Вужуди йўғрилар шамоллар билан.
Фалакнинг тоқиға у балки етгай,
Кўксигадаги озод хаёллар билан.

Ҳеч ким тўхтатмоққа эмасдир қодир,
У қуёш шиддатин қалбида туяр.
Боқий ҳаёт учун ўспирин ҳозир
Заминнинг ўқиға юрагин қўяр!



Шукур Холмирзаев,
Тоҳир Усмонов

Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари

ҚИССА

— Шунинг учун ўлим ҳам бизни қўрқитмаслиги керак.
— Раҳмат, Абдиллажон.

Ташқарида, деворнинг бузуқ еридан сакраб ўтган қора-байир эшик оғзига келиб тўхтади. Эгардаги Бобобеков:
— Хў-у, меҳмонлар! — деб бақирди.

Қорабоева эшик оғзига борди.

— Сафарбек ака, мунча қисталанг қилмасангиз!

— Абдуллабой беш-тўрт кунда қайтиб келади, — деди Бобобеков. — Отингизни бермайсизми меҳмонга?

— Сиз айтмасингиздан буруноқ бердим ҳисоб, — деди Қорабоева. — Абдиллажон! Кутамиз-да, а? Асомиддин акага салом айтинг, келини сўраб қўйинг... Байна дугонамизга ҳам кўпдан-кўп салом. Биз у киши билан ўртоқмиз.

— Хўп.

— Сафарбек ака, милисангизнинг отхонасида от кўп, — деб қолди Омонтурди. — Бирини беринг. Мен ҳам меҳмонларни кузатиб борай.

— Э, сен гарнизонни бил, ука! — деди Бобобеков. — Начальник ўртоқ Набиевни кузатишга одам тополмай, гарнизоннинг запхўзини қўшипти, десинми!

— Ҳа эса, мен ҳам кетаман, Малоҳат опа, — деди Очил Шаропов. — Хўш, комсомол қизлар, эсдан чиқмасин-а ўртоқ Набиевнинг гаплари?!

Комил калава икки отни етаклаб келди.

Абдулла чарм жилдди чиқариб, бўз отнинг хуржунига солди. Кейин мезбонлар билан бир-бир хайрлашди. Майиз чолга навбат етганда кўнгли ғалати бўлиб кетди: марҳум отаси ёдига тушди...

— Ҳайр!

Бобобеков отни буриб ҳайдади. Уткин, Сяькин ҳам отларини ҳайдашди. Абдулла билан Шароповнинг орқасидан Комил калава ҳам хачирдек тўригини йўрттирди.

Йўл муз қотган. Туёқлар остидан лой ушалиб учади. Қўрғон биқинидан эсаётган шамол буларга урилади. Отларнинг ёли тўзғийди.

Шеробод дарёси саёз ва тиниқ эди. Нариги соҳилнинг сояси тушиб турибди. Қўрғон девори баланд. Фишлари чириб, орасидан тупроқ тўкилган.

Қўрғоннинг бу тараф девори фиштин экан. У ёғи — қўшпахса. Четдаги минора устида қизил байроқ. Унинг остида турган соқчи буларни дурбин билан кузатади.

Бобобеков Абдуллага яқинлашиб, сўраб қолди:

— Босмачи бошлиқларининг хориж билан алоқаси бор, дейдилар. Шу тўғрими? Марказдан келгансиз, биларсиз?

Абдулла унга тикилди.

— Бу гўлликми?

— Нима?

— Ўзингиз билмайсизми?!

— Энди, илгари... Анвар пошшо даври ўтиб кетди.

— Йўқ... Уларнинг хориж билан шубҳасиз алоқаси бор. Ана, Афғонистон. Иброҳимбек деганингиз... Қурол-яроғни қаердан олишади?

— Ҳа-я.

— Билиб қўйинг, инқилоб тўхтаб қолмайди бизда... У жаҳон инқилобига айланади. Бу — тайин гап. Демак, жаҳон империализми қарши бизга.

— Рост-э.

— Лекин, босмачиларнинг бачканалашиб кетганим рост, — деди Шаропов. — Бир гал Ҳасан ака... У киши бир жиҳати — Бойсун мусотрядларига комиссар-да... Бойсундан уч-тўрт кишини ёнларига олиб, тагин иккита қизил аскарни қўшиб, Паданг қишлоғига борадилар. Кузги ғалла экишни текшириш учун. Шунда, ўша атрофдаги босмачилар буларни қўлга олмоқчи бўлишади денг. Улар боришидан олдин Шўро раисини қўрқитиб, меҳмонхона ичини бир газ қазиб, тупроғини олиб ташлаб, устига шох-шабба, бўйра, наMAT ташлаб қўйишади. Ҳасан акалар ичкарига кириши билан ўрага тушиб кетишади. Ҳасан ака пишиқ-да, иккита аскар йигитни ташқарида қолдириб кирган экан... Булар ўрага йиқилиши билан босмачилар босади. Аскар йигитларда қурол бор. Отишма бўп қолади. Бу орада Ҳасан акалар ҳам ўрадан чиқиб олишади...

— Тавба, ғирт аҳмоқлик! — деди Бобобеков. Кейин чуқур хўрсинди.

Абдулла, ниҳоят, Шароповдан Шерободдаги мусотрядлар ҳақида сўради.

— Биздаям иккита бор, — деди Шаропов. — Бири Қорабоғда, бири Зарабоғда. Улар Пошхурт гарнизони таркибида ҳаракат қилади.

— Хўш?

— «Лекин»и бор-да! Масалан, Эшнӣёз командир отряди мустақил ҳаракат қилади. Бизнинг отрядлар...

— Улар ичиде комсомоллар ҳам кўпдир?

— Эса-чи! — Шаропов узрли жилмайди. — Ишонсангиз, бугун ўшалар томонга ўтаман, Абдулла ака. Кейин Шержонга бораман. Рости гап, ака, уялдим...

— Нимадан?

— Сиз Самарқанддан келиб, тагин...бу юртни яхши билмайдиган одам, Бойсундай хавфли жойга боряпсиз. Биз эса...

Бобобеков:

— Мана, Темир дарвозаси! — деб олдинда — яқинлашиб қолган дара қирғоқларини қамчи билан кўрсатди.

Абдулла комсомол қурултойидан кейин Жиззахга икки марта борган, ҳар гал йўлда икки тоғ бир-бирига яқинлашган жойини ҳамроҳлари унга Темир дарвозаси деб айтишар эди.

— Бу ерда ҳам бор экан-да?

— Босфордаям бормиш.

— Сиз кўп нарсани биласиз...

Қуёш кўтарилиб, буларнинг соясини олдинга сурди. Узунқисқа бўлиб боришади. Йўлни кесиб гала-гала оч-қулранг қушлар — чиллар ўтади.

— Бешэрқада кўп экан-да! — деб қолди Комил калава. — Сафарбек ака, Қамишловда ўрдак ҳам бор экан.

— Суви музламайди-да, — деди Бобобеков ва бирдан Комилга аллатовур бўлиб қаради: — Энди мен қайтаман, — деди бирдан. — Мана шу сўқмоқ мени Хитойқишлоққа олиб боради. — Кейин Абдуллага жилмайиб, хўрсинди. — Ҳа эса, Абдуллабой! — У отини ниқтаб келиб, Абдуллага қўл узатди. Кейин Уткин ва Сяскин билан ҳам хайрлашди. Сўнг Комил калавага: — Сизга омад, Комил ака, — деди-да, Шароповга ўгирилди: — Сиз қаергача борасиз?

— Абдулла акам юр десалар...

— Йўқ-йўқ, — деди Абдулла. — Ишдан қолманг, Очилбой. Бизнинг, мана, Комил акамиз бор.

Бобобеков от сағрисига тарсиллатиб қамчи босди. Қорабайир бошқа отларни хўрkitиб, каврақлар қаққайиб турган ёнбағирга ўрлай кетди.

— Абдуллажон ака, бу одам анча сирли-я? — деди Комил калава йўлакай. — Гаплари мужмал... Ҳа, Очилбой, гурунг беринг-э! Шундай қилиб, Шерободнинг мусотрядлари сифат тарафдан унчамас денг?

— Яхши бўлади ҳали! — деди Шаропов. — Ячейкаларимиз ҳам кўпайиб, зўр бўлади... Абдулла ака, Ўзбекистонда қанча комсомол ячейкаси бор?

Абдулла Уткиндан сўради. У яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон фирқа қўмитасининг II қурултойида ўртоқ Иванов айтган рақамларни такрорлади:

— Утган 1924 йилнинг 1 декабридан бу йилнинг 1 июлигача 56 фойз ўсган комсомоллар сони. Ушанда 19 минг бўлса, ҳозир декабрга келиб 36 мингдан ошди. Комсомол ячейкалари ҳам шу ҳисобда 58 фойз кўпайган, яъни, ўтган йили 567 та бўлса, бу йилнинг 1 ноябрга келиб 767 тага етган. Қишлоқдаги комсомол ячейкалари 240 тадан 447 тага етди.

Очил Шаропов Абдулла билан хайрлашаркан, уни қучиб:

— Хайр, ака, — деди. — Равшан Рўзи билан Едгорхўжага салом айтинг. — Кейин Уткин, Сяскин билан ҳам хайрлашиб, Комил калавага: — Тўғри Чилонзор гарнизонига борасиз! — деди. — Ҳасан ақанинг Паданга бўлганларини айтиб бердим-а? Соққисиз юрманглар.

Комил калава таъзим қилди.

— Соққи бўлмаса, ҳеч қаёққа жилмаймиз! — деди. — Буларни олиб қоламан ёки ўзим... Бойсунга бориб, аскар олиб келаман.



А. НАБИЕВНИНГ КОМСОМОЛ БИЛЕТИ.

— Шундай қилинг.

Шеробод дарёси — ўнг томонда, паст-баланд сарғиш тепаликлар ортида қолиб борар, ҳамон гили тўзиб ётган йўлда кетмишар экан, чап томонда — қизғиш бағирли бет остида бир тўп ўтов ва кулбалар кўринди.

Абдуллани ҳайрон этган нарса — ўтовлар олдида на бир ит, на эшак кўринмаётгани-ю, эшиклар оғзида одам қораси кўзга чалиниб қолаётгани бўлди.

— Нега?.. — деб сўради Абдулла.

— Сал юрсак, Эгарчи келади, — деди Комил калава. — Ундан нарис Чилонзор-да...

— Э, Чилонзорга босмачи босқин қилган бўлса...

— Балли! Бу ернинг одами шунини эшитган бўлса, мол-ҳолини яширган-да.

Ҳамма сергак тортиб кетди.

Уткин милтигини ўқлаб олди. Кейин Абдулла ҳам бешотарни олиб тиззасига қўйди.

Улар — тўртовлон йўл айрилишдан беридаги Тумшўктепага чиққанда, олисдан ўқ овозлари эшитилди ва дарё соҳили бўйлаб елиб кетаётган иккита саллали отлик кўринди.

— Абдуллажон, пастга энамиз! — деди Комил калава.

Улар Тумшўқнинг ён томонига тушишди.

— Гарнизонга борамизми? — деди Абдулла.

— Ахир, отишма...

— Эса, мен ўзим бориб келаман, — деди Комил калава.

Абдулла унга хавотирланиб боқди.

— Отишмага араллашиб қолсангиз-чи?

— Йўғ-э, Абдуллажон ака, — дея Комил отидан тушди. — Пиёда бораман. Йўловчи бўлиб... Амаллаб гарнизонга кирсам — армон йўқ. Беш-ўнта аскар оламану қайтаман.

— Комил ака, ўзингизни босмачи деб...

— Қуролсиз одамга тегишмайди. Бунинг устига, ҳозир қайси дарвешдан камим бор!

Комил калава ўзича фотиҳа ўқиди-да, ёнбағирдан эмақлаб чиқиб кетди.

Булар отларини сув урган арнага эндириб боғлаб, Уткин танлаган камарга кириб ўтиришди.

— Биз ҳам формасиз чиқсак бўларканми... — деди Абдулла.

— Босмачилар узоқ турмайди барибир, — деди Сяскин.

— Дарвоқе!

Дарёнинг у соҳиллари қизғиш, соҳил усти — ундан нари кета-кетгунча сайхонлик эди.

— Ана ўша катта ялангликдан ўтгандан кейин Оқмуртнинг ўтови келади, — деди Сяскин. — Яхши чўпонда. Агар бўлса... Борсанг, олдинга қурут, қатиқ қўяди. Бир ўзи яширди.

— Биз тарафми?

— Мен учун ҳамма — одам, дейди. Лекин муомаласидан сезаман: бизга ён босади.

— Қизиқ... чиндан ҳам шу ёқдан юрсак, йўл икки қарра қисқарадими?

— О, албатта.

— Босмачилар нима учун Чилонзорга босқин қилган, деб ўйлайсан? У ерда гарнизон бўлса...

— Сабаби оддий: бу атрофда халқ яшамайди ҳисоб... Қўй бўлмагандан кейин бўриям бўлмайди.

— Сен маладес...

Тепадан тошлар тўкила бошлади. Комил калава ҳансираб тушиб келди.

— Абдуллажон ака, иш чатоқ. Некалайсаройгаям боролмадим. Отишма бўп ётипти!

— Нима у — Неколайсарой?

— Қўрғонча-да. Инқилобдан олдин қурилган.

— Хўш, нима қиламиз энди? Ҳарқалай, орқага қайтмасмиз?

Комил калава қўлларини ёзди.

— Бу ерда отишма ҳали-бери тугайдиганга ўхшамайди, Абдулла ака. Босмачиларнинг қайтадиган чўти йўқ. Эшниёз отряди Сайробдан етиб келса-ку, бир иш чиқар...

Уткин мулоҳаза айтди:

— Нима қилиб бўлса уша саройга бориш керак. Лозим бўлса, аскарлар сафида туриб...

Абдулла унинг елкасидан қучди.

— Бу гапни фақат сен айтишинг мумкин.

— Шуям гап бўлди-ю!— деди Сяькин.— Биринчидан, босмачилар барибир кетишади... Иккинчидан, бизнинг жангдан ҳам муҳимроқ ишларимиз бор! Бу ерда шикаст ейиш ҳам ҳеч гапмас...

— Отангизга раҳмат,— деди Комил калава.

— Хўш, бўлмаса нима қиламиз?— деб сўради Абдулла.

— Мен Шерободга қайтганим билан фойдаси йўқ,— деди Комил калава.— У ерда на милиса, на аскар бор. Бойсунга...

— Бўлмаган гап!— деди Абдулла.— Сизни Бойсунга юбориб, қачон аскар олиб келадилар, деб кутиб ўтирар эканмиз-да?!

— Йўғасам...

— Кетиш керак!

Бу хавфли-даҳшатли, бироқ ягона йўл эди.

Бойсун

Отларни етаклаб, арна ичи билан дарё бўйига тушдилар. Сувдан кечиб ўтиб, Қамишловга олиб борадиган йўлга чиқдилар.

Бу ёқ — бепоёнлик. Сарғиш дашт. Дийдираган буталар, мол маза қилиб ейдиган хашалак ва жангшоҳлар тўп-тўп бўлиб, совуқ ургандек қаройиб ётар, сув оққан бузуқ жойлардан юлғунлар бўй чўзиб турар эди. Ҳар қадамда тўрғай учрайди. Чу-лу-лулаб сайрайди. Сайраши шу қадар узунки, қачон нафас олиб улгуришига ҳайрон қоласан.

Адирлар адоғида — оқ ўрқачли бир тепа осмонга кўтарилиб, уфқни тўсиб туради.

У — Бўритахти.

Машҳур Алпомиш авлоди — Бойбўри яшаган жой, яъни, Бойбўрининг тахти деб аталади у.

Чиндан ҳам бу ерда қадим-қадимдан яшаб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган эл ўзини тўғридан-тўғри Алпомиш авлоди санайди.

Қамишлов кўринди.

Узун кетган тўқай: сарғиш-оқ. Унинг ёни — қорамтир майдон — кўра. Қўрадан ўнг томондаги ўрқачли адирнинг бу ёққа қараган терскай бети хиёл оқариб турар — табиий, қор учқунлари қўниб қотиб қолган эди.

Шу тепа ўрқачида ёш боладек биров кўринди-да, таёғини бошига кўтариб, чўпончасига ҳайқириб берди. Булар тўхтаб, беихтиёр милтиқларини ўнглашди.

— Бир гап борми, Комил ака?— деди Абдулла.

— Борга ўхшайди.

Тепаликдаги кимса ёна бетда тоя-тоя тушиб кела бошлади.

Уткин хавотирланиб атрофга қараркан:

— Комил ака, шу йўлдан ўтганмисиз кеча?— деб сўради.

— Шу ердан. Худди шу ердан,— деди Комил калава. Сўнг ўйланиб: — Абдуллажон ака, Утанбек Хитойқишлоққа ҳужум қилган бўлса, Чилонзорга бу ёқнинг босмачиси тушган бўлишиям мумкин,— деди.

— Бу ёғингиз — қаёқ?

— Шу... Бойсунтоғ, Боботоғ-да.

— Бу нарса кўпроқ сизга маълум бўлиши керак.

— Нима, мандан... гумонсираяписизми, Абдулла ака?

Тўртта болам бор, ёлғон айтсам... Бу йўлдан бир мен эмас, кўплар ўтди...

— Қандай «кўплар»?

— А, бозорчилар-да!

Кимса етиб келди. Ҳамманинг кўзи унда. У ўртабўй, эгнида бўзранг чакмон, оёғида учи қайтиқ, қулоқли пойабзал — мўкки, кўлида бўйидан баланд заранг таёғи бор эди.

— Ассаломалакум, — деди.

— Салом,— деди Абдулла.— Нимага тўхтатдингиз бизни?

У Комил калавага қараб:

— Сиз Бойсуннинг одамига ўхшайсиз,— деди.— Айтинг буларга тақсир... анави Шодибойнинг қоқи¹ бошида ўттиз чоғли Бойсун одами ётипти. Босмачилар барини куллуқлаб-кўганлаб² кетипти. Бечоралар — бозорчилар экан.

— Қаёққа кетишипти?

— Чилонзорга. Поён хирри деган бирини қоровул қўйиб кетишган экан. Уям Қўрғонкамарга энди... Мени йўлда учрати: «Ётганларни бўшатсанг, етти пуштинг қурийд», деди.

— Сиз шунга «хўп» деб... — зарда қилди Абдулла.

— Қайтай, оға... Улар бошида бир оз турдим. Кейин, сизларга кўзим тушди. Отряд экансизлар. Қуролларинг бор. Қутқариб юборинглар, савоб...

Абдулла Комил калавага қаради.

— Балки бизни алдаётгандирсан?— деди Комил калава кимсага. — У ёқда куллуқланган ҳеч ким йўқдир-у, босмачилар писиб ётгандир?

— Тепамда худо бор!

Абдулла сўради:

— Сиз ўзингиз кимсиз? Қаердан келяписиз?

— Истара чўлидан. Ўзим Шобердибойга чўпонман. Шу ерда, ҳе қудуқ қошида ўтовим бўлгич эди, хотиним... Эшниёз камандир уларниям Қизилқияга кўчириб юборипти. Шуларни кўргани...

Уткин Комил калавага юзланди.

— Хўш?

— Мен ўзим бориб келаман... Э, кўраман-э!— деди Комил калава.— Сизлар бу одамни қўймай туринглар!

— Бу — бошқа гап,— деди Сяькин.

Комил калава отини елдириб кетди. Ҳадемай қирни қиялаб тепага чиқди, тўхтади, сал нарига юрди-ю, буриласолиб, қамчи билан имлай бошлади.

Абдулла бирдан отини ниқтади: бўз тулпор учиб кетди.

У ер-бу ердан аста-секин буғ кўтарилаётган ёнбағирда чиндан ҳам ўттиз чоғли одам — чол, йигит, бола чўзилиб ётар, улар бир-бирларига бўйинларига солинган сиртмоқ билан боғланган, оёқлари ҳам «тушовланган» эди. Ранглари бўзариб, кўкариб кетган.

— Вей, даҳшат!— дея Абдулла отдан сакраб тушди. Комил бўзнинг жиловидан олиб, ўзи ҳам тушди.

Абдулла улар қошида энгашган кўйи бир дам қотди. Сўнг:

— Пичоқ борми? — дея орқасига қараб бақирди. Кўнгли бузилди: — Бечоралар...

Комил калава пичоқ келтириб тутди. Абдулла уни оласолиб бир чеккадан — сиртмоқлар туташ чилвирни кесмоққа тушди. Кейин бурилиб, ортда қолганларнинг оёқларини бўшатмоқчи бўлди: улар ўтириб олишган, Уткин билан Сяькин бандиларнинг қайириб боғланган қўлларини ечмоқда эди.

— Баракалло, баракалло,— дейди Комил калава. Унинг кўлида Уткин билан Сяькин отларининг ҳам жилови.

Қўли озод бўлганлар оёқларидаги тушовни еча бошлашди.

Атрофда инқ-синқ, нола, йиғи, олқиш...

¹ Емғир сувлари тўпланадиган қўл

² Сиртмоқлаш

Абдулла, ниҳоят, энг четда ётгани ҳам озод қилиб уларга бирпас тепадан боқиб турди.

Ҳам раҳми келади: «Бечоралар...» Ҳам жаҳли чиқади: «Қандай қилиб шунча одам банди қилдириб қўйди ўзини?..»

— Нима бўлди? Нима гуноҳ қилган эдинглар?— деб сўради у кейин.

Уртада ўтириб олиб, оёғидаги чилвирни ечаётган бурни шапалоқдек барваста йигит:

— Айб қаёқдан бўлсин бизда-е!— деди.— Эрта пайшанба бозор деб Шерободга келаётиб эдик-да, ака.

— Мен кўнчи, чармим бор эди...— деди олача чопонли, серсоқол, сарғиш киши.

— Мен бир сабат узум обораётиб эдим... Эшагимниям ҳайдаб кетди,— деди бир чол.

— Мен — заргар...

— Мен — мискар...

— Молларимизни Қўрғонкамарга опкетишди,— деди бурни шапалоқдек йигит ва ўрнидан туриб, сиртмоқни бошидан чиқариб ташлади.— Омон бўлинглар. Борларингга шукр.

Абдулла унга тикилди.

— Поён хирри деган ўша камарга кетдимиз?

— Ҳа. Уларнинг қўшхонаси у камар!— Бурни катта шундай деб, Абдуллага тикилиб қолди.— Ука, сиз меҳмонми?

— Нимаиди?

У Абдулланинг ёнига ҳаллослаб келиб:

— Улар бир меҳмонни кутишаётипти,— деди шивирлаб.

Абдулла ачиқ кулимсиради.

— Балки мени?

— Балки.

— Хўш, сизларни бу ерда банди қилиб ётишларидан мурод нима?

— Ана шунисига ўзимиз ҳам ҳайронмиз. Ҳар биримизни ҳар ердан тутиб келишди... Баъзилар кеча қўлга тушган...

— Қизиқ!

— Улар қандай босмачилар ўзи? Гап-сўзларини эшитган бўлсанглар, кимлигини сал-пал билгандирсизлар?— бақариб сўради Комил калава.

Йигит бир нафас Абдуллага қараб турди-да:

— Салом, — деди.

— Салом калта?

— Шу.

— Салом тўқсабо?

— Ҳа.

Абдулланинг юраги гурс-гурс уриб кетди: у билан... у ваҳший билан... Паданг Шўро раисини Санжартоқда эл олдида кўзига қоziқ қоққаннинг шериги билан бирам учрашгиси келди!..

Қандай одам экан у?..

Шунда жанубдаги тепалик устидан даҳшатли бир қийқириқ янгради. Ҳамма у ёққа қаради. Қияликдан бир бўз отлиқ «чўзилиб» тушар, унинг изидан ўнлаб отлиқлар энишмоқда эди. Бирдан бутун атрофни жўр қийқириқлар садоси, отларнинг кишнаши босиб кетди.

Абдулла буриласолиб отга қараб чопди-ю, одамларнинг йиғлаб-увлаб ўтириб-ўтириб олаётгани, баъзисининг этакка қочаётганини кўрди, худди кечирилмас бир гуноҳ иш қилиб қўйгандек таққа тўхтаб:

— Костя! Миша!— деди.

Шунда Комил калаванинг ўзи шошганидан қўйвордими ё ўзлари жиловини уздиими — отлар ҳар ёққа қараб қочди.

— Сволочи!— деб бақирди Уткин ва қоқ атрофидаги калама тошлар ортига ўтиб, чўк тушди.

— Қочинглар! Ётинглар!— дея Сяькин ҳам милтигини ўнглаб, Уткиннинг ёнига тиз чўкди.

Абдулла ҳам улар томон чопаркан, «Ана, бошланди!» — деб ўйлади қандайдир совуқ қувонч билан. — «Энди отишамиз!»

Шунда ажиб ҳол юз берди: босмачилар на бу ерга чиқишади, на овозлари эшитилади.

— Барибир отиб ташлашади-ю... — деди Уткин.

— Ваҳима қилма,— деди Сяькин.— Уқимиз кўп. Бизни «олишолмайди».

— Узлариям кўп эмас, — деди Абдулла ва атрофга аланглади.— Комил ака!

— Комил ака!— деб чақирди Сяькин ҳам.

— Отларни қувиб кетди,— деди бурни катта йигит. Булар бир-бирига қарашди: у ёқда босмачилар бўлса-ю, бу ёқда Шўронинг бир одами от қувлаб юрса?!

Шу пайт этакдан:

— Отманглар!— деган товуш эшитилди. Сўнг қамчи сопига боғланган оқ қийиқ кўринди. Барибир Уткин уни нишонга олиб турди. Ниҳоят, сур телпакли бош, очик кўкрак, ҳар кифтига бир йигит ўтирса бўладиган елка... Қуроли йўқ эди.

— Эсон босмачи! Эсон полвон!— деди бу ёққа қарамай, бурни катта йигит.— Меҳмон ака, тузук одам бу. Бизни аяди.

Абдулла қўзғалмоқчи бўлди-ю, Уткинга қаради.

— Турайми?

— Яқинроқ келсин!

У бемалол, ишонч билан юриб келаркан, Абдулланинг ори келди: ўзи ҳам бемалол бориши керак!

Абдулла ирғиб туриб, тошқаламадан нарига ўтди.

— Салом бердик,— деди у.

— Алик олдик,— деди Абдулла.

Эсон полвон қийиқни қамчи сопига ўраб, йиғлаб-сиқтаб ўтирган одамларни четлаб ўтди.

— Ука, сен Набиевмисан? — деди.

Абдулла донг қотди.

— Хўш?

— Айт.

— Ҳа.

У жимиб, қандайдир ачиниш билан, энди одамларга қараб қўйди. Сўнг синиқ-аччиқ кулимсиради.

— Буларнинг дарагини эшитиб, бу ерга чиқиб келдингми?

— Ҳа.

— Эсиз.

— Нимаиди?

— Сени кутаётган эдик-да. Кечадан бери. — У ўйланиб, Абдуллага тик қаради.— Ука, Хуррамбек сени ўлдириш учун юборган бизни. Саломнинг одамлари Бойсунга келаётганиниги билиб, бориб айтган эди.

Абдулла жим.

— Хўш,— деди у ниҳоят, — сиз нимага бу ерга чиқиб келдингиз?

— Бу ошналаринг кетсин. Сен қол. Саломнинг буйруғи шу.

Абдулла ғамгин кулди.

— Ортиқча қон тўкилмасин дейдими?

Эсон полвон ҳам кулди.

— Ҳа.

— Лекин, кейин мени...

— Ҳа... Шунинг учун манавиларни йиғиб ўтирибмиз-да.

— Раҳмат...

Эсон бирдан хўрсинди.

— Қочинглар бу ердан!.. Бу одамларга ҳеч бало бўлмайди: буларни ўлдириб, обрўси ошмайди кўрбошини.

Уткин билан Сяькин ҳам уларнинг сўзларини эшитиб туришарди.

— Қаёққа қочамиз? Қаёққа?— деди Сяькин.

— Ана!— Эсон полвон Қамишловни кўрсатди. — Тўқайнинг ортида чуқур арналар кўп.

— Хўш?— деди Абдулла.

— Кириб олсаларинг, қутулиб кетишларинг мумкин... Сизларда ўқ кўп бўлади-ку.

— Уқ беҳисоб!— деди Сяькин.

— Қоронғи тушгандан кейин биз барибир бу ерда қололмаймиз... Бойсунга етмаганларинг маълум бўлиб, у ёқдан отряд етиб келади, албатта.

Абдулла унга тикилди.

— Сиз кимсиз ўзи?

— Нима ишинг бор... Сенга раҳмим келяпти, холос... Ёш экансан.

— Куллуқ.

— Йўқ! Биз бу ердан жилмаймиз!— деди Уткин.— Отишамиз.

— Ҳамманг ўласан экан.

Абдулла чуқур нафас олди.

— Сизга ишонса бўладими?

— Худо битта!

Абдулла Қамишловга қараб олди.

— Биз ёнбағирга тушганда...
 — Кўп гап — эшакка юк!.. Бўлмасам мен қайтаман...
 Кейин сизларни ўраб оламиз... — У кулимсиради.— Бу ердан баланд тепаликлар ҳам бор.— Кунчиқарга қараб кўйди.— Бекорга ўлиб кетасизлар. Гап шу.
 Абдулла одамларга қаради.
 — Қочинлар!— деди бурни катта.
 Этакдан овоз келди:
 — Хўй, Эса-ан!
 Абдулла Уткинга тикилди.
 — Кетдик! — деди Сяькин.

Учовлон Қамишловга етиб, энди сойдан ўтишаётганди, қир устидан қийқириқлар янграб, милтиқлар отилди.

— Кетдик!— дея Абдулла соҳилга чиқди-ю, чиндан ҳам бу ёқдаги икки дўнглик орасида сув оқа-оқа ўйиб юборган арнани кўрди. Шунда оёғи чуқурга тушиб кетди. У қабристон четидаги (Ҳақимбобо қабристони) гўрга оёғи тушганини англади. Акаси Қодиржоннинг Қўқондаги Катта қабристонда отилгани ёдига тушиб, жонҳолатда олдинга интилганда, елкасига тушган таёқ зарбидан мункиб қолди.

Шу замон ўқ овози эшитилди. Кўзини очиб, ғира-шира кўрди: бояги чўпон ёнида — дўмпайган гўр биқинида ёнбошлаганча типирчилар, Уткин билан Сяькин Қамишлов ортига ўқ уза-уза арнага яқинлашмоқда эди.

Қий-чув овозлар кучайиб кетиб, отлар кишнаши атрофни тутди. Қулоғига «Абдулла?!» деган овоз элас-элас эшитилдию кўз ўнги қоронғилашиб қолди.

У ўзига келганда... бояги ўрқачда — қоқ бошида, ўша тошларга суяниб ўтирар, қўли орқасида боғлиқ, оёқлари узатилган эди. Рўпарасида — одамлар. Тик туришарди. Дийдирашиб. Кимдир кимга бақиради.

Шунда ён-верида гала отлиқлар турганини кўрди.
 — Ҳайда энди-е!— деди кимдир бировга.
 Орқа томондан ҳамон отишма саси эшитиларди. Абдулла бурилиб қарадию хўшёр тортиб кетди.

Пастда — Қамишлов ортида — дўстлари арнада туриб отишяпти.

Тўқайдан берида — бир неча отлиқ..
 Узи эса...

Ён томондан ёли оқ, малла отлиқ чиқди. Абдулланинг қаршисига келиб, юганини тортиди. Унинг бошида лунги салласи бор, эгнида малла чакмон, оёғида ўкчалли этик, ёнида қилич ҳам тўппонча. Бешотар милтиғини эгар қошига кўндаланг қўйиб олган.

У майин жилмайди.
 — Сиз-Салом калтасиз? — деди Абдулла.

У бирдан ғижинди-ю, ўнг-сўлига қараб:
 — Ҳайданлар! Улар отиша берсин! — деди. — Жўра-қул, муни отинга мингаштириб ол!

— Мен ўзим мингаштираман! — деди орқадан биров.
 Абдулла унинг овозидан Эсон полвон эканини англади. — Энди қочиб кетолмас.

Абдулла уни сўқагандек, ҳали у атай алдагандек, кескин қаради-ю, ўзини босди: ҳарқалай, дўстлари омон қолди.

Икки йигит Абдуллани тикка қилиб, сўнг кўтариб Эсон полвоннинг орқасига ўтқазиди. Эсон ўзи юганга боғлиқ қил чилвирни ҳалқа қилиб боши ошира отди-да, Абдулланинг белига тушириб, учларини боғлади.

Абдулланинг яна бирдан кулгиси келди: бу нима қилиқ? Дарвоқе! Мана бу жилаётган одамларни нега боғлаб қўйишган? Узи учун-да: уни кутишган экан-ку?

Абдулланинг эти жимирлаб кетди.
 Булар бир Шўро раисини ҳам халқ олдида...

У лабларини тишлади: наҳот умри кесилса?! Қўққисдан... Йўқ, балки...

«Энди, энди, — деди у энтиқиб. — Шундай ўлиш керакки... — У яна одамларга боқди. — Булар олдида... А-а! Булар олдида, демак, ўзим биламан...»

У, кучи, ниҳояти шунга етишини ўйлаб бошини эгди.

Кейин чуқур хўрсинди. Кейин бирдан қарахт тортиб кетди.

Одамлар ўртада — «сурув» бўлиб жилишди. Атрофда ва орқада отлиқ босмачилар. Салом кўрбоши олдинда.

— Полвон, қаерга оборасизлар мени? — деди Абдулла.
 Эсон бошини қимирлатиб, қамчини олға силкитиб кўйди.
 — Ҳали кўрасан... Фалокат-да, ука... Эски қабристон-да у...

— Ҳа... Чўпон хоин экан, — деди Абдулла.
 — Хоин эмас, бизнинг одам-да. Кечадан бери йўлларингни пойлар эди. Узиям ўлди... Ажали ҳамроҳингни қўлида экан.

— Унга ўқ ҳам ҳайф.
 — Паст одамнинг ўлимиям паст бўлади.

— Эсон ака...
 — Ҳа.

— Отингиз зўрга ўхшайди...
 Эсон кулди.

— Лекин, иккимизни қутқариб кетолмайди.
 Абдулла тек қолди.

— Агар қутқаролса...
 — Барибир қочмас эдим.

— Мени қаерга оборасизлар?
 — Қўрғонкамар зовига.

— У қандай жой?
 — Зов-да... Чўққи. Пасты — зов. Тўқсаболар энг ёмон кўрганларини шундай жойда ўлдиришни яхши кўради.

— Эшитган эдим.
 Отлар пишқиради. Туёқлар музлаган ерда сирғалиб кетади. Яроғларнинг шақир-шуқури, сувлиқларнинг шиқирлаши... Гўё бир сафарга кетаётган карвон бу.

— Айтмоқчи, Комил ака қаерда қолди? Шундай кишини...

— Уни қўй.
 — Нега?

— Сизларни бу йўлга солган шу-ку!
 — А-а... У хоин денг?

Эсон енгил кулди.
 — Чилонзорга бориб келдимиз?

— Ҳа.
 — Бекор гап.

Абдулла беҳол тортиб кетди: «Шундаям бўладими одам? У — хоин. Лекин, қандай сўзамол... Шундай бўларкан-да хоин? Ҳа, шундай бўлади. Бунинг таажжубли жойи йўқ. Бироқ қолдирадиган алами... На чора!»

Улар ҳали Эсон полвон қамчи билан кўрсатган тепаликка чиқиб, қўйига эндиладар. Бу ердан қаттиқ совуқ шамол эсарди. Одамлардан бир-иккитаси йиқилди. Уларни қамчилаб турғизишди.

Навбатдаги довон — Қўрғонкамарнинг сирти эди. Унинг нари томони — зовлик.

Бойсун атрофида бундай жойдан иккита: бири — Қорадарода. У зовнинг лабига тош бўлиб қолган аждаҳо бор, деб нақл қиладилар: аждаҳо этакдан — камида уч терак бўйи келадиган пастликдан ўтган кимсани комига тортаверган эмиш. Кейин бир авлиё уни дуоибад қилиб, тошга айлантириб қўйган эмиш. Чиндан ҳам зов лабидан хиёл чиқиб осилиб турган узунчоқ тош этакдан қараганда баҳайбат илонга ўхшаб кўринади.

Лекин, қадим-қадимдан одамларни ваҳимага солиб келадиган нарса — бу эмас. Қасдмандларнинг ўч оладиган тансиқ жойи у: душманини ўша ердан тепиб учиривади. Қўрғонкамарнинг зови унчалик баланд эмас. У ёнбағирнинг силжишидан пайдо бўлган, икки терак бўйи келади. Лекин бундан тушган одам ҳам...

Ёнабет торс-торс ёрилган. Оралиқлар қорайиб туради. Янтоқ ва бодомчалар кўп. Улар орасидан дув-дув этиб гала-гала какликлар учади.

Кўкда қирғий қийқиллайди ва бу ҳолат ҳам атрофга теран бир сукунат бахш этади.

Карвон жилади.

— Совқотдингми?
 — Қўлим... — деди Абдулла. — Ҳали ип қийиб оғриётган эди. Энди билинмай қолди...

— Яхши.
 — Сизнинг бола-чақангиз ҳам борми?

— Яхши.

— Сизнинг бола-чақангиз ҳам борми?

— Яхши.

— Сизнинг бола-чақангиз ҳам борми?

— Сўрама, ука.
— Майли.
— Эшниёз камандир сизларни Сайробда кутмоқчи экан-да?

Абдулла дафъатан ҳаяжонланиб:

— Ҳа, ҳа! — деди.
— У ёмон...
— Нега?
— Саломдан сени қасдингни олади.
— Шундай денг?
— Ҳа... Улар иккиси бир жойдан. Лекин, икки одам... Салом Эшниёзни ўзига тортиш учун кўп уринди. Бўлмади. Эсон полвон отини четга олди: от хансирар эди.
— Гапиринг, ака.
— Сен қўрқмаяпсанми?
— Нимадан?
— Балли.
— Сиз ҳали бизни жўнатгач... нима қилдингиз?
— Бир оз қараб турдим. Кейин пастга эниб бордим.
— Эшниёз акани кўрмоқчи эдим-да... Умуман, кўп ишлар бор эди...

— Қизиқ йигит экансан... Бир гал Салом кўрбошининг буйруғи билан Эшниёзнинг Робия деган хотинини опқочган эдик. Кейин Саломнинг ўзи аёлни қопга солиб, отга ортиб Эшниёзнинг уйига обориб ташлади. Шундаям Эшниёз унга ёв бўлиб қолди...

— У бошда қандай бўлиб Шўрога ўтган?
— Уни туғилишдан шўрочи бўлган, дейишади. Йў-ўқ, эркинликни яхши кўради-да. Узи камбағалдан чиққан. Отаси Мамаражаббойнинг обкаши эди...
— Мамаражаб...
— Унинг кенжа хотини Саломга тушди... Салом кўрбоши бойлардан.
— Ҳа-а.

Кўрғонкамарнинг устига чиқиб бордилар. Бу ерда изғирин шамол эсар, харсангошлар ялтираб ётар, у ёқ — зов, пасти кўринмас, кунгай бўлгани учун ҳовур кўтарилганми, этаклар оқчил-ялтироқ туманлик қўйнида эди.

Абдуллани отдан тушириб, Салом кўрбошининг қарши-сига қўйишди.

Салом катта харсангга суюниб, қамчи сопи билан тошга тик-тик уриб турарди. Одамларни ҳам туртиб-туртиб, бир томонда ярим доира шаклида тизишди.

Бечоралар... Қалтирайди, титрайди. Барида даҳшат!

Салом кўрбоши тошга қамчи сопини қаттиқ урди-да:
— Халойиқ, мен гапни қисқа қиламан! — деди. — Бу йигит сизларни ҳам йўлдан урган, қариндош-уруғларингни чалғитган, Бойсунни чин эгаларидан тортиб олган Шўроларнинг вакилларидан бири!.. Унинг ёшлигига ишонманг! Уни бекорга юбормаганлар бу юртга — Бойсунга!

— Тўғри! — деди Абдулла бирдан. — Мен Шўронинг одамиман! Уни мустақамлаш ишига ҳисса қўшиш учун келганман!

— Эшитдингларми? — деди Салом.
Одамлар бир нималар деб гўлдирашди.

— Бу жадид! — дея давом этди Салом кўрбоши. — Бу — худосиз!.. Бойсунда хотин-қизларимизга паранжи ташланглар, юзларингни очинглар, деб ташқивот қилаётган динсиз, шарм-ҳаёсизларга дарс бериш учун келган!

— Ҳа! — деди Абдулла. — Лекин динсиз, худосиз, деб ёлғон гапирди бу одам... Шўро ҳукумати ҳеч қачон динга, урф-одатларга қарши бўлмаган! Яна: хотин-қизларга юзларингни очинглар деб, уларни бунга мажбур ҳам қилмайди. Фақат, — деб хитоб қилди Абдулла, — тўрт девор орасида қолманглар, дейди... Эй, одамлар! Тингланглар!..

— Сени ҳозир шу тилингни суғириб оламан! — деди Салом бирдан қизишиб.

— Мен ёлғон сўзласам, ўлимдан қутулишни ўйлаган бўлар эдим, кўрбоши! — деди Абдулла. — Мен уни бўй-нимга олиб турибман-ку! Рост гапириб ўлай деяпман!.. Эй одамлар! Қадларингни кўтаринглар! — дея яна алам билан хитоб қилди Абдулла. — Қўрқаясизлар-а? Қўрқманглар!

— Ҳа, кўрқманглар, сизлар тирик қоласиз. Бу ўлади, — деди Салом кўрбоши.
— Ана шундай экан...

— Хуллас, биз Шўронинг бундай маддоҳларини ўлимга ҳукм этганмиз!

— Мен ўлганим билан, эй одамлар, Шўро қолади! — деди Абдулла. — Ҳали сизларнинг олдинларда ер ислоҳоти турипти...

— Кўрдингларми, буларнинг ўзи — босмачи! — деди Салом кўрбоши. — Бойларимизнинг ҳалол мол-мулкларини тортиб олишади!

— У бойликлар мана шу шўрликларнинг пешона тери билан келган! — деди Абдулла. — Шўро уларнинг ҳақини ажратиб беради... Эй, одамлар! — дея бақириб юборди Абдулла. — Жўн эмассизлар-ку? А?.. Шўро нималигини кўриб турибсизлар-ку! Ахир, бу одаму мана бу турган йигитлар ким? Қароқчилар, холос! — Абдулла алланечук титради-ю, кулиб юборди. — Булар уятсиз!.. Яхшиларни гапига қараб эмас, қилиб турган ишларига қараб баҳо берадилар-ку, расми? Ха-ха-ха!.. Булар сизларни талаган-ку! Икки қоп арпа учун Яхшибой халфани ўлдирган одам-да шу!..

Салом харсангга қарсиллатиб қамчи урди.

— Гап шу! — деди бирдан. — Эшитяпсанми, халойиқ, булар... шундай гапириб-гапириб ўлиб кетади! — У яна қамчи урди харсангга. — Шўроларга бутун олам қарши! Шуни билиб қўйинглар! Бугун буларнинг қўли сал баланд бўлса...

— Аксинча! — деди Абдулла. — Шўро инқилоби дунё инқилобига айланади...

Шунда Абдулла кишини йиғлатадиган ички қувонч билан, дийдираган, титраган одамлар қиёфасида бир нурни пинҳона, аммо теран мамнуниятни кўрди.

— Хайр, одамлар, — деди аста. — Менинг бу гапларим ёдларингдан чиқса...

— Ҳа, бунинг ўлими ёдларингдан чиқмаслиги керак! Бунинг йўлини тутган ҳар бир одамнинг қисмати шундай бўлади!

Салом ишора қилган эканми, икки йигит келиб унинг қўлларини ушлади. Бошқа бир йигит орқадан шинелини ечиб олдию яна бири унинг кўкрагидан отариб, бир пой этигини шартта суғирди. Абдулла иккинчи пой билан уни тепмоқчи бўлди-ю, кулди.

— Ол-э! Кўрәсизларми?

— Бўл энди! — деб бақириб юборди Салом. Босмачи иккинчи пой этикни ҳам суғириб олди-ю, Абдулла орқадан узатилган қўллар қора қийиқ билан кўзини боғлаётганини пайқаб қолиб, қаттиқ ҳақоратлангандек тисланиб кетди.

— Кўрбоши! Нима учун бу иш? — деди. — Нега кўзимни боғлайди?

Салом гангигансимон бўлиб кулимсиради.

— Кўзим очик кетсин, дейсанми?

— Йўқ, отсангиз...

— Отмайман.

— Бўлмасам...

— Олиб ўт!

Абдуллани харсанг ёнидан ўтказиб, зовга қаратишди. — Бўл! — деб бақирди Салом кўрбоши.

Абдулла беихтиёр ортга тисландию ортидан берилган зарбдан қуйига учди...

У эсидан оғган экан. Эсига келиб, бошини кўтарди: қаршисида оппоқ ялтироқ туман. Қаддини ҳам кўтармоқчи бўлди-ю, қўллари... боғлиқ эди. Ёношига ағдарилиб, туриб ўтирди.

У тоқчага тушган эди.

Буни англаб, зўр бериб қўлини бўшатишга урина кетди. Бироқ, қил чилвир тугуни ечилмас, аксинча, у қимирлаган сари билагини кўпроқ қияр эди.

Хўрсинди.

Сўнг бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди: «Кўзим очик-ку! Тирикман-ку?...»

У қаршисига — оқиш-ялтироқ туманга яна қаради-ю, юраги орқасига тортиб кетди: сал қалтис ҳаракат... кўзи очикни ҳам жаҳаннамга қулатади. У беихтиёр деворга тикилди. Сўнг ён-верига қаради.

Зов бетидаги тоқча-қатда экан.

Қаёққа бориши керак?

Улар тепада...

Ҳаракат қилиш керак.

У ўтирган ерида тусмонлаб, Қамишловнинг чап томонида экани, тўғрироғи, чап томонга жилсаю пастга тушиб, қирни айланиб ўтса...

...Қоронғи тушсин.

Йўқ. Унда бу ерда қолиб кетади. Совуқда ўлади — энг бемаъни ўлим.

Уткин ва Сяькин билан Қамишлов берсидаги босмачилар орасида ҳамон отишма бўлмақда эди.

Тўғри, энди икки тарафдан ҳам ўқтин-ўқтин ўқ узиларди.

Уткинлар жойлашган арна ёт кўздан панада: душман тўғридан келолмасди; арнанинг ўнгу сўл томони ҳам ётиқ ёнбағир бўлиб, у ерга қўнган тўғрай ҳам буларга кўринарди.

Булар эса... кўринмасди.

Салом кўрбоши Қўрғонкамар пастига эниб, одамлардан таланган молларни Уткин, Сяькин ва Абдулланинг отига орттирди. Сўнг Шодибой қоқи бошига келиб, Қамишловга бир оз қараб турди-да:

— Хуржунида нима бор экан? — деди.

— Пул, — деди Жўракул жаллод, — Қоғоз пул.

Салом уф тортди.

— Шерободга юбор.

Шунда Абдулланинг этиги талаш бўлиб қолди.

— Бачкана бўлманглар, — деди Салом. — Қосим, қўнжини қийиб ол. Бўлашиб бер. Қўн-пинга ярар.

— Ана, гап мундай бўпти-да.

...Абдулла қирдан бурилиб ўтиб, кулимсиради. Шунда ўқ овози эшитилди. У туриб қолди. Жимлик... Кейин, беихтиёр энгашиб чопа бошлади. Бора-бора, бирдан отилиб тушди. Ерда тош, муз. Абдулла ҳансираб, оёқлари шилиниб, бир-бир босиб жиларкан, энди тўхтаб-тўхтаб дам оларди.

Бир арнанинг кўтарилган ерига етди. Унда чикиб, қирга ўрмалади. Ўрқачдан қаради. Нариди яна бир ўрқач. Чопиб пастга тушдию юзтубан йиқилди. Анча ётди.

Сўнг: «Барибир тирикман-ку!» деб кулиб, туриб ўтирди. Шунда қир устида отлар пишқирди.

Абдулла қараб, отлиқларни кўрди.

Салом отининг жиловини тортиб, унга тикилиб турарди.

— Сенмисан?

— Мен, — деди Абдулла кулиб. — Кўрдингизми, мени ўлдириш қийин...

— Шунинг учун... марҳамат қилайми энди?

— Марҳамат керакмас! — деди Абдулла. — Лекин...

— Хўш?

— Доргаям бир марта осадилар.

— А-а.

Икки ёнидаги босмачилар орасида шивир-шивир бўлди, Салом:

— Дам туринглар! — деб бақириб юборди-да, хуржундан милтиқ чиқарди. — Сени доргаям бир эмас, минг марта осиш керак!

— Э, аттанг!

— Ҳамманг ол яроғингни!

Милтиқ чақмоқлари шиқиллади. Босмачилар беихтиёр ярим доира олишди.

— Бир жойини... бир жойини чоғла!

Бирйўла гувиллаб отилган ўқлар чиндан ҳам Абдулланинг бир жойига... кўксига келиб тегди.

Кейин, Салом кўрбоши пастга эниб, отдан энгашиб Абдуллага тикилди.

— Жўракул!

Жўракул отдан тушиб, Абдулланинг бошига келди. Ағдариб кўрди.

— Жони йўқ.

— Орт отингга! Йўлга чиқариб ташла!..

Қамишловда қолган тўрт босмачи дўмпайган қабрлар панасида ётишар, арнага ўқ бўшатишган ҳамон жавоб ўқ чиқарди у ердан.

Жўракул мурдани йўлга тушириб:

— Туринглар сизлар ҳам! — деди у йигитларга. — Барибир чиқишмайди...

Унга эргашиб келган, Абдулланинг дўпписини кийиб олган Қосим босмачи:

— Буларни ўлдирсанг ҳам ўлмайди, — деди.

Кейин, Эшбой чўпоннинг жасадини отга ортиб, қайтишди.

Уткин билан Сяькин арнадан чиқиб, Абдулланинг жасадини кўришди.

Кўзларига ишонмай уни туртиб-туртиб боқишаркан, қўллари боғлиқ эканидан лол қолишди. Сўнг оёғига қараб... Сяькин йиғлаб юборди. Кейин, нима қилишни маслаҳатлашишди. Бойсунга кетиш керак. Лекин бу хавфли маконда Абдуллани кўтариб кетиб бўлмайди: шаҳаргача қирқ чақиримдан кам эмас. Бироқ уни шу алфозда қолдириб кетиш ҳам...

Ниҳоят, уни арнага олиб боришди. Тўрға ётқизиш, боши, танаси ва оёқларини шинеллари билан ўрашди, бирон жондор тортқиламасин учун устига тошлардан ҳам териб қўйишди.

...Комил калава Бойсунга — тўғри Хўжамшукур тўқсабонинг собиқ саройига кириб борди.

— Асомиддин ака-а!

Асомиддин Усмонов билан Абдулла Қирғизбоев шу саройдаги ҳужраларда яшарди; Ҳасан Остонақулов ҳам бу оқшом Усмоновнинг уйида — учовлон Абдуллани кутиб ўтиришган эди.

— Уртоқ Набиевни босмачилар ушлаб олди. Мен зўрға қочиб қутулдим. Рус ўртоқлар жанг қилишяпти...

Улар олганиб кўчага чиққач, Остонақулов Комил калавага буюрди:

— Ревкомнинг уйига чоп! Хўжамурод ака билан қўрғонга келинглар.

Сокин кўчани туёқ товушларига тўлдириб, Бойсунсой бўйидаги қўрғонга етишди.

Шеробод қўрғонидаги каби бу ерда ҳам гарнизон қўшинлари — 79-Жанговар участка аскарлари, штаб ва комендатура жойлашган бўлиб, шаҳар коменданти, участка бошлиғи, гарнизон бошлиғи ҳам шу ерда турарди.

Ичкарига киришяётганда Остонақулов:

— Жўра, сиз милисахонага ўтинг. Бир каттани суриб келинг! — деди Қирғизбоевга.

Вилоят милиция шуъбаси бошлиғининг ўринбосари ва айна чоғда жиноят-қидирув бўлимининг бошлиғи Абдураим Саттор ўғли ҳамда тилмоч Қосим Ҳайбуллаев етиб келган бошланган йиғин тугаётганда соқчи кўриниб, иккита йигит киришга рухсат сўраётганини айтди.

Улар — Михаил Уткин билан Константин Сяькин эди.

Азонда ўндан ортиқ фаоллар ва йигирма чоғли қизил аскар отларни елдириб шаҳардан чиқишди. Томлар усти, масжид, йўл айрилишларда одам кўп. Шўро раҳбарлари кутаётган Абдулла Набиевни Бешэрқак довони этагида босмачилар ўлдириб кетгани ҳақидаги хабарни аллақачон эшитишган эди.

Абдулла Ҳакимбобо сойининг арнасида ўша алфозда ётарди. Уни алоҳида отга ортиб қайтдилар.

Қўрғонда жасадни ювиб, янги ҳарбий кийимлар кийдириб, қутисимон ёғоч тобутга ётқиздилар. Тобут хотин-қизлар клуби қаршида жойлашган эркаклар клубига олиб бориб қўйилди.

Марҳум билан видолашув 4 декабрь куни тушгача давом этди.

Кейин, тобут қўлма-қўл ўтиб, Бойсунда катта йиғинлар ва сайиллар ўтадиган, сапёрлар батальонига Турсуной чевар тикиб берган байроқ топширилган жойга — Кўктепага етди.

Атрофда оломон.

Очил Шаропов билан Малоҳат Қорабоева ҳам шу ерда. Гарнизон қўшинларидан бир полк ҳам саф тортган.

Абдулла Набиевни дафн этиш учун барча тайёргарлик кўрилган, тегишли жойларга хабар етган, қўрғонда бунга бағишланган махсус йиғин ҳам ўтказилган эди.

«Ўзбекистон ЛКСМ МК инструктори ўрт.

НАБИЕВНИНГ дафн этилишига бағишланган мажлис қарорин

ИШТИРОК ЭТИДИЛАР: Ўзбекистон ЛКСМ Сурхондарё вилоят кўмитасининг масъул котиби ўрт. Остонақулов, ташқи ишлар бўлими мудирини ўрт. Сяькин, 79-Жанговар участка комиссари ўрт. Беляков.

ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

1. Ўртоқ Набиевга ҳужум бўлгани ва унинг ўлдирилгани зудлик билан барча фирқа, комсомол ташкилотлари, область ва МКга телеграммалар орқали маълум қилинсин.

2. Абдулла Набиевнинг ўлими ҳодисаси матбуотда кенг ёритилсин.

3. Марҳумнинг жасади Бойсунда, 4 декабрь соат 4 да дафн этилсин.

4. Жасадни дафнга тайёрлаш кекса фирқа аъзоларига топширилсин.

5. Кўмиш маросими ташкилий комиссиясининг раиси этиб ўрт. Остонақулов сайлансин.

6. Дафн этишгача икки соат мобайнида 314-полк фирқа ячейкаси котиби ва ўрт. Усмонов комсомол ва фирқа аъзоларидан фахрий қоровуллар ажратиб, бу ишга мутасаддилик полк комендантини ўрт. Кожинга топширилсин.

7. Шаҳарнинг барча ташкилот ва муассаса ходимлари соат 13 да йиғиб бўлинсин.

8. Мотам намоишини бошқариб бориш Жанговар участка бошлиғи ўрт. Буровга топширилсин.

9. Мотам намоиши тугагач, марҳум дафн этиладиган Кўктепада йиғин ўтказилсин.

Йиғинда сўзловчилар қуйидагилардан иборат:

а) йиғинни очувчи — ўрт. Остонақулов;

б) Уз. КП шаҳар фирқаси ва ижрокўми номидан — ўрт.

Юсупов;

в) шаҳар комсомол кўм. номидан — ўрт. Усмонов;

г) ҳарбий қисмлар номидан — ўрт. Буров;

д) хотин-қизлар бўлими номидан — ўрт. Қирғизбоева;

ж) УзЛКСМ МК ва жанг иштирокчилари номидан — ўрт.

Уткин;

з) мусотрядлар номидан — ўрт. Юнусов;

Сўнг сўз — ўрт. Сяькин.

10. Жанговар участка бошлиғидан марҳум қабри устида салют беришга рухсат олинсин.

11. Марҳум беш марта суратга туширилиб ва улар кўпайтирилиб, УзЛКСМ МК ва УзКП ҳамда барча вилоят комсомол ва ҳарбий қисм комсомол кўмиталарига ҳамда «Правда Востока» редакциясига юборилсин.

...Ҳасан Остонақулов совуқдан лаблари кўкарган, уйқусизлик кўзларида қотиб қолган ҳолда, тоғ арчаси бутоқлари билан ўраб қўйилган тобут ёнига борди.

— Ўртоқлар, биз бугун азиз бир дўстимиз билан видолашамиз! — деди. — У сизларни, комсомолларни деб, бизга ёрдамга келаётган эди... — Кейин, у Абдулла Набиевнинг таржимаи ҳоли ҳақида гапириб, Қўқонда камбағал қосиб оиласида туғилгани, ёшлигидан комсомолга ўтиб, ячейка ташкил этгани, район, кейин Қўқон шаҳар комсомол кўмитасида, сўнг Фарғона ва Бешариқда ишлагани, хотин-қизлар ва қосиблар уюшмалари тузгани... ҳар қадамда ўлим хавфи остида меҳнаткашларнинг онгини ошириш, уларни янги жамият ишларига жалб этишга урингани ва Фарғонани қақшатган Эргаш, Кўршермат кўрбоши наварларига қарши жанг қилгани... Ниҳоят, Ўзбекистон Комсомоли Марказий Кўмитасига масъул ишга олинганию Сурхондарёга, босмачилар ҳамон ин қўйиб, халқни азоблаётган Бойсунга қараб жўнаганини айтиб, — Э, Абдуллабой дўстим! — деди. — Сени ўзимиз ҳам таклиф этиб эдик-ку!..

— Абдуллажон, — дея Байна Қирғизбоева тобут ёнига бирдан тиз чўкди. — Бу ерда... шу аҳволда сен билан

учрашишни ўйлабмидик, укам?! — Кейин бирдан паранжисини бошидан юлқиб отди. Дувиллаб қолган халққа қараб: — Сизу бизни деб қурбон бўлди бу йигит! — деди. — У биз — хотин-қизларнинг ҳам очиққа чиқишимиз, жамият ишларига фаол аралашувимизни истар эди!

Уткин Абдулла Набиевнинг комсомол Марказий кўмитасида яхши обрўга эга бўлгани, Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар Жумҳурияти Ижроия Кўмитасининг раиси Йўлдош Охунбобоев ҳам уни ҳурмат қилгани, Сурхондарёга, хусусан, Бойсун томонга келишига ҳам ўша киши ундагани ҳақида гапириб, Абдулланинг Ленинград комсомоли Ўзбекистон комсомолини оталиққа олганда — ўша шахри азимга бориб нутқ сўзлагани ва ўша дўстликнинг мустаҳкамланиши учун шу кунгача жон куйдириб келганини айтди. Кейин:

— Абдулла чин интернационалист эди! — деди.

Эшнйез ўртага чиқиши билан атрофга сув куйгандек жимлик чўкди.

— Биз Абдулла Наби ўғлини, бу инимизни ғойибдан яхши кўриб, уни кутиб олайлик, деб отряд билан Сайробга бориб туриб эдик, — деди. — Ғафлатда қолдик. Энди гап шу: Абдулла иним, сени ўлдирганинг калласини олиб келиб, бир найзага санчиб, тагига: «Шўро душманларининг қисмати шундай бўлади!» деб ёздириб қўймасам, мендан рози бўлма!

— Абдулла Набиев, менимча, усталик билан қурилган тузоққа тушди. Биз ночор қолдик, — деди Сяькин.

Маросим тугагач, раҳбарлар қўрғонга кетишаркан, Эшнйез Асомиддин Усмоновга:

— Ака, ўзбакчани биладиган ўрисни қўшинг менга, Комилни ўзим бир сўроқ қиламан, — деди.

Бу гапни эшитган Остонақулов ҳам:

— Ҳа, ўзинг сўроқ қил, жўра! — деди.

...Абдураим Саттор Комил калавани ўз ҳужрасига келтирди.

Комил Эшнйезни кўриб тиз чўккан эди, у:

— Тур ўрнингдан! — деди. — Утирик сўйласанг, ўзим тиз чўктираман!

— Вай, мен қўлга тушсам бўлмасмиди!.. — деб нола қилди Комил. Сўнг Абдураим Сатторга деди: — Мулла ака, бор гапни сизга айтдим-ку!

Эшнйез Сяькинга тикилди.

— Мен буни бошқа кўрмадим, — деди Константин. — Отларнинг ўз-ўзидан қочиб кетишига ишонмайман.

Комил йўғлаб юборди.

— Ахир, отишма бўлиб қолди. Қўлимда бир эмас, уч от бор эди. Ўзим ҳам... Менинг отим қочмади... Кейин, нима қилишим керак эди, оғажон? Тезроқ Бойсунга етай, аскар олиб келай, деб ўйладим-да.

— Сени қувмадимиз!

— Булар билан андармон бўлиб қолишди, чоғи...

...Эшнйез, кейин, Абдуллани Қўрғонкамар зовидан учирини кўрган, унинг сўзларини эшитганлар билан бирин-кетин гаплашди. Сўнг мунгланиб, отрядига онт ичиргали чиқиб кетди.

8 декабрь. Шеробод қўрғонга гарнизон аскарлари ҳамда Сурхондарё музофотидаги барча кўнгилли мусулмон отрядларининг командирлари йиғилган.

Яна: ҳарбий қисм раҳбарлари, фирқа кўмитасининг масъул котиби Муқим Каримов, музофот Шўролар ижроия кўмитасининг раиси Эшбой Норбоев, Туркистон Эттинчи махсус отлик бригадасининг командири Андрей Трофимович Федин, Шеробод вилоят-шаҳар фирқа кўмитасининг масъул котиби Жўрахон Тўрахўжаев...

Абдулла Набиевнинг ўлими муносабати билан Федин ҳам музофот Шўролар ижроия кўмитаси раиси номига қуйидагича изоҳнома ёзиб берган эди:

«Совет хизматчиларининг шаҳар комендантини рухсатсиз ҳамда муайян ҳимоя кучларисиз гарнизон ташқарисига чиқишини тақиқлаш ҳақида Сурхондарё жанговар райони бўйича бир неча бор буйроқ берилганига қарамай (бу хусусда тегишли граждани ҳокимиятлари ҳам ўз вақтида хабардор этилган эди), сўнги пайтларда совет хизматчилари ва партия ходимларининг соқчисиз чиқиб кетиш ҳоллари

Гроза басмачей—Ишниял

Ишниял Ташкентлик вакили...
 Басмачиларнинг қўлига тушиб...
 1924 йили...
 1925 йили...
 1926 йили...
 1927 йили...
 1928 йили...
 1929 йили...
 1930 йили...
 1931 йили...
 1932 йили...
 1933 йили...
 1934 йили...
 1935 йили...
 1936 йили...
 1937 йили...
 1938 йили...
 1939 йили...
 1940 йили...



Ишниял Ташкентлик вакили...
 Басмачиларнинг қўлига тушиб...
 1924 йили...
 1925 йили...
 1926 йили...
 1927 йили...
 1928 йили...
 1929 йили...
 1930 йили...
 1931 йили...
 1932 йили...
 1933 йили...
 1934 йили...
 1935 йили...
 1936 йили...
 1937 йили...
 1938 йили...
 1939 йили...
 1940 йили...

— Жўрахон ака!
 — Қулоғим сизда, ёшкамол.
 — Бизда учта отряд бор... Ана, битта комсомолимиз, — деб Шаропов йўлнинг у бетида турган Омонтурдини кўрсатди, — ўзим отряд тузсам, бизга қурол берсалар, деб сўрайпти...

Ун кундан кейин Бойсуннинг комсомол ёшлари — уч юздан ошиқ киши Абдулла Набиевнинг Шерободдан чиқиб, бу ёғига жасади олиб келинган йўл бўйлаб жўнадилар. Қизил байроқ кўтариб кетишаркан, ўртада нима гаплар бўлмади!

Абдулла нафрат қилган жойларга садоқат, унинг ғанимларига эътироз...

Улар дам олишга ўтирганда, меҳтарлар гузаридан бўлган Жума ҳофиз Абдулла шаънига тўқилган қўшиқни айтиб қоларди:

Олма барги сувага тушди,
 Набиевжон қўлга тушди,
 Уни эшитиб комсомоллар
 Милтиқ олиб йўлга тушди.

Салом калта, йўл бўлсин,
 Кийган тўнинг ҳўл бўлсин,
 Набиевни ўлдирибсан,
 Икки кўзинг кўр бўлсин!

Бойсун йўли ўйилди,
 Йўлга пистирма қўйилди,
 Абдуллажон Набиев
 Бешарқанда сўйилди...

Абдулланинг жасади топилган ерда ҳам йиғин бўлди. Равшан Рўзи ўғли сўзлаб:

— Абдуллажан билан Самарқандда... қурултойда учрашиб эдик. Шунда сизга битта попукли кавуш тикиб қўяман, деб ният қилиб эдим, — деди-да, қўйнидан попукли бир жуфт кавуш олиб, ерга қўйди.

Эшниеъ отрядига ўн беш қизил аскарни ҳам қўшиб олиб, Сурхоннинг бошидан кириб оёғидан чиқди.

Ниҳоят, отрядни иккига бўлиб, ўзи сатти чопон-чакмон кийган — босмачитахлит бўлиб олганча тўп бошида кезаркан, баъзи қишлоқ ва овуллардан Салом тўқсабони сўраганда: «Биз — Хуррамбекнинг одамларимиз. Салом кўрбошини излаб юрибмиз», дерди у.

Кундузлари шу алфозда излашса, кечалари айрим овулларда туйқусдан пайдо бўлишарди. Отларга дам бериш учун бирон қишлоқ ё овулга кўнишса ҳам командирнинг ишончли одамлари атрофдан Саломни суриштирарди.

Сафарнинг ўн тўққизинчи куни Эшниеъ бошлиқ тўп тунаш учун Сангардектоғдаги Қўшчаққа қишлоғига қўнди. Тун яримдан оғанда, иккинчи тўп бошлиғи Алман командир Қўшчаққа чиқиб келиб:

— Саломни обжувоздан шоли опкаетаётганини кишилар кўрибди. Биздан ҳам бир йигит кўрибди-ю, яхши танимабди, — деди.

— Уша йигитга жазо бер. Хўш, қаёққа кетибди у?
 — Боботоққа.

Эшниеъ ўттиз кишилик отрядини учга бўлган, ҳарбий қисмлар тузилишига тақлидан — ҳар тўпга бир абжир йигитни командир қилиб қўйган эди. Чунончи, биринчи тўпга Алман Мўмин ўғли, иккинчи тўпга Мўмин чопагон Тоғай ўғли, учинчи тўпга Чори Тошбой ўғли бош эди.

— Эрталаб шу ердан жўнаймиз.

Боботоғда уч кун сарсон бўлиб, уч овулга кириб сўрашди: «Билмаймиз», дейишди. Лекин, Эшниеъ уларга ишонмади.

Обжувозда Салом кўрбошини кўрган киши бақириб юборган, Салом тўрт отлиқ йигити билан қочиб қолган, турган гапки, орқасидан отряд тушишини сезиб, йўлкай овул, қишлоқ одамлари ва чўпонларни кўрқитиб кетган эди.

Кейинги куни ярим тунда бир яйловга тушиб бордилар. Бир ўтов, бир қапа, атрофи арча шохлари билан ўралган қўра.

Чўпон келиб, Эшниеънинг оти жиловидан тутди. Бу — одат: келган отлиқ меҳмоннинг қўлидан жилови олинади, улови боғланиб, олдига ем-пем солинганча, уйга таклиф қилинади.

Эшниеъ отни тислантирди.
 — Салом кўрбоши қаерда?

Кўнгилли отряд командири Эшниеъ Юнус ўғли ҳақида 1926 йил «Красная звезда» газетасида босилган мақола.

кучайди. Уртоқ Набиевнинг ўлими ҳам ана шунинг натижасида содир бўлди...»

...Муқим Ниёзовичнинг Абдулла Набиев ҳақидаги қисқача хотирасидан сўнг гапирган Тўрахўжаев Фединнинг ёзма ахбороти мазмунини айтиб бериб:

— Ҳақиқатан, биз ўзимиз ҳам бепарволик қилган бўлиб чиқамиз! — деди. Кейин олинган маълумотларга қараганда, Хитойқишлоққа чиндан ҳам Утанбек ҳужум қилгани ва милиционерлар у ёққа юборилганини сўзлаб: — Қизғин шундаки, ўртоқлар, Хитойқишлоқнинг Шўро раиси Остонов ўша вақтда босмачилар даврасида ўтирган экан. Милиционерларни кўриб босмачилар қишлоқдан чиқиб кетишган... Чилонзорда эса, ўшанда ниҳоят икки босмачи бир оғилга кириб олиб қизил аскарлар билан отишаётган экан. Абдуллаларни бослаб бораётган киши эса, тавба!.. Биз аста-секин бу сиринг охирига етамиз! Бироқ, бу ҳол барибир масъул шахсларнинг бепарволигини оқлай олмайди...

Тўрахўжаев шундан кейин Андрей Трофимовичга сўз бериб, унинг гапини ўзи таржима қила бошлади:

— Бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз, ўртоқлар, Абдулла Набиевнинг қотилини қўлга тушириб, халқ олдида унга муносиб жазо беришдири!.. Уртоқ Муқим Ниёзовичнинг сўзларига тўла қўшиламан: бу ишнинг сиёсий ва маънавий жиҳати жуда муҳим. Шўро йўлини тутганларга, унинг раҳбарларига қилинган ҳар қандай тажовуз жавобсиз қолмаслигини ҳамма билиб қўйсин!.. — Сўнг Салом кўрбошини тутиб келиш учун ўн беш кун муҳлат берилажагини маълум қилди. — Кўнгилли муслмон отрядларини қўйидагича тақсим этдик: Эшниеъ Юнусов отряди — Боботоққа чиқади; Сувсизтоғ — Мирза Бозор отрядига; Сарносиё тоғларига Сарносиё отряди чиқади; Сангардак тоғлари — Денов отрядига, Жаркўрган отрядига — Қабадиён атрофлари...

Ниҳоят, ҳар бир отрядга ўн-ўн бештадан қизил аскар ҳам қўшиб олиниши айтилди.

Тўрахўжаев Сафар Бобобековнинг тирсагидан қисиб ушлаб:

— Сиз билан би-ир маза қилиб гурунглашамиз энди, — дея милиция томон борар экан, Очил Шаропов уларга етиб олди.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, Т. УСМОНОВ ◆ ҚАҲРАМОННИНГ СЎНГИ КУНЛАРИ

— Ўзларинг кимлардан?
— Биз — отряд!
Энди, чўпон бирдан тисланди.
— Билмайман.
Эшнӣёз отни унинг устига ҳайдаб, боши-юзи аралаш қамчи тушира кетди.
— Билмайсанми?!
— Акажон...
— Саломнинг шериги!..
Чўпон четан оша мол ичига қочди.
Шунда девор панасида пайдо бўлган бир бола:
— Отамни урманг, — деб қолди. — Мен айтаман...
— Хўш?
— Салом қўрбоши Чалмали қўтонда. Ошнаси Шердон-бойнинг қўйлари ичида ётибди.
— Бизни олиб борасан!
— Отам мени ўлдирди!
— Отанг сени ўлдирса, биз отангни ўлдирамиз. —
Эшнӣёз чўпонни чақирди: — Берман ке...
Салдан кейин ота-бола Чалмали қўтонни тепаликдан кўрсатиб, қайтиб кетишди.

Эшнӣёз режа тузди:
— Тонг ёришганда мен, Алман, Мўмин, Чори — тўртов қўтонга тушиб борамиз, — деди. — Сизлар қўтон атрофини ўраб турасизлар. Ўқ отаман. Шунда «Бос!» деб босасизлар. Дадил бўлинглар, ботирларим!
Эшнӣёз ҳавога ўқ узиши билан Салом ва унинг ҳамроҳлари турасолиб камар томон қочишди ва зум ўтмай Салом малла оқёл отини миниб камар оғзида кўринди. Эшнӣёз уни кўзлаб ўқ узди. Ўқ отнинг бўйнига тегди, жонивор орқа оёқларида тикка бўлиб сапчиганда, Салом йиқилиб тушди. Ичкаридан отини елдириб чиққан Жўракул тўхтаб қолди.

«Бос, бос!», дея қўрага ёпирилиб кирган кўнгилли ва қизил аскарлар уни ҳам отдан туширишди.

Эшнӣёз уларнинг олдига келди. Шунда камар ичидан ўқ овози эшитилди. Уч йигит ичкарига кирди-да, Эсон полвонни оёғидан судраб чиқишди.

— Узини ўзи отибди, — деди Чори командир.

Эшнӣёз унинг афтига тикилган эди, Салом бир силтаниб икки ёғидан ушлаб турган йигитларнинг кўлидан чиқди-да, Эшнӣёзга ташланди. Аммо, бирдан туриб қолди: орқадан Алман командир уни отган эди.

Эшнӣёз отряд билан шу куни Деновга тушиб, Салом калтанинг калласини ёғочга санчиб, бозор ўртасига қоқиб қўйди.

...Катта йиғин бўлиб, калла остидаги ёзувни изоҳлайдиган сўзлар ҳам айтилгач ва отряд аъзолари Эшнӣёзни кўлда кўтариб ирғитишгач, боғлаб қўйилган оти томон бораётган эди, хачирдек отини йўрттириб келаётган Комил калавани кўриб қолди.

— Хей! Туш пастга! — деди.

Отряд аъзолари ҳам келиб қолди.

— Бу укағар шу чигирткаси билан Саломдан қочиб қутулган эмиш! — деди Эшнӣёз. — Бунга ўқ ҳам тегмабди!.. Барибир сиринг очилади. Қани, шайтонга дарс бергич, тиз чўк! Хумордан чиқай... Чўк, ҳароми!

Эшнӣёз Комил калавани бўкиргунча урди.
...Жўраҳон Тўрахўжаевнинг тошқўмир иси тегиб ўлгани овоза бўлди.

Печнинг томга чиқарилган қарнаи оғзига латта тикилган, кўмир тутуни уйга қамалиб қолиб раис заҳарланган эди. Уйидаги кўккўз қайвони қамоққа олинган кун...

Бобобеков чойхонага кирди.

— Қани, Майиз бобо, битта чой бўлсин.

Чол каловланиб самовар томон ўтаркан, Бобобеков: — Мазангиз йўқми? — деди. — Баҳорга чиқиб олинг, у ёғига — худо пошшо.

— Райис бечора қамалибдими? — деди. — Уртоқ Тўрахўжаевни қандай яхши кўрар эди!..

Бобобеков жим қолди. Кейин:

— Унга ҳеч нарса бўлмайди, — деди.

— Айтганингиз келсин... Мундай, башанг кийиниб опсиз? Йўл бўлсин?

— Сафарга! — Бобобеков кўққисдан эсига бир нарса тушгандек ирғиб турди. — Хўш-да, — деди. — Биздан ўтган бўлса...

Кейин қаттиқ қўл силтади-да, чойхонадан чиқди. Отхона орқасига ўтди. Ботаётган қуёшнинг сарғиш нурларида юпқа қори ялтираётган нариги соҳилга боқди. Сўнг кўнишиб пастроққа тушди. Этакда сув кўлланиб, яна равон оқиб ётарди.

«Чўқуркўл! Нимаси Чўқуркўл?», деб ўйлади Бобобеков. Сўнг шинелини ечиб, тошга ёзди. Чўккалаб намоз ўқимоққа тутинди-ю, бирдан тек қолди.

Сўнг кимларнидир сўкди ва бошини эгган кўйи ёнидан тўппонча чиқариб, чаккасига бир зум тираб турди-да, паққа отди.

...Унинг уйи тинтув қилинганда тахмон ортидан бир чарм жилд чиқди. Ичи тўла пул экан...

Кейин Бойсунда комсомол ячейкалари кўпайгандан кўпайиб, кўнгилли мусулмон отрядлари ҳам тобора кучайиб, халқ... халқ ҳам кўзғалиб, 1926 йилнинг қишига қолмасдан Сурхондарё музофотида босмачилар ҳаракати тугади.

1984 йил,

Тошкент — Бойсун

Ушбу асарга архив маълумотлари тўплаётган, инқилобий давр воқеаларига гувоҳ бўлган ветеранларни топиб (улар бармоқ билан санарли), суҳбатлашаётган кезларимизда бизга яқиндан кўмак берган қуйидаги мухтарам ўртоқларга, чунончи: Сурхондарё область партия комитетининг бўлим мудири Тожихол Хўжақулова ҳамда Денов шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Анвар Остонақуловга, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири Шўхрат Иброҳимовга, Бойсун районидаги «Сайроб» совхозининг директори Раҳмон Бўриевга, шу районда яшовчи ветеран отахонлар — Мўмин Қувватов, Саъдулла Бобоҳўжаев ва Алимардон Худойбердиевларга чин кўнгилдан ташаккур билдирамиз.

МУАЛЛИФЛАР





Хуршид Дўстмухамедов

Темиртан дахолар башорати

Кўнгилдаги ниятларга эришишнинг йўлини топсангизу унга имконият, шарт-шароит топа олмасангиз орзу орзулигича қолади, армонга айланади. Лекин кўпгина ҳолларда имконият яратиб кишининг ўзига боғлиқ бўлади. Унга етишиш учун эса курашиш, меҳнат қилиш, қийинчиликларга бардош бериш лозим. Ана шундагина орзулар рўёбга чиққан саодатли онлар сурурини тотиб бахтига муяссар бўласиз. Ана шундагина... Келинг, журналхон, шундай бахтга сазовор аёлларимиздан бири билан танишинг.



аётда тасодифлар кўп. Лекин тасодиф маълум мантиқий заминга асосланган бўлса, у жиддий воқеаларнинг рўёбга чиқишида бамисоли туртки вазифасини ўтайди.

Ҳабиба турмуш қургач, кетма-кет икки фарзанд курди. Табиий, бутун фикр-хаёли болаларини парваришлаш, уларни касалга чалинтирмай оёққа турғазаш эди. Аксига олиб кичкинаси аввалига нимжонроқ ўсди — тез-тез шамоллай-верди, турли касалликларга чалинаверганидан кунда-кунора врачлар қабулига боришга тўғри келди. Ушандай кунларда Ҳабиба врачлик касбини танламаганига ич-ичидан ўкиниб қўярди. Зотан, у мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ шифокорликни орзу қилар эди...

Ҳаммасига физика ўқитувчиси Санобар опа Давлатова сабабчи бўлди. Опа ҳар бир дарсни шу қадар берилиб, сидқидилдан ўргатар, соф илмий мавзуларни ҳам бевосита турмушга боғлаб тушунтирарди.

Хуллас, ўнинчи синфни «аъло» баҳоларга тугатган Ҳабибанинг физик бўлишдан бошқа нияти йўқ эди. У шу ниятда ҳужжатларини В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети (у вақтда САГУ)нинг физика-математика факультетига топширди.

1959 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Математика институти қошида ҳисоблаш техникаси бўлими очилдию мазкур факультет талабалари ўз назарий билимларини ушбу бўлимда бевосита тажрибадан ўтказадиган бўлишди.

Ҳабиба ўқишдан бўш вақтларини шу бўлим лабораторияларида ўтказар, ўқув ва ишлаб чиқариш практикаси кезларида эса лабораториянинг фаол аъзосига айланар эди.

Бўлим мудирини, истеъдодли ёшларга катта эътибор берадиган олим Восил Қобулович Қобулов Ҳабибадаги лаёқатини, иштиёқини сезган эди. Шундай қилиб, Ҳабиба университетни тугатгач, ҳисоблаш техникаси бўлимига таклиф этилди.

1961 йилда Электрон ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ)нинг дастлабки «авлод»ларидан намуналарни Тошкентга келтиришда иштирок этган ёш мутахассислардан бири Ҳабиба Икромова эди.

У вақтлар ЭҲМ деган тушунчанинг ўзи янги, уни бошқаришни эса ҳар қандай олим орзу қиларди. Муъжизакор машиналарда бевосита ишлаш имконияти бўлган Ҳабиба эса, аксига олиб, оила юмушларига ўралашиб қолди.

Ҳикоямиз бошланишида айтилган тасодиф худди шу кезларда юз берди.

— Ҳали атак-чечак қилмайдиган ўғлимни бирин-сирин уч врачга олиб бордим,— деб хотирлайди Ҳабиба опа.— Уччала врач ҳам чақалоқни синчиклаб кўришди ва уч хил диагноз қўйишди. Мен эса уларнинг қайси бири тўғрилигини билолмай гаранг эдим. Уғлимни бағримга босиб юз хил хаёлда кетяпману кўнглимдан, «касалликни аниқлашни машина зиммасига юкласанг-да, у тугал хулоса чиқара олса қани эди!» деган фикр кечди. Тўсатдан келган фикр сабаб бўлиб, шу соҳага яқин адабиётларни ўқишга, устозим Восил Қобуловичнинг маслаҳатларига кўра тажрибали шифокорлар билан учрашиб уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга киришдим. Кейин юқумли касалликларнинг тарқалиш жараёнини математик моделлаш мавзусида тадқиқот олиб бориш мумкин, деган хулосага келдик.

Бу — илмий изланишнинг илк босқичи эди. Навбатдаги босқичда эса амалий ишга ўтиш, яъни 50—60 йил мобайнида республикамизда тарқалган касалликларнинг даврийлиги, уларнинг келиб чиқиш манбалари, тарқалиш омилларига дахлдор аниқ фактларни тўплаш керак. Маълумки, бундай вақтларда ёш тадқиқотчи барча қийинчиликлар билан юзма-юз қолади. Агар у ўша қийинчиликларни енгса — яхши, бильякс...

Биз ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатган ҳамда ўзи танлаган соҳада юқори натижаларга эришган хотин-қизларнинг номларини ҳақли равишда ҳурмат билан тилга оламиз. Айни вақтда аёл киши аввало меҳрибон она, жонқуяр бека бўлмоғи лозимлигини ҳам кўп таъкидлаيمиз. Бу нарсалар — хотин-

қизларнинг ўзларига ҳам ойдек равшан ҳақиқат. Лекин, истак ва имконият бирлигига эришиш ҳаммага nasib қилавермаслиги ҳам сир эмас.

Чамаси, ўн йил бурун хизмат юзасидан ўнга яқин ёш олима билан суҳбатлашишга тўғри келди. Уларнинг бари нари борса бир йил миёнасида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилиш тараддудида, яъни фан кандидати деган илмий даража олиш бўсағасида туришганди. Яқинда ўша суҳбатдошларнинг ҳозирги ишлари билан танишиш мақсадида улардан яна «хабар» олдик. Шунда тўққиз тадқиқотчидан бор-йўғи икки киши илмий даража олгани, иккитаси «изланиш»ни давом эттираётгани, беш киши олималиқдан бутунлай воз кечгани маълум бўлди.

Билишимизча, бунинг хилма-хил сабабларидан асосийси битта: оила, бола тарбияси ва илмий изланишлар учун ажратиладиган вақтнинг етишмаслиги экан.

Бундай муамло ўз вақтида ҳикоятчи қаҳрамони учун ҳам катта жиддий қийинчилик туғдирди. Ҳабиба опа:

— Уйда «ўтириб» қолмай амаллаб ишга қатнаб турганимга хурсанд эдим. Шу аҳволда ила билан шугулланишнинг ўзи бўладими! Яширмайман, қанчалик қийналмайин, муттасил беҳаловат яшаш баъзан ўзинга жуда наъша қиларди. Ҳатто, «э, олим бўлмасам бўлмабман-да!» деб барча ишларимни йиғштириб қўйган пайтларим ҳам бўлган. Бундан хабар топган Восил Қобулович, «Ироданг шунчалик заифми! Бошлаган ишинг учун кунига ловақал икки соат ажрата олмайсанми!» дедилар.

Шу бир оғиз танбеҳ-маслаҳат Ҳабибага қаттиқ таъсир қилди. Устознинг куйиниб айтган гапи уни ҳушёрликка ундаётгандек қулоғи остида жаранглаб тураверди. Энди у уй-рўздек лабораториядаги иш-юмушлари билан қанчалик банд бўлмагани, ҳар кўни бошлаган илмий ишига доир нимадир қилар, бунинг ўзи учун шарт деб ҳисоблар эди. Бора-бора илмий изланишлари эртага қолдириб бўлмайдиган кундалик зарур машғулота айланди.

Тўғриси, кўпчилик фидойиликни бир ёқлама тушунади. Гўё, танлаган соҳада салмоқли ютуқларга эришиш, масалан, йирик олима бўлиш учун оила юмушларидан, ҳатто оила қуришдан воз кечиб керак эмиш.

Тўғри, олий мақсадга етишмоқ учун инсон ўзида ғайритабиий бир куч топа билиши, танлаган соҳасига ўзини бахшида эта олиши керак. Аммо истак ва имкониятни мумкин қадар «қелиштириш» йўли ҳам бор-ку. Зеро, шунда пировард мақсадга етишиш «тезлиги» суткасига 8-10 соатни эмас, 2-3 соатни ташкил этади. Албатта бу усул доимий одатга айланиб қолмаслиги, балки — у йил сайин кўпайиб бормоғи лозим.

Бунинг яна бир аҳамияти шундаки, кунига маълум соатни ўз устида ишлашга мудом ажратилaversа, бора-бора у оилавий юмушларнинг таркибий қисмига айланиб кетади ҳамда ижтимоий ва шахсий иш уйғунлиги пайдо бўлади, Ҳабиба Зуфаровна таъбири билан айтганда, шунда «истак» ва имконият бирлиги топилган бўлади.

Ҳабиба Икромова 1970 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Восил Қобулов ва профессор Шабот Хўжаев раҳбарлигида кандидатлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилганида устозининг юқорида айтган бир оғиз маслаҳати маълум маънода ҳал қилувчи роль ўйнаганди. У — бир неча йил аввал орзу қилганидек диагноз қўйишни бўлмаса-да, юқумли касалликларнинг келиб чиқиши, тарқалиш даврийлигини аниқлашни ЭХМга юклаш мумкинлигини илмий ва амалий равишда исботлади.

Янгиликнинг моҳиятини қисқача шундай изоҳлаш мумкин: маълумки, ибн Сино юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига кўзга кўринмас омиллар (яъни, микроблар), шунингдек об-ҳаво, иқлим, шомолнинг йўналиши сабаб деб кўрсатган. Ҳозирги замон фани, жумладан кибернетика илми буюк табиб санаб ўтган ва яна қатор омилларни моделлаштириб ЭХМ ёрдамида юқумли касалликларнинг кенг тарқалиш қонуниятини олдиндан айтиб беришга эришди. Ҳ. Икромова эса Ўзбекистон шаронтида грипп ва ичбуруғ касалликларининг вужудга келиш даврийлиги ва муддатини, унинг тарқалиш географиясини, самарали муолажа усулларини аниқлашни ЭХМ зиммасига юкледи. ЭХМ бу «топшириқ»ларни 95 фоиз аниқликда бажарадиган бўлди.

Бу воқеани Ўзбекистонда тиббиёт кибернетикасининг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. Дарвоқе, Ҳ. Икромованинг

илмий ишига баҳо бераётиб СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси В. Беляков шундай деган эди: «Икромова юқумли жараёнларни моделлаштириш соҳасининг пионеридир».

Сўнгги ўн-ўн беш йил мобайнида кибернетика фанининг одамлар оғирини енгиллаштириш борасидаги хизматлари айниқса кўпайди. Кибернетика воситаларининг медицина соҳасида кенг қўлланилаётгани шулар жумласидандир.

Кўйидагича вазиятни кўз олдингизга келтиринг: дейлик, оғир аҳволдаги бемор касалхонага келтирилди. У ҳатто шифокорларнинг саволларига ҳам жавоб бера олмайди. Нима қилиш керак!

Одатда бундай вақтда зудлик билан йирик мутахассислар консилиуми қақрилади, ҳар ким ўз фикр-мулоҳазасини ўртага ташлайди, сўнгра якуний хулоса чиқарилади. Беморга ушбу хулосага асосан ёрдам кўрсатила бошланади. Бироқ, шу ўринда тажрибали шифокорлар бамаслаҳат қўйишдан диагностиканинг аниқлиги муқаррарми деган савол туғилиши мумкин. Бундай шубҳанинг туғилишига маълум маънода асос бор. Чунки, ҳар қандай касалликнинг ўзига хос аломатлари бўлади, айни вақтда бир неча касалликнинг бир-биридан кам фарқланадиган аломатлари ҳам кўп. Масалан, шунчаки толиқиш, оддий шамоллаш, грипп билан оғриш чоғларида ҳам, қон босимининг ортиб кетиши, мененгокок сингари бевосита бош мия хасталиги кучайганида ҳам бош оғриши мумкин. Лекин амалий муолажага киришиш учун бош оғриш қайси касалликка дахлдорлигини аниқлаш керак.

Бу — бир. Иккинчидан, касалликни аниқлаш пайтида бемор ва шифокор ўртасида ўзига хос аҳборот алмашиш жараёни кечади. Бунда шифокор бемор ҳақида маълумот тўплайди, уни атрофлича мушоҳада этади, сўнгра ўз тажрибаси, билимидан келиб чиққани ҳолда маълум мантикий қонун-қондаларга асосланиб якуни чиқаради. Шу вақтда шифокорнинг шуури бамисоли электрон машинасидек ишлайди.

Аммо шифокор — жонли одам, бинобарин, у толиқиши, кайфияти бўлмаслиги, қолаверса айни зудлик билан чора кўриш зарур пайтда хотира ва тажриба «бисоти»да қутилмаган тормозланиш юз бериши ҳам мумкин.

Масаланинг яна бир лекин консилиум чоғидаги нозик психологик ҳолатга дахлдор.

Юқорида айтганимиздек, консилиумга медицинанинг турли тармоқлари бўйича мутахассис бўлган тажрибали шифокорлар йиғилади. Ҳар ким ўз хулосасини ўртага ташлагач, ундан ягона диагноз чиқарилади. Маълумки, бир фикрнинг тан олиниши бошқа фикрнинг инкор этилишидир. Шундай экан, тажрибаси кўпроқ мутахассиснинг лавозими, обрўси олдида иккиланиш, хижолат кечиш, ёки унинг иззатиға тегиб кетмаслигини ўйлаш ва шунга ўхшаш «муросяю мадора»га ўтилиш ишнинг белига тепади. [Умуман, ҳисоб-китобларга қараганда консилиум чоғида диагноз қўйиш аниқлиги салкам 55 фоизни ташкил этади].

Электрон ҳисоблаш машиналари эса худди шу жиҳатдан айни мuddо. Улар бировни бекорга ерга ҳам урмайди, ўринсиз обрўсини ҳам оширмайди.

Ҳабиба Зуфаровна кейинги изланишларини айни шу муаммога — консилиумни объективлаштиришга қаратди. Бунинг учун ЭХМ «хотираси»га касалликлар ҳақида муфассал тасаввур жойлаштирилади. Касалхонага бемор келтирилиши билан ундаги хасталик аломатлари алоқа воситаси бўлмиш 1-телетайп орқали ҳисоблаш марказига узатилади. Марказда олинган маълумотлар «оқизмай-томизмай» ЭХМга етказилади. ЭХМ «бисоти»даги касаллик ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб, жуда катта саралашлар, чоғиштиришлардан сўнг, бемор қандай касалликка йўлиққан, касаллик кечишининг нечанчи кунда шифокорга мурожаат қилинган, шунингдек касалликнинг кечиш даражаси қандай, деган саволларга жавоб беради. Жавоб ҳисоблаш марказидаги телетайп орқали клиникага қайтарилади.

Бордию, клиникадан олинган маълумотлар асосида аниқ диагноз қўйиш мумкин бўлмаса, ЭХМ «беморни такрор синчиклаб текшириш керак» деган кўрсатма беради.

Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти юқумли касалликлар кафедрасининг экспериментал базаси бўлмиш 1-шаҳар юқумли касалликлар клиник шифоонасида бу борадаги тадқиқотлар тажриба қилиб кўрилди, натижа қутулган самарани берди.

Илм-фан соҳасида бирон-бир ихтиронинг кўпчилик томони-

дан эътироф этилиши осон кечмайди. Тиббиёт кибернетикаси мушкулотларининг айниқса кўплиги бежиз эмас, албатта. Унинг нечоғли кенг жорий этилиши аввало шифокорларнинг инонихтиёрига, уринишларига боғлиқ. Чунки диагноз қўйиш, даволаш ишларида ЭХМдан фойдаланиш врачлар зиммасига кўшимча малакалар орттириш билан боғлиқ мажбуриятлар оқлайди. Бу мажбуриятлар пировард натижада шифокорнинг оғирини енгиллаштиришга хизмат қилса-да, медик ходимлар дастлабки қийинчиликдан чўчишади.

— Бир вақтлар шифокорлар статескоп сингари энг оддий восита ёрдамидагина иш кўришган,— дейди Ҳабиба Зуфаровна.— Вақти келиб юрак фаолиятини қайд этувчи мослама (электр кардиограмма) яратилганда ҳам уни ҳамма бирдек қабул қилавермаган. Ҳозир эса шифокорлар аксари ҳолларда унинг кўмагисиз даволашга киршолмаслиги табиий ҳолга айланган. Яқин келгусида тиббиётни кибернетика воситаларисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолади.

Ҳабиба опанинг бу қадар ишонч билан айтилган сўзларида асос бор. Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларидаги, шунингдек республикамизнинг қатор шифохоналарида эндиликда ЭХМдан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Республика кўз касалликлари шифохонаси, Улка медицина институти, Тошкентдаги 2-шаҳар клиникаси шулар жумласидандир.

Афсуски, Жиззах ва Нукус шаҳарларидаги sanoқли касалхоналарни истисно қилганда республикамизнинг область ва район касалхоналарида диагноз қўйишда ЭХМдан фойдаланиш тажрибаси оммалашиши жуда қийин кечяпти. Ваҳоланки, кўпчилик касалхоналарда юқори малакали мутахасссларнинг етишмаслиги сир эмас. Вақти-вақти билан Тошкентдан таклиф этиладиган мутахасссларнинг имконияти барча талабларни қондиришга кифоя қилмайди. Айни шунинг учун ҳам «бемор — шифокор — ЭХМ»дек замонавий системадан фойдаланиш чоралари қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик эзгу иш қилинган бўлур эди.

...Ҳабиба Икромованинг табиёт кибернетикаси соҳасида олиб борган янги-янги тадқиқотлари Иттифоқ миқёсида йирик мутахассслар назарига ҳам тушди. Айниқса, 1980 йилнинг январиде СССР Фанлар академиясида ташкил этилган семинар Ҳ. Икромова изланишларининг, тўплаган натижаларининг тан

олинишида жиддий босқич бўлди. Уша семинарда ўзбек олимаси ўз тадқиқотларининг натижаларини қисқача баён этгач, математик ҳамда медик олимлар унга саволлар ёғдиришди. Ҳабиба Зуфаровна ўз илмий қарашларини сабот билан исботлади. Ленин мукофоти лауреати, академик Г. И. Марчук, семинарга яқун ясаб, ўзбек олимасининг келгусидаги ишларига муваффақият тилади.

Шундан сўнг олима илмий янгилликларни ўйлаб мақолаларида, рисола ва иккита салмоқли монографиясида баён этди. Айниқса, мақолаларидан бири Голландияда нашр этилган тўпلامга киритилгач, тиббиёт кибернетикаси соҳасида Ўзбекистон олимлари тўплаган тажрибаларга Чехословакия, ГДР ва Ғарбий Германиялик олимлар қизиқиб қолишди.

Хуллас, шу борадаги тадқиқотлар Ҳ. Икромованинг 1982 йили муваффақият билан ёқлаган «Алгоритмик консилиум» деб номланган докторлик диссертациясининг негизини ташкил этди. Шу тариқа Ўзбекистонда тиббиёт кибернетикаси деб аталмиш янги бир илмий йўналиш вужудга келди. Унга техника фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта илмий ходими Ҳабиба Икромова асос солди.


Эндиликда медицина ва кибернетика фанлари чорраҳасида вужудга келган бу кенжа илмий тармоқ Ўзбекистонда ҳам кенг қанот ёзмоқда. Ёш олим Холидбек Комилов «Кўз ва ЭХМ» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Қатор фан кандидатлари Малика Хўжаева, Холида Мақсудова, Светлана Вовк, Шавкат Фозилов, шунингдек, Фаридахон Дўстмухамедова ва Муаззам Абдуқодирова сингари истеъдодли тадқиқотчилар тиббиёт кибернетикасига доир долзарб мавзуларда изланишлар олиб бормоқдалар.

Ҳозирги замон медицина кибернетикаси олдида жуда муҳим ва мураккаб муаммоларни ҳал этиш вазифалари турибди. Чунончи, одам ва ирсият, аллергия, бод касалликларини даволаш ҳамда туғиш чоғида бўладиган зарарли нуқсонларнинг олдини олиш имкониятларини излашда ЭХМнинг имкониятлари беқиёсдир. Ўз фаолиятларини ана шундай хайрли ишга бағишлаган олима ва олимларимиз эришган ҳар бир ютуқ инсон саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қилаверади.



Эрнест Хемингуэй

ЁШЛАР БИЛАН СУҲБАТ



Савол. Мистер Хемингуэй, Сиз китоб ёзишни қандай қилиб ўргангансиз?

Жавоб. Мен ёшлигимданок ёзувчи бўлишни орзу қилардим. Ҳамма иш ёшлар газетасига кичик-кичик хабарлар ёзишимдан бошлангани аниқ эсимда. Илк мустақил қадамим ҳам журналистика билан боғлиқ — ўрта мактабни тугатгандан сўнг Канзас-Ситига бориб, у ерда «Стар» газетасига хизматга кирдим. Редакцияда оддий шарҳловчи эдим: «Кимни ким отиб кўйди? Ким нимани ўмариб кетди ва айнан каерда? Қачон? Қандай қилиб? Каерда?» каби олди-кочдилар тўғрисида ёзардик. Ҳодисаларнинг асл сабаби («Нима учун?») хақида эса лом-мим демас эдик.

Савол. Мен «Кўнгироқ кимни чорлаяпти?» китобингизга тааллуқли бир нарсани сўрамоқчиман. Испаниядаги граждандар уруши даврида у ерга борганингизни кўпчилик билади. Айтинг-чи, Сиз у ерда нима иш қилган эдингиз?

Жавоб. Мен Шимолий Америка Матбуот бирлашмасининг муҳбири сифатида сафарга чиккан эдим. Биз ўзимиз билан бирга республикачилар Испанияси учун бир неча тиббий ёрдам машиналари ҳам олиб борган эдик.

Савол. Китоб ёзиш нияти одамда қаёқдан пайдо бўлади? Айтилик, «Чол ва денгиз»ни ёзиш учун қачон иш столига ўтиргансиз?

Жавоб. Менга бир балиқчининг бошидан кечган ходиса хақида, қайғу денгизда нималар бўлганидан тортиб унинг балиқ билан кескин олишганларигача оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб беришган эди. Шундан кейин мен ўзим йигирма йилдан

«Мен Кастро раҳбарлигидаги инқилобчилар тарафидаман. Қолаверса, уларни халқ қўллаб-қувватламоқда. Уларга ишонса бўлади», деган эди Эрнест Хемингуэй 1959 йил, 7 апрель кuni «Литературная газета»да эълон қилинган суҳбатиди. **Суратда:** Э. Хемингуэй балиқ овлаш бўйича ўзи таъсис этган «Эрнест Хемингуэй» конкурснинг ғолиби Фидель Кастро ни кутламоқда. 1960 йил.

бери яхши биладиган балиқчи оғайнимни кўз олдимга келтирдим-да, ўзимни унинг ўрнида, худди ўшандай шароитда тасаввур қилиб кўрдим. Шу, холос.

Савол. Шахсий услубингизни қандай қилиб яратгансиз? Услуб яратишдан аввал, харидорлар талабини ёки жамоатчилик эҳтиёжини ҳисобга олганмисиз?

Жавоб. Мен ҳаёт хақиқатини баҳоли қудрат рўй-рост акс эттиришга ҳаракат қилсам-да, баъзан ўзим истагандек тўғри ёзишга кучим етмай қолар эди. Яъни, эгри-бугри ёзиб юборар эдим-да, кискаси. Менинг ана ўша ғадир-будур ифода йўсининга «шахсий услуб» ёрлигини ёпиштиришди. Мен йўл қўйган хатою ғализликларни илғаб олиш унчалик кийин эмас, лекин, буни қарангки, улар менинг «услубим» эмиш!

Савол: Бир китобни ёзиб тугатиш учун қанча вақт керак?

Жавоб. Бу, ёзилаётган китобгаю иш унумига боғлиқ. Яхши китоб тахминан бир-бир ярим йилда ёзилади.

Савол. Бир кунда неча соат ишлайсиз?

Бепён Ватанимиз пойтахтидаги Колонна залида «шахмат қироли» унвони учун беллашув бошланиши арафасида жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ва тож даъвогари Гарри Каспаровга «Литературная газета»нинг мухбирлари: «Қайси ёзувчининг асарларини севиб ўқийсиз?», дея мурожаат этганларида, ҳар иккала шахматчи ҳам худди келишиб олгандек (бири Москвада, бошқаси Бокуда туриб жавоб берганларига қарамай!) яқдиллик билан: «Америкалик машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэйни», деган эдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки (илло, журналхон бу гапни панд-насиҳат, деб ўйламасин) Хемингуэй асарларини ўқимаган киши жуда катта маънавий хазинадан бебаҳра қолади. Бундай одамнинг, шоирона ибора билан айтганда: «Бамисоли Искандардек очиқ кетар қўллари...»

Нобель мукофоти лауреати Эрнест Хемингуэйнинг ижоди Ватанимиз китобхонларига яхши таниш. Ўзбек тилида унинг «Чол ва денгиз», «Алвидо, қурол!», «Фиеста» сингари китоблари нашр этилган.

Барча буюк сўз санъаткорлари каби Э. Хемингуэй ҳам ёш ёзувчиларга сабоқ бўладиган бой «ижод академияси» яратган. Унинг турли мавзудаги суҳбатлари, бадий ижоднинг моҳияти ва табиати ҳақидаги қизиқарли мақолалари, мактублари ҳам катта маърифий-илмий аҳамиятга эгадир. Эътиборингизга ҳавола этилаётган, Хейли шаҳри ёшлари билан қилинган суҳбат, машҳур совет таржимони И. Кашкингга йўлланган мактуб ва Нобель мукофотининг топширилиш маросими учун тайёрланган нутқ шу маънода диққатга сазовордир.

Жавоб. Мен эрталаб соат олтида ўрнимдан туриб, ўн иккигача ҳамма ишларимни саранжомлашга ҳаракат қиламан.

Савол. Кечаси ўн иккигачами?

Жавоб. Йўғ-э, тушги ўн иккигача.

Савол. Бошингизга ҳеч кулфат тушганми?

Жавоб. Мабодо иш юришмаса, ҳар кун кулфат. Фақат, ёзишни энди бошлаган қаламкашгина гурбатдан йирок бўлади. Чунки у нимани ёзмасин, ҳаммаси кўзига бағоят ажойибдек кўринаверади-да! Бундай пайтда ўзингни аршу аълода ҳис қиласан киши. Ёзувчилик ҳам осонгина ишдек туюлади, маза қилиб тўхтовсиз ёзаверсан. Лекин, фақат ўзинг учун ёзасан, холос, асарингни ўқийдиган китобхон эса етти ухлаб тушингга ҳам кирмайди. Китобхонни назардан қочирмай ёзиш кераклигини тушунгандан сўнг ёзувчилик нақадар машаққатли хунар эканлигига ишонч ҳосил қиласан. Шу даражада қаттиқ ишонч ҳосил қиласанки, ҳатто кўлэзма устидаги иш ниҳоясига етгандан кейин ҳам туну кун чеккан азобларинг бир умр ёдингга қолади.

Савол. Ёзишни эндигина ўрганган пайтларингиз танқиддан қўрқармидингиз?

Жавоб. У пайтларда мен нимадан қўрқишни ҳам билмас эдим. Чунки машқларим деярли ҳеч қандай даромад келтирмасди. Шунчаки, кўлимдан келганча ёзардим у қўярдим, холос. Лекин тўғри ёзаётганимга ишончим қомил эди. Мабодо асарларим кимнингдир гашига тегаётган бўлса, менда нима айб, бошимни деворга уриб ёришим керакми, деб ўйлардим. Умуман, китобларим қачондир ҳақиқий баҳосини олажага ишонар эдим. Қолаверса, танқид билан деярли жиддий тўқнашмаганман, у бошқа ишларга кўмилиб ётарди. Одатда, адабиётдаги илк қадамларингни ҳеч ким пайқамай қолади. Бу ҳам бўлса ёш ёзувчининг бахти.

Савол. Бирор марта ишингиз бароридан келмаслигини олдиндан сезганмисиз?

Жавоб. Агар машғум ҳодиса рўй беришини кўнглинг сезса, албатта бошинга кулфат тушади. Бундай дамларда кўзанинг қачон синишини кутиб ўтирмай, дарҳол эҳтиёт чоралари излаш лозим. Ақли расо киши худди шундай қилади. Бироқ баянда дорга осилган одам оёқнинг ерга тегиш-тегмаслигини ўйлаб ўтирмайди.

Савол. Сиз китоб ёзишдан аввал қатъий иш плани тузиб оласизми ёки хомаки режа асосида ишлайверасизми?

Жавоб. Унисини ҳам, бунисини ҳам қилмайман. Бадий асар — ёзувчидаги мавжуд билимлар заминда моддийлашадиган ҳаёлдир. Агар бафуржа ўйлаб ичингдан тўкиб чиқарсанг, хотирангдаги ўлик фактлардан ҳам ишонарлироқ, жонлироқ манзаралар яратиш мумкин. Фалакнинг гардиши чаппа айланиб, машҳур адиблар бадий адабиёт билан шуғулланмаганларида борми, улар учига чиққан лофчи бўлиб етишардилар.

Савол. «Фалон» нарсани ёзганингиз ёки ёзмоқчи бўлганингиз учун Сизга дўқ-пўписа қилишмаганми?

Жавоб. Нега дўқ қилишмас экан, қилишган. Ҳатто, китобларим чоп этилгач, гумдон қилиб кетамиз, деб ҳам қўрқитишган эди.

Савол. Сиз нечта китоб ёзгансиз?

Жавоб. Унчалик кўп эмас, ўн учта, шекилли. Лекин мен кўлэзма устида жуда кўп тер тўкаман. Устига-устак, тез-тез ишни тўхтатиб, кўнгилхушликлар билан шуғулланиб тураман. Бундан ташқари, менинг ижодий режаларимни чиппака чиқарган урушлар ҳаддан зиёд кўп бўлди.

Савол. «Алвидо, қурол!» китобингизни қанча вақт мобайнида ёзгансиз?

Жавоб. У китобни қишда, Парижда бошлаганман. Эрта баҳорда Куба ва Ки-Уэстда (Флорида штати), кейин хотинимнинг ота-онаси яшайдиган Пигот (Арканзас штати) шаҳарларида ишни давом эттирдим. Сўнгра биз Канзас-Ситига кўчиб ўтдик, у ерда бир ўғлим туғилди. Ниҳоят, сўнги нуқтани кузда, Багхори (Вайоминг штати) шаҳрида қўйдим. Биринчи вараинтини саккиз ойда ёзиб тугатган бўлсам-да, қайта ишлашга яна беш ой кетди, ҳаммаси бўлиб — ўн уч ой.

Савол. Айтинг-чи, бошлаган ишингиздан кўнглингиз совиб, китобни чала қолдирган пайтлар ҳам бўлганми?

Жавоб. Тўғри, баъзан ёзиш ҳам жонимга тегиб кетар эди. Лекин ҳеч қачон ишни чала-чулла қолдирган эмасман. Ишга чап бериб юриш мумкин, бироқ ундан қочиб қутулиб бўлармиди!

Савол. Асарларингиз қахрамонларини тез-тез мушкул аҳволга дучор қилиб турасизми?

Жавоб. Унчалик эмас. Акс ҳолда, ўзимга ҳам қийин бўлиши мумкин.

Савол. Африка тўғрисида бир талай ҳикояларингиз бор. Айтинг-чи, бу қитъани нега бунчалик яхши кўрасиз?

Жавоб. Дунёда шунақанги ғаройиб ўлкалар борки, беихтиёр яхши кўриб қоласан киши. Баъзи жойларни эса кўргани кўзинг, отгани ўқинг бўлмайди. Нега шундай экан — ҳеч тушунмайман. Менга кўпроқ Африка ёқди, вассалом. Сизнинг Айдахо штатингизда ҳам Африка ёки Испанияни эслатадиган бир жой бор. Бу жойга кўплаб баск'лар кўчиб келганига сабаб ҳам шу бўлса керак.

Савол. Сиз кўп китоб ўқийсизми?

Жавоб. Ҳа, кўп ўқийман. Ишдан чарчаган пайтларимда бирорта китоб ўқиб ҳордиқ чиқараман.

Савол. Сиз бўлажак китобингизга персонаж сифатида асқотиб қолишини ўйлаб дуч келган одамни ўрганаверасизми?

Жавоб. Менинг прототип қидириб изғийдиган одатим йўқ. Ризқим қаёққа сочилган бўлса, ўша ерга боравераман. Дунёдаги баъзи ишларни ўз хоҳишинг билан бажарсанг,

*Басклар — Испаниянинг шимоли-ғарбида ва Франциянинг жануби-ғарбида истикомат қиладиган халқ.

бошқаларини истасанг-истамасанг, бажаришга бурчлисан. Табиийки, ҳар икки ҳолатда ҳам бўлажак қаҳрамонларинг билан учрашасан.

С а в о л. Китобларингиз асосида суратга олинган фильмлар ўзингизга ёқадими?

Ж а в о б. Минг афсуски, улар бир пулга қиммат. Голливуд кинокомпаниясининг махсулотлари ичида фақат биттаси — «Котиллар» менга сал-пал маъқул тушган, холос. Айтмоқчи, «Чол ва денгиз» ҳам. Чунки бу фильм бевосита назоратини остида суратга олинган эди. Қолганларининг бирортасини ҳам охиригача томоша қилишга тоқатим етмаган.

С а в о л. «Алвидо, қурол!»ни ёзишга Сизни нима мажбур қилган?

Ж а в о б. Мен ўсмирлик чоғимда Италияга адашиб бориб қолдим, у ердаги уруш эса кўзимни мошдек очиб қўйди.

С а в о л. Кинотеатрга тез-тез бориб турасизми?

Ж а в о б. Ҳа. Менимча, «Қвай дарёсининг кўприги», «Дунё бўйлаб саксон кун» фильмлари кейинги пайтда яратилган энг яхши картиналардир. «Дунё бўйлаб...» фильми анча зерикарли бошланади-ю, кейин бирдан ўзининг сеҳрли комига тортиб кетганини сезмай ҳам қоласан киши. У гўё гўзал орзуга ўхшаб кетади. Фақат яхши фильмгина инсон калбида ана шундай беғубор туйғулар уйғотиши мумкин.

С а в о л. «Алвидо, қурол!» фильмини кўрдингизми?

Ж а в о б. Кейингисиними?

С а в о л. Ҳа, кейингисини. Ҳалиги, Рок Хадсон суратга тушгани бор-ку...

Ж а в о б. Бахтимдан бўлиб, кўрганим йўқ. Бирок, менга маълум бўлишича, лаънати киночилар романимни булғашибди.

С а в о л. Сиз уларга китобингизни экранлаштириш учун рухсат бермаганмисиз?

Ж а в о б. Қаёқда! Бирор кимса мендан лоақал рухсат сўрагани йўқ-ку! Менга ҳатто бир чака ҳам беришмади...

С а в о л. Сиз қўлғезмани битирганингиздан кейин устидан яна бир бор ўқийсизми?

Ж а в о б. Албатта. Масалан, мен бугун қўлғезмани қайта ўқиб чиқсам, камида тўртта бобни бошқатдан ёзаман. Чунки биринчи вариантни худди баҳс пайтида қизишиб кетган одамдек пала-партиш ёзаверасан. Ҳовуринг босилгач, зарурий тузатишлар киритиш мумкин.

С а в о л. Сиз одатда кунига неча соат ишлайсиз?

Ж а в о б. Олти соатдан кўп эмас. Шундан ошиб кетса, толиқаман ва ёмон ёза бошлайман. Лекин мунтазам ишлайман. Фақат яқшанба кунигина дам оламан, холос. Негадир дам олиш кунини ишим уммайди. Бир неча марта яқшанба кунини ҳам ишлашга уриниб кўрдим-у, барибир кўнгилдагидек ҳеч нарса ёза олмадим.

И. Кашкига мактуб

1939 й. 23 март

Муҳтарам Кашкин, мактубингизни ўқиб ғоят хурсанд бўлдим. Ташаккур! Айниқса, СССРда асарларимни менга сабоқ бўладиган танқидий фикрлар билдирган (мен бундний фойдали маслаҳатни ҳеч қачон эшитмаган эдим) ва китобларим ҳақида ўзимдан ҳам кўпроқ нарсаларни биладиган Сиздек одам таржима қилаётгани учун ҳам бошим осмонга етди. Мен Скрибнерс нашриётидан чоп этилаётган китобларим корректурасини Сизга жўнатишларини илтимос қиламан. Бундан ташқари, Сизга муаллиф ҳамкорлигида пьесаларимга тузатиш киритиш ҳуқуқини ҳам бермоқчиман.

Тўпламидаги ҳикоялар шартли йўсинда жойлаштирилган. Скрибнерс, дастлаб учта янги ҳикоя киритилиши керак, деб

ёғини тираб туриб олди; бошқалари аввалги тўпламларда қандай бўлса, шундайлигича қолаётгани учун мен кўнақолдим. Лекин хронологик тартибга амал қилган ҳолда, янги ҳикояларни китобнинг охирига жойлаштирган маъқул эди.

Кейинги тўпламларимда албатта шундай қиламан ва Сизга ҳам уларни хронологик тартибда чоп этиш ваколатини бераман. Яқинда Испания ҳақида бир неча янги ҳикоялар ёздим. Янги роман бошлаб қўйдим, ҳатто ўн беш мингта сўз ёзишга ҳам улгурдим. Менга омад тиланг, дўстгинам. Ҳўш, «Ҳеч ким ҳеч қачон ўлмайди» сарлавҳали ҳикоям эса «Космополитэн» журналида эълон қилинди. Агар ўша ҳикоямни ҳам таржима қилмоқчи бўлсангиз, бир оз шошмай туринг, чунки улар баъзи жойларини қисқартириб чиқаришди. Сизга китобимда босиладиган тўлиқ нусхасини юбораман. Афсуски, ҳозир менда бирорта ҳам нусхаси йўқ, бўлмаса, албатта жўнатар эдим.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида яна шуларни ҳам маълум қиламанки, мен уруш тўғрисидаги ҳикояларимда шошмасдан, турли хил нуқтаи назардан иложи борица батафсилроқ, ҳаққонийроқ манзара яратишга ҳаракат қилганман. Шунинг учун битта ҳикояда менинг шахсий қарашларим тўла-тўқис акс этиши амримаҳол. Биламизки, уруш — ёвузлик. Тўғри, баъзан жанг қилишга мажбур бўламиз. Лекин, барибир уруш — ёвузлик, фақат мунофиқ кишиларгина бу ҳақда бошқача фикрда бўлиши мумкин. Бироқ уруш ҳақида ҳаққоний ёзиш жуда қийин. Ўзимнинг шахсий тажрибам асосида шунини айтишим мумкинки, масалан, 1918 йили ҳали ўсмир чоғимдаёқ Италия кампаниясида иштирок этганимда нақ ўтакам ёрилиб кетаётган эди. Испанияда эса бир неча ҳафтадан кейиноқ дийдам қотиб, ҳеч нарсадан ҳайиқмай қўйганман. Шунга қарамай, мен учун ва умуман ёвузлик урушда ваҳимага тушаётган одамларни кўриб елка қисин ёки умуман урушнинг даҳшатли нарса эканини рад этишдан бемаза иш йўқ дунёда. Мен буларнинг ҳаммасини жуда яхши биламан. Урушнинг олдини олиб бўлмадим, татом, энди фақат битта имконият қолади, у ҳам бўлса — Ғалаба. Афсуски, Испанияда бизга ғалаба қилиш насиб этмади... Етар, жин урсин ўша урушларни. Мен ҳозир фақат ижод қилишни иштайман.

Испанияда жонларини фидо қилиб, орамиздан кетганлар ҳақида — ўша Сиз таржима қилган парчани ёзиш учун жуда кўп қийналдим. Чунки қандай бўлмасин йўлини топиб, марҳумлар ҳақида бор ҳақиқатни ёзиш керак эди. Улган ўлди, дейиш билан кифояланмай, яна нимадир айтиш зарур эди. Бундан ташқари, қочоқлару қаҳрамонлар, кўрқоқлару жасурлар, сотқинлару сотқинликка қодир бўлмаган инсонлар ҳақида виждонан ёзишни истардим. Биз ўша одамлар ҳақида кўп нарса билар эдик...

Энди адабий гийбатларга келсак, биз кўп йиллардан буён муноси инсон сифатида биладиган Дос Пассос бу ерда жуда бемаза иш қилди. Менимча, ҳамма гап ваҳимада — кўрққанга қўша кўринар; қолаверса, ўзи ҳам жиловини хотинининг қўлига тутқазиб қўйган-да! Мадридга келган кунимизоқ Сидней Франклиндан (у менга ҳам ул-булда ёрдамлашиб турарди, ўзи матадор) хотинига телеграмма юборишни илтимос қилди. Унда шундай дейилган эди: «Ювош қўзичоғим, биз ҳадемай уйга қайтамиз». Цензор мени қақириб, бу нима дегани, жосуслар тушунадиган қандайдир имо-ишора эмасми, деб сўради. Мен бу — осмонга қараб «Ви-ийт!», дегани, дедим. Ҳа, у ўзига бирор кор-ҳол бўлиб қолишдан кўрқди. Ҳатто, Валенсиядан Мадридга олиб борадиган йўл фронтдан ҳам хавфлироқ эканлигига бизларни ротакамизга ишонтирмоқчи бўлди. Тасаввур қила оласизми, ўзингни бил — ўзгани қўй, деган буюқ бошбошдоқлик ғояси билан у, албатта, баъзан бахтсиз ҳодисалар-да бўлиб турадиган мана шу йўлдан юрди. У Мадридда бўлган уч кун давомида эса фронтда фақат осойишталик ҳўкм сурди. Бундай жони ширин одамлар фронтда бирор кор-ҳол бўлиши мумкинлигига ҳам ишонмайди. Хайриятки, булар ҳаммаси ортда қолди. Досга ўхшаб, Испания республикасини ҳимоя қилиш учун қўлини совуқ сувга ҳам урмаган кишилар ҳозир бизга қутуриб ҳамла қилмоқда; гўё биз аҳмоқ эмишимиз, имконсиз ишга беҳуда уриниб юрган эмишимиз. Аслида, улар ўз ҳузурларини яна ўша «ви-ийт»ни ўйлапти, холос.

Испанлар бизнинг кимлигимизни билишмаса, доим руслар деб ўйлашлари ғалати эди. Теруэлни забт этганимизда мен кун

бўйи зарбдор қисмда бўлиб, биринчи тундаёқ кўпоровчилар рогаси билан биргаликда шаҳарга кирган эдим. Маҳаллий аҳоли ҳар томондан ёпирилиб келиб, кимсизлар, бу ерда нима қилайсизлар, дея сўрай бошлаганларида, биз «қизиллар» бўламиз, яхши йиғитлар, деганимни эшитиб шундай суюнган эдики, асти қўяверасиз! Уларнинг ҳаммаси мени рус, деб ўйлаган эди. Кейин, шимолий америкаликман, деб минг марта айтсам ҳам барибир ишонимасан эди. Биз «қизиллар» пайтда ҳам худди шундай воқеа рўй берган: ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб, қўлини ювиб, қўлиққа урган каталонияликлар фронт сари интилаётган биз — «рус»ларни кўриб мамнун бўлишар эди. Улар фронт шундоққина тумшукларининг остида эканига қарамай, Арагонда бир неча ой давомида у ердаги чўпни бу ерга олиб қўйишга эриниб, эснаб ётишарди. Ҳатто фронтга олиб борадиган йўл ёқасига қуйидаги сўзлар битилган махсус белги ҳам ўрнатиб қўйишган эди: «Frenfe Pelidro!» (Эҳтиёт бўлинглар, фронт!) Мен ушбу тахтачани бошлаб суратга олганман.

Бекорчи гапларни қўйятурайлик энди. Мен Сиз билан учрашишни ва СССРга саёҳат қилишни жуда истар эдим. Афсуски, ҳозир вақтим тигиз, ёзишим керак. Уруш бораётган пайтда ҳеч ишга қўл урғин келмайди, доим сени ҳам ўлдиришлари мумкинлигини ўйлайсан киши. Бироқ, мана мен омон қолдим, демак, ишлашим керак. Улиш осону яшаш хийла қийин эканига, ёзиш эса ҳаммаша машаққат эканига ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилгандирсиз-а? Мен жон деб текинга ёзардим-у, лекин ҳеч кимса бирор нарса бермагандан кейин очдан ўласан-да. Агар мен Голливуднинг ноғорасига ўйнаганимда ёки ҳар хил бўлмағур нарсаларни ёзаверганимда жуда катта маблағ жамғариб олишим мумкин эди. Аммо мен, токи танамда жоним бор экан, фақат яхши ёзишга, ҳаққоний ёзишга ҳаракат қиламан. Айни замонда, ҳеч қачон тинка-мадорим қуриб қолмаслигига ҳам ишонман. Ҳозир Кубадаман. Бу ерда ҳар хил номалару телеграммалардан, таклифномалардан қочиб қутулиш мумкин экан. Соғлим яхши, оддекман.

Сизга эзгу истаклар тилайман, кўришгунча хайр, Қашкин. Мен Сизнинг ҳалол хизматингизни жуда юксак қадрлайман. Тўплам таржимасига ҳисса қўшаётган барча ўртоқларга менинг самимий истакларимни етказгайсиз. «Ўртоқ» деган сўз ҳақида Сизга илк бор хат ёзган пайтимидаги қараганда энди анча кўп нарса биламан. Лекин, биласизми, ёзувчиликнинг жуда галати томонлари бор. Биров сенга ёрдам беришни минг истаган тақдирда ҳам, сен мустақил бўлишинг шарт бўлган ва дунёдаги ҳеч бир зот сенга ёрдам беролмайдиган (фақат сенга халақит беришмаётганини «ёрдам» деб ўйламасак-да!) бирдан-бир ҳунар — бу ижоддир. Дўстгинам, бу жуда ҳам оғир ҳунар. Балки Сиз ҳам ҳаракат қилиб кўрарсиз-а, лаббай? (Ҳазил!)

ХЕМИНГУЭЙ

НОБЕЛЬ МУКОФОТИНИНГ ТОПШИРИЛИШ МАРОСИМИ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН НУТҚ¹

Швеция академиясининг аъзолари, хонимлар ва жаноблар!
Мен нутқ сўзлашга унчалик моҳир бўлмасам-да, гапонлик ёки ваъзхонликда устаси фаранг бўлмасам-да, ҳотамтой

Альфред Нобель мукофотини менга тақдим этишни лозим кўрган барча кишиларга ўз миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман.

Ўзидан илгари ўтган буюк ёзувчиларнинг ушбу мукофотдан бенаиб кетганини эслаган ҳар қандай кишини беихтиёр истиҳола ва хижиллик кайфияти чулғаб олиши тайин. Менимча, ўтиб кетган улғу зотларни номма-ном санаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак — маросимда иштирок этаётган ҳар бир киши ўз билим даражасидан келиб чиққан ҳолда, виждон амрига қулоқ солган ҳолда бундай рўйхатни ўзича тузиб олиши мумкин.

Ёзувчи, юрагидаги ҳамма дардни қоғозга тушириб, ватанининг мухтор вакилидан уни нутқ сифатида ўқиб беришни илтимос қилиши ақлга сиғмайдиган ҳол, деб ўйлайман. Киши бирор нарса ҳақида ёзаётган пайтда айрим фикр-мулоҳазаларни эсдан чиқариши ёки назардан қочирishi табиий. Ақлу иборк исканжасига бўйсунмаган баъзи пайтларда ёзувчи кўп нарсага эришиши ҳам мумкин. Лекин, эртами-кечми, ўша фикр-мулоҳазалар тиниқлашиб, ёзувчининг нимага қодирлигю номининг асрлар бўйи унутилмаслигини ҳал қилиши ҳам мумкин. Буларнинг ҳаммаси ёзувчининг иқтидорига боғлиқ.

Агар ёзувчи жуда машҳур бўлса, унинг ҳаёти одатда ёлғизликда кечади. Эҳтимол, ёзувчилар ташкилоти уни ёлғизлик азобидан асрар, бироқ унинг ижодига ижобий таъсир кўрсатиши дарзумон. У ёлғизликдан маҳрум бўлади-ю, жамоат арбоби сифатида гуллаб-яшнаб, охири таланти завола топади. Зотан, ижодкор сифатида фақат мустақилликда яшаш мумкин, холос. Фаросатли ёзувчи келажакда ўзини абадиёт ёки забунлик қутаётганини олдиндан билиши керак.

Ҳақиқий санъаткор ҳар бир янги китоби билан ҳали забт этилмаган чўққи сари гўё из тушмаган сўқмоқ бўйлаб сафарга отланиши лозим. Ҳеч бўлмаса, кимдир ўзидан илгари ҳам юрган-у, лекин сўнги манзилгача етиб боролмаган йўлдан юриши даркор. Агар адабиёт яратиш ўтмишида ёзилган, аъло даражада ёзилган мавзулар ҳақида сал бошқачароқ ёзишдангина иборат бўлганда эди, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек битарди-қўярди. Афсуски, йироқ-йироқлардан буюк адиблар тоғдек бўй чўзиб тургани учун ҳам, ҳозирги замон ёзувчиси овлоқ гўшаларга кетишига мажбур. У шунчалар йироққа кетиши керакки, қай бир зот ёрдам қўлини чўзишни истаган тақдирда ҳам, ҳеч қандай ёрдам бера олмасин!

Назаримда, жуда кўп гапириб юбордим шекилли. Ёзувчининг халққа айтадиган гапи бўлса, ваъзхонлик қилмай, муқим ўтириб ижод қилиши керак. Яна бир бор ташаккур.

Н. БОҚИЕВ таржимаси

¹ Э. Хемингуэй ўзига Нобель мукофотининг топширилиш маросимида катнашмаган. Адибнинг шахсий илтимосига кўра унинг нутқини АКШнинг Швециядаги мухтор элчиси ўқиб эшиттирган.



Қудрат Дўстмуҳамедов

Студент устозини имтиҳон қилади

«Қанақа одамсан ўзи?»

Бошлиқ ёш ходимни ҳузурига чақириб, навбатдаги бир ишни буюрди. Мақсадини аниқ тушунтирди, қандай бажариш йўлларини ҳам айтди. Институтни эндигина тамомлаб келган йигитча яхшилаб тинглади, гап тугаганини пайқаб, кетиш тараддудида «Хўп, шу ишни бажариб келайми!» деб ўрнидан турди. Бошлиқнинг ранги ўзгарди, лаблари қисилиб, кўзларидан ўт чақнади:

— Сен қанақа одамсан ўзи! Доим бемаъни савол берасан! Боядан бери қулоғингга танбур чертдимми!

Бошлиқ жаҳл қилмасдан, секин, ётиғи билан бундай савол ноўрин, бемаънилигини тушунтириши мумкин эди, лекин институтни битириб келган йигитчанинг ўзи ҳам шундай «икир-чикир»нинг фарқига бориши лозим-да.

«Икир-чикир» майда кўрингани билан, замирида одамнинг кўп фазилатлари ётади.

«Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» фильмидаги совет разведкачиларини эсланг-а. Штирлиц гестапочилар қўлига тушиб қолган ҳамкасабасини ўзи сўроқ қилиш учун бошлаб кетаётганда кимсасиз йўлакда бир кишининг номини айтади, унинг касбини, қачон, қай аҳволда ҳалок бўлганини, ва ниҳоят, терговда қандай баҳоналар кўрсатиш кераклигини лўнда-лўнда қилиб тушунтиради. Бу беш-олти қадамгина йўл устида бўлаётган гап. Разведкачи аёл ҳеч савол бермайди, зеҳни ўткирлигидан ҳамма гапни бир эшитишдаёқ ўқиб олади.

Бошлиқнинг топшириғини эшитаётган ҳалиги ёш мутахассисдан разведкачининг ўткирлигини талаб этиш қийин, лекин у зеҳнироқ бўлганида эди...

«Разведкачи ўта қалтис шароитда ҳаракат қиляпти, ёш мутахассис эса — тинч замонда, мабодо ҳаёт-мамот масаласи кўндаланг турганида у ҳам разведкачидан қолишмаган бўларди», деган эътирозни сезиб турибман. Тўғри, шундай

бўлиши мумкин. Лекин, ҳаёт — ҳаёт-да, у курашлардан иборат. Менимча, у ҳар бир кишидан ҳамма вақт разведкачи бўлишни талаб қилади, акс ҳолда фурсат бой берилади, омад қўлдан кетади, хуллас, иш юришмайди.

Бошлиғига ноўрин савол бериб қўйган йигитча, эҳтимол, индамай туриб кетишга иймангандир!

Аввало, хизмат вақтида ийманиш ярашмайди, қолаверса, «Тушунарли» деб ёки туришга рухсат сўраб, ишга киришавериш ўринли бўларди.

Ноўрин савол бериш ҳоллари ҳаётда кўп учрайди. Айтайлик, хонада ёлғиз хизматчи ишлаб ўтирибди, ёнидаги стол бўш — ҳамкасби йўқ. Шу пайт эшик очилиб, биров мўралади. Ходим, табиийки, қоғоздан бош кўтариб қаради. «Фалончи акам шу ердамилар!» деб сўради у. [Гўё фалончини беркитиб қўйишгаидек].

— Йўқ.

— Қаердалар!

Тағин тегишли жавоб берилади.

— Қачон келадилар!

...Хуллас, хизматчининг фикри бўлиниб, бўлмағур, бемаъни саволларга жавоб бериши керак.

Бундай аҳвол кўпчилик билан муомала қиладиган идораларда одатий тус олган, шунинг учун жавоб берадиган одам, биттадан сўнг келиши мумкин бўлган саволнинг олдини олиб, бирваракай жавоб қайтаришга ҳаракат қилади. Масалан, «Фалончи акангизни бугун кўрмадим» ёки «Ҳали ишга келмадилар». Эзма-чурук ёки бефаросат киши андишани унутиб, яна савол ташлайди:

— Келадиларми! Қачон келадилар!

Ваҳоланки, хизматчи шу саволга ҳам қисман жавоб бериб кетди.

Сўхбатимиз мавзуси битта савол устида эмас, умуман савол бериш маданияти, ва кўпроқ, саволни юзага келтирадиган нарса — билим ҳақида.

Кимда савол бор!

«Кимда савол бор!» дейди бир кунда минглаб ўқитувчилар миллионлаб ўқувчиларга қарата. «Кимда савол бор!» дейишдаи ҳар кун юқори малакали мутахассислар, олимлар талабаларга қарата.

Махсус текшириш ўтказилса, ўқувчилар ҳам, талабалар ҳам билмаганларини устозларидан сўраб олмай жамиятга ҳам, ўзларига ҳам кўп зиён етказаятганларини исботлаш мумкин бўларди.

Афсуски, кейинги пайтларда «Ёмон ўқисанг, ишга борганинда қийналиб қоласан», деган ўғитни ҳеч ким тилга олмай қўйди, аксинча «Иш бошқа, ўқиш бошқа», «Ўқиши ёмон бўлсаям, ишга берганда боплайди» қабилидаги «насихатлар» кўпайиб кетди.

«Қандай саволлар бор! Нима тушунарсиз бўлди!» дейман мен ҳам ўн беш йилдан буён. Лекин, саволларим кўпинча жавобсиз қолади. Демак, ўтилажак дарс мавзусини чалакам-чатти ёки билганча тушунтириб кетаверса бўларкан, бари бир ҳеч ким савол бермайди. Тинчгина, беғалва ишлаб юраверасан, аммо...

Савол тушмаслиги — ўтилаётган дарсга талабаларнинг қизиқиши йўқлигини билдиради, албатта. Бунинг иккита сабаби бор: ўқитувчи зерикарли дарс ўтади ёки талабаларнинг ўзлари шу предметга бефарқ қарайди. Ҳаётда униси ҳам, буниси ҳам учрайди. Мана, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг сўзлари:

«Мен биринчи дарсимдаёқ студентларга «Қўрқмасдан савол бераверинглар. Айрим ўқитувчилар кўп савол берганларни ёмон кўради, мен ундай эмасман. Тортинмай сўрайверинглар», дейман. Савол беришдаи, лекин кўп эмас. Одатда, яхши ўқийдиган студентлар кўпроқ сўрайди».

«Менга бирор мартаям савол беришмайди. Кейинги пайтларда саволлар борми, деб сўрамай ҳам қўйдим».

«Лекциянинг охирида уч-тўрт минут вақтни саволларга ажратаман, иккита-учта савол тушади. Студентлар орасида битта-иккита жуда қизиқувчилари бўлади, улар дарс охирини кутиб ўтирмай сўрайверади. Тушадиган саволлар оддийгина: «У нима!», «Бу нима!» қабилида. «Нега шундай, бошқача эмас!» деб одамни ўйлатиб қўядиган саволни шу пайтгача эшитмадим».

«Баъзи группаларда савол беришади. Ута жўн саволлар. Кўпинча ўтилган темани қайтаришга тўғри келади. Баъзи группалардаги болалар бефарқ, лоқайд. Нимани гапираётгани билан иши йўқ. Шундай пайтда ўқитувчи бўлганим учун пушаймонлар қиламан»...

Дарвоқе, ўқитувчи «Кимда савол бор!» деб дарснинг охирида мурожаат қилиши кенг тарқалган одат. Ўқитувчининг сўзини бўлиб, савол ташлашини ҳеч ким ёқтирмайди, айниқса, ўқитувчининг ўзи. Бундай қилиш одобга ҳам тўғри келмайди, албатта. Бироқ, билимни ўзлаштириш нуқтаи-назаридан қараганда, хаёлга келган саволни сақлаб ўтириб, дарс охирида сўрашдан фойда камроқ. Шунини ҳисобга олган ўқитувчилар саволга кўпроқ ўрин берадилар.

Умуман, ўқитувчи тайёрлаб келган мавзунини жимгина эшитиб, кейин савол бериш ўрнига талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш тарзида дарс ўтиш кўпроқ мақсадга мувофиқ кўринади. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

«Бу нима! Нега шундай!»

«Бу нима!» дейди тили чиқиб, дунё таний бошлаган гўдак. «Нега бундай! Нимага!» деб катталарнинг бошини қотиради бу «файласуфлар».

Дунёда энг кўп савол берадиган одам — тўрт-беш ёшли гўдак, дейишади мутахассис олимлар. Гўдакларнинг беозор, кутилмаган саволлари машҳур файласуфларни озмунча ҳайратга солмаганими! Узимиз ҳам гўдакларнинг теран маъноли саволларига жавоб тополмай қолмаганимизми! Сурштириб келсак, барча машҳур кашфиётлар гўдакларча оддий саволлардан бошланган экан.

Нега шундай! Нега тўрт-беш ёшли гўдак кўп савол беради! Нега катталар қанчалик зерикмасин, барибир сўрайверади! Хўш, нега энди, олий ўқув юрти талабаси, 17—22 яшар йигитчи кам савол беради! Ахир улар сеҳрли катта дунё — илмлар бўсағасида турибди-ку! Наҳотки, инсон ёши улғайган сари дунёга бефарқ бўлиб қолса! Еки тўрт-беш яшар гўдакчалик «мушоҳадаси» йўқми! Гоҳида оддийгина «Нега шундай!» деган саволни бериш эллик-олтмиш талабадан биронтасининг эсига келмайди. Ваҳоланки, ўқитувчи худди шу саволни интизор бўлиб кутади.

Савол қачон туғилади!

Бу сўроққа «Қачонки бирор нима тушунарсиз бўлса», деб оппа-осон жавоб бериш мумкин. Ўқитувчининг сўзи тушунарсиз бўлганда ҳам тингловчи эрингидан, қизиқмаганидан, бефарқ қараганидан (бошқалардан уялиши алоҳида ҳол) жим ўтиравериши мумкин. Агар у «Шуни билиб олишим зарур», деган қарорга келса, савол ҳам дарров тилга келақоларди. Оддий қилиб айтганда савол, билимга ЭХТИЁЖ бўлгандагина туғилади.

Уз навбатида янги савол туғилади: «Эхтиёжлар манбаини қаердан излаш керак!» Фикримизча, эхтиёжни билим олувчиларнинг онгидан эмас (ҳозир амалда шундай), моддий борлиқдан — табиатдан, жамиятдан, лўндагина қилиб айтганда, ишлаб чиқаришдан қидириш лозим. Мазкур суҳбатда «билимга эхтиёжлар манбаи» ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Бу — катта ва алоҳида мавзу.

«Эхтиёжлардан қатъий назар, савол туғилиш жараёни юқорида юзакни ўйлаганимиздан кўра хийла мураккаброқ экан. Аввало, тингловчи ўқитувчи айтиётган гапларни тушуниши шарт («Домла, мен фалон нарсани тушунмадим, шуни қайта айтиб берсангиз» қабилидаги гап савол ҳисобланмайди), тушуниш учун эса, одамда маълум даражада билим пойдевори бўлиши зарур. Янги олинган тушунча мустақил фикрлар билан қўшилиб кетгандагина кишида савол туғилади. Ўқитувчи

қанчалик батафсил тушунтиришидан қатъий назар. Аввало, у ҳар доим батафсил тушунтиравермайди, қайсидир масала сал ёритилмай қолади, тўла-тўқис ёритилган тақдирда эса, тингловчида мураккаб саволлар уйғотади. Савол пайдо бўлгандан сўнг кўпчилик ичиде ўқитувчидан сўрашга ҳар ким ҳам журъат қилмайди. Бировлар ийманади, «Шуниям билмас экан», деган гап-сўздан чўчийди. Бу хусусда гапириб ўтирмаздан улуғ шоирнинг бир ҳикматли сўзини эслаб ўтиш кифоя: «Билмаганим сўраб ўрган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим».

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, саволни юзига келтирадиган омил билимсизлик эмас, билим экан. Талаба бир нарсани билмади ёки сезадики, унда савол туғилади. Билими қанча чуқур, сезгиси қанча ўткир бўлса, савол шунчалик кўп, маъноли, ўринли ва ақлли бўлади. Талабаларнинг билимини текширишда мана шу мезонни қурол қилиб олса бўлмасмикин!

Янги усулми!

Тошкент автомобиль траспорти ва йўллари институти ўқитувчиси биринчи лекцияда: «Мен сизлар берган саволларга қараб баҳо қўяман», деб талабаларни ҳайрон қолдирди. «Қандай қилиб!» деб сўрашди улар. Муаллим изоҳ берди: «Бундай қиламиз. Менинг лекцияда ким кўп савол берса, ўшанинг баҳоси юқори бўлади. Албатта, саволлар ўринли ва маъноли бўлиши керак». Кутилмаган янгиликдан студентлар орасида шивир-шивир бошланди. Ажабланиб елка қисганлар ҳам бўлди. Ҳарқалай, талабалар «қулоқларини динг қилиб» лекция тинглашга киришдилар. Биринчи саволлар ўтилган мавзуга тегишли бўлди, бошқа фандан тушунмай қолган нарсаларини ҳам сўрашди. Ўқитувчи ваъдага биноан бир нечта талабага «уч», «тўрт» баҳо қўйди.

Талабалардаги қизиқиш ўқитувчи ўйлаб топган янгилик учун катта мукофот эди. Кейинги дарсда мураккаброқ саволлар туша бошлади. Ҳатто «Нега шундай!» деган қатъий савол ҳам бўлди. Ўқитувчи гўё уйланиб қолгандек бўлдию «Нима, сизнингча бошқача бўлиши керакми!» деди бири студентга. Кутилмаган қарши саволдан талаба бироз эсанкиради, секингина «Ҳа», деди-да, тутила-тутила фикрини айтди. «Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди ўқитувчи ётиғи билан, — лекин саволингиз ўринли, уни ҳимоя қилишга ҳаракат қилганингиз учун сизга «тўрт» қўяман».

Студентлар орасида яна жонланиш сезилди:

— Ух-хў! Яхши-ку!

— Табриклаймиз!

— Илтиҳондан ўтдим, деявер.

Дарсдан дарсга ўтган сари саволлар кўпаймади, лекин илгарилари миқ этмай ўтирадиган студентлар ҳам янгича таълим системасига аста-секин қизиқа бошлаган эди. Саволнинг кўп ёхуд кам, ўринли ё ўринсиз туғилиши ўзига ҳам боғлиқлигини тушунган ўқитувчи дарсларнинг бирида муҳим бир масалани тушунтира туриб, «бехосдан», ўсталик билан бошқа мавзуга ўтиб, ҳеч гап бўлмагандек сўзлашда давом этаверди. Кейинроқ, «Саволлар борми!» деганида бир талаба ўрнидан туриб, чала қолган гапни эслатди: «У ёғи нима бўлади! Ҳали темадан четлашиб кетдингиз-ку!»

— Раҳмат, ёдимдан кўтарилибди, — деди ўқитувчи севиниб ва чала қолган гапни тушунтирди. Шу куни у биринчи марта «беш» қўйди.

Қандай ифодалаш керак!

Иккита қирқ беш минутли дарс давомида эллик-олтмиш талабанинг ҳаммаси савол беролмайди-ку, деган ўринли эътироз туғилади. Тўғри. Лекин ҳар лекцияда беш-олти киши баҳо олса ҳам ёмон эмас. Қолгани ўқитувчига боғлиқ. У аудитория билан шундай гаплашиши керакки, ҳар қайси студент бир гал бўлмаса, кейинги сафар албатта савол берсин, ўзлаштиришни намойиш қилиб баҳо олсин.

Биринчи тажрибанинг ўзидан маълум бўлдики, студентларнинг айримларигина савол берса, бошқалари «мум тишлаб» ўтираверар экан. Бу аҳволни кўрган ўқитувчи «Кимда-ким

савол бермаса, баҳоси «икки», деди. Студентлар бундай ҳукмга норози бўлдилар.

— Ие! Нега энди!

— Инсофдан эмас, бу!

— Домла, ҳаммаси тушунарли бўлса, нимага савол берамиз!

— Утилган темани тушунарсизларми-йўқми, кўзларингиздан кўриб турибман, — деди муаллим. — Ҳамма нарса тушунарли бўлганида саволлар кўпайиши керак эди. Илгари оддий-оддий саволлар туғилса, энди илмий мавзудаги саволлар пайдо бўлиши керак. Нега энди, сиз мен айтган, айтаётган гапларни айни ҳақиқат билиб, бошқача бўлиши мумкин эмас, деб ўйлайсиз! Мен нотўғри гапираётган бўлсам-чи! Эскириб қолган илми ўргатаётган бўлсам-чи!

Айрим ёшларнинг кўзида ўт қақнади. Уларнинг муаллимга қўшилмаётганлиги шундоққина сезилиб турарди.

— Қўрқманглар, — давом этди ўқитувчи, — «икки»ни журналга қўймайман, у — оғзаки.

Оғзаки «икки» ҳам ўз кучини кўрсатди, савол берувчилар сафи кўпая борди. Кунлар ўтган сари ўқитувчи ёшлар олдига янгидан-янги талаблар қўяверди. Унинг наздида, маъноли ва ўринли савол бериш кифоя эмас, саволни лўнда ва равшан ифодалаш ҳам керак экан.

— Математика аниқлиқни қандай талаб қилса, сўз ҳам шунчалик аниқлиқни истади, акс ҳолда одамлар бир-бирини тушунолмайдилар, — деди муаллим.

— Муаллим, — деди бир студент қўл кўтариб, — бир нарсани одам ўзи тушунса-ку, аниқ ва лўнда ифодалайди-я, лекин тушунмаган нарсасини... қандай тушунтиради. Биз учун сиз айтган нарсалар тамомила янгилик-ку!

Муаллим изоҳ берди:

— Билганини бировга тушунтириб беролмайдиган одамлар ҳам кўп. Фақат студентлар орасидагина эмас. Менинг бир ўқитувчи дўстим бор. Доцент. Ўз илмига пухта, яхши одам. Лекин, сергап, оддий ҳақиқатни бировга тушунтирмақчи бўлса ҳам гапни жуда олдидан, бегона мисоллардан бошлайди. Қўйилмақом қилиб суҳбатдошининг миёсига қўйиб қўймоқчи бўлади-ю, кўп гапириб, ишни пачава қилади. Натижа—ноль! Суҳбатдоши ҳеч нимани тушунмайди. Бу — бир. Иккинчидан, одам ўзи яхши билмаган нарсани ҳақиқатда ҳам қисқа ва лўнда ифодалай олмаслиги мумкин. Фақат, баъзан! Агар, у воқеа-ҳодисалардан биринчи ва иккинчи даражали омиллари ажратишни уддалай олмаса. Доцент дўстим ҳам гоҳо суҳбатдошим тушунмай қолади, деб ҳадиксирайди ва кўп гапириб юборади.

Қандай савол кўтариб келдинг?

Модомики, талабанинг саволи билим олишда, уни баҳолашда жуда қадрли экан, юқорида айтганимиздек дарсларни фақат савол-жавоб тарзида ўтиш мумкин эмасмики н! Бунинг учун нима қилиш керак!

Бизнингча, даставвал жиддий ўзгариш талаб қилинмайди, баъзи ўрин алмаштириш кифоя, холос. Масалан, олий ўқув юртлиридаги мавжуд тартибга биноан талаба дарсдан сўнг ўқитувчидан олган билимининг иттиб ўқиб мустаҳкамлаши зарур. Таклиф қилинаётган ўқитиш услуби бўйича эса, талаба дарсга келишдан аввал ўтилажак мавзунинг китобдан яхшилаб ўқиб келади-да, ўқитувчига саволларни ёғдириб ташлайверади. Ўқитувчи ўз сави яси, гоҳида истагига кўра дарс тайёрлаб келиб, гапириши қаёқда-ю, тингловчиларнинг талабига кўра дарс ўтиши қажоқд! Хуллас, янги усулда «билимга эҳтиёж» биринчи ўринга чиқади. Мавжуд ўқитиш системасидаги «эҳтиёж» юқорида айтганимиздек кўпинча талабанинг онгига боғлиқ бўлганидан ташқари, мавҳум, имтиҳондан йиқилмай ўтиш, диплом эгаси бўлиш каби олис мақсадлар билан чегараланиб қолган.

Талабаларнинг билимининг текширишда уларнинг саволига асосланиш кундалик ўқиб жараёнидагина эмас, балки синов ва имтиҳонларда ҳам қўл келади.

Масалан, синов ва имтиҳонга талаба бир неча савол кўтариб

келади. Улар шундай тузилган бўлиши керакки, ўқитувчининг одатдаги оғзаки саволи ёки учта савол ёзилган билетдан қолишмасин. Қани, ким нимага қодир экан!

Демак, студент ўқитувчининг рўпарасига ўтирадию уни саволга тутта бошлайди. Ўқитувчи жавоб бериши шарт эмас, бунинг ўрнига «Хўш, нега бундай дейсиз!» дейди. Студент, саволи нимага асосланганини тушунтиради. Жавоб қониқарли бўлса, шу заҳоти тегишли баҳо чиқарилади. Талабанинг саволи ўринли ва тўғри ифодаланган бўлса-ю, уни қандай топганлигини асослаб беролмаса, демак, кўр-кўрона ёд олиб келган бўлиб чиқади. Баҳо — қониқарсиз.

Айтайлик, студент саволларни ҳам, уларни асослашни ҳам ўринли, лекин бировдан ўрганиб келиб, айтиб беради. Бари бир у яхши ёки аъло баҳога сазовор. Ёд олиб, «булбулигўелик» қилаётган бўлса, дарров билинади-қўяди.

Савол-жавоб тез туғаши шарт эмас. Ўқитувчи хулоса чиқаришга шошилмай, талабага қўшимча саволлар беради: «Хўп, савол топибсиз. Унга жавоб ҳам топдингизми!»

Талаба жавоб топган бўлса, ўқитувчи яхшилаб эшитади ва ифодаланган савол билан солиштириб кўриб, талабанинг билим савиясини аниқлайди.

Талаба ўзи жавоб тополмаган бўлса-да, қуруқ савол билан келиши мумкин. Мабодо, у ҳеч қайси китобда ёзилмаган, ўқитувчи ҳам бехабар бўлган савол топган бўлса (фан учун бу жуда муҳим) «беш» баҳога лойиқ.

«Топган гул келтирар,...» деганларидек, ўз ақли билан арзигулик савол тополмаган талаба «бир боғ пиёз» кўтариб келолмайди, демак, эски усулга биноан, ўз бахтини учта савол битилган билетлардан синаб кўради. Бошқа чораси йўқ.

Бу ерда, битта фан доирасида талабалар билиши мумкин бўлган саволлар доимий такрорланаверганидан сийқаси чиқиб кетмасмикин, деган ўринли эътироз ҳам туғилиши мумкин. Бу тўғрисида аввалдан бир нима дейиш қийин. Саволларни ўқитилаётган фаннинг хусусияти, ўқитиш усуллари, талабаларнинг заҳми каби кўпдан-кўп омиллар юзага келтиради.

Нималарни ҳал қилиш керак!

Янги усул ҳамма фанларга ва турли шароитларга (шаҳар, қишлоқ, марказ) мос келса, уни жорий қила бошлаш қийин эмас. Ҳеч қандай қўшимча маблағ ёки дарс соатлари талаб қилинмайди. Шунчаки, ҳар бир педагог дарсларига бошқачароқ тайёрланиб келади, бошқачароқ кайфиятда дарс ўтади. Кейинчалик, лекция ўтишда савол-жавоб усули қўлланилади. Тажриба ортгани сари янги усулнинг номаълум қирралари очилаверади. Ҳозирги кунда кўзга кўриниб қолган ва ҳал қилиниши лозим масалалар қуйидагилардан иборат: саволларни турларга ажратиб, ҳар қайси турнинг беш балли система чегарасидаги салмоғини аниқлаш, талабаларда кўплаб савол пайдо қиладиган ўқитиш методикаларини излаш, тил ва талаффузни ривожлантириш, талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муомала ўзгаришларини топиб ўрганиш ва бошқалар. Янги усулни синов ва имтиҳонларда қўллаш ҳам қатор масалаларни юзага келтиради.

Янги усул кенг ёйила боргани сари дарсликларни, ўқув-методик қўлланмаларни, айниқса, ўқитиладиган фанларнинг тури, ҳажмини тўздан қайта кўриб чиқиш зарур бўлиб қолади.

РЕДАКЦИЯДАН. Уйлаймизки, Тошкент автомобиль йўллари ва транспорти институтининг доценти Қ. Дўстмуҳамедов муҳим масалани кўтарган. Дарҳақиқат, илмга чанқоқ ёшларга фан-техника асосларини ўргатишда янгича йўлдан боришга интилиш, қотиб қолган схематик методологиядан воз кечиш, студентлар билан эркинроқ самимиyroқ муомалада бўлиш таълим-тарбия сифатини яхшилаши шубҳасиздир.

Биз ушбу мақолани кўпчилик муҳокамасига ҳавола тарзида эълон қилар эканмиз, унда ўртага ташланган муаммо юзасидан олий ўқув юрти муаллимларининг, методист ўқитувчиларнинг, ва биринчи навбатда, студентларнинг фикрини билишни истардик. Муаллиф таклиф этган методнинг афзалликларига қандай қарайсиз! Сизнингча, бу усулнинг манфий томонлари ҳам борми! Уни такомиллаштириш мумкинми!



Муҳтарама Улугова

Қиз боланинг шаъни

*Инсон шаъни, кадр-қиммати ҳамиша улуг. Биз гоҳо
ишхонада, жамоат жойларида, турли хил маъракаларда
мана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўямиз. Ноўрин бир
сўз, ножўя бир ҳаракат туфайли бировга нечоғлик
маънавий жароҳат етказиш мумкинлигини чуқурроқ
ўйлаб кўрмаймиз. Аслида, олижаноблик, хайрихоҳлик,
бировнинг яхши томонларини кўра билиш чин инсонга
зийнат бўладиган фазилат эмасми?*

*Шоира Муҳтарама Улугова ана шундай тушунчалар
ҳақида мулоҳаза юритади.*

Бу қиз менга жуда ёқади. У илмий-текшириш институтида ишлайди. Ишхонаси бизга яқин. Узи наманганлик. Институтни битириб, Тошкентда қолган, илмий иш қиляпти.

Уни учратиб қувониб кетдим. Ҳар сафаргидай ҳол-аҳвол сўрадим.

— Соғлигингиз яхшими? Қишлоққа боряспизми? Онангиз... У киприк қоқди, нимадандир ҳафалиги сезилиб турарди.

— Юринг, хиёбонга ўтайлик, — дедим унинг қўлидан тутиб.

— Йўқ, у аҳволда эмасман. — Қиз титраб кетди.

— Бўлмаса, эртага учрашайлик. Кечқурун, институт олдида кутиб тураман.

— Мен энди... институтга келмайман, — деди-ю кўзига ёш олди.

Индамай кетавермай, зўрлагандай хиёбонга бошладим. Сўнг, гапни ҳазилга йўймоқчи бўлдим:

— Қаттиқ севиб қолибсиз шекилли, кўнглингиз бу қадар бўш эмасди.

Шундай дедиму тилимни тишлаб қолдим. Танишим (келинг, унинг исми Манзура бўла қолсин), кўзларини артиб шивирлади:

— Севдим ҳам шекилли. Энди ҳаммаси тамом...

У билан учрашиб қолганимга пушаймон бўлдим. Ўз йўлига кетаётган битта одамни бекор ранжитдим, дея ўқиндим. Энди уни ташлаб кетолмайман, лекин оғиз очишга ҳам ҳайронман. Менинг ҳолатимни тушунгандай, Манзура қиё боқиб кулимсиради. Ўзи гап бошлади:

— Бирга ишлайдиган бир олимнинг хотини... институтга келиб роса тўполон қилди. Гўё мен унинг эри билан юрармишман. Ахир, эркак билан аёл киши ҳам одам сифатида, ҳамкасб сифатида гаплашиши, маслаҳатлашиши мумкин-ку! Бунинг устига, у киши билан соҳамиз бир. Бизнинг иш юзасидан бўладиган суҳбат, мунозараларимиз унинг хотинига бутунлай бошқача маънода етиб борибди.

— Ким етказди?

— Билмайман. Ҳеч кимни айблаш олмайман. Мен билан бирга ишлайдиган аёлларнинг иккитаси ўша хотиннинг маҳалласида тўпланишиб гап ейишаркан. Бундан бир-икки ой олдин улардан эшитиб қолдим: ҳамкасбимизнинг хотини мендан, эридан хафа бўлиб уларга йиғлаганмиш. Мен аёллардан: «Икки йилдан буён бирга ишлаймиз. Менинг қанақалигимни биласизлар. Унинг шубҳаси ноўринлигини айтиб тинчитдиларингизми?» деб сўрадим. Улар «Ҳа», — деб қўйишганди.

— «Севдим ҳам шекилли» дедингиз-ку? — Яна безовта бўлиб сўрадим.

— Ҳа. — Манзура чуқур энтиқди, — биз ишлайдиган бинонинг тўртинчи қаватида лойиҳа институти бор. Уша ерда ишлайдиган бир йигит билан кузда тўй қилишга аҳдлашгандик... — Унинг овози титроқ ичра йўқолиб кетди. Бироз жим қолгач, давом этди. — Мендан хафа бўлманг. Ўз дардимга сизни шерик қиляпман. Ҳеч кимга кўнгил ёролмай юргандим. Онам узоқдалар. Уларга бу гапларни айтиб бўлармиди... Битта бинода бўлгач, бу гаплар йигитгаям етиб борди. Уртамизда сир ётмасди, шунга келишиб олгандик. У ишхонасидаги қизлардан эшитганларини менга айтди. «Сиз бу гапга ишондингизми?» — дейишим билан у мендан уэр сўради, унутишимни илтимос қилди. Бу гапни кўнглимга қаттиқ олиб у билан гаплашмаган биринчи кунимок ҳис этдим: мен ундан кеча олмас эканман. Яна гаплашиб кетдик, ҳаммаси унутилгандек эди. Бундан икки ҳафта олдин ҳамкасбимнинг хотини ишхонага дод солиб келди. Ҳамма йўлакка чиқди, нима экан, деб мен ҳам чиқдим. Ҳалиги хотин эрини судрагандай директор кабинетига олиб кирди, мени чақиртиришди. Қирқлардан ошган хотин ҳеч кимга қўлоқ солмай, мени бузуққа чиқарди. Директоримиз унга: «Бу тухматингиз учун жавоб берасиз. Нима учун бу қизнинг шаънига сабаб-исботсиз тухмат қиласиз?» — деб дўқ урганларидан кейин: «Ходимларингиз нима ишлар билан машғуллигини билмайсиз. Кеча тушликдан сўнг ҳамма чой ичиб ўтирганда, бу иккаласи эримнинг кабинетига қамалиб олиб қаймоқлашишган. Менга танишларим ёлғон гапиришмайди, улар шу ерда ишлашади», — деди. Шунда баъзи бир ҳамкасбларимнинг, айниқса аёлларнинг бурчак-бурчакда пичирлаб туришлари, мени кўрганда дарҳол мавзунини ўзгартириб, гоҳ боғдан, гоҳ тоғдан гапиришлари ёдимга тушди.

Директоримиз ажабланиб бизга қараб турардилар.

— Тўғри, — деб бор гапни айтдим. — Журнал учун ёзган мақоламни кўриб беришларини илтимос қилгандим. Лекин сизга буни ким етказди қолди?

— Бу шарт эмас, — йиғлашга тушди хотин. — Кунда, кун ора эшитаман. Мақола — бир баҳона. Маслаҳатлашгани менинг эримдан бошқа одам кўриб қолганмиди? Ана, кандидат аёллар ҳам бор-ку? Мени ўйламаса, олти боламни ўйласин...

Мен ўзимни тутолмадим, директор хонасидан отилиб чиқиб кетдим. Хонамга кириб, йўлакдаги шовқин туғалунча ўтирдиму кўзларим шишиб қизарганча ётоқхонага жўнадим...

Эзрилиб ўтирган Манзуранинг елкасига қўлимни қўйдим, кўзларимни юмдим. Миямнинг у ер-бу ерида учқунга ўхшаш оғриқ чақнаб ўтди. Яқиндагина бир афсона эшитганим: мўйсафид ўзига маъқул бир йигитга шундай дебди: «Менинг бир қизим бор, у кўрмайди, кўзи ожиз. Эшитмайди, қулоғи кар. Юрмайди — оёғи йўқ, бир нарсени ушламайди — қўли йўқ, сўзламайди — гунг. Шунга уйлансангиз.» Йигит бу қадар нотавон қизга уйланмоқни истамаса ҳам, рози бўлибди, чунки мўйсафиднинг ҳовлисида ўсган олмангир бир донасини бесуроқ узиб еб қўйган экан. У тўй кечаси гўшанга кирса, ойдай келин ўтирганмиш. Ҳайрон бўлиб орқасига қайтибди ва мўйсафиддан бунинг сабабини сўрабди. «Қизим ожиз деганим, ёмон нарсени кўрмайди, кар деганим — ёмон нарсени эшитмайди, қўлсиз деганим — ёмон нарсени ушламайди, оёқсиз деганим — ёмон йўлга юрмайди, гунг деганим — ёмон сўзни айтмайди, деганим», — деб жавоб берибди мўйсафид. Уша келин-куёвдан туғилган ўғил беш ёшида катталар ҳал эта олмаган муаммоларни еча бошлаган экан».

Бу — бир афсона. Аёл кишининг, яъни табиатнинг энг назокатли фарзандининг нақадар пок бўлиши зарурлигини таъкидловчи афсона.

Манзурага ҳамкасб бўлган аёллар, кам деганда, олий маълумот эгаси эканликлари шубҳасиз. Айтайлик, бирор газета ё журналда ишхонадаги турли шахсий ташвишларга ўралашиб қолишлар, яғво, тухматлар танкид этилса, улар бу фикрларни тўла маъқуллайдилар. Лекин ўзлари давлат таълим даргоҳларида олган билим ва мутахассисликлари бўйича ишониб топширилган вазифаларини тўла ҳис этадиларми? Агар ҳис этсалар эди, иш вақтида бировнинг ҳар қадамини ичқоралик билан кузатмаган, қўллари бўш қолиб, ёлгон-яшиқ гаплар билан кўнгилларни сиёҳ этмаган, ўзгаларни ноҳақ ранжитмаган бўлардилар.

Ҳалиги афсонанинг хулосаси ҳам ибратли, яъни «Уша келин-куёвдан туғилган ўғил беш ёшида катталар ҳал қила олмаган муаммоларни еча бошлаган экан...» Ҳасадгўйлик, ёлгончилик, тошбағирлик ота-онадан унинг фазандларига ўтмайди, деб ким кафолат бера олади?!

Хаёлларимни зўрга йиғдим-у, «Кейин нима бўлди?» дегандек Манзурага қарадим.

— Уша кунни йигит билан учрашдик, — давом этди у. — Уни кўрибоқ ҳамма гапдан ҳабардорлигини англадим. Бир оғиз «Нима гап ўзи?» деб сўрадим. Бошқа гапиролмадим. «Битта бинода ишлаб, мени алдашнинг нима кераги бор эди? Айтсангиз тушунардим,» — деди-ю кетди. Бутунлай...

— Балким ачинишга арзимас, — ниҳоят Манзурага далда берадиган гапни топгандай бўлдим. — Бировларнинг гап-сўзига ишониб ташлаб кетган бўлса, демак, сизни яхши билмас экан. Кейинчалик ҳам қийналармидингиз...

— Бу — китобий гаплар, — сўзимни бўлди Манзура. — Ҳаётда... Уч ой олдин, ўша гапни дастлаб эшитганимда, Тўлқин акага, — ҳалиги ҳамкасбимнинг исми шунақа, — «Хотинингиз билан ўзим гаплашай. Тушунтирай. Токи кўнгли тинчисин», — дедим. У киши: «Йўқ, бу мумкин эмас. Мен ўзим унга неча бор тушунтирмоқчи бўлдим. Ҳеч гап ўқмайди. Бунинг устига шхонадагилардан кимдир уни қайраёпти, шекилли», — деб унамади. Бу гапнинг маъзини энди чақяпман. Йигирма йилдан ортиқ бирга турмуш қилган, олди қизини чиқариб, ўғлини уйлайдиган эр-хотинлар бир-бирига ишонмайди, тушунмайди-ю, мен танишганимга бир йил ҳам бўлмаган йигитдан хафа бўламанми?

Ҳақиқатан ҳам, менинг китобий гапларимдан кўра, унинг далиллари ҳаётийроқ эди. «Наҳотки, бир бинода ишлаб туриб, Манзуранинг яқингинадаги бир йигитни севишини билмаган бўлсалар ўша аёллар?» — деган савол ўтди кўнглимдан. Айтайлик, балким билишмагандир. Лекин ҳалқимизда шундай удумлар борки, замонлар неча бор айланса ҳам, улар яшashi зарур. Қишлоқлар, маҳаллаларда бўйга етган қизни сўраб-йўқлаб келган совчиларга мулоҳазали охонларимиз ҳеч қачон ёмон гап айтмайдилар. Чунки жуда қутлуғ ният билан бошланган ишни кимнингдир бир оғиз ножўя сўзи тўхта-тиб қўйиши турган гап. Мисол керак бўлса, мана, кўриб турибман.

— Ишдан нега кетдингиз? Ҳамкасбларингиз сизни айблашди-ми? — деб сўрадим юрагим сиқилиб.

— Ҳамкасбларим... Тўғрироғи, аёллар ўша тўполондан кейин бирданга ўзгарди. Кейинги пайтда менга шунчаки мулозамат қилиб юрган ўша гап ейдиган аёллар ҳам яйраб-яшнаб кўришадиган бўлишди. Чой дамлашса, ўзлари таклиф қилишади. Мен эсам уларни кўргим ҳам келмайди. Ишдан бўшаши учун ўзим ариза бердим.

— Одамлар «Иродасиз экан. Балким, ўша гапларда жон бордир, шунинг учун кетди», дейишмайдими?

— Яна эски гаплардан гапиряпсиз, — бетоқат бўлгандек деди қиз. — Директоримиз ҳам шундай дедилар. Болалигимдан дадам бир гапни қайта-қайта такрорлардилар: гинаси қаттиқ одам қўл-оёқсиздек бўлиб қолармиш, таниш-билишларини бир-бир йўқотаверармиш. Чунки бенуқсон одам борми? Шу сабабдан ҳам, бирор кўнгилсиз гап эшитсам, боисини аввал ўзимдан ахтаришга, бировлардан хафа бўлиб юрмасликка ҳаракат қиламан. Аммо бу сафар... Биласизми, кечагина мени энг ёмон одам деб, саломлашишга ҳам тиллари бормаган аёллар бугун менга ёлгондан меҳрибончилик қилишади. Мен бу меҳрибончиликлар самимий эмаслигини билиб туриб ҳеч нарса деёлмайман, қийналаман.

— Балким, улар ҳижолатдадирлар. Кечирсангиз...

— Қанақа ҳижолатлик? Бировга билмасдан озор берсангиз бор узр сўра — барибир, қийналиб юрасан. Узр-маъзур билан синган кўнглини аслига қайтариб бўлмайди. Лекин мен худди шу воқеа тўғриси юрагимнинг энг азиз туйғуларини йўқотдим. Энди мен ҳеч кимни шунчалик севмасам керак...

Манзуранинг изтироблари менга ҳам кўчгандек бўлди. Енингизда ўз қизингиз, синглингни шундай изтироб чекса, чидашингиз амри маҳол. Шу заҳоти дилозор одамни топиб, ундан аламингизни олишни ўйлаб қоласиз. Наҳотки, келажаги олдинда бўлган бир қизнинг шаъни, туйғулари, одамларга ишончини поймол қилиб, ўз ноҳақликларини билгач ҳам ҳеч нарса бўлмагандек, оёйишта қўнларини давом эттирувчилар ўз виждонлари олдида қийналмаса? Бундоқ инсоф билан қараганда, қиз боланинг шаъни нечоғлик юксак туриши, уни сақлаш, аввало аёлларнинг виждоний бурчи эканлигини яна ўша ишхонадаги аёллар тушуниши керак эди. Айниқса, ҳозир, одамлар ўзаро муносабатлар маданияти ҳавас қиларли бир даражада юксалган даврда! Энди биз имкони борича бир-биримизни авайлаймиз, ҳамсуҳбатимизнинг ноҳақлигини билиб туриб ҳам, ўзимизнинг тўғри, исботли фикрларимизни шартта айтишга тортинамиз. Кўнгилдаги гапни жуда силлиқлаб ифодалашга уринамиз ёки бирон қўлай пайт келишини кутганин маъқул кўрамиз. Афсуски, кимлардир бу андишанинг юзига оёқ қўяди, бефаросатлик қилади. Энг янги урф бўлган кийимларни кийишдан эмас, сочларни энг яншиқли шаклда турмаклардан эмас, маданият энг аввало инсонларнинг ўзаро муносабатидан бошланишини унутганлар — улар. Манзура худди ана шундай андишасизларнинг юзига қарашни истамапти. Уларнинг юзига қарашга юрагининг самимияти йўл бермапти.

— Уша воқеадан кейин, — давом этди Манзура, — нима бўлганини билмайман. Айтишларича, Тўлқин аканинг хотини ҳам ҳеч нарса бўлмагандек, тинч яшаётганмиш.

Шунга ўхшаш воқеа ёдимга тушди: уч йилча олдин фарғоналик бир дугонама кандидатлик ишини беҳосдан ташлаб қишлоғига кетган, ўқитувчилик қила бошлаган эди. Сабаби: илмий раҳбарининг хотини эрини ундан рашк қилиб жанжаллашаётганини эшитиб қолганди. Албатта, буни иродасизлик дейиш ҳам мумкин. Аммо яна бир томондан, бундай ноҳақлик қиз болага оғир ботади. Касб, унвон, шон-шараф, бойлик — бир томон; қиз боланинг шаъни — бир томон.

Шуни эслаб Манзуранинг ишидан хавотирландим:

— Илмий ишингиз нима бўлади?

— Нима бўларди, битказаман. Энди ёлғиз суяганим — ишим.

Бу пайтда у ўзини тутиб олганди. Кўзларини яна менга тикди: — Кечиринг, айтмаслигим керак эди. Кайфиятингизни буздим.

Унинг нам кўзлари қулимсирарди. Самимияти, беғубор соддалиги билан унинг кўзлари жуда маъсум кўринарди. Қанийди, шу ёшлар севинч ёшлари бўлса. Ҳолбуки, шундай бўлиши ҳам қийин эмас. Бу уч-тўрт одамнинг меҳри, одамийлиги, самимияти, жамият олдидаги масъулиятини ҳис этишига боғлиқ эди, холос.



Музаффар юриш

Биринчи ўзбек гроссмейстери
Георгий Аъзамов билан учрашув



Шахмат ўйнайдиган ҳар бир одам ҳам гроссмейстер билан рўпара бўлганда ёки суҳбатлашганда албатта ҳаяжонланади. Бунинг устига муҳбир бўлсангиз, суҳбат мавзуини нимадан бошлашга қийналасиз, ҳаяжонланасиз. Мен Георгий Тожиевич билан учрашувга бораётиб, неча хил савол тузиб олганимга қарамай ҳамон гапни нимадан бошлашни ўйлардим...

Шунда беихтиёр бундан 20 йил аввалги бир воқеа ёдимга тушди. Кўз олдимда шаҳар биринчилиги учун кураш кетаётган дамда катталар билан бир тахтада тортишаётган ўн-ўн бир ёшлардаги тийрак бола гавдаланди. Биринчи кунни уни ишқибозлар ҳам, мусобақа қатнашчилари ҳам менсимайгина, мийиғларида кулиб қарши олишди. Лекин унинг катталар устидан кетма-кет ғалабаси, уста шахматчиларни ҳам доғда қолдириши ҳаммани ҳайратга солиб қўйди. Мусобақа ярмига келмай бутун ишқибозлар унинг томонига ўтиб олишди. Бундан руҳланган кичкина шахматчи ҳар ўйинда янги-янги комбинациялар топар, зарур бўлганда пухта ҳимояга ўтар, кутилмаган юришлар билан партияни ғалабага олиб келар эди. Ниҳоят, Жора Аъзамов ўша мусобақа якунларига кўра катталар ўртасида Олмалиқ шаҳар чемпиони деб эълон қилинди.

Георгийнинг шахмат оламидаги музаффар юриши ана шундай бошланган эди.

Мен ўша воқеани эслатганимда, кўринишдан ўйчан, табиатан ҳам оғир-вазмин Георгийнинг юзига табассум югурди. Кейин таниқли совет гроссмейстери П. Кереснинг «башорати» ҳақида ийманибгина сўзларкан, устоз шахматчи дастхати ёзилган китобни кўрсатди. Уқиймиз: «Бўлажак гроссмейстерга! П. Кересдан».

— Устоз ўшанда яна шундай деган эди, — дейди Георгий жилмайиб, — Бўшашма, шоввоз! Балки ҳали икки гроссмейстер тахта устида тортишиб қолармиз. Тагин аямай ўтирма.

— Керес билан танишувингиз қандай бўлган эди? — сўраймиз ундан.

— Отам таништирганлар. Биласиз, бизнинг оиламиз — шахматчилар оиласи. Бу ўйинга муҳаббат бизга бобомиздан мерос. Бобомиз — Аъзамхон Валихонов ўз даврининг таниқли шахматчиларидан бўлган экан. Отам — Тожихон Аъзамов атоқли ўзбек шахматчиси Азмиддин Хўжаевга шогирд тушиб, 30-йиллардан бошлаб қатор мусобақаларда муваффақиятли қатнашган. Улуғ Ватан уруши даврида онам — Полина Степановна билан врач сифатида оғир жанг йўлларини босиб ўтишган. Урушдан кейинги йилларда Олмалиқ шаҳрида соғлиқни сақлаш ва шахмат соҳасидаги кўпгина ташаббуслар

Шахмат санъатини
эмас, тексиз илкомиятлар
рамзи ҳалидир. Ёзуваллик,
нафосат, тексиз илкомият-
лар эса — ёшликка хос.
Ана шу фозилатлар эгаси
бўлган барга «ёшлик»
мухлисларига энг экинчи
тилакларини тўйлайман.

Георгий Аъзамов

Георгий Аъзамов.

уларнинг номи билан боғлиқ. Биз фарзандлар ҳам оилавий анъанага содиқ қолдик. Эндиликда иккита акам ҳам шахмат бўйича спорт мастери. Каттаси — Вячеслав инженер. Валерий эса, Москвадаги Марказий жисмоний тарбия институтини битирган, ҳозир Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг шахмат клубида тренерлик қилмоқда. Иккаласи ҳам республика чемпионати, А. Хўжаев мемориали, спорт жамиятлари биринчиликларида мунтазам қатнашиб келади. Мен болали-

Улкамиз қадимдан шахмат ватани. Не-не алломалар ақлни пешлаб, кишига маънавий ҳузур берувчи бу ўйинга алоҳида меҳр қўйганлар. Устоз Навоий асарларида ҳатто шахмат тахтасига қарамасдан [шатранжи ғойибона] ўйнайдиган кишилар ҳақида ҳикоя этилади. Энг машҳур ўйинчилар эса «Шатранжий» таҳаллуси билан элда шўҳрат топганлар.

Бизнинг давримизга келиб, шахмат халқнинг чинакам сеvimли ўйинига, доҳиймиз В. И. Ленин таъбири билан айтганда, «ақл гимнастикаси»га айланди. Совет Иттифоқи жаҳонда энг буюк шахмат мамлакати бўлиб қолди. Машҳур шахматчиларимиз Совет шахмат мактаби доврўғини оламга ёйдилар. Ўзбекистонда эса, бу ўйин равнақига Азмиддин Хўжаев, Зокир Хўжаев, Султон Ҳожибеков, Георгий Исаевич Шаҳзода, Хайрулла Абдуллаев, Улуғбек Элбеков, Мамажон Мухиддинов каби шахмат усталари катта ҳисса қўшдилар. Лекин ҳали республикамиздан гроссмейстер етишиб чиқмаган эди. Ниҳоят, бу орзу ҳам ушалди. Ўтган йилнинг охирида Халқаро шахмат Федерацияси (ФИДЕ)нинг Грециядаги Салоники шаҳрида бўлиб ўтган бош ассамблеясида бир гуруҳ таниқли шахматчилар қатори ҳамюртимиз Георгий Аъзамовга ҳам халқаро гроссмейстер унвони берилди.

Яқинда махсус мухбиримиз Насриддин Мухаммадиев гроссмейстер билан учрашиб сўхбатлашди.

гимдан ана шундай муҳитда вояга етдим. Шахмат ўйнаб тишим чиққан десам, муболаға бўлмайди. Бу ўйин сирларини ўрганиб олганимда тўрт ёшда эдим. Шундан буён шахмат менинг доимий ҳамроҳимга айланди. Оилада ўзаро машҳур шахматчилар партияларини таҳлил қилар, янги юришлар қидирар, бир-биримиз билан мусобақалашар эдик.

— Сиз вояга етган оилани республикамиздагина эмас, Иттифоқимизда ҳам яхши билишади. Журналистлардан бири ёзганидек, эҳтимол бундай «шахматсевар» оила дунёда ягонадир. Яқинда тарих фанлари кандидати, СССР спорт мастери Мамажон Мухиддиновнинг «Аъзамовлар сулоласи» китоби чоп этилди. Муаллиф унда оилангиз аъзоларининг ҳаёт йўли, шахматда эришган ютуқлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Сизнинг шахмат чўққилари сари интилишингизда ҳам оилавий муҳит старт майдончаси вазифасини ўтаган бўлса, ажаб эмас.

— Шубҳасиз. «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Мен ҳам жуда кичкиналимдан бу ўйин билан танишдим, оилавий шахмат «жанг»ларида тобландим. Бугунги кунда ҳам биргаликдаги назарий тайёргарликларимиз мусобақаларда қўл келмоқда. Умуман олганда, анъаналар катта аҳамиятга эга. Айтишларича, Грузияда қадимги даврларда шахмат қизларнинг сепага қўшиб берилар экан. Кўп йиллардан буён Грузия вакиллари аёллар ўртасида жаҳон шахмат тожини қўлдан бермай келаётганликлари сири шунда эмасмикин? Қолаверса, бугунги кунда ҳам бу қардош республикада шахмат таълими ва пропагандаси жуда яхши йўлга қўйилган. Бу эса ўз самарасини бермоқда.

— Спорт журналистлари айниқса, кейинги бир неча йил ичида маҳоратингиз сайқал топганлиги, республика миқёсидан Бутуниттифоқ миқёсига чиқа олганингиз ҳақида ҳайратланиб ёзишмоқда. Масалан, Кубада буюк шахматчи Х. Р. Капабланка хотирасига бағишланган мусобақада, Югославия ва Колумбиядаги халқаро турнирларда совринли ўринларни эгалладингиз. Буни ўзингиз қандай изоҳлайсиз?

— Ҳаммаси изланиш, астойдил интилишга боғлиқ. Одам ўз устида қанчалик кўп ишласа, кўзлаган мақсадига эришиш шунча осон бўлади. Мен ҳам буюк шахматчилар меросини синчиклаб ўргандим, мусобақаларда билимимни синаб кўрдим. Айниқса, 1981 йилда бўлиб ўтган СССР халқлари спартакиадаси сира ёдимдан чиқмайди. Ушанда Ўзбекистон терма командаси составида биринчи тахтада ўйнадим. Илк бор мамлакатимизнинг машҳур шахматчилари билан юзма-юз келдим. Жаҳон экс-чемпионлари М. Таль, Т. Петросян, Б. Спасский, халқаро гроссмейстер М. Тайманов ва бошқалар билан ўйнаган партияларим улар билан бемалол беллаша олишим мумкинлигини кўрсатди. Гарчи 9 имкониятдан 4,5 очко олган бўлсам ҳам, мен учун бу катта ютуқ эди. Халқаро мусобақалар эса кишига қўшимча масъулият юклайди. Чунки энди Советлар мамлакатини, Совет шахмат мактаби шаъни учун курашиш керак. Бор билим, маҳорат ва иродани ишга солишга тўғри келади.

— Сочи шаҳрида ўтказилган «Россия» шахмат фестивали ва ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида шаҳримизда бўлган СССР 52-чемпионати (биринчи лига) ўйинларини мухлислар катта қизиқиш билан кузатиб бордилар. Мураккаб курашлар сўнгида Сиз уларда ғолиб чиқдингиз. Айниқса, Сочинда бирорта ҳам мағлубиятга учрамаганлигингиз шахмат мутахассислари томонидан юксак баҳоланди. Жаҳоннинг собиқ

чемпиони М. Таль ҳам ягона мағлубият аламини сиз билан ўйинда татиб кўрди. Агар адашмасам, бу мусобақадаги ғалабадан сўнг гроссмейстерлик баллингиз 5 тага етди.

— Ҳа, лекин ҳали Халқаро шахмат федерацияси расман халқаро гроссмейстер унвонини бермаган эди. Аслида, бундай унвон соҳиби бўлиш учун икита гроссмейстерлик балли кирфоя қилади. Сочинда ўтказилган мусобақа анъанавий бўлиб, машҳур рус шахматчиси М. И. Чигорин хотирасига бағишланган. Унда ҳар сафар кўплаб таниқли шахмат усталари иштирок этади. Бу гал ҳам М. Таль, Е. Геллер, Л. Псахис, О. Романишин, Е. Свешников сингари тажрибали ўйинчилар, чет эллик халқаро гроссмейстер ва халқаро мастерлар қатнашди. Ҳар бир очко учун жиддий кураш олиб боришга тўғри келди. Шаҳримизда ўтган СССР 52-чемпионати (биринчи лига) ҳам ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Одатда бундай саралаш мусобақаларидан ўтиш энг кучли гроссмейстерлар учун ҳам қийин вазифа. Мутахассисларнинг фикрига кўра, у иштирокчиларнинг маҳорат даражаси жиҳатидан кўпгина халқаро мусобақалардан устун туради. Ахир унда ғолиб чиққанлар олий лига СССР чемпионатига йўлланма олади-да. Бу чемпионат эса, айни пайтда жаҳон биринчилиги учун зона турнири ҳисобланади. Шаҳримизга С. Лпутан, А. Петросян (Ереван), С. Смагин, Б. Гулько, Ю. Разуваев, А. Вижманович (Москва), Т. Георгадзе, Э. Убилава (Тбилиси), Е. Свешников (Челябинск), Г. Кузьмин (Ворошиловград), И. Дорфман (Львов) сингари истеъдодли, анча танилиб қолган гроссмейстер ва мастерлар меҳмон бўлиб келишди. Т. Петросяннинг шоғирди А. Петросян, жаҳон чемпиони М. Чибурданидзеининг машқ устози Г. Кузьмин, Е. Свешниковлар билан ўйнаган партияларим айниқса ёдимда қолди...

— Кечирасиз, кейинги вақтда матбуотда «рейтинг» ёки «Эло коэффициенти» деган термин кўп ишлатиладиган бўлиб қолди. Жумладан, сизнинг рейтинг кўрсаткичингиз 2600га яқинлашди. Ана шу терминни изоҳлаб беролмайсизми?

— Марҳамат. Америкалик профессор Артур Эло номи билан аталадиган бу термин шахматчи ўйини даражасини белгилашда қўлланилади. Чунки бу олим ҳар бир ўйинчининг муайян даврдаги маҳоратини аниқлаш методини ишлаб чиққан ва у Халқаро шахмат федерацияси томонидан қабул қилинган. Бунда шахматчи бир йил давомида қатнашган халқаро ва йирик миллий мусобақалар, уларда иштирок этганларнинг маҳорат даражаси, ўйналган партиялар ва эришилган натижалар ҳисобга олинади. Жуда мураккаб бўлиб кўринган бундай ҳисоб-китоблар аслида унча кўп вақт олмайди. А. Элонинг эътирофи эътиборига, у ўз методи билан 220 та йирик мусобақа натижалари асосида жаҳоннинг 1300 етакчи шахматчисининг индивидуал коэффициенти рўйхатини ёки бошқача айтганда, рейтинг-варақасини тайёрлашга 16 соат сарфлаган. «Рейтинг» сўзи инглизча бўлиб, «баҳо» ёки «техник қудрат» маъноларини англатади. Кейинги пайтда, совет шахматчилари учун алоҳида рейтинг-варақалар ҳам тайёрланмоқда. Чунки Эло коэффициентида асосан гроссмейстерлар ва айрим мастерларимиз натижаси ҳисобга олинади. Бизнинг рейтинг-варақаларимиз эса СССРда ўтадиган барча жиддий мусобақаларни ўз ичига олади. Бу эса, кўпгина истеъдодли ёш шахмат усталарининг амалий кучини аниқлаш имконини беради. Энг сўнги халқаро рейтинг-варақаларга кўра, ҳозирги пайтда А. Карповнинг рейтинги — 2700, Г. Каспаровники — 2710, М. Таль, Б. Спасский, Л. Полугаевский, Л. Любович (Югославия), Я. Тимман (Голландия),

У. Андерссон (Швеция) сингари юксак маҳоратли шахматчилар рейтингі ўртача 2600 атрофида.

— Шахматда кимларни устоз деб биласиз?

— Албатта, энг биринчи устозларим отам, акаларим бўлишган. Агар ана шу оилавий муҳит бўлмаганида, ўзаро «жанг»ларда тобланмаганимда бу муваффақиятларга эришолмасдим. Ҳозир ҳам улар менинг асосий машқ устозларим, энг яқин маслаҳатчиларим. Масъулиятли мусобақаларга борганимда акаларимдан бири албатта менга ҳамроҳ бўлади. Кейинроқ меҳрибон устоз Г. И. Шаҳзода ўғитларидан, йўл-ўйриқларидан баҳраманд бўлдим. Қолаверса, барча атоқли шахматчиларни ҳам устозим деб биламан. Чунки уларнинг маҳорат сирларини ўргандим, ютуқларини ижодий ўзлаштиришга, хатоларини эса такоррламасликка интилдим. Шахмат санъатининг тарақиёти ана шундай узвий силсиладан иборат.

— Шахмат санъати дедингиз. Уни базилар спорт, бошқалар эса фан дейишади. Шу фикрларга қандай қарайсиз?

— Шахматда учала йўналиш ҳам мавжуд. Чиройли комбинациялар, дозаларнинг тахтадаги қутилмаган ҳаракатлари, юришлардаги ички нафосат санъатни эслатса, жисмоний ва ақлий сафарбарликни талаб этувчи, қизгин курашларга бой ўйин жараёни спортга яқин туради. Шахматнинг назарий асослари эса ўзига хос фандир. Айрим шахматчилар ижодида ана шу йўналишлардан бири устун бўлиши мумкин. Масалан, А. Карпов шахматни спорт деб билади. Х. Р. Капабланка ва М. Ботвинниклар унинг фанга яқин жиҳатларини ривожлантирганлар. А. Алёхин эса шахматни чинакам санъат деб ҳисобларди.

— А. Карпов ва Г. Каспаровларнинг жаҳон шахмат тожи учун кураши кўпчилиكنинг диққатини жалб этди. Улар сермазмун партиялар билан миллионлаб шахмат мухлисларини қувонтирдилар. Ана шу икки шахматчи услубини қандай баҳолайсиз? Улар билан шахмат тахтаси устида учрашганми-сиз?

— А. Карпов ва Г. Каспаров бугунги кунда жаҳоннинг энг кучли шахматчиларидир. Табиийки, улар учрашуви кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Жаҳон биринчилиги мусобақалари тарихида ҳали ҳеч бир матч бунчалик узоқ давом этмаганди. Уйналган партиялар миқдори жиҳатидан А. Карпов ва Г. Каспаров 1927 йилда бўлиб ўтган А. Алёхин ва Х. Р. Капабланка матчини (34 партия) ҳам ортада қолдирдилар. Уларнинг ўйин услуби ҳақида нима дейиш мумкин? А. Карповнинг услуби Х. Р. Капабланкага яқин. Уни ўз устози деб билиши бежиз эмас. Уйини аниқ ҳисоб-китобларга, пухта позиция яратишга асосланган. Мураккаб вазиятларда ҳам хотиржам ҳаракат қилади. Г. Каспаров эса комбинацион йўналишни, ёрқин ҳужумларни ёқтиради. Шу билан бирга ҳимояда ҳам яхши ўйнайди. Мен иккала шахмат устаси билан ҳам учрашганман. 1983 йили 50-юбилей чемпионатида А. Карпов билан, 1981 йилда 49-СССР чемпионатида Г. Каспаров билан ўйнаганман. Иккала учрашув ҳам дураг натижа билан тугаган.

— Германия Демократик республикасида Штребек деган «шахмат қишлоғи» борлиги ҳақида бир пайт «Комсомольская правда» газетаси ёзган эди. Қишлоқда каттадан-кичик бу ўйинни сеवार, ҳатто мактаб программасига ҳам шахмат сабоқлари киритилган экан. Ана шу тажриба ҳақида қандай фикрдасиз?

— Шахмат аниқ ҳаракатларга, объективликка, интизомга ўргатади, хотирани шакллантиради. Шу сабабли ундан мактабларда тарбиявий восита сифатида фойдаланиш яхши самара беради. Мамлакатимизда ҳам бир қатор мактабларда шахмат ўқув программасига киритилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, шахмат билан шуғулланган болаларнинг дарсларни ўзлаштириши ҳам яхшиланар экан. Ахир ўзим ҳам ўқувчилик йилларимда бу ўйин билан астойдил шуғуллана бошлаган эдим. Фақат «шахмат дарслари» кўпинча уйда бўларди. Бу машғулотлар бошқа фанлардан «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқишимга халақит бергани йўқ.

— Георгий Тожиевич, сиз ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги спорт комитетиде шахмат бўйича тренер бўлиб ишляпсиз. Айтинг-чи, республикамизда шахматни оммалаштириш, ёш шахматчиларни тарбиялаш борасида қандай ишлар олиб бориляпти? Яна нималар қилиш зарур деб ўйлайсиз?

— Кейинги пайтда республика шахмат ҳаётида маълум даражада жонланиш рўй берди. Азмиддин Хўжаев хотирасига

бағишланган аънавий турнир, Ўзбекистон биринчиликлари, спорт жамиятлари мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда. Уларда қардош республикалардан ҳам таникли шахматчилар қатнашмоқда. 1980 ва 1984 йилларда Тошкентда биринчи лига СССР чемпиони, икки марта СССР мактаб ўқувчилари Спартакиадаси ўтказилганлиги ҳам катта воқеа бўлди. Шуниси қувончлики, Т. Воҳидов (Самарқанд), С. Нодирхонов, С. Галахов (Бухоро), С. Загребельний (Чирчик), Р. Зиёвуддинов, В. Логинов (Тошкент) сингари истеъдодли ёш шахматчилар маҳорати ўсиб бормоқда.

Албатта, қилиниши лозим бўлган ишларимиз ҳам кўп. Масалан, Москва, Ереван, Львов каби шаҳарларнинг жисмоний тарбия институтларида шахмат бўйича тренерлар тайёрлайдиган бўлимлар мавжуд. Агар Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтида ҳам шундай бўлини очилса, малакали тренерлар тайёрлаш иши осонлашган бўларди. Тбилиси, Ереван, Львов каби шаҳарларда йирик шахмат саройлари барпо этилган. Афсуски, ҳали бизда бундай маданий муассаса йўқ. Белоруссия, Арманистон, Озарбойжон, Латвия каби республикаларда махсус шахмат газетаси ёки журнали чоп этилади. Бизда ҳам шундай матбуот органи ташкил этилса, ёш шахматчиларнинг маҳорат савияси тезроқ юксалган бўларди. Шахмат адабиётларини нашр этиш савияси ҳам мутлақо бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Аввало, бундай китоблар ниҳоятда оз. Борлариде ҳам диаграммалардаги чалкашликлар фашингизга тегади. Газеталарда шахмат мавзудидаги материалларнинг ёритилиши кўпроқ мавсумий характерга эга. Айрим мусобақалар ёки бирор тадбир муносабати билангина мақола-лар берилади. Таниқли ўзбек шахматчилари фаолияти ҳақида ҳикоя қилиш, умуман республика шахмат ҳаёти билан таништириб боришга негиз кам эътибор берилади. Ўзбек тилида шахмат терминологиясини яратиш масаласи ҳам кун тартибиде турибди. Шахмат клублари ва тўғрақлари тармоғини кенгайтириш, таниқли шахмат усталарининг областларга сафарларини уюштириш зарур.

— Бир пайтлар чойхоналар шахмат клублари вазифасини бажарар, улар ҳамisha ишқибозлар билан гавжум бўлиб, маҳаллаларнинг норасмий чемпионлари ўзаро куч синашишар, шахмат ҳақида қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтар эди. Аммо аста-секин бу аънава нутилиб борапти. Шахматни оммалаштиришда чойхоналар фойдаланилмаётган резерв эмасми?

— Фикрингизга қўшиламан. М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида жойлашган чойхона ана шундай шахмат марказларидан бири эди. Илгари бу ерда шаҳарнинг энг кучли шахматчилари ҳам, ишқибозлар ҳам тўпланишарди. Кўпгина шахмат усталари ана шундай «жанг»ларда тобланишган. Лекин чойхоналарда ҳозир аввалги файз йўқ. Ваҳоланки, шахматнинг жозоба кучи, тарбиявий қудрати ниҳоятда катта. Бу имкониётдан албатта фойдаланиш керак. Менимча, Ўзбекистон шахмат федерацияси чойхоналарни ўзига хос клубларга айлантирса, минглаб шахмат ишқибозларининг орузи амалга ошар, кўплаб истеъдодли шахматчиларни аниқлаш мумкин бўларди.

— Сиз тренерлик ва шахматдан бўш пайтингизда нималар билан шуғулланасиз?

— Аслини олганда, бўш пайт камдан-кам бўлади. Бундай пайтда бадиий асарларни мутолаа қиламан. А. П. Чехов, И. С. Тургенев, А. С. Пушкин, Ж. Лондон, Ж. Верн китобларини, Хайём, Навоий, Бобур сингари Шарқ классиклари асарларини севиб ўқийман. Чет тилларни ўрганаман. Чунки, ихтисослигим бўйича филологман. Тошкент Давлат университетининг роман-герман факультетини битирганман. Уқиш даврида инглиз ва француз тилларини ўргандим. Чет элларга сафарим пайтида у жуда асқотди. Кубага борганимда испан тилини, Югославияда бўлганимда серб-хорват тилини анча-мунча ўзлаштирдим. Хуллас, шахмат чет тилларни ўзлаштиришга, чет тиллар эса шахмат санъатини пухта эгаллашимга кўмаклашмоқда.

— Яна қандай ижодий режаларингиз бор?

— Совет Иттифоқи шахмат усталари кўп йиллардан буён деярли узлуксиз жаҳон шахмат тожини ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар. Гроссмейстеру мастерлар сони жиҳатидан ҳам ҳеч бир мамлакат СССРга тенглаша олмайди. Ана шундай қудратли шахматчилар армиясининг вакили бўлиш шарафли, шу билан бирга ниҳоятда масъулиятлидир. Мен бундан кейин ҳам совет шахмат мактаби шон-шавкатиға муносиб бўлишга интиламан.



Абдуғани Абдувалиев

Ер айланади

ХИКОЯ

Салом, Матлаб! Институтни битирганимизга ҳам анча йил бўлди. Шундан бери кўришмаймиз. Узунқулоқ гапларга қараганда, бошлиқнинг билан ораларинг бузилиб, бироз қийналиб қолибсан. Бугун креслода оёғимни чалиштириб, шифтга қараб сигарет чекиб утирарканман, тўсатдан тутун-туман орасида сенинг қиёфанг қалқиб қолди. «Шошма, бу донолар доноси ҳозир қаерда экан, — дедим ўзимча, — Ҳали ҳам ўша идорада кимларгадир доклад ёзиб бериб юрганмикан?» Сенинг бир кунмас-бир кун шу аҳволга тушишингни институтдаёқ билардим. Ҳақиқатпарвар бўлиб, биров билан тортишадиган, ўзидан катталарнинг камчилигини юзига айтадиган, ҳамини «ўроқдай тўғри» одамларнинг ҳолига вой. Ҳа, майли, ёшсан — пишарсан, бу шаштингдан тушарсан.

Хўш, энди ўзимдан гапирай. Институтда домлаларга ош дамлаб бериб, участкасида гувала қуйиб, бозор-ўчарига қарашиб юрганымда мени масҳара қилиб койган эдинг. Лекин мен охири бахайр бўлишини, диплом олишда қийналмаслигимни билардим...

Ишхона ҳам институтдай гап экан. Дипломни қўлтиқлаб ҳозир мен «зам» бўлиб турган корхонага ишга келган кунимок ўзимдаги махфий истеъдод «ғилдирағини» айлантриб юборган эдим. Тоғам раҳматли насиҳат қилардилар: «Усиб-унаман, десанг, хушомад қилишдан чарчама. Хушомад, мақтов ёқмайдиган одам ҳали туғилмаган». Кутилмаган тасодифми ёки зийраклигим оқибатими, ишқилиб, бошлиқнинг назарига тушиб қолдим. Ишга келган дастлабки кунларим эди. «Ҳамма — йиғилишга!» деди местком раиси у хонадан-бу хонага ҳалпиллаб югураркан. Асалга ёпирилган аридек бир зумда клубга тўпландик.

Местком раиси атрофга олазарак боқиб, раҳбарлар билан ниманидир пичирлашиб олди. Кейин йиғилишни очди:

— Уртоқлар, бугунги йиғилишимизда асосан битта масала, у ҳам бўлса — интизом! Шу ҳақда сўз ҳурматли бошлиғимиз ўртоқ Пошшаевга.

Бошлиқ минбар у ёқда қолиб, саҳнанинг ўртасига қараб юрди. Оёқларини кериб туриб олди. Ҳаммага диққат билан разм солди. Сўнг шахд билан клубнинг оппоқ девори ёнига борди-да, деворни шапатайлаб сўради:

— Мана шу девор қанақа рангда?

Ҳамма жим. Ҳайрон.

— Қанақа рангда де-яп-ман? Қани сен айт-чи?

Бошлиқ қўлини ниқтаб бир ходимга имо қилувди, у довираб ўрнидан турди.

— Қанақа рангда деяпман?

— О-оқ...

Шу тариқа бошлиқ бирма-бир турғазиб сўрар, улар эса «оқ» деб жавоб беришарди. Тўсатдан бошлиқнинг нигоҳи айланиб келиб менда тўхтади.

— Қани, институтни битириб келган олим, сиз айтинг-чи, мана шу девор қандай рангда?

— Қора! — дедим бандан товуш билан. Барча ҳайратомуз анграйиб менга қаради.

— Яшанг! Баракалло! — Қарсак чалиб юборди бошлиқ. — Хайрият, коллективимизда битта ақлли одам бор экан... Наҳотки сизларнинг фаҳмларингиз мана шу болачалик бўлмаса? Наҳотки, келган комиссияга оқни қора, қорани оқ қилиб кўрсатолмасангизлар? Бутун камчилигимизни рўй-рост айтиб, мана, бизни қора қилиб ўтирибсизлар...

Кейинчалик билсам, мен бу ерга келишимдан бурун корхонага комиссия келган, ходимлар билан суҳбатлашган, улар нуқсонларни рўй-рост айтиб беришган экан. Хуллас, комиссия якуни бўйича Пошшаевни раҳбарлар чақиршиб, пўстагини қоқишибди.

Уша йиғилишдан кейин бошлиқ мени тез-тез йўқлаб турадиган бўлди.

— Қани айтинг-чи, — деб сўраб қолди қироат билан бир куни у. — Корхона ишини яхшилаш учун нима қилиш керак?

— Бошлиққа мендақа кўз-қулоқ керак, — дедим қўлимни қовуштириб.

— Яшанг. Зийрак йигит экансиз.

Шу кундан эътиборан мен корхонадаги икир-чикирлардан, ходимларнинг юриш-туришидан бошлиқни хабардор этувчи кўз-қулоққа айландим... Орадан кўп ўтмай ишлаб чиқариш бўлимининг мудирини этиб тайинландим.

Чамамда икки ойча вақт ўтди. Бошлиқ мени чақиртириб оилавий шароитимни суриштириб қолди.

— Уйланганмисиз?

— Йў-ғ...

— Уйланиш керак, оила — яйчака. Оиласи мустаҳкам одамнинг давлати мустаҳкам бўлади... Агар танлаган қизингиз бўлса — айтинг, йўқ бўлса — топамиз. Коллектив ёрдам беради.

— Энди қизлар кўп-у лекин Розичкаxonга ўхшаган одобли-ахлоқли қизлар ҳозир кам-да, ака, — дедим уятчан йигитлардек ийманиб. Розичка деганим бошлиқнинг қизи. Узиям кетворган. Турмушга чиқмаган-у, сал эркатойроқми-ей деган гаплар юрди. Шундай гўзал қиз тарбиясиз бўладими?

— Ҳм-м, — дея ўйланиб қолди Пошшаев, сўнг ўрнидан туриб елкамга қўлини қўйди. — Уқинманг, йигит моти — ерда. Узим сизга оталик қиламан...

Шундай қилиб, дастлаб бошлиққа ичкўёв, кейинроқ ўринбосар бўлиб олдим. Яқинда уйга келсам қайнотам курсига чиқиб олиб китоб тоқчаларини титкилаётган экан. Курси лиқиллаб турибди. «Эҳтиёт бўлинг» деб ёнидан огоҳлантириб ўтиб кетдим. Қайтишимда оёғининг учига тиралиб, бўйинини шифтга чўзиб турган экан, курсини секин тепиб қўйдим. Гумбурлаб ағанаб тушди-ку.

— Э-э, сизга айтдим-а, кекса одам эҳтиёт бўлинг, деб. Мен олиб берардим-ку ўша китобни, дада!

Ешликда йиқилган бошқа экан-у, эллиқдан кейингиси бошқа экан. Ушандан буён қайнотам ётибди қўймичини ушлаб. Ҳали-вери турмаса керак. Ҳозир корхонани ўзим бошқаряпман. Кўни кечма энг катта бошлиғимиз келди. Дарров коллективни йиғиб кичкина мажлис ўтказдик. Нутқ сўзларканман, тўрда ўтирган катта бошлиққа қараб икки гапнинг бирида «Шахсан сизнинг раҳбарлигингизда» деявердим. «Шахсан» деган сўз раҳбарга маъқул келди шекилли, зиёфатни еб, кетар чоғида елкамга қоқиб «Астойдил бўлинг», — деди.

Хуллас, дўстим, ҳозирча ишларим зўр. Агар ёрдамим керак бўлса, айт, тортинма. Тортинчоқ, камтар одамнинг борар ери маълум. Студентлик одатларининг, китобий хаёлларининг ташла, ҳаёт бошқа. Акс ҳолда ўзингга қийин бўлади. Хўп, хайр, хат ёзиб тур. Болаларингни ўпиб қўй.

Салом билан, КОЗИМ.

Салом, Козим!

Хатингни олдим. Аввало шуни айтишим керакки, аҳволим сен ўйлаганчалик ёмон эмас. Тўғри, ўжарлигимча, ростўйлигимча қолдим. Қон билан кирган, жон билан чиқаркан. Бу нақл сенга ҳам тегишли. Талабалик йилларингда қандай бўлсанг, шундайлигингча қолибсан. Хатингнинг мазмунидан сезилиб турибди. Эсингдами, институтнинг аълочилар доскасида доим менинг суратим осиблиқ турарди. Сен «Нега менинг суратим осилмайди?» дединг-да, бир куни ўз суратингни осиб қўйдинг. Роса кулган эдик. Ишонманки, бундан кейинги ҳаётингда ҳам ҳурмат тахталарига ўз суратингни ўзинг осиб юрган бўлсанг керак.

Энди ўзимдан гапирай. Хабаринг бор, институтдан тўғри корхонага келиб, мастер бўлиб ишлай бошладим. Мукофотлар олиб, тинчгина меҳнат қилиб юрувдим. Афсуски, сен башорат қилгандек, лўттибозлик, ҳаромхўрлик, лаганбардорликни ашаддий ёмон кўришим лўд берди. Корхона бадий ҳаваскорлари учун пианино келди. Бироқ бу пианинони бошлиқ базадан нари уйга олиб кетди. У музыкага ишқибоз бўлса керак-да, дерсан? Мутлақо. Юнус Ражабий ким, деб сўрасанг саккиз соат бош қашиб ўйлаиб қоладиган одам пианинони бошига урадимиз? Унга текин бўлса бас, пианиноми, тўртта тахтама — барибир. Бу воқеадан ҳамма дарғазаб бўлди, лекин ҳеч ким лом-мим дея олмади. Шунда мен сен айтгандай «жасорат» кўрсатдим: корхона деворига катта ҳарфлар билан ушбу эълонни ёпиштириб қўйдим: «Ҳурматли ўртоқлар! Коллектив учун берилган пианино йўқолди. Уни ким ўғирлаган бўлса, келтириб қўйсин. Акс ҳолда, корхонага ит олиб келиниб ҳар бир киши искатилади. Шарманда бўлиб юрманг!»

Пианино эртасига ўз ўрнига келди. Аммо бошлиқ ўзига келолмай юрди. Биров чақиб берганими, мени ков-ков қилишга тушди. Лекин бир иш чиқаролмади. Ахир сабри чидамди. Мени ҳузурига чақириб, ачинган, куйинганнамо деди:

— Энди ука, нима қиламиз-а? Ажойиб кадр эдингиз. Штат қисқариб қолди-ку? Мен роса тушунтирдим, бу йигит талантли мутахассис, дедим. Иложини тополмаяпман, бошим қотиб қолди. Майли.. биз сизни қаерда бўлсангиз ҳам ўзимизнинг кадр деб биламиз. Бўлмаса, бундай қилсак: ҳозирча бошқа бирон жойда ишлаб туринг, тандуқроқ ўрин бўшаши билан сизни яна қайтариб оламиз. Қалай?

Тилёғламаликини қара. Ҳозир мастерга муҳтожлик сезилиб турган бир пайтда штат қисқарган эмиш! Катта корхоналардан бирининг раҳбари мени анчадан бери ишга тақлиф қилиб юрувди, яхши бўлди, дедим-да шартта бўшадим. Уғри билан битта дастурхондан овқат еяолмайман-ку!

Янги корхонада аввал мастер, кейинроқ ОТК, яъни техника назорати бўлимининг бошлиғи бўлдим. Корхонада интизомнинг бўшлиғи, план кетидан қувиш авж олгани сабабли маҳсулотнинг сифати расво эди. Сифатсизликнинг йўлига шлагбаум ташладим. Бракнинг оқими тўсилгач, сон орқага қайтиб кетди. Директор Сафоев мени ҳузурига чақирди:

— Ҳўш, айтинг-чи, мен кимман? — сўради директор.
— Сиз, директор Сафоевсиз.
— Ҳўш, сиз-чи?
— Мен ОТК бошлиғи Вафоевман.
— Ҳўш, сиз менинг айтганимни қиласизми ёки мен сиз айтганини қиламанми? А?
— Вазиятга қараб.

— Ҳозир вазият менинг айтганимни қилишни тақозо қилмоқда.

— Нима демоқчисиз?
— Демоқчиманки, ОТК бошлиғиман деб, маҳсулотни бракка чиқараверманг.

— Ие, ҳа, мен сизнинг, корхонанинг манфаатини кўзла-япман-ку? — дедим директорнинг гапига ҳайрон бўлиб.

— Мен эса давлат манфаатини, планни ўйлаяпман, — деди Сафоев. — Ҳамма маҳсулотни яроқсиз деяверсак, планни ким бажаради?

— Сон деб сифатни бузолмаймиз-ку, тўғрими?
— Сифатга «беш тамға» олганмиз-ку?
— «Беш тамға» олинганига беш йил бўлган. Энг катта камчилигимиз ҳам шуки, Сифат белгиси олишимиз билан айниймиз.

— Ҳой йигит, ўжарлик қилманг, йил охирлаб қолди. Ўзингни

ўлдир, планни тўлдир, дейдиган вақт келди. Шунинг учун сал сифатсизроқ бўлсам печатни босиб бераверинг.

— Кечирасизу, иложим йўқ...

Директор пичинг қилди:

— Тихирлик қилмай, ёлғондан бўлсам, ер айланмайди, деб қўйинг, жаноб Жордано Бруно!

— Ер айланади.

— Сиздан олдин ишлаганларнинг биронтаси гапимни икки қилмаган эди.

— Не қилай, мен ўшалар тоифасидан эмасман-да.

— Оғзингиз қийшайиб кетсам, сиз тўғри гапиряпсиз, деб қўйинг бир марта, садағанг кетай!

— Биз ўзимизни алдашимиз мумкин, лекин халқни алдолмаймиз. Мен печать уриб берганим билан халқ қайтариб юборади.

— Мен ҳам халқ деб юрибман! — Сафоев гурс эткизиб столга муштладию ўрнидан туриб кетди. Кейин сержун билагидаги тилла соатга шошиб қаради-да, бузилиб қолмади-ми, дегандек гўштдор қулоғига тутиб кўрди. — Мен сизнинг ишчанлигингизни қадрлайман. Аммо-лекин насиҳатим шуки, одам бўламан десангиз, катталар билан типпа-тик гаплашманг...

— Кўзингни юмиб жим туравер денг.

— Ҳа бал-ли, ўз оёғингизга ўзингиз болта урманг. Минг ноёб истеъдод эгаси бўлганингиз билан муомала, мурсоюмадорани билмасангиз ҳолингиз ча-тоқ!

— Ҳўп.

— Э, баракалла-а. — Директор секин келиб қўлтиғимдан олди-да, ниманидир қидираётгандек шифтга тикилди. Бўйни семиз, калласи кичкина бу одам шу туришида тумшугини чўзиб турган тюленга ўхшарди. — Биласизми, ОТК дегани нима дегани?

— Техника назорати бўлими.

— Суф сизга. ОТК дегани, Ортиқча Текшириш Керакмас, дегани. Ҳи-ҳи-ҳи, — директор мириқиб кулди, сўнг кўзини сузиб менга юзланди. — Ҳазиллашдим. Аммо.. баъзан шароитга қараб, сал уступка қилиш керак. Фақат қонун билан иш тутаман деб, қонунни маҳкам ушлаб олсангиз, ҳеч нарсага эришолмайсиз. Сизни шу корхонага ўзим тақлиф қилганман. Келажақда одам бўлиб қолинг, дейман. Бўпти, боринг, ухахон.

Директор елкамга қоқиб жойига ўтирди. Мен ташқарига қараб йўналдим-у эшикнинг тагига етганда ортимга ўгирилдим ва унга тикилдим:

— Сифатсиз матоҳга печать уриб беролмайман. Ер барибир айланади.

Шундай қилиб чиқиб кетдим. Сен шу ҳолатда нима қилар эдинг, Козим? Ер айланмайди, дермидинг?..

Шу кунларда директор билан тўқнаш келиб қолсак, тескари қараб олади. Мени ишдан бўшатиш учун баҳона қидириб юрибди. Бир кўнглим ариза ёзиб бўшай ҳам дедим. Кейин ўзимга нашъа қилди: нега мен, давлат, халқ манфаатини ҳимоя қилаётган одам бўшашим керагу, элни алдаётган кўзбўямачи, амалпараст шахс айш қилиб юради? Йўқ. Мен корхонадан кетмайман, истаса ўша ноинсофларнинг ўзлари кетишсин.

Ҳозир шу аҳдимда қатъий турибман. Мана, Козим, сезгандирсан, ҳаётим сен ўйлаганчалик мураккаб эмас. Эсон бўлсак, кўришиб қолармиз. Ҳайр, хат ёзиб тур. Бошлиқларингни ўпиб қўй.

Салом билан, Матлаб.

МУАЛЛИФДАН. Ҳаёт бир тарози бўлса, икки дўстнинг мактублари бу тарозининг икки палласига ўхшайди. Қайси палланинг оғирлиги, сезишимча, сизга ҳам аён бўлса керак. Гоҳи, «Ишқилиб, паллалар алмашиб кетмасин-да», дея ўйга толаман. Йўқ, матлабларнинг палласи вазминлигини сақлаб қолади, бунга гумоним йўқ...

АВТОРЛАРИМИЗ

Абдумажид АЗИМОВ. 1958 йили Сурхондарё областининг Кумқўрғон районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини (журналистика факультетини) тамомлаган. Шеърлари вақтли матбуотда эълон қилинган. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилади.

Қудрат ДУСТМУҲАМЕДОВ. Тошкент шаҳрида туғилган. «Тунги телепатия» фантастик қисса ва ҳикоялар тўпламининг муаллифларидан бири. Публицистик мақолалари билан вақтли матбуотда мунтазам қатнашиб келади. Тошкент Автомобиль йўллари ва транспорти институтининг доценти.

Нурилло ОТАХОНОВ. 1955 йили Фарғона область, Ўзбекистон райониининг Каримдевога қишлоғида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетини тамомлаган (1981 йил). Ҳикоялари «Йўл бошида» коллектив тўпламда чоп этилган.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА. Туркманистон ССРнинг Тошовуз районида туғилган. Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтини тамомлаган. «Юрагимда кўрганларим», «Узун кундузлар» шеърӣй китобларининг муаллифи. «Саодат» журнализда ишлайди.

АВТОРЛАРИМИЗ

«Ешлик («Молодость») —
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИҲОВ
Техник редактор: В. УРУСОВА
Корректор: М. НАБИЕВА
Журнал макетини М. ОВСЯНИКОВ тузган

Адресимиз: 700000, Тошкент-П,
Телефонлар:
Бош редактор — 32-26-01.
Бош редактор ўринбосари — 32-26-06
Масъул секретарь — 32-56-27
Поэзия бўлими — 32-56-41

Редакция ҳажми 12 босма листдан
ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд
қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.
Бир босма листгача бўлган асарлар
авторларига қайтарилмайди. Редакция
ўз тавсиясига кўра амалга оширилган
таржима асарлар қўлёзмаларининг
қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 1.02.85 й. туширилди.
Босишга 7.03.85 й. рухсат берилди.
P-13630. Қоғоз формати 84×108^{1/16}
Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма
листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6.
Тиражи 200983. нусха. Буюртма № 5470.
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени
босмахонаси.
Тошкент, 700029, «Правда Востока»
кўчаси, 26

© «Ешлик», № 3, 1985.
«Еш гвардия» нашриёти



Мутулаа завқи.

У. АҲМЕДОВА фотоси